

МУСО ТОДЖИХОДЖАЕВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
НАМУНАЛАРИ МАРТИН
ХАРТМАНН ТАРЖИМАСИ
ВА ТАЛҚИНИДА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

МУСО ТОДЖИХОДЖАЕВ

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
НАМУНАЛАРИ МАРТИН
ХАРТМАНН ТАРЖИМАСИ
ВА ТАЛҚИНИДА**



**ТОШКЕНТ
2016**



УДК: 821.512.133'25:811.112.2

ББК: 83.3(5Ў)

Т-59

Тоджиходжаев, Мусо

Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида [Матн] / Тоджиходжаев М. – Тошкент: “BAYOZ”, 2016. – 180 б.

Масъул муҳаррир:

Ҳамиджон Ҳомидий, филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Носиржон Улуқов, филология фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон Содиқов, филология фанлари номзоди, доцент

Комилжон Абдуллаев, филология фанлари номзоди, доцент

Ушбу монографияда ўзбек тили ва адабиётининг хорижий давлатлар университетларида ўрганилиши, шунингдек, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Ҳужаназар Ҳувайдо каби мумтоз шоирлар ижодининг немис ва инглизчабон мамлакатлардаги тадқиқига оид маълумотлар тўпланган.

Машҳур венгер шарқшуноси Ҳерманн Вамберидан кейин Ғарбий Европада Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини жиддий ўрганган, жаҳон адабиётини, илк бор, Машраб ҳамда Ҳувайдо каби тасаввуф алломалари асарлари билан бойитган немис шарқшунос олими Мартин Хартманн ўзбек тили дарслигини ҳам яратган. Шунингдек, Хартманн Европада тилимиз ва адабиётимиз дарғаларига ҳолисона баҳо берган олим сифатида қадрланади.

Монография филологлар, тарихчилар, олий ўқув юртлири ижтимоий-гуманитар йўналишлари талабалари ва магистрант-лари, шунингдек, таржима назарияси ва амалиёти, адабий алоқалар билан шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.


УДК: 821.512.133'25:811.112.2

ББК: 83.3(5Ў)

ISBN 978-9943-46-43-8-4

© “BAYOZ”, 2016.

© Тоджиходжаев М., 2016.



*Ушбу монографияни мухтарам онажонимиз
Зоҳидахон Иноятованинг порлоқ
хотирасига бағишлайман.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримез Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 январ куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Бош мақсадимиз — мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенгрок йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. мавзусидаги маърузасида мамлакатимизда илм-фан ривожига катта эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтди ва бу борадаги бир қатор вазифаларимизни белгилаб берди¹.

Ўзбекистон дунёга ўзининг чинакам буюк алломаларини етказиб бердики, улар нафақат ислом дини ва шариат учун, балки бутун инсоният маънавияти, маданиятининг ривожланишига, умуминсоний қадриятларни бойитишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Инсоният равнақи йўлида оламшумул аҳамиятга эга бўлган асарлар яратиб берган имом Исмоил ал Бухорий, Исо ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Раҳимбобо Машраб каби буюк зотларнинг маънавий меросларини ўрганишнинг буюк аҳамияти шундаки, бу улуг зотлар дунёвийлик ва илоҳийликни бирга қўша олган мутафаккир эдилар².

Каримов И.А. Бош мақсадимиз — мавжуд кийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенгрок йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // “Ўзбекистон овози”, 16.01.2016.

Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 1999. — Б.32

Ислом Каримов Шарқнинг улуғ алломаларини ифтихор билан ёдга олганида ўзбек адибларини Ислом мутафаккирлари қаторида санагани ўз-ўзидан тушунарли. Маънавият билан маърифатни, тарбия билан таълимни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмаганидек, исломий фалсафа билан бадий ижод намуналарини бир-биридан ажратиш бўлмайди. Мумтоз адабиётимиз вакиллари юксак маърифатли, маълумотли бўлганлари боис ҳам асарларига сингдирилган ахлоқ-одоб меъёрлари бугунги кунимизда озод ва эркин жамият қуриш йўлида авлодларга ҳамқадамдир.

2005 йилда ЮНЕСКО уйғурларнинг “Ўн икки мақом”ини “A Masterpiece of the oral and intangible heritage of humanity” (Оғзаки ижоднинг бекиёс намунаси, инсониятнинг буюк мероси) деб эълон қилди¹. “Ўн икки мақом” туркий халқларнинг оғзаки ижоди ва Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Хўжаназар Хувайдо каби шоирларнинг кўшиққа айлантирилган ҳикматларидир. Шарқ маънавияти ва маърифатининг ушбу атокли намояндалари нафақат шу минтақанинг, балки жаҳон адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшган адиблардир. Уларнинг асарлари хорижий тилларга қайта-қайта таржима қилинган ва қилинмоқда. Шу тариқа жаҳон адабиёти умуммиллийлик касб этиб, машиқзамин шоирларининг юксак бадий санъатларга йўғрилган асарлари ҳисобига бойимокда. Бу борада таржима халқлар ўртасидаги адабиётлар ва маданиятлар айирбошlashда воситачи бўлиб хизмат қилмоқда.

Таржима нафақат адабиётлар ва маданиятлараро мулоқотни йўлга қўювчи, балки жаҳон халқлари ўртасида ўзаро ишонч, меҳр-оқибат ва дўстликни мустаҳкамловчи ҳамда тинчликни таъминlashда асосий қуролдир.

Алишер Навоий вафотидан 57 йил ўтгач унинг асарлари Европа тилларига таржима қилиниб, ҳозирда жаҳон адабиётининг машҳур адиблари қаторидан ўрин олган бўлса, Раҳимбобо Машраб тасаввуфий қарашлари билан йўғрилган

Light N. Intimate heritage: Creating uyghur muqam songs in Xinjiang: – Berlin, LIT – Verlag, 2008.

асарлари XIX асрнинг ўрталарида, Хўжаназар Хувайдо шеърлари эса, XX асрнинг бошларида немис тилига ўтирилди. Навоий асарлари немис тилига биринчи бор аслиятдан эмас, балки, Европа тилларига қилинган таржималар орқали қайта яратилган. Венгер шарқшуноси Ҳерманн Вамберининг сайъ-ҳаракати билан 1867 йилда шоир дoston ва ғазаллари бевосита ўзбек тилидан немисчалаштирилди. Орадан 35 йил ўтгач, бу анъана давом этиб, машҳур немис шарқшуноси, профессор Мартин Хартманн шоир асарларини аслиятдан ўз она тилига ўтирди. Хартманн, Навоий асарларини тўлиқ тушунтириш учун, европаликларга, аввало ўзбек тилини ўрганишни таклиф қилди. Унинг 1902 йилда Берлинда чоп этирилган “Чигатой тили” дарслиги унғача яратилган дарсликлардан соддалиги ва аниқ мақсад – Навоий асарларини аслиятда ўқиб-ўрганишга мўлжаллангани билан фарқ қилади.

Шарқ шеърийатининг Ғарбий Европа халқлари тилларига муттасил ўтирила бориши ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётида мустаҳкам ўринга эга эканлигини намоиш қилди. Бугунги кунга қадар, Ғарб ва Шарқ адабий алоқалари ва таржимашунослик муаммолари бўйича, Ўзбекистонда бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада Ф. Сулаймонова¹, Н. Отажонов², М. Холбеков³, Ў. Нурматов⁴, З. Содиков⁵, С. Исмамов⁶, Д. Ибрагимова⁷ каби кўплаб ўзбек олимлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар. Айниқса, Навоий асарларининг хорижий тилларга таржималари таҳлилига оид бир неча тадқиқотлар яратилган. Жумладан, С. Олимов

Сулейманова Ф. Из истории взаимосоотношений литератур Востока и Запада/ Древний период/: Автореферат дис. ... докт. фил. наук в форме научного доклада. – Ташкент, 1991.

Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида. Фил. фанл. докт. дисс. ... – Тошкент, 1994.

Холбеков М. Узбекско-французские литературные связи./ в аспекте перевода, критики и восприятия/: Дисс. ... канд. фил. наук. – Самарканд, 1991.

Нурматов У. Трагедия Шекспира на узбекском языке. Дис. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1985.

Садиков З.Я. Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили. Фил. фанл. докт. дис. ... – Тошкент, 2010.

Исмамов С.С. Француз халқ эпоси матнлари лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фанл. номз. дисс. ... Навоий, 2010.

Ибрагимова Д. Песнь о Хилдебранде и её восточные и европейские параллели. (Проблемы структуры текста и сравнительного анализа.) Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2010.

номзодлик диссертациясида¹ шоирнинг рус, тожик ва озарбайжон тилларига ўтирилган асарларини қиёсий таҳлил қилиш билан Шарқ мумтоз адабиётидаги бадиий санъатларнинг таржимада қайта яратилишига оид тадқиқот яратди. Шунингдек С. Н. Иванов², А. А. Клименко³, А. Хайитметов⁴, К. Жўраев⁵, Г. Ғафурова⁶, Ғ. Саломов⁷, М. Муродов⁸ каби адабиётшунослар Алишер Навоий асарлари таржималари бўйича тадқиқот ишлари олиб бордилар. Аммо уларнинг ишлари шоир асарларининг муайян тиллардаги таржималари таҳлиliga бағишланган. С. Ёкубов⁹ номзодлик ишида Навоий асарларининг Германияда ўрганилишига оид муаммолар билан шуғулланган бўлса, У. Сотимов¹⁰ Навоий шахси ва ижодий фаолиятининг жаҳон шарқшунослари томонидан ўрганишлари, хусусан, италян, француз, инглиз, турк, рус, немис ва бошқа миллат олимларининг жаҳон навоийшунослигига қўшган ҳиссасини таҳлил қилган. А. Абдулажонов¹¹ Навоий меросининг Германияга кириб бориши тарихи, шунингдек “Фарҳод ва Ширин” достонининг А. Курелла томонидан билвосита ўтирилари, шоир муножоти ва ҳикматли сўзларининг немисча таржималари мисолида анъанавий муаммолар-таржима ва адабий жанр, шакл ва мазмун бирлиги масалаларига тўхталган.

Олимов С. Проблемы воссоздания и трансформации поэтических фигур в переводе произведений Алишера Навая. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.

Иванов С.Н. В красе негленной предстаёт. – Москва: Наука, 1977. стр. 5-39.

Клименко А.А. К вопросу об украинско-узбекских литературных связях. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. - стр.117.

Хайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Ўз. ФА нашриёти, 1961.

Джураев К. Сопоставительное изучение поэтических переводов в контексте межлитературных и межкультурных связей. / на материале русских переводов “Хамсы” А. Навая и узбекского эпоса “Алпамыш”. Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991.

Ғафурова Г. Развитие перевода в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1973.

Саломов Г. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

Муродов М. Навоийшунослар жасорати. – Тошкент: Фан, 1972.

Якубов С.Б. К проблеме взаимовлияния и взаимообогащения литератур на основе материалов литературных связей Узбекистана и Германской Демократической Республики 1960-1975гг. – Ташкент, 1978.

Сотимов У. Исследования жизни и творчества Алишера Навая в западноевропейском востоковедении. Дисс... докт. филол. наук. – Москва, 1988; Навоий хусусида Алфред Курелла фикрлари. // Гулистон, № 7, 1990. - Б. 8-9.

Абдуллажонов А.А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил қилиш. Филол. фанл. номз. дисс. ... – Тошкент, 1998.

Адабиётшунос олима Р. Абдуллаева¹ эса Навоий меросининг Европада ўрганилишига оид бир катор мақолалар ёзган. Аммо бу илмий ишларда Мартин Хартманнинг Навоий ҳаёти ва ижодига оид тадқиқотлари, шоир асарларидан қилинган таржималар таҳлили қамраб олинмаган.

Адабиётшунос олим А. Худойбердиев ўзининг “Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо” мавзусидаги тадқиқотининг кириш қисмида,² рус шарқшуноси М.Гавриловнинг мулоҳазалари асосида, Мартин Хартманнинг Хувайдо назалларини немис тилига таржима қилгани ҳақида мухтасар сўз юритган. Аммо Раҳимбобо Машраб ва Хўжаназар Хувайдо каби мумтоз шоирларимиз асарларининг Ғарбий Европада, хусусан, немис тилли мамлакатларда ўрганилиши масаласи махсус тадқиқотлар мавзуси бўлмаган.

Ушбу монографиядан кўзланган асосий мақсад ўзбек тили ва адабиётини Европада тадқиқ ва тарғиб қилиниши, Шарқ мумтоз адабиёти намуналари, хусусан Навоий, Машраб, Хувайдо каби шоирлар асарларининг Германияда ва бошқа немис тилли мамлакатларда таржима ва талқини масаласи, шунингдек, Раҳимбобо Машраб қадамжолари бўйлаб хорижликлар томонидан уюштирилган биринчи илмий сафар натижаларини таҳлил қилишдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгиланган:

– немис шарқшуноси Мартин Хартманн сайъ-ҳаракатлари билан Европада ўзбек тили ва адабиёти бўйича яратилган “Чиғатой тили” дарслиги ҳақидаги мулоҳазаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш;

– Навоий, Машраб ва Хувайдо асарларининг немисча таржималарини қиёсий-типологик йўналишда таҳлил қилиш орқали Мартин Хартманнинг таржимонлик маҳоратини аниқлаш;

Абдуллаева Р. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1, 2007.-Б.40-45; Германияда навоийхонлик. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 3, 2010.Б. 22-28.

Худойбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Дисс. ... канд. филол.наук. – Т.: 1990.-стр.7.

– Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарининг немис тилига таржималари мисолида Хартманнинг Шарк бадий санъатлари ва тасаввуфга оид салоҳиятини аниқлаш;

– аслият ва таржима сифати, матн ва талқин масалаларини муайян асарлар мисолида ўрганиш учун Навоий ва Ҳувайдонинг Тошкент ҳамда Истамбул нусха девонларидаги айрим фарқлар ва уларнинг таржима сифатига таъсири муаммосини ёритиш;

– Херманн Вамберининг “Чигатой тили” дарслигидаги Машраб ғазалининг асли ва немисча таржималари асосида шоирнинг янги аниқланган ғазалини илмий истеъмолга киритиш;

– Машраб шахси, фалсафаси ва асарлари бадийятининг Хартманн талқинини ўрганиш;

– тасаввуфий мазмундаги “Девони Машраб” ва “Қиссаи Машраб” манокибларининг қисқартириб таржима қилиниши сабабли юзага келган хато ва етишмовчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиш.

Қўйилган масалалар Мартин Хартманинг “Чигатой тили” дарслиги, ундаги Навоий ғазаллари, “Девони Машраб” ва “Қиссаи Машраб” манокиблари асосида яратилган “Машраб—доно телба ва авлиё даҳрий”, “Қадамжо”, “Ҳувайдонинг чигатойча девони” мақолалари ва Людмила Ханишнинг “Бизнинг Исломни булғайверманг” (Хартманн ва Гольдциернинг 1880-1914 йиллардаги ёзишмалари) китоби асосида ёритилади.

Шу билан бирга Хартманнинг туркшунос олим сифатидаги фаолияти, Туркистондаги Машраб қадамжолари бўйлаб 7 ойлик илмий сафари, сафар якунида ёзилган 20 дан ортиқ илмий мақола ва 3 та китоб ҳақида мухтасар маълумотлар берилади.

Хартманинг илмий ишларини жаҳон туркшунослиги соҳасида қиёсий ўрганиш ва зарур хулосалар чиқариш, шунингдек, шарқшунос олим ижодининг кейинги авлод тадқиқотларига таъсирини белгилаш учун унга ва ундан кейинги даврларда яратилган асарларга ҳам эътибор берилди.

Биз келтирган маълумотларнинг асосий қисми илк бор илмий истеъмолга киритилмоқда.

Алишер Навоий ижодий меросига бўлган қизиқиш Европада 550 йиллик тарихга эга бўлса-да, ҳамон шоир ижодига адабиётшунослик ва таржимашунослик йўналишида мурожаат қилган олимларнинг янги тадқиқотлари топилмоқда. Немис олими Хартманнинг “Чиғатой тили” дарслигида Навоий газаллари ва ҳикматларини немис тилига ўгириб, уларнинг яна бошқа таржимонлари ҳақида маълумот бериши адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳасида ҳали алоҳида ўрганилган эмас.

Раҳимбобо Машраб меросини ўрганиш Шарқда 300 йилдан зиёд тарихга эга бўлса, Ғарбий Европада бу жараён 150 йил аввал бошланди. Ҳерманн Вамберининг “Чиғатой тили” дарслигидаги Машраб ғазалининг немисча таржимаси ватан таржимашунослигида таҳлилга тортилмаганидан ташқари унинг аслияти Ўзбекистондаги нашрларда учрамайди. Машраб ҳақида Ғарб адабиётида биринчи бор тўлиқ маълумот берган Мартин Хартманн ўзининг “Машраб — доно телба ва авлиё даҳрий” асарида, айрим европалик шарқшунослардан фарқли ўларок, шоир ижодига ҳолисона ёндашган. У шоир юрган йўллар бўйлаб илмий сафар уюштириб, натижаларини эълон қилган.

Ҳўжаназар Ҳувайдо девонининг 1900 йилда Истамбулдаги Маҳмудбей босмахонасида тошбосма усулида чоп этилгани Европа шарқшуносларининг ўзбек мутасаввуф шоири билан танишуви учун катта имконият бўлди. Хартманн ана шу манбадан шоир ижодининг бадиий-ғоявий йўналишини ифодаловчи ўн битта ғазални таржима учун танлаб олди ва кўплаб изоҳлар билан “Westasiatische Studien” журналида чоп эттирди.

Хартманн мақолаларида юқорида номлари тилга олинган алломаларнинг Истамбул нусха девонларидаги турли камчилик ва хатолар ҳам кўрсатилганки, уларни матншуносларимиз эътиборига ҳавола қиламиз.

Таҳлилга жалб этилган далиллар ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, хусусан, Навоий, Машраб ва Ҳувайдо каби

мутасаввуф шоирлар асарларининг таржима воситасида Европа адабиётига кириб бориши тарихига ойдинлик киритади, улар асарларининг XX аср бошларидаги талқини ҳақида мухтасар малумот беради, ўзбек тилининг жаҳон тиллари ўртасидаги ўрни Хартманнинг “Чигатой тили” дарслиги мисолида илмий истеъмолга киритилади. Тадқиқотнинг назарий хулосаларидан ўзбек мумтоз адабиётининг жаҳон адабиётига интеграцияси мавзуидаги дарслик, ўқув қўлланма, шунингдек, турли методик тавсияномалар яратиш, олий ўқув юртларида таржима назарияси ва амалиёти ҳамда, қисман, матншунослик йўналишларида олиб бориладиган машғулотларда фойдаланиш мумкин.

МАРТИН ХАРТМАНН – ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИНГ ҒАРБДАГИ ТАДҚИҚОТЧИСИ

1.1. Мартин Хартманнинг “Чигатой тили”

дарслиги хусусида

Шарк ва Ғарбни дунё маънавий-маърифий ҳаётининг бир-бирини тақозо қилувчи ва айни пайтда бир-бирини тўлдирувчи икки кутби деб қаралса, бу икки кутбни ўзаро яқинлаштирувчи воситалардан бири тил дарсликларидир. Немис халқининг маданий ва адабий обидаларини ўзаро айирбошлашда Марказий Осиёда яратилган немис тили дарсликларининг ўрни ва аҳамияти қанчалик катта бўлса, Европада нашр қилинган ўзбек тили ва адабиётига оид дарслиklar аҳамияти ҳам шунчалик бекиёсдир.

Машҳур венгер шарқшуноси Ҳерман Вамберининг “Caghataische Sprachstudien”¹ (Чигатой тили дарслиги) ва “Skizzen aus Zentralasien”² – (Марказий Осиё очерклари) китобларидан сўнг шундай дарслиklar ёзиш Европада анъанага айланди. Кўплаб туркшунос олимлар ўз фаолиятлари давомида, йирик тадқиқотларининг якуни ёки илмий сафарларининг ҳосиласи сифатида чигатой-ўзбек тили дарслигини яратдилар³. Бу дарслиklar Европада ўзбек тили ва адабиёти ихлосмандлари учун асосий ўқув адабиёти бўлиб, тилимизнинг гўзал бадиий жилоси, бой лексик имкониятлари ҳақида кенг маълумотлар берувчи манба бўлди. Ғарб мамлакатларида нашр қилинган ўзбек тили дарсликлари ҳақида, мухтасар бўлса-да, маълумотлар беришдан асосий мақсадимиз ушбу фаслда таҳлилга тортилаётган Мартин Хартманнинг “Cagathaisches” (Чигатой тили) дарслигининг шундай асарлар силсиласидаги ўрни ва аҳамиятига эътиборни қаратиш, шунингдек, унинг бошқа дарслиklarдан шакл ва мазмун жиҳатдан фарқли

Vambery . H. Caghataische Sprachstudien. – Leipzig: F.A. Brockhaus, 1867.

Vambery H. Skizzen aus Zentralasien. – Leipzig, 1868.

Schimmel A-M. Deutschland und Usbekistan. – Berlin, 1994.

томонларини аниқлаш, дарсликнинг Европадаги туркий тилни ўрганувчилар учун аҳамияти даражасини белгилашдир.

Вамберидан кейин немис тилли юртларда чигатой – ўзбек тили дарслигини яратган олим австриялик туркшунос В. Томашек бўлиб, у ўзининг "Centralasiatische Studien"¹ (Марказий Осиё сабоқлари) номли китоби билан Европада ўзбек тили ва адабиётини тарғиб қилган йирик шарқшуносдир.

Шарқ тиллари ва адабиётининг оташин мухлиси бўлмиш французлар ҳам бу борада немислардан қолишмайдилар. 1890-95 йилларда Марказий Осиёга илмий-этнографик сафар уюштириб, маҳаллий халқларнинг тили, адабиёти, маданияти, иқтисодий-сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишган француз шарқшунослари Фердинанд Гренар ва Дитрёл де Рэн ўзларининг тадқиқотларини "Mission scientifique dans la Haute Asie"² – (Буюк Осиёга илмий сафар) деб номланган китобга жамладилар. Бу китобда анъанавий равишда турли миллат ва элатлар, уларнинг турмуш тарзи, хўжалик юритиши, шаҳар ва кишлоқларнинг географик жойлашуви ҳақида мухтасар маълумотлар бериш билан бирга, маҳаллий аҳолининг тили ва шеваларига оид маълумотлар ҳам берилган. Китобда айниқса, шоир ва ёзувчилар ижодига кенг ўрин берилган.

Йигирманчи асрда шундай дарсликлар ёзиш яна давом этди. Инглиз туркшуноси Роберт Баркли Шоунинг "Sketch of the turky language"³ – (Турк тилидан очерк), кейинроқ туркиялик Меҳмед Садикнинг "Усси лисони туркий"⁴ – (Туркий тил грамматикаси), Абел Ж. Ф. ва Паве де Куртейл ҳаммуаллифлигида ёзилган "Turkish literature"⁵ (Турк адабиёти) каби дарсликлари Европада ўзбек тилини ўрганишга қизиққанларга узоқ вақт дарслик вазифасини бажарди. Тилшунослар орасида дарсликлар яратишга бутун умри давомида тайёргарлик кўрганлар ҳам бор. Бу

Tomaschek W. Centralasiatische Studien. – Wien, 1880.

Detreul de Rins. Mission scientifique dans la Haute Asie 1890-1895. Troisième Partie: Histoire-Linguistique-Archéologie-Geographie par F. Grenard. – Paris, 1898.

Shaw Robert Barkley. Sketch of the turky language. – Lahore, 1875.

Mehemet Sadiq. Ussi lisani turki. – Stambul, 1888. محمد صادق أوسى لسانى تركى. استمبول ۱۲۸۸.

Abel J.B. M.M. Pavet de Courteille. Turkish literature. – London, 1902.

дарсликлар туркий тилда ёзилган бошқа кўплаб адабиётларни мутолаа қилиш учун зарур манба бўлди. Ана шундай ўқув қўлланмаларни яратганлардан бири, машҳур немис шарқшуноси, Ислом фалсафаси, араб, турк ва форс филологияси бўйича мутахассис Карл Броккельманн Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғот ит-турк” асарини немис тилли халқларга етказиш учун “Kaschgaris Wortschatz”¹ – (Қошғарий луғати) номли қўлланма яратди. Китобнинг хрестоматия қисмида грамматик ва услубий қоидаларни мустахкамлаш учун “Девони луғот ит-турк”дан кўплаб намуналар берилган. Броккельманн ижодий фаолияти давомида туркий тилларда тўплаган тил ва адабиётга оид материалларини жамлаб “Osttürkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens”² (Ўрта Осиё ислом адабий тилининг шарқий турк тили грамматикаси) дарслигини нашр эттирди.

Машҳур немис шоири Йохан Вольфганг Гётенинг ... “Wenn du den Dichter willst kennen, sollst in seine Heimat gehen” (шоир билан танишмоқ истасанг, унинг юртига боргин) деган ўғити барча европаликларнинг, аксари немис шарқшуносларининг дастуриламали бўлди. Бунинг исботини 1929–30 йилларда ўзбек фольклоршунос олими Ғози Юнус раҳбарлигида ўтказилган лингвистик-этнографик экспедициянинг хорижий аъзоси бўлган Карл-Хайнрих Менгеснинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Менгес 1929 йилда тўрт ой давомида (16. 05 - 13. 09. 1929) Москва, Волгабўйи, Кавказ ва Марказий Осиёнинг бир қатор шаҳарларида кузатишлар олиб борди. У Тошкент, Марғилон, Самарқанд, Китоб, Бухоро, Лашхобод ва Красноводск шаҳарларида бўлиб, кўплаб маориф ташкилотларида учрашувлар ўтказди, маҳаллий аҳоли вакиллари: олимлар, адиблар, эртақчилар, лапарчилар, оқинлар ва бахшилар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг асарларини қоғозга туширди. Шу тадқиқотлар натижасида “Drei o‘zbekische Texte”³ (Уч ўзбекча матн) номли дарслик

Karl Brockelmann. Kaschgaris Wortschatz. – Leiden, 1928.

Karl Brockelmann. Osttürkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens. – Leiden, 1954

Menges K.-H. Drei o‘zbekische Texte.//: Der Islam. – Berlin, 1933

ёшилди. Китоб европаликлар учун ўзбек тили ва адабий-маданий ҳаёти билан таништирган йирик ҳажмли дарсликлардан бири бўлибгина қолмасдан, ўзбек халқ оғзаки ижодининг янги намуналарини жаҳонга танитишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Дарслик ноанъанавий усулда тузилган. Аввалги дарсликлар муаллифлари ишнинг грамматика ва фонетика қисмларига асосий эътиборни қаратган бўлсалар, бу дарсликда XX асрнинг биринчи чорагидаги мамлакатимиз аҳолиси ҳақидаги маълумотлар ва маънавий-бадний обидалар — халқ оғзаки ижоди намуналари берилган. Асар таҳсилига киришган ўқувчи аввал ўзбекча матн билан танишади, сўнгра шу манба учун зарур бўлган грамматик, фонетик, лексик ва стилистик қоидаларни ўрганади. Ўзбекча матнлар билан ёнма-ён уларнинг немисча таржималари берилган. Шунингдек, китобда ўзбек тили шевалари ҳақида маълумотлар, олимлар томонидан ўрганилган шевалар ва келгусида ўрганилиши зарур бўлган соҳалар ҳақида мулоҳаза ва тавсиялар ёзилган. Шу муаммолар ичида Наманган вилояти аҳолиси шевалари, жумладан Чортоқ шевасинини ўрганиш долзарб муаммолар қаторига киритилган.

Йигирманчи асрнинг 30-йилларида, ўша даврнинг сиёсий-иқтисодий шароитига кўра, Европада туркология фанидан кўра арабшуносликка кўпроқ аҳамият берилди. Шундай бўлса-да, Германиянинг бир қатор университетларида туркшуносликни ўқитиш ва шу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш давом этди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Туркистондан кўра араб саҳроларида сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлар авжига чиқди. Лекин уруш даврида асирга тушган марказийосиёлик мусулмон турклар тақдири биринчи галда олимларни қизиқтирди. Улар жаҳон халқларига ўзларининг фашизмга қарши қайфиятда эканларини билдириш ниятида эдилар. Аммо ўша даврдаги фашистик сиёсат туфайли туркий халқлар, хусусан, ўзбек маданияти ва адабиёти ҳақида асарлар ёзиш таъқиқланган эди. Шунинг учун филологлар сиёсий ҳийла ишлатишга уриндилар. Улар

туркистонлик ҳарбий асирлар билан иш олиб борадиган мутахассислар камлигини сабаб қилиб, мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги ва бу муаммо биринчи галда дарсликлар тайёрлаш билан ҳал этилишини сиёсатдонларга тушунтирдилар. Натижада улар кўп йиллик тадқиқотларини чоп эттиришга муваффақ бўлдилар. Атоқли немис туркшуноси Анна-Мария фон Габайн ўзининг “Ösбекische Grammatik”¹ (Ўзбек тили грамматикаси) деб аталган дарслигини 1944 йилда нашрга топширди. Асар бир йил кейинроқ 1945 йилда чоп этилган. Гарчи китобда грамматикага кўпроқ ўрин берилган бўлса-да, Габайн хоним тадқиқотларининг бош мавзуси-Туркистон миллий озошлик ҳаракати намояндалари бўлмиш жадид адиблари асарларидан намуналар китобнинг хрестоматия қисмида берилди. Бошқа дарсликлардан фарқли ўлароқ, бу китобдаги ўзбекча матнлар немисча транскрипцияда берилиб, таржима қилинмади. Эҳтимол, бу тадбир муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилгандир. Лекин, китобдан ўзбек адабиётининг сара асарлари ўрин олгани, бу халқнинг тарихи ва маданияти буюклигини яна бир таъкидлашдир. Маданияти ва маънавияти юксак халқни эса енгиб бўлмайди. Немис олимлари шу тариқа ўзга халқлар билан бирдамликларини ифодалаганлар. Яна шуни айтиш лозимки, унга киритилган айрим ҳикоялар ҳали Ўзбекистонда чоп қилинмаган. Улар махсус тадқиқот объектига асос бўлади. Габайн хонимнинг бу китоби Европада уруш туфайли тўхтаб қолган туркшунослик фанининг кейинги йиллардаги тараққиётига катта туртки бўлди.

Герман Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги”га асосан Ўзбекистоннинг ғарбий вилоятлари: Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм шевалари ўзбек адабий тили меъёри қилиб олинган. Фарғона водийси ўзбеклари бир хил меъёрий тилда гаплашсалар-да, маҳаллий урф-одатлар, турмуш тарзи ва адабий анъаналар ўртасида катта фарқлар бор.

¹Gabain von A.-M. Ösбекische Grammatik. -- Leipzig, Wien: Otto Harrasowitz Verlag, 1945.

Мартин Хартманн Европада асосан, арабшунос олим сифатида танилган бўлиб, ўзининг ижодий фаолиятида Шарқ мамлакатлари давлат қурилиши, улардаги сиёсий курашлар ва маданий ҳаётни тадқиқот объекти қилиб олган. У тадқиқотларни шунчаки журналист-кузатувчиликдан замонавий илм-фан объекти даражасига кўтара олган Германиядаги биринчи ва узоқ вақт ягона олим эди¹. Хартманнинг асосий машғулотли араб тили ва адабиёти, ислом фалсафаси бўлибгина қолмай, у Шарқ халқлари сиёсати ва иқтисодиёти соҳасидаги асарлари билан ҳам машҳур эди. Хартманн гарчи, ўзбек тили ва адабиёти билан нисбатан қисқа муддат — 10 йилга яқин вақт жиддий шуғулланган бўлса-да, шу даврдаги фаолиятида Марказий Осиё тарихи, этнографияси, тили ва адабиётига оид кўплаб асарлар ёзди. Унинг «*Sagathaisches*» (Чигатой тили) дарслиги Вамберининг “Чигатой тили дарслиги”дан фаркли ўларок, асосан, ўзбек адабий тили асосчиси Алишер Навоий ижодининг тарғиби ва тадқиқига бағишлаган.

Китобнинг яратилишига туртки бўлган яна бир сабаб Хартманнинг ўзбек тили ва адабиётининг софлиги учун қайғурганидир. Китобнинг йигирманчи асрнинг дастлабки йилларида ёзилгани бежиз эмас. Бу йилларда Ислом ўлкаларида сиёсий ва иқтисодий юксалиш кўзга ташланмоқда эди. Бундан ташқари аввалги мустамлакалар энди бошқа мустамлакачилар томонидан қайтадан бўлиниш арафасида бўлиб, бу курашлар турли йўللار билан амалга оширилган. Биринчи навбатда қарам қилинган миллатларнинг бирлашувига йўл қўймаслик, уларни якка ҳолда итоатда тутиш, ҳарбий-сиёсий йўллار билан, куч ишлатган ҳолда норозилигини бостириш бўлса, иккинчи томондан, нохристиан ўлкалар, аввало, исломий халқларни христиан динига тарғиб қилиш бўлди. Осиёнинг айрим халқлари бу ҳаракатларга тобеъ бўлиб, христиан динини қабул қилдилар. Жумладан, қадимдан исломий ва буддавий мамлакат бўлган Ҳиндистон энди Инжилни ҳам қабул қилди. Шу тариқа узоқ


Becker Carl-Heinrich. Der Islam. X. 1920. - S. 223. // Islamstudien, II. 481 ff.

Йиллар давомида Ислом ва Будданинг тинч-тотувлиги исосида яшаган мамлакат халқлари орасига энди христиан дини ҳам кириб келди. Илгари масжид ва будда марказлари бўлмиш ибодатхоналарга энди турли инжилий худолар ва санамларнинг суратлари туширилди. Азалий ибодатлар ўрнини янги ибодатлар эгаллади. Бу ҳолатни Европа шарқшунослари турлича қабул қилдилар. Матбуотда Ислом ўлкаларининг таназзули, мусулмонларнинг ўз динидан оммавий юз ўгираётгани ҳақидаги хабарлар кўпайиб борди. Энди исломшунослик билан шуғулланиш заруриятсиз, яқин йиллар ичида ислом дини йўқолиб, ўрнига христиан дини келади, деган «илмий башорат» ва даъволар кучайди. Ана шундай даврда Европада Ислом ва Шарқ халқлари адабиётининг келажагига ишонувчи олимлар ҳам топилди. Ана шулардан бири Мартин Хартманндир¹. У Европада арабшунос олим сифатида танилган бўлса-да, ўн тўққизинчи асрнинг сўнгги ва йигирманчи асрнинг дастлабки йилларида туркшунослик соҳасида бир қатор йирик асарлар яратди. Узоқ йиллар давомида Туркия мадрасаларида таҳсил олиб, турк тили ва адабиётига оид ўнлаб салмоқли асарлар ёзган шарқшунос энди марказийосиёшунослик йўналишида ҳам йирик асарлар яратди. Бу тадқиқотларнинг энг салмоқлиси Европада туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилини ўрганувчилар учун яратилган “Caghataisches”² (Чигатой тили) дарслигидир.

“Чигатой тили” дарслиги Хартманн томонидан ташкил қилинган “Materialien zu einer Geschichte der Sprachen des vorderen Orients” Herausgegeben von Martin Hartmann, Berlin (Шарқ халқлари тиллари ва адабиёти тарихи материаллари, Мартин Хартманн томонидан Берлинда нашр қилинган) дарсликлар сериясига киритилган эди. Дарслик 1902 йилда Ҳайделберг шаҳрида Карл Винтернинг “Universitätsbuchhandlung” (Университет китоб савдоси) нашриётида босилди.

¹ “Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht”. Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. Herausgegeben und kommentiert von Ludmila Hanisch. Otto Harrasowitz Verlag, -Leipzig. 2000. Vorwort.

² Hartmann M Caghataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. Herausgeben von Martin Hartmann (Berlin). Heft 2. Heidelberg, Carl Winter's Universitätsbuchhandlung, 1902



Унинг биринчи қисмига Хуго Макас томонидан ёзилган “Қурд тили дарслиги” ҳам киритилган¹. Китобнинг иккинчи қисмидаги “Чиғатой тили” дарслиги 108 саҳифадан иборат бўлиб, унинг 18 саҳифаси тушунтириш, 6 саҳифаси чиғатойча муқаддима ва сўзбоши ҳамда 82 саҳифаси асосий қисмдир. Дарсликнинг кириш қисмида унинг ёзилиш сабаблари баён қилинган. Китобнинг ёзилишига сабаб бўлган асар Туркиянинг Скутари шаҳридаги Бухоро жомеъ масжидининг шайхулисломии Шайх Эдхам ўғли Меҳмед Садикнинг усмонли турк ва ўзбек тилларини қиёслаб ёзган “Усси лисони туркий”² (Туркий тил грамматикаси) дарслигидир. “Усси лисони туркий” китоби Туркияда чиғатой - ўзбек тилини ўрганиш ва туркий тилда ёзилган асарларни ўқиш мақсадида бўлган кишилар учун тайёрланган эди. Дарсликка машхур турк тилшуноси Аҳмад Мидҳат тақриз ёзиб, уни ижобий ва зарур, деб баҳолаган бўлса-да, Хартманн уни бутунлай яроксиз, деб топади. Китобнинг биринчи саҳифасидаёқ муаллиф дарсликнинг ёзилиш сабабларига тўхталиб, асосийси ундаги хатоларнинг кўплигида, деб кўрсатади. Немис шарқшуноси китобдаги муҳим камчиликларни қуйидагича шарҳлайди: ... Sein *ussî lisani turki* ist eine schwache Leistung trotz der Lobsprüche Ahmed Midhats. Ihre Hauptmangel ist, daß der Verfasser nicht aus lebendiger Anschauung heraus spricht und daß ihm zugleich die Schulung des durchgebildeten Osmanlis fehlt. Diese gibt freilich, weil beschränkt und befangen in einer Schablone, meist ein Zerrbild dessen, was sie zu beleuchten unternimmt. ...Er liefert ein Sammelsurium von Angaben, die uns deshalb auf Thatsachen nicht schliessen lassen, weil ihnen die wesentlichen Bestimmungen von Zeit und Ort fehlen...³ Таржимаси: Садикнинг “Усси лисони туркий” китоби, Аҳмад Мидҳатнинг мақтовларига қарамасдан, кучсиз уринишдир. Асосий камчилиги шундаки, муаллиф китобатчиликда амалий

Hugo Makas. *Kurdische Studien*. Heidelberg., Carl Winters Universitätsbuchhandlung, 1902.
Mehemet Sadiq. *Ussi lisani turki*. Istanbul, 1888.

Hartmann M. *Çaghataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients*. Herausg. von Martin Hartmann (Berlin). Heft 2.- Heidelberg, Carl Winter's Universitätsbuchhandlung, 1902 - S.1

тасаввурга эга эмас. Кўп ҳолларда унга усмонлиларнинг илмий топқирлиги, изланишлари ва тажрибалари етишмайди. Китоб эски қолип-шаблон ҳолига туширилган. Танлаб олинган далиллар чала ҳолда. Муаллиф кўпчиликка маълум бўлган фактларни тўшловчи-камтар кузатувчи бўлиб қолган, материаллар таҳлил қилинмаган. Шунинг учун замон ва макон талаблари асосида зарур хулосалар чиқариш имкони йўқ. Чунки муаллиф воқеа-ҳодисаларнинг даврийлигини тушунмайди. Садик далилларни қоринтириб юборган: Навоий (асарлари) тили билан ҳозирги туркистонликларнинг тили, кўпинча қоидаларни четлаб ўтадиган-юксак санъат даражасидаги ёзув обидаси билан Фарғонанинг шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси ёзувлари фарқланмаган.

Хартманн давом этиб ёзади: Ein Korrektur liegt für einen Teil des Büchleins und nach einer Richtung vor in den Bemerkungen, welche der treffliche Mann mir machte... Arif aus Aqsu in Chinesisch Turkistan. Ich täusche mich natürlich nicht darüber, daß seine Mitteilungen volle Glaubwürdigkeiten nur verdienen für die Sprache seiner Vaterstadt Aqsu...¹ Таржимаси: ...Менинг қўлимда Меҳмед Садик китобининг бир қисми, кўплаб тузатишлар киритилган ҳолда қўлёзма шаклида турибди. Тузатишларни Қашқарнинг Оқсув шаҳрилик Ориф Ниёз Муҳаммад² исмли киши бажарган. Фикримча, Орифнинг тузатишлари она шаҳри Оқсув материаллари асосига қурилган бўлиб, таҳрирга муҳтож. Таҳрир жараёнида Қашқар ва Андижон аҳолисининг адабий тили ва шевалари бошқа манбалар билан солиштирилди ва тўлдирилди. Андижон тилига оид хатоликлар эса Орифнинг она шаҳри маҳаллий тили, шева ва адабий анъаналарининг таъсиридир. Камчиликларга қарамай, унинг сўзи тўғри хулосалар чиқаришда асқотади ва Радлов маълумотларини тўлдиради...

Дарслик муаллифи “Усси лисони туркий”даги бошқа камчиликларни қуйидаги уч ҳолатда деб билади:

Hartmann M. Saghataisches. – S.III-IV. Vorwort.

Ориф Ниёз Муҳаммад – Хартманн Константинополда тадқиқотлар ўтказган даврида унга ёлдошлик қилган мулла. Асли Қашқарнинг Оқсув шаҳридан.

1. Асосий камчиликлар жами саккизта бўлиб, улар “Чиғатой тили”нинг кириш қисмида санаб ўтилган.

2. Бевосита грамматика, лексика, стилистика ва фонетика соҳаларига оид илмий-услубий камчиликлар. Муаллиф китобнинг “Verschiedene Regeln” (турли қоидалар) бўлимининг Грамматика ва Хрестоматия бобларида турк муаллифи йўл қўйган қоидаларга эътиборни қаратиб, у ёки бу сўзнинг ёзилиши, ўқилиши, мазмуни ва қўлланишига оид хатоларни кўрсатиб ўтади. Жумладан, “Санок сонлар” мавзусида Садикнинг “Андижонда ракамларни айтишда биркам ўн, икки кам ўн, уч кам йигирма дейдилар” деган кизик бир қоида келтиради ва аниқланган камчиликларни бартараф қилишда Орифнинг фикрларига таянади: Als ich Arif den Inhalt des mit einem hochtönenden “*qoida*” überschriebenen Absatzes klar gemacht, ruft er protestierend aus: “*jalghan*” und bemerkt “das gilt weder für Kaşghar noch für Andigan; man sagt so nur bei den Zehnern über den 20, z. B.: “*bir gem ottiz*”, “*uĉ gem ottiz*”, nur ist die Form mit “*uĉ gem*” für 27 selten; nicht aber sagt man “*bir gem jigirme*”. (11-12-б.). Таржимаси: Орифга баландпарвоз оҳангдаги “*қоида*” ёзилган бу абзацни англатганимда у, жаҳл билан “ёлғон” деб кичқирди ва тушунтира кетди: “Қашқарда ҳам Андижонда ҳам бундай дейилмайди, 20 дан катта сонларни айтишда шундай дейилади. Масалан, бир кам ўттиз, уч кам ўттиз. 27 рақамини айтишда камдан – кам бўлса ҳам уч кам ўттиз дейиш мумкин. Аммо ҳеч қачон бир кам йигирма дейилмайди”.

Дарсликнинг “Сонлар” (“тартиб сонлар”) мавзусидаги 12-қоида тушунтиришда Садикнинг “...айрим сонларни ўзбеклар ишлатмайдилар”, деган изоҳларига қарши Хартманн шундай ёзади: а). Die Bemerkung über den Nichtgebrauch von *ikingi* versteht Arif nicht; “*biringi, ikingi*” etc. Sie sind “*kelam devani*” (“Kanzleisprache”); der Dewan von Chitai zählt die Monate so, anfangend mit dem *hut*, d. h. März” (12-б.). Таржимаси: (Садик китобидаги) “*иккинчи*” сонини ишлатилмайди, деган изоҳга Ориф қўшилмади; “*биринчи*”, “*иккинчи*” сонлари расмий идора-деворхонада қўлланади;

Хитой (Қашкар) девонхоналарида ой ҳисобини шу тарзда ҳут яъни, март ойидан бошлаб санайдилар.

в). Arif lacht sehr, als er die Behauptung hört, man sage in irgend einem Falle “*p̄cuq*” für “*einhalb*”: er kennt für “*p̄cuq*” nur die Bedeutung: “*eftas*” (ar. *أفط*), der eine verstümmelte (platte) Nase hat; für “*einhalb*” sagt man allein und in Zusammensetzungen ausschließlich *jarim*, in Kaschgar, in Andigan geschrieben; die Kirgisen sagen “*ḡarti*”;... (Б. 12-13). Таржимаси: Ориф “пучук” сўзини айрим ҳолларда “ярим” деб тушунилишини эшитиб, роса кулди. У бу сўзни араб тилидаги “эфтас” (ar. *أفط*) - “бурун учи тўмтоқлиги” маъносида тушунаркан. “*einhalb*” (немис тилидаги) сўзи “ярим” шаклида ёзилади; Қашқарда *ياريم*, Андижонда *يريم* шаклида ёзилади; қирғизлар “жарти” деб айтадилар.

3. Китобни чоп этиш жараёнида наприёт томонидан йўл қўйилган хатолар. “Чигатой тили” дарслигидаги “Von den Partikeln” – “Юклама” мавзусини ёритишда ишлатилган ва Навоийга нисбат берилган бир ғазалнинг мактаъсидаги хато: Кул Аҳмад, ўзингни англа, сафар килғунг бугун тонгла,

Нечук бўлғуси ҳол анда, тафриж қил гўристонға.

Хартманн бу камчилик сабабини куйидаги изоҳлайди: ... Diese Angabe erweist sich schon bei der einfachen Erwägung falsch, daß Mir Ali Šer sich unmöglich mit *قول أحمد* anreden kann. Bei diesem Namen denkt man an den berühmten Ahmed der Turki Literatur ...der das noch heut viel gelesene “divani hikmat” verfaßte. In der That findet sich der Vers in der ed. Stambul 1299 S. 235 (mit Fehlern kennzeichnend sind für das heutige Stambuler Druckwesen). Таржимаси:... Бир қарашдаёқ ушбу байтдаги хатони кўриш мумкин. Мир Алишер ўз шеърининг мактаъсида “кул Аҳмад” деб ёзиши мумкин эмас. Ушбу исм ҳозирда ҳам кўп ўқилувчи “Девони ҳикмат” муаллифи-турк адабиётининг машҳур намояндаси Аҳмад Ясвийни эсга солади. Амалда ушбу байт 1299 хижрийда нашр қилинган девоннинг 235-бетида босилган бўлиб, Истамбулда нашр қилинган аксарият китобларда бўлганидек, хатоликларга тўла. Юқоридаги каби хато Навоийнинг “Равшандурурки, меҳр юзингдин олур сафо, Йўкса не важҳ ила қамар ондин

топур зиё” матлали ғазалида ҳам учрайди. Ушбу байт дарсликнинг 70-бетида келган бўлиб, муаллифи Шермухаммад Мунис, деб кўрсатилган.

Хартманн бу хусусда шундай ёзади:...Мунис ушбу шеърни ёки унинг бир байтини яхши намуна сифатида ўз девонига қўшгани эҳтимолдан йирок. Бу Садикнинг уддабуронликларидан бири бўлса керак. Барча шеърларнинг ёзилишини қўлимдаги Навоий қўлёзма девонидан оляпман. Чунки Садик орфографияни, яъни шеърларнинг ёзилишини ҳам усмонли турк усулига солиб юборган. (75-б.) Шунингдек, ўзбек шоирлари қаторига Али Дарвеш ва Хикмат исмли турк шоирлари ҳам қўшиб юборилган ва уларнинг ғазалларидан 11 байт намуна сифатида дарсликка киритилган.

Хартманн грамматик қоидалар устида ишлаш жараёнида китобдаги бошқа камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтган. Айниқса, Хрестоматия қисмидаги Навоий ғазалларини ўқиш ва тушунишда йўл қўйилган хатоларни аниқлагани таҳсинга лойиқ.

Дарслик олти бўлимга ажратилган бўлиб, уларда мутаносиб равишда қуйидаги мавзулар ёритилган:

I бўлим: Кириш – III - XXVII саҳифаларни ўз ичига олган. Саҳифалар рим рақамлари билан белгиланган. Дарсликнинг кириш қисмидаги III-IV саҳифаларда Хартманн ушбу китобнинг ёзилиш сабабларини баён қилган. Товушлар ҳақида маълумотлар V-XXVII саҳифаларда берилган бўлиб, улар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

1) умумий маълумотлар-шеваларнинг қайси манзилларда қўлланишига бағишланган;

2) унлилар ҳақидаги маълумотлар;

3) унлиларнинг сўздаги турли бўғинларда – ҳолатларда турлича ўқилиши;

4) сўз асосида келадиган унлиларнинг шеваларда ўзгариши.

II бўлим: Китобда қўлланган қисқартмалар, адабиётлар рўйхати ва мундарижа – XVII-XVIII саҳифалар.

Асосий қисм учинчи бўлимнинг 1-5- саҳифаларини ўз ичига олган бўлиб, саҳифалар энди араб рақамлари билан

белгиланган. Унда дарсликнинг ёзилишига сабаб бўлган фактлар кўрсатилган.

Тўртинчи бўлим 6-71-саҳифаларни ўз ичига олган. Бу ерда асосан грамматик ва лексик қоидалар баён этилган. Атамалар эски ўзбек ва қисман араб ёки форс тилларида ёзилган.

Хартманн матн остида турли изоҳ ва шарҳлар келтирган. Жумладан, Туркистон аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи туркий халқлар тилини аташда Европа олимлари орасида урф бўлган “чиғатой тили” атамасини танқид қилиб шундай ёзади:... Ушбу тилни “чиғатой тили” деб аташ, гарчи ўзим ҳам кўп бора шундай деган бўлсам-да, нотўғри. Чингизнинг ўғилларидан бўлмиш Чиғатой номи билан аталувчи бу тилда мўғуллар истилосидан 160 йил муқаддам буюк асар яратилган: бу “Қутадғу билиг”дир! Гарчи Радлов ўз китобида “Қутудғу билиг” уйғур тилида ёзилган, деб кўрсатган бўлса-да, бу тўғри эмас. Юсуф Хос Ҳожиб, табиики, китобни араб алифбосида ёзган. Асарнинг уйғур тилидаги нусхаси эса Чингизхон ўзининг душманларидан бўлган Тажангнинг асли миллати уйғур бўлган девонбегини ўзига муҳрдор ва ўғилларига тарбиячи қилиб тайинлаган йилларда унинг томонидан уйғур тилига ўтказилган¹.

Хартманн бу тилни қуйидагича аташни маслаҳат беради: Шарқий Туркистон аҳолисининг тилини, менинг таклифимга кўра, “Қашқар тили” ёки маҳаллий аҳолининг ўз тилларини “туркий тил” деб атаганларини эътиборга олган ҳолда, Шоунинг таклифига кўра турк тили деб аташ ҳам қабул қилинмаганидек, Шарқий турк тили деб аташ маъқул².

Кўринадики, муаллиф Европа шарқшунослари учун одат бўлиб қолган эски атамани қабул қилмаган ва ўзининг таклифини берган. Унинг таклифи бир қатор шарқшунослар томонидан қабул қиланган. Аммо ғарб туркшунослари бу борада ҳам яқдиллик кўрсатмадилар. Ҳанузгача айрим шарқшунослар “чиғатой тили” атамасини қўллайдилар.

Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer. // Der islamische Orient. - S.148
Илг асар. - Б.149.

Дарсликнинг кириш қисмидаги жами ўн бир саҳифада Марказий Осиё турклари тилининг товуш тизими ҳақида маълумот берилган. Бунда Вилҳелм Радловнинг “Vergleichende Grammatik der nördlichen Türkssprachen von Dr. W. Radloff. Teil I. Phonetik”¹. (Д-р. Радловнинг Шимолий турк тиллари қиёсий грамматикаси. 1-қисм. Фонетика бўлими), инглиз шарқшуноси Ф.С. Андреаснинг “The translation of the Gospel according to St. Matthew into Kashgarian turkish-a review by Dr. F. C. Andreas” (Авлиё Матвей таҳриридаги Муқаддас Евангелияни Қашқар турк тилига ўғирмалари) китобидан манба сифатида фойдаланилди. Хартманн кўп ҳолларда Радловнинг маълумотларига тузатишлар киритди ва уларни матн ости изоҳларида асослаб берди. Радлов учун тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилган Сибир турклари тили Марказий Осиё туркий халқлари тилидан, жумладан, ўзбек тилидан анчайин фарқ қилади. Китобда Хартманннинг бу борадаги хулосалари Радловнинг тадқиқотлари билан қиёсий ҳолда берилган.

Дарсликнинг иккинчи қисми XVIII-XIX саҳифаларни ўз ичига олади. XVIII саҳифада дарсликда ишлатилган Андижон, Оксув, Қўқон, Қашқар, Қўча каби шаҳарларнинг номлари And., Aq., Cho., Kaš., Ko. шаклида қисқартириб берилган. Қисқартиришлар грамматик қоидаларни тушунтириш жараёнида шаҳарлар аҳолисининг қайси тил ёки шевада гапириши, айрим сўз ва ибораларнинг у ёки бу шаҳар аҳолиси томонидан қандай ишлатилиши ёки умуман ишлатилмаслиги ҳақидаги маълумотлар сўнгида ёрдамчи манба сифатида фойдаланилган. Шунингдек, саҳифада китобда фойдаланилган Бернар Гренар ва Вилҳелм Радлов каби муаллифлар асарларининг тўлиқ номлари ва мундарижа берилган. Китобнинг учинчи – Асосий қисми иккита катта бўлимга ажратилган. Биринчи бўлим, Шарқ анъанасига кўра, “Die čaghataische Vorrede und das Lobgedicht auf den Sultan” (Чигатойча муқаддима ва ситойиши жаноби зулқиллоҳ -

Radlov W. Vergleichende Grammatik der nördlichen Türkssprachen von Dr. W. Radloff. Teil I. Phonetik. – Leipzig, 1882.

Аллоҳнинг Ердаги сояси – жаноб султонга мақтов) билан бошланади. Муқаддимада 3 қисмдан иборат муножот бўлиб, унда Аллоҳга ҳамд, Пайғамбарга наът ва султон Ҳамидга ситойиш (мақтов) изҳор қилинган. Матннинг давомида муаллифнинг ушбу китобни ёзишдан мақсади мухтасар баён қилинган. Унда ёзилишича, Скутари шаҳри аҳолисининг чигатойча асарларни ўқиш истаги кучли эканлиги, бироқ зарур ёрдамчи манбаларнинг йўқлиги сабабли китобларни ўқиш мураккаблиги билдирилган. Кишилар муаллифдан бу борада кўмак сўрагач, Меҳмед Садик “Усси лисони туркий” – туркий тил грамматикасини ёзишга киришган. Ушбу матн эски ўзбек–туркий ёзувида бўлиб, матн остида унинг немисча таржимаси ва изоҳлар берилган (1-5-б.).

Грамматика боби (6 - 83 – саҳифалар) 6 та катта гуруҳга ажратилган:

1. Исм – отлар.
2. Феъллар.
3. Сифат.
4. Олмошлар.
5. Юкламалар.
6. Турли қоидалар.

Грамматика қисмида жами бир юз ўн олти қоида берилган. Мавзунинг қийин ёки осонлиги, шунингдек, муаллифнинг шу мавзу юзасидан тўплаган далиллари ҳажмига қараб 2 тадан то 37 тагача қоидалар келтирилган. Уларни мустаҳкамлаш учун аввалига оддий, содда сўзлар, рақамлар, сўроқ олмошларидан намуналар, кейинчалик содда дарак ва сўроқ гаплар берилган. Ўқувчининг тил билими орта борган сайин мисоллар учун ғазаллардан айрим мисра ва байтлар ҳам олинган. Бу тадбир ўқувчига дастлабки қоидалар ўргатилаётган, у ҳали кўп билим эгалламаган даври учун қўлланилган. Қоидаларни мустаҳкамлаш учун алоҳида мисралар ва умуман, намуналар ишлатиш

Асосий қисмнинг 14-саҳифасидан “Отлар” мавзусини тушунтириш бошланган. Мавзуни мустаҳкамлаш учун Шарқ шоирлари асарларидан намуналар киритилган. Китобда шундай мақсад билан Аҳмад Яссавий ғазалларидан 2 байт,

Алишер Навоий ғазалларидан 57 байт, Шермухаммад Мунис ғазалларидан 5 байт, Ҳикмат ғазалларидан 6 байт, Али Дарвеш ғазалларидан 2 байт келтирилган. Навоий ғазалларидан олинган намуналар шоирнинг 1289 хижрий йилда Истамбулда нашр этилган “Махбуб-ул қулуб” китобидан олинган. Мисоллар учун ғазаллардан ташқари Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси оғзаки ижодига хос бўлган мақол ва маталлар ҳам мисоллар учун ишлатилган. Шунингдек, водийда яшовчи аҳолининг сўзларни талаффуз қилиши ҳақида мулоҳазалар, айрим сўзларнинг синонимлари, ёзилиш шакллари ва уларнинг немисча, айрим ҳолларда инглизча ва французча таржималари ҳам кўплаб учрайди. Китобдаги янги ёки европаликларга тушунарсиз сўзлар бевосита матн ости шарҳларида ойдинлаштирилган. Шарҳларда Хартманн Туркистоннинг турли вилоятларида яшовчи аҳолининг турмуш тарзи, маънавий - маърифий ҳаёти, маориф тизими ҳақида мухтасар маълумотлар берган. Бу далилларнинг аксарияти ҳақиқатга мос келади. Ўзбекистон маориф тизими ҳақида гап борганда муаллиф, устози Орифнинг маълумотларига таяниб, Андижон ва унинг атрофидаги шаҳарларда қизлар мактаблари очилганини ёзган. (Б.53)

Сифат бўлимида муаллиф, Навоий ғазаллари таъсирида, ўзи ҳам соқийнома ёзганини уқтиради ва ундан бир парча келтиради:

*Харобот ичра кирдим, айлаб садо,
Синуқ коса илкимда, майга гадо.*

Ушбу соқийномага туртки бўлган асар Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги

*Кетур соқий, ул майни субҳи аласт
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст*

байти билан бошланувчи ўн байтли таржеъбанднинг
иқунидаги

*Харобот аро кирдим ошифтаҳол
Май истарга илкимда синган сафол*¹, –

байтининг хартманнча давоми деб ўйлаймиз. Китоб
муаллифи Навоийни ўзига устоз деб билганини шундан ҳам
англаш мумкин.

“Чиғатой тили” китобининг “Сифат” бўлимида
Туркистонинг Рус империяси таркибидаги территориал
бўлиниши, маҳаллий давлатчилик ва китобатчиликка оид
айрим маълумотлар матн ости изоҳларида берилган.
Шунингдек бўлимда, Фарғона водийси ва Тошкент
аҳолисининг мақол ҳамда маталларидан намуналар ҳам
келтирилган. Уларни ўқир эканмиз ҳозирда унут бўлиб
қолган ёки кишилар кам ишлатадиган мақол-хикматлар
ёқанини пайқадик. Улар дарсликнинг ўзбеклар миллий
хусусиятини кўрсатиш учун мавзуга қўшимча шарҳлар
тарзида берилган. Масалан: Санағувчи одам хато қилибдур;
Олма еб оғриқ бўлгунча узум еб ўл. Узум олгунча шафтоли
олғач кел.

Хартманн ушбу мақолларни тўлалигича тушунмаган, деб
ўйлаймиз. Чунки кўплаб далилларга матн остида изоҳлар
берган муаллиф юқоридаги мақолларга қўшимчалар
бермаган. Ваҳоланки, бу хикматлар мағзида ўзгача маънолар
ҳам англашилади. Уларда ўзбек халқининг фалсафий
ўғитлари, шунингдек, она ер наъматларидан оқилна
фойдаланишга оид кўрсатмалари берилган.

6-бўлим “Турли қоидалар” деб номланган бўлиб,
юқорида берилган қоидалар умумлаштирилган ҳолда баён
қилинган хрестоматия бўлимидир. Бу бўлимда китобда зикр
қилинган қоидаларни амалда қўллаш учун ҳазрат Низомиддин
Мир Алишернинг 3 та ғазали тўлиқ ҳолда ва “Маҳбуб-ул
қулуб”дан иккита парча ҳамда уларнинг немисча
таржималари ҳавола қилинган. Ғазаллар ва насрий

Қаюмов Азиз. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2011.
Б 4-5.

парчаларни тўғри ўқиш ҳамда тўлиқ тушуниш учун айрим қўшимча грамматик, лексик ва ҳуснихат қоидалари ҳам берилган. Айниқса, Шарқ шеърияти учун хос бўлган келишиқ қўшимчаларининг байтларда қўлланиши ёки қўлланмаслиғи, қўп ҳолларда вазн тақозосига кўра гапларда кишилиқ олмошларининг тушиб қолиши ва бундай ҳолларда байтдаги мазмунни англаш усуллариға махсус тўхталган. Китобда ёзув санъати – хаттотлиқ ҳақида сўз борганда ёзув турларидан намуналар берилган. Жумладан, 112-қоидада “نى” (не) сўроқ олмошининг маъноси, гапда қўлланиши, ёзувдаги алоҳида ва ўзидан кейин келадиган сўзларға бириқиб келиши ҳақида маълумот берилган:

Wenn die Fragepartikel نى zu dem die Ursache bezeichnenden اوچون tritt, so wird das *hemze* dieses Wortes fortgelassen und geschrieben ينجون; in gleicher Weise schreibt man هم und اول zusammen همول; auch die Vokativpartikel wird meistens mit dem, wozu sie tritt, zusammengeschrieben, z.B. سىما ايملك für اى ملك سىما. Таржимаси: Агарда نى (не) сўроқ юкламаси сабаб ҳолини кўрсатувчи اوچون (учун) сўзи билан қўшилиб келса ҳамза тушмайди ва (нечун) ينجون шаклида ёзилади. Худди шундай қоида билан هم (ҳам) ва اول (ул) сўзлари همول шаклида ва اى ملك سىما (эй, малак сиймо) бўлиб келаётган нидоли юклама ايملك سىما (эй малак сиймо) шаклида ёзилади.

Юқоридаги тугал қоидалар ва талаблардан сўнг дарсликнинг ёзилиши сабаби – Навоий ғазаллари ва насрий асарларидан олинган парчалар аслият ва немисча таржималарда матн ичидаги ва матн остидаги изоҳлар билан берилган. Биринчи ғазал жами 5 байтдан иборат бўлиб, матлаъси:

***Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо,
Йўқса не вазеҳ ила қамар ондин топар зиё.***

Немисча таржимаси: Es ist klar, daß die Sonne von deinem Antlitz ihren Glanz erhält, wie sollte sonst der Mond von ihr Licht empfangen?

Иккинчи ғазал 7 байтдан иборат бўлиб қуйидаги байт билан бошланган:

*Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.*

Таржимаси: Wie soll die Nachtigal Melodien singen ohne Rosebhain?

Nicht redet der Papagei ohne Zuckerbückse .

Учинчи ғазал 5 байтдан иборат бўлиб:

Маҳвашки меҳридин бўлдим жаҳон оввораси,

Раҳм этиб бир чора қилмас ўлса ҳам бечораси –

матлаъси билан бошланган.

Немисча таржимаси:

Der Mondschröne, um dessen Liebe willen ich ein Weltirrer geworden bin, hat kein Mitleid, gewährt keine Hülfe, stirbt auch sein Hilfloser.

Бундан ташкари дарсликка “Маҳбуб ул-кулуб”дан 2 та парча ҳам киритилган. Биринчи парча “Умрнинг фойдаси ҳақида” (немисчада: Das Nutzen des Lebens). Парча аслиятда куйидагича бошланади:

...Умрни ғанимат бил, сихҳат ва амниятга шукр қил. Ғино тариқат туз, фақирға мубоҳат кўргуз. Мазҳабингни ихфолиғ била элдин яхши асра ва бармоғингни яхши ва ямондин махфий сакла.

Немисча таржимаси: Betrachte das Leben als eine Beute, sei dankbar für Gesundheit und Siecherheit. Bahne dem Reichtum einen Weg, zeige der Armut trotzigem Stolz. Deine Überzeugung halte geheim und hüte sie gut vor Fremden, deinen Wandel wahre in Heimlichkeit vor Guten und Bösen...

Иккинчи парча “Vom Nutzen des Reisens”-“Сафар манофеъи зикрида”ги ҳикматлардан тузилган: Арзи сокин қайда, сипеҳри даввор қайда, туроби мамкин қайда, кавкаби сайёр қайда, ул бир суқундин ҳокисорлар пойандози бўлди ва бу бари таҳриқлар сарфарозлар сарфарози.

Немисча таржимаси: Vom Nutzen des Reisens. Wo ist die ruhende Erde, wo ist das kreisende Himmelsgewölbe? Wo der festgebrannte Staub, wo der schweifende Wandelstern?..

Парчалардаги панд-насиҳат немисча таржималарда мукамал ифодаланган. Шарку Ғарб кишилари учун бирдай

азиз ҳикматлар китобнинг маъновий зийнати оширган. Ўқувчи ўрганган қоидалар эндиликда ўзининг самарасини бермоқда. Ҳикматларнинг, худди мақоллардай, қисқа сатрларда кенг маънога эгалиги, уларда Навоий ижодига хос бўлган юксак бадиий санъатларнинг қўлланиши таржимада ҳам бир қадар қайта яратилган. Жумладан, аслиятдаги сўзларда чўзиқ “о” ва “ё” товушларининг такрорланиб келиши (сокин, даввор, туроб, сайёр, ҳокисор, пойандоз, сарфароз) сабабли юзага келган мусиқийлик таржимадаги “Reisen”, “kreisen(de)”, “schweifen(de)” сўзларидаги “ei” дифтонги иштирокидаги мусиқийлик билан бир қадар қайта яратилган. Шунингдек, аслиятдаги “қайда” сўроқ олмошининг тўрт бора қўлланиши матннинг маъновий ва бадиий оҳангини оширган бўлса, таржимада шу маънодаги “wo” (қайда) сўроқ олмошининг тўрт марта қўлланиши аслият ва таржиманинг бадиий уйғунлигини таъминлаган. Аслиятдаги ҳар бир жумланинг якунида такрорланиб келувчи “қайда” радифи таржимада мутаносиб равишда “wo” (қайда?) шаклида жумланинг бошига кўчган. Немис тили фонетикасида олмошлар урғу олмайди. Аммо таржимадаги гапда урғу айнан “wo” сўроқ олмошига тушган. Аслият вазни билан билан ҳамоҳангликка эришиш учун таржиманинг учинчи жумласидан бошлаб “sein” феълининг учинчи шахсдаги шакли (ist), маънога таъсир этмагани холда, тушириб қолдирилган. Аслиятда қофия бўлиб келган сокин-мамкин, даввор-сайёр, пойандози-сарфарози каби сўзлар таржимада ҳам, маъно жиҳатдан, айнан келтирилган бўлса-да, аммо қофия вазифасини бажаролмаган. Лекин мутаржим бунинг ўрнига, матннинг жарангдорлигини сақлаш мақсаддида, бошқача йўл тутган. У таржимада қофиядош сўзларни қаторлар ичида қўллаган: ruhende-schweifende-kreisende. Муаллиф шу йўл аслиятдаги мусиқийликни таржимада қисман қайта яратган. Хартманн китобига киритилган ғазаллар, асосан, маънавий-маърифий моҳиятдаги шеърлар бўлиб, уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Инсоний гўзаллик, ишк-вафони улуғловчи ғазаллар-дан олинган байтлар; Булар 20 байтни ташкил қилади.

2. Ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳидаги ғазаллардан олинган матнлар; улар 22 байтни ташкил қилади.

3. Тасаввуфий мазмундаги ғазаллардан олинган байтлар; улар 15 байтни ташкил қилади.

Биринчи гуруҳга қуйидаги байтларни киритиш мумкин:

А)
Ёр оғиз очмасқа, дардим сўрғали, топтим сабаб,
Кўп чучукликдин ёпушмушлар, магар ул ики лаб. (54-б)

В)
Истасанг бир қисса, эй ровийки, эл кўп йиғлагай
Ишқ аро кўрганларимни шарҳини оғоз қил. (53 б)

С)
Юзунгким бўлди майдин лаъл, гун бўлди икки зулфинг,
Ул икки “лом” декки лаълнинг бор, икки юзунгда. (57-б)

Иккинчи гуруҳга қуйидаги байтларни киритиш мумкин:

А)
Чун вафо қилмас кишига окибат даврону ҳусн,
Бас ғанимат бил вафо қилмок жамолинг борида. (54)

В)
Иста йиртук жанда кийганларда маъно махзаин
Ким бу янглиғ ганж эрур ул навъ вайронлар аро. (56)

Учинчи гуруҳга қуйидаги байтларни киритиш мумкин:

А)
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо. (76)

В)
Вой, юз минг войки, тарки муҳаббат қилди ёр,
Билмайин қолдим мен ва қилмай хабар айрилди ёр. (71)

С)
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бори олам. (69)

Ушбу китоб Европада яратилган бошқа кўплаб дареликларга шакл ва мазмун жиҳатидан намуна бўлган. У Навоий асарлари таржималари соҳасида ҳам машҳур бўлиб, шоир асарлари ўгирмалари тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

1.2. Алишер Навоий ижодига меҳр

Алишер Навоий каби даҳолар тасодифан дунёга келавермагани каби шоир ижодига назарий ва амалий таржима соҳасида мурожаат қила оладиган олимларнинг фаолияти ҳам камёб ҳодиса ва жасоратдир. Европа кутубхоналари ва музейларида Навоий қаламига оид қўлёзма асарлар шоир ҳаётлигидаёқ тўпланган бўлса-да¹, XIX асргача шоир ижодига мурожаат қилган олимлар кўп бўлмаган. Айниқса, француз шарқшуноси Беленнинг шоир ижодига бўлган беписанд қарашлари туфайли Ғарбий Европада кўплаб шарқшунослар Навоий ижоди билан жиддий шуғулланмадилар. Аммо немис тилли мамлакатлар олимлари Вамбери қарашларига қўшилдилар. Бу ўлкаларда Навоий меросига доимо ҳолис ният ва юксак эҳтиром билан мурожаат қилинди. Бироқ, ниятнинг ўзи кўҳна Шарқ шоирининг тинчлик, инсонпарварлик, дўстлик, бунёдкорлик ва осойишталик ғоялари билан йўғрилган, шаклан жилвакор, мазмунан чуқур асарларини Европа тилларига ҳам аслиятдагидай таржима қилиш учун етарли эмас эди. Навоийнинг безавол меросига етарли билим ва ҳолис ният билан қўл урган олимлардан бири профессор Мартин Хартманндир. Шоир асарларининг Хартманн томонидан қилинган таржималари таҳлилига киришишдан аввал, ишни Навоий асарларининг немис тилига таржималари тарихига назар солишдан бошлаш лозим деб ўйлаймиз. Бундан мақсад жаҳон навоийшунослигидек улкан жараёнда Хартманнинг ўзига хос ўрнини аниқлаш ва хизматини баҳолашдир.

Маълумки, Навоийнинг бир қатор асарлари шоир ҳаётлигидаёқ форсий тилга таржима қилинган². Шоирнинг Ғарбий Европа тилларига ўгирилган илк асари “Сабъаи

Ражабов А., Матчанов М. О первоначальном процессе сбора рукописей произведений Навои в западной Европе (XVII-XVIII в.в.) // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч, 2010. Б.50-51; Ё.Худойберганов, С.Матқаримов. Ғарбий Европа навоийшунослигидаги дастлабки манбалар. // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч, 2010. Б.51-53.

Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.- Б.94; Воҳидов Р. “Мажолисун-нафоис”нинг таржималари. – Тошкент: Фан, 1984. Б.- 3-б.

алишер" достонидаги "Баҳром ва Дилором" хикоясидир¹. Шу тариқа Навоийнинг инсонпарварлик, адолат, тараққиёт ва нафосат ғоялари билан суғорилган асарлари шоир вафотидан 56 йил ўтгач италян тилига ўгирилиб, Европа аҳлини Шарқ маданияти, маърифати ва маънавиятидан баҳраманд қилди. Аммо Ўрта асрлардаги таржимага қўйилган ўзига хос талаблар туфайли шоир номи, унинг ватани, асарининг тили Херманн Вамбери тадқиқотларигача номаълум бўлиб турди.

Ўзбек таржимашунослигида аксиомадай бўлиб қолган ушбу маълумотлар бугунги кунларда янгиланиш даврини ўтказишти². Аммо якуний хулосаларга келиш учун бу маълумотлар хусусида қўшимча изланишлар ўтказилиши зарур.

XIX аср Европа навоийшунослигида янги давр ҳисобланади. Зероки, бу асрда бадий таржимага қўйилган талаблар ўзгариб, Европа ўқувчиларига Шарқ мумтоз адабиётини аслиятга яқин шакл ва мазмунда, муаллифнинг буюк нияти, иқтидорини ёдда тутган ҳолда тақдим этиш имконияти ва зарурияти туғилди. Шарқшунослар бевосита аслиятдан таржима қилишга ўтдилар. "Немис тилида гаплашувчи ва немис тилини биладиган барча китобхонларга Алишер Навоий асарларидан илк бора парчалар ўгириб, уларни баҳраманд қилган зот Херман Вамберидир. Алишер Навоий ҳақида ўйлаш, фикр юритиш, хусусан, унинг туркий тилда ёзилган асарларига муносабат билдириш, зуллисонайн шоир сифатидаги фаолияти борасида мушоҳада этиш Вамбери ишларининг мағзи-мағзига сингиб кетган эди"³.

Вамбери 1865–1866 йиллардаги Марказий Осиё сафарида ватанига қайтгач, тўплаган материаллари асосида "Skizzen aus Zentralasien" – (Ўрта Осиё очерклари) китобини ёзди. Аммо бу китоб, танқидчилар фикрича, тўлиқ бўлмагани учун 1868 йили тўлдирилган ҳолда қайта чоп этилди. Унда Низомий, Навоий, Фузулий, Равнақ, Шайдоий ва Машраб

Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – Москва, Ленинград: Изд-во Академии наук, 1948. – стр. 78

Бу ҳақда к. Ҳажиева М., Ҳажиев С. Навоийнинг "Сабаъи сайёр" достони немис тилида. // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч, 2010. Б.47-48.

Нурмуродов Й. Навоий жаҳон кезади. // "Фан ва турмуш", № 2, 1991.Б. 8-9.

ғазалларидан намуналар, “Қиссаи Сайфулмулук” достонидан бир парча ва уларнинг таржималари келтирилган¹.

Адабиётшунос А. Абдуллажонов номзодлик диссертациясида бу ҳақда шундай ёзади: ...” Бирок бу китобда ҳам Вамбери баъзи камчиликларга йўл қўяди. Чунончи, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони номини “Мажнун ва Лайли” деб айтади, “Қиссаи Сайфулмулук”ни Навоийнинг асари деб ҳисоблайди. Ҳайруллоҳ Исматуллаев унинг мана шу хатоларини кўрсатиб, Вамбери ўзининг “Ўрта Осиё очерклари” китобини ёзгунига қадар Навоий асарлари билан тўла таниш бўлмаганини аниқлади”².

Албатта, бу олимлар кўп жиҳатдан ҳақ. “Қиссаи Сайфулмулук”дай достоннинг муаллифи борасида янглишиш катта хато. Аммо нуқсонсиз таржима бўлмайди. Таржимадан нуқсон қидиравермасдан таржимоннинг эркинлигини ҳам тан олиш керак. Зеро сарлавҳадаги тенг даражали исмларининг ўрин алмашиши хато эмас, балки, таржимоннинг матнга эркин ёндашганлигининг натижасидир. Жумладан, немис таржимони Арно Шпехт Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини таржима қилар экан, унинг номини “Die Liebenden von Taschkent”³ (Тошкентлик севишганлар) деб ўзгартирган, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” киссаси эса „Sekretärin Saida“ деб номланган. Немис тилли ўқувчилар Қодирий ва Қаҳҳорни айнан шу номдаги асарлар муаллифлари сифатида қадрлайдилар.

Вамбери ўзининг туркий адабиётдан дастлабки таржималарини 368 саҳифадан иборат дарслик – мажмуага киритган. “Caghataische Sprachstudien” (Чигатой тили дарслиги) деб номланган бу китоб тадқиқот, хрестоматия ва луғат қисмларидан иборат. Дарсликка олим Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан парчалар, рубоий ва ғазалларидан намуналар ҳам киритган⁴.

Бизгача яратилган тадқиқотларда шоир асарларининг Хартманн томонидан қилинган таржималари ҳақида

Вамбери А. Очерки Средней Азии. Дополнение къ “Путешествие по Средней Азии” А. Вамбери... – Москва: Издание А. И. Мамонтова, 1868.

Исматуллаев Ҳ. Вамбери олимми, жосус? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 12. 05. 1989.

Kadiri A. Die Liebenden von Taschkent. Uebersetzt von Arno Spaecht. – Berlin, 1968.

Нурмуродов Й. Навоий жаҳон кезади. // “Фан ва турмуш”, № 2. 1991 -Б. 9.

маълумотлар учрамайди: "...бизда ҳозирча 1868 йилдан 1940 йилга қадар ўтган давр мобайнида Навоий асарларининг немисчалаштирилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Вамбери таржималаридан кейин орадан 72 йил ўтгач, яъни 1940 йили немис китобхонлари Навоий ҳаёти ва ижоди билан танишиш имконига эга бўлдилар"..."¹ Ваҳоланки, бу даврда немис шарқшунослари уч марта Навоий асарлари нашрлари ва таржималарига қўл урдилар. Кузатишларимиздан аён бўлдики, Германияда 1898 йилда Шарқ халқлари, жумладан, туркий халқлар адабиётидан турли йилларда қилинган таржималар қайта ишланган ва китоб ҳолида чоп қилинган. Ушбу тўплам "Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur"² – (Осиё халқлари адабиёти антологияси) деб номланган. Адабиётшунос олим ва ношир Александр Зайдел китобга немис таржима адабиёти эришган ютуқлардан фойдаланган ҳолда Осиёда яшовчи халқлар – японлар, корейслар, хитойлар, вьетнамлар каби миллат ва элатларнинг атоқли шоирлари ижодидан ҳам намуналар киритган. Ушбу антологияда ўзбек халқининг 100 дан ортиқ машҳур халқ мақоллари немисча таржималарда берилган. Антологиянинг шеърият бўлимига мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналари киритилган. Саҳифада Насимий, Навоий, Фузулий, Машраб, Шайдойи, Холид Бурк, Саид Ваққос каби шоирларнинг ғазаллари немисча таржималарда берилган. Таржималар аслиятга мазмунан яқин бўлса-да, шакл Европа шеърияти учун хос бўлган 4 мисрали ямб вазнида ўгирилган. Бунинг сабаби, муаллифнинг фикрича, биринчи навбатда Европа ўқувчисининг диди ва истаклари ҳисобга олинганидир³.

Тўпламдан Алишер Навоийнинг

"Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,

Мулкким султони йўқ, жисмедурурким жони йўқ", –
матлаи билан бошланувчи ғазали ҳам ўрин олган. Ғазалнинг

Абдуллажонов А. Навоий бадиятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш. филол.фанл. номз.дисс.... – Тошкент, 1998.-Б. 16.

Seidel A. Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur.Türken und Türkenvölker.- Weimar: Verlag von Emil Felber, 1898.

Шу асар. – Б.3.

таржимони ҳақида антологияда маълумот берилмаган. Таржимада мазмун тўлалигича қайта яратилган бўлса ҳам, шакл – радиф ва қофия қурбон бўлган. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот бериш учун ғазалнинг таржимасини ҳам келтирамиз:

Fern der Teuern gleicht das Herze
Einem Lande ohne König;
Und ein Land ohne König,
Ist ein Körper ohne Seele.

Sagt, was nützt der unbeseelte
Körper euch? O Musulmanen?
Denn er ist wie schwarze Erde,
Welcher fehlen duft'ge Rosen.

Schwarze Erde, welche schmücken
Keine dufterfüllten Rosen;
Ist der finstert Nacht vergleichbar
Ohne strahlend Licht der Monde.

Eine finstere Nacht, die keine
Mondesstrahlen haben zu eigen,
Gleicht der Finsteres, der jede
Frische Lebensquelle mangelt.

Und die Finsternis, die ohne
Lebensquelle ist, gleicht wieder
Ganz der Hölle ohne frische
Durft'ge Paradiesesfluren.

O, Nevai, da die Teuern
Dir so viele Qualen machen.
Ist's gewiss, dass Trennung Schmerzen,
Wiedersehen nicht Hilfe bringt¹.

Seidel A.(Hg.): Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur. – Weimar : Verlag von Emil Felber, 1898. – SS.93-94

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид асарлар дунёнинг гурли мамлакатларида чоп этила бошланди. Шоир ғазалларининг таржималари ва уларнинг маънавий-марифий таҳлилини Българияда давом эттирилди. Машхур шарқшунос олим Българиянинг Шумен шаҳридаги “Deutsche Orient Mission”

(Германия Шарқ миссияси) раҳбари Йоханнес Аветараниан Алишер Навоийнинг икки ғазалини немис тилига таржима қилиб, кенг шарҳлади. Мартин Хартманн бу ҳақда шундай ёзади: ...Sein Interesse für das Čaghataische bekundete er kürzlich, indem er im Heft 1 seines “Schahid-ul – Haqajiq”, Zeitschrift geistlichen und sittlichen Inhalts (Schumen, März, 1902) zwei Gedichte Mir Ali Šer Nevai’s zum Abdruck brachte¹. Таржимаси: Ўзининг диний-ахлокий мавзудаги “Шоҳид-ул-хақойиқ” журналининг 1902 йил март ойидаги 1-сонида Мир Алишер Навоийнинг икки ғазалини чоп қилиб, чиғатой тилига бўлган қизиқишини мухтасар намоён қилди.

Афсуски, Хартманн ғазалларнинг аслият матни ва таржималарни тўлиқ келтирмаган. Аммо ўзининг бир қатор асарларида, жумладан, “Чиғатой тили” дарслиги ва “Ҳувайдонинг чиғатойча девони” номли тадқиқотларида бу ғазаллардан қайта-қайта мисоллар келтириб, таржима сифатига юқори баҳо берган.

Шу йили Германияда Навоий ғазаллари яна немис ўқувчиларига ҳавола қилинди. Филология фанлари доктори, профессор Мартин Хартманн Навоий ғазалларидан намуналарни немис тилига ўғирди².

Ўша йилларда Навоий асарларига эътибор тобора кучайиб борди. 1940 йилда Москвада сиёсий эмиграцияда яшаган немис адабиётшунос олими ва таржимони Алфред Курелла “Internationale Literatur” журналининг 7-сонида Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақола эълон қилди³. Курелла ушбу мақоласида Европа навоийшунослиги эришган

Awetarian J. Nawai. Schumen, in: “Schahid-ul-haqayiq”, 1902, Nr.1./ Hartmann M. Der Čaghataische Divan Huweda’s. in: Westasiatischen Studien, Berlin, 1902. – S.132, Bemerkung 3.

Hartmann M. Čaghataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. – Heidelberg, Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1902.

Алишер Навои. Библиография / 1917-1966 / Сост.Е.Д. Свицина. – Ташкент: Изд-во худож.лит. им. Гафура Гуляма, 1968.

ютук ва камчиликларни баён килди. Курелланинг маколasi Германияда навоийшуносликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан иқтисодий-сиёсий, адабий ва маданий-маърифий алоқаларининг ривожланиши сабабли, мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналарини хорижий тилларга таржима қилиниши кучайди¹. Жумладан, Германияда ҳам замонавий ва мумтоз адибларнинг асарлари тез-тез нашр қилина бошланди. Ўзбек адабиётидан намуналар энди жаҳон халқлари адабиёти тўпламлари ва луғатларга киритилди².

1967 йилда Лайпцигда нашр этилган “Literaturen der Völker der Sowjetunion” (Совет Иттифоқи халқлари адабиёти) номли антологияда Навоийнинг “Хамса”сига кирган дostonлар, “Хазойин-ул маоний”, “Девони Фоний” ҳамда “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари ҳақида маълумотлар берилган³.

Шоир асарларини хорижий тилларга таржима ва нашр қилиш Ўзбекистонда ҳам йўлга қўйилди. 1968 йилда Тошкентда Ҳамид Сулаймонов муҳаррирлигида Навоийнинг 100 та ҳикматли сўзлари аввал аслиятда - араб имлосида ва кирилл графикасида, давомида жами 7 та хорижий тилга (рус, форс, инглиз, немис, француз, италян ва корейс) тилларига ўтирилиб, нашр қилинди⁴. Китобга Навоийнинг турли асарларидан териб олинган ҳикматлари жамланган. Немис таржимони Йоахим Варкентин бу ҳикматларни бадий таржима орқали ўқувчиларга тақдим этган.

1991 йилда таржимон Нора Пфедффер хоним Навоийнинг ғазалларидан намуналарни немис тилига ўгирди. У ўзбек германисти Йўлдош Парда тайёрлаган тагламадан унумли фойдаланган ҳолда 21 та ғазалнинг бадий таржимасини

Бу ҳақда қ. Каримов Ш. Диллардан дилларга – Тошкент, 1980.

Navoi, Nisomiddin Alischer // Lexicon der Weltliteratur. Fremdsprachige Schriftsteller und anonyme Werke von den Anfängen bis zur Gegenwart. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967. – SS. 547-548.

Navoi, Nisamiddin Alischer // Literaturen der Völker der Sowjetunion / Hg. Prof. Dr. Harri Junger. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967. – SS. 296-297.

Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар / Масъул муҳаррир Ҳ. Сулаймонов. – Тошкент, 1968.

мритди¹. Педагог ва таржимон Дора Баклицкая эса "Муножот" асарининг Суюма Ғаниева тайёрлаган русча тилмасидан немис тилига ўғирди. Профессор С. Ғаниева немисча, инглизча ва русча таржималарни бир китоб ҳолига келтириб, Тошкентда чоп эттирди².

1964 йилда немис шарқшунос олими Янош Экманн "Die tschagataische Literatur"³ (Чигатой адабиёти) дарслигини яратди. Дарсликнинг Хрестоматия бўлимида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига кенг ўрин берилган. Унда шоирнинг девонлари, улардаги ғазаллар ҳақида сўз юритилган. Орадан икки йил ўтгач, 1966 йилда Янош Экманн шу дарслигини АҚШнинг Блумингтон университетида инглиз тилида ҳам нашр қилди⁴.

Ўзбек тили ва адабиётининг хориждаги толмас тадқиқотчиси, Берлин Озод университети доктори Зигрид Клайнмихел хоним мумтоз ва замонавий адабиётимизга оид салмоқли тадқиқотлар яратган. Унинг Навоий ижодига бағишланган кўплаб китоблари ва мақолалари бор. 1991 йилда Германиянинг Бамберг шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё халқлари тили ва адабиётига бағишланган анжуманда Клайнмихел хоним Навоий ижодидаги маънавий-ахлоқий жиҳатга эътиборни қаратди. Унинг "Alischer Nawai über das Lachen"⁵ – (Алишер Навоий кулгу ҳақида) деб номланган мақоласида Навоий даври одоб-ахлоқ меъёрлари ҳақида фикр юритибгина қолмасдан, мутафаккир меъросининг ҳозирги ёшлар учун тарбиявий аҳамиятини махсус таъкидлаган.

Клайнмихел хоним асарлари билан жаҳон навоийшунослигига катта ҳисса қўшиб келмоқда. У 1997 йил 30 апрелда Берлин Озод университетида шарқшунос олим Георги Ҳазайнинг 65 йиллиги муносабати билан ўтказилган

Бир ғазал жилваси. // "Шарқ юлдузи", № 9, 1991.Б. 187-190.; Alischer Nawoi.// Neues Leben. Nr.14, 1991.– S.9.

Алишер Навоий. Муножот. // Нашра тайёрловчи Ғаниева С. – Тошкент:Шарқ, 1991.

Eckmann J.Die tschagataische Literatur, in: Philologiae Turcicae Fundamenta II, – Wiesbaden: Ed.:Louis Bazin e.a. 1964, S.304-402.

Eckmann J. Chagatay Manuell. – Bloomington: 1966.

Kleinmichel S. Alischer Nawai über das Lachen // In: Bamberger Zentralasienstudien, Konferenzakten ESCAS IV, Bamberg, 8-12 Oktober, 1991 = Islamkundliche Untersuchungen Band 185, – Berlin,1994, 205-215 (206).

анжуманда “Mir Alischer Navai und Ahmed Paša” – (Мир Алишер Навоий ва Аҳмад пошо) мавзусида маъруза қилди. Кейинчилик бу маъруза мазмунан кенгайтирилиб, кўплаб қўлёзма манбалар илова қилинган ҳолда, яхлит китоб шаклида чоп этилди. Китобда Навоийнинг турк султонларидан бўлмиш Боязид Иккинчига совға сифатида юборилган 33 та ғазали ҳақида батафсил сўз юритилган. Султон Боязид Бурса шаҳрида яшовчи шоир Аҳмад пошога ушбу ғазалларга назира-жавоблар ёзишни топширган. Доктор Клайнмихел китобининг давомида шундай ёзади:

...”Аҳмад пошо Ҳирот шоирининг бадий маҳоратидан ўрганиб, шеър ёзишни бошлаган, деган фикрни Меҳмед Фуод Купрулу бутунлай инкор қилади. Ушбу фикр ўн тўққизинчи асрда Намиқ Кемал ва Зиё пошонинг қадимий усмонли турк шеърятининг шуҳрати ҳақидаги баҳсларида пайдо бўлган ва бу фикр узоқ вақт, қўшимча тадқиқотларсиз, давом этиб келган. Баҳс Зиё пошонинг “Харобот” номли уч томдан иборат шеърӣ тўпламидан бошланган. Тўпламдан усмонли турк шоирларининг шеърлари қаторида ҳиротлик Навоий ва Лутфийнинг ғазаллари ҳам ўрин олган эди¹. ... Немис олимлари Навоийнинг умумтурк адабиётининг шаклланиши ва ривожига қўшган ҳиссасини шу йўсинда кўрсатдилар.

Клайнмихел хоним ушбу китобида бир қатор машҳур немис ва инглиз навоийшуносларининг тадқиқотлари ҳақида ҳам маълумот берган. Олима немис шарқшуноси Элеазар Бирнбаумнинг “The Ottomans and Chagatay Literature”² (Усмонли турк ва чӣғатой адабиёти) номли тадқиқотида берилган қуйидаги маълумотни келтиради:

... “Э. Бирнбаум Ўрта Осиё ва Усмонлилар давлати билан XIV асрдан буён давом этиб келаётган аввалги маълумотларга таянгани ҳолда шу маълумотларни исботловчи алоҳида эътиборга лойиқ янги маълумот келтиради: Навоий шеърӣти нафақат Истамбул ва Бурсада

Kleinmichel S. Mir Ališer Nava'i und Ahmed Paša. offprint from Archivium Ottomanicum. Ediet by Gyorgy Hazai !7. – Berlin, Harrasowitz Verlag, 1999. – SS. 77-78.

Birnbaum Eleazar. The Ottomans and Chagatay Literature . An Early 16 century manuscript of Nava'i's Divan in Ottoman orthography, in: Central Asiatic Journal, № 20, 1976. – SS.157-190

балки, бошқа жойларда, (Салим I нинг акаси) шахзода Кўркутнинг саройида, яъни Манисада ҳам машҳур бўлган”¹.

Навоийнинг таваллуд куни ҳар йили хорижий мамлакатларда ҳам кенг нишонланади. Ўзбекистондагидан фарқли ўлароқ, Европада шоирнинг вафот этган санаси ҳам хотира куни сифатида қадрланади. Жумладан, Алишер Навоий таваллуди ҳамда вафоти муносабати билан 1991 йил 8-12 октябрь кунлари Германиянинг Бамберг Марказий Осиё тадқиқотлари институти томонидан конференция ўтказилди. Анжуманда Навоий ижодига оид кўплаб маърузалар тингланди ва материаллари 1994 йилда машҳур немис туркологлари, Берлин Хумбольдт номидаги университет профессори Ингеборг Балдауф ва Михаел Фридрихлар томонидан махсус тўплам ҳолида чоп этилди².

Ушбу анжуманнинг аҳамияти катта бўлиб, Германия эндиликда жаҳон навоийшунослигининг марказига айланганидан дарак беради. Шарқшунослар бундай анжуманларни мунтазам равишда ўтказиш зарурлигини таъкидлаб, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳамкорликда иш олиб бориш хусусида келишиб олдилар. Бу ҳамкорликнинг давоми сифатида 2001 йил 23 апрель куни Берлинда яна бир халқаро симпозиум ўтказилди. Анжуманда Берлин, Франкфурт-Майн, Халле, Лайпциг, Лондон, Майнц ва Вена университетлари профессорлари Барбара Келнер-Хайнкеле, Юрген Паул, Клаус Шёнинг, Эрика Таубе, Клаудиа Рёмер, Марк Кирхнер, Зигрид Клайнмихел, Йоахим Гирлихс каби жаҳоннинг таниқли филолог ва санъатшунослари янги тадқиқотлари билан қатнашдилар. Анжуман иштирокчилари эндиликда нафақат маърузалар балки, Навоий ва Навоий даврига оид суратлари билан ҳам қатнашдилар. Жаҳон навоийшунослигида биринчи бора шоир мансуб бўлган миллат – ўзбеклар ҳақида олиб борилган изланишлар натижалари ҳам анжуманда эълон қилинди. Симпозиум материаллари проф.

Kleinmichel S. Mir Aliser Nava'i und Ahmed Paşa, offprint from Archivium Ottomanicum. Edited by György Hazai 17. – Berlin, Harrasowitz Verlag, 1999. – S. 78.

Islamkundliche Untersuchungen Band 185. Bamberger Zentralasiastudien. Konferenzakten USCAS IV. Bamberg 8-12. Oktober 1991. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1994.

Б. Кельнер-Хайнкеле ва доктор Зигрид Клайнмихел томонидан 2003 йилда Вурцбург шаҳрида китоб шаклида нашр қилинди. Мажмуага Барбара Кельнер – Хайнкеле ва Зигрид Клайнмихел хонимлар кириш сўзи ёзиб, мақолаларда мутасаввуф шоир ижодининг турли қирралари ёритилганини таъкидладилар. Жумладан 15-асрда Навоий раҳбарлик ва ҳомийлик қилган фан, маданият, санъат, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳаларига оид янги изланишлар ҳақида маърузалар тингланди. Профессор Келнер-Хайнкеле хоним анжуманда “Мир Алишер Навоий–тарихий саналарга бир назар”¹ мақоласида шоир яшаган даврга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан баҳо берган бўлса, Эрика Таубе “Марказий Осиё халқлари эртақларида Навоий сиймоси”² мақоласида эртақлар ва ривоятлардаги ҳазрат Навоий образи ҳақида сўз юритган. Зигрид Клайнмихел хоним “Навоий бе наво”³ мавзусидаги мақоласида “Наводир ун-ниҳоя” девони-ни шарҳлаб, шоир ижодидаги “наво” ва “Навоий” сўзларини бадий ва тасаввуфий моҳиятини таҳлил қилиб берган.

Тўпلامда таржимага ҳам ўрин берилган. Таржимон ва таржимашунос Марк Кирхнер “Лайли ва Мажнун” достонидан⁴ 52 байтни маснавийда ўгириб, давомида шу парчани стилистик ва фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган.

Бу мавзуда қалам тебратган Клаус Шёнинг ўзбек навоийшунос ва бобуршуносларининг фикр-мулоҳазаларидан ўз мақоласида кенг фойдаланган ва уларга муносабатини билдирган⁵.

Навоий асарларида ифодаланган юксак инсоний ғоялар барча замонлар ва халқлар учун долзарблигини профессор Юрген Паул “Темурийлар танланган асарларида ўзбеклар тасвири”⁶ номли маърузасида таъкидланган. Маърузада ўзбек

Kellner-Heinkele B. Mir Ališir Nawa'i - Eine Skizze zum historischen Hintergrund. // Mir Ališir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Ališir Nawai am 23. April 2001. Herausgegeben von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel. Würzburg: Egon – Verlag. 2003. in Kommission.

Taube E. Ališir Nawa'i in den Märchen der centralasiatischen Völker. // Akten. - SS.47-58.

Kleinmichel S. Nawa'i be- Nawa. // Akten.-SS.97-118.

Kirchner M. Nawais Laila und Madschnun. // Akten.-SS.85-96

Schöning C. Das Bild Nawa'is im Baburname. // Akten.-SS.37-58.

Paul Jürgen. Darstellung von Usbeken im ausgewählten timuridischen Quellen. // Akten. – SS. 15-36.

миллатининг минг йиллик тарихи темурий даврида яшаб, ижод қилган адиб ва тарихчилари манбалари, замонавий ўзбек олимларининг асарлари ҳамда хорижий шарқшунослар тадқиқотларидан фойдаланган ҳолда муносабат билдирилган. Аммо юқорида номи келтирилган асарларда шахсий мулоҳазалар кўпроқ. Бу мулоҳазаларнинг айримлари баҳсталаб, яъни европалик олимларнинг фикрлари билан ўзбекистонлик шарқшунослар тадқиқотларида бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Хусусан, уларнинг асарларида эски ўзбек тили ва ёзуви “чиғатой тили ва адабиёти” сифатида номланади. Шунингдек, ўзбеклар асосан, кўчманчи халқлар тоифасига киритилади. Ғарб шарқшунослари фойдаланган манбаларда кўп сонли ўзбек халқининг жуда катта ҳудудда яшагани, уларнинг этногеографик келиб чиқиши турлича экани қайд этилмаган. Айтиш мумкинки, бу асарларда ўзбек халқи тарихининг маълум бир қисми ёритилган бўлса-да, айрим европаликлар бу маълумотларни якуний хулосалар сифатида қабул қилишган. Бундай маълумотлардан фойдаланганда, уларнинг мана шу хусусиятларини ёдда тутиш лозим.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, Навоий ғазалиёти жаҳон маънавий оламидаги улкан маърифий чашмадирки, барча унга талпинади, ёрқин қуёшдирки, у барчани қиздиради. Зеро Навоийнинг ҳар бир байти замирида фалсафий маъно ва мазмунлар яширинки, уларни тушуниш учун кўплаб талқинлар туғилиши табиий. Шоирнинг ҳар бир асари... “бир хазинадурким, ҳар киши унга қўл чўзиб, ундан қурби етгунича олар”¹. Бу жавохирлар ўша халқнинг мулки бўлиб қолади.

Навоий ижодининг тарғиби, таҳлили ва таржималарини луғатларсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, шоирга бағишланган илмий тўпламни ҳам луғатлар ҳақидаги мақолаларсиз мукамал деб бўлмайди. Адабиётшунос Клаудиа Рёмер “Чиғатойча-усмонли туркча “Абушқа” луғатидаги чиғатойча феъл шакллариининг усмонли туркча

Жамол Камол. “Қизил, сориг, яшил”//Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Нашрга тайёрловчилар А. Шаропов. Б. Эшпўлатов. – Тошкент: Камалак, 1991. Б. – 137

ифодаси”¹ деб номланган мақоласида XIV-XVI асрлардаги ўзбек ва турк тиллари лексик, семантик алоқаларини илмий таҳлил этган.

XV-XVI асрда Афғонистонда султон Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қилган даврни тарихчилар “Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот”² деб атайдилар. Аммо санъатшунос олим Йоахим Гирлихс Ҳусайний бошқарган бу даврни “Навоий даври Ҳироти” деб атаydi. Унинг “Мир Алишер Навоий давридаги санъат ва архитектура”³ деб номланган мақоласида Навоийнинг Ўрта асрларда умумжаҳон миқёсидаги маданият, санъат ва маориф ривожига қўшган ҳиссаси ёритилган. Мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни немис олими Навоийнинг вазирлик салоҳияти билан боғлайди. Мақола Навоий даври миниатюра ва архитектура ёдгорликлари намуналари билан безатилган.

Юқорида тилга олинган мақолаларнинг барчаси Навоий ҳаёти ва ижодига бевосита боғланган. Бу тадқиқотларнинг ҳар бири алоҳида ўрганишга лойиқ бўлиб, жаҳон шарқшунослиги, хусусан, навоийшунослигининг ривожига янги бир ҳисса бўлди.

Ҳозиргача Навоий асарларининг немис тилига таржима қилиниши усулларига кўра 5 гуруҳга бўлинган.⁴ 2001 йилдан бошлаб бу гуруҳлар сони 6 тага етди. Шарқшунос олим Марк Кирхнер шоирнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан бир парчани немисчалаштирди. Мутаржим достоннинг туркча матнидан фойдаланган.

Römer C. Zur osmanischen Wiedergabe tschagataischer Verbformen im tschagataisch-osmanischen Wörterbuch Abuşqa (16 Jh.) // Akten. – SS. 59-76.

Мисол учун: Bartold W. Herat unter Husein Baiqara dem Timuriden..Deutsche Bearbeitung von Walter Hinz. – Leipzig, 1938.

Gierlichs J. Kunst und Architektur zur Zeit Mir Ali Shir Nava'is. // Akten. – SS.119-139.

1.3. Навоий ғазали Хартманн таржимаси ва талқинида

Алишер Навоий Шарқ шеъриятидаги деярли барча жанрларда ижод қилган. “Чор девон”да шоирнинг ҳамма лирик мероси жамланган. Унда ғазал етакчи жанр ҳисобланади. Навоийнинг 2600 та ўзбекча ғазали мавжуд бўлиб, улардан 21 таси немисчалаштирилган ва улар дастлаб “Шарқ юлдузи” журнали ҳамда Москвада, немис тилида чиқарилган “Neues Leben” газетасида эълон қилинган¹. Таржималар ўзбек германисти Йўлдош Парда ва немис шоираси Нора Пфферер ҳамкорлигида тайёрланган. Адабиётшунос Р. Абдуллаеванинг таъкидича, шоирнинг 50 та ғазали немисчалаштирилган². Аммо улар Хартманн таржимасидаги 3 та ғазал ва шоирнинг турли ғазалларидан сайлаб олинган 57 байт ҳамда Александр Зайдел тартиблаган “Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur” тўпламидаги тўрт қаторли ямб вазнига солинган ғазални бу ҳисобга қўшмаганлар. Бундан ташқари, гарчи қўлимизда мавжуд бўлмаса ҳам, Хартманн шоҳидлигини ҳисобга олганда, Йоханнес Аветаранианнинг шоир қаламига мансуб иккита ғазални немис тилига таржима қилгани ва шарҳлагани ҳам бу ҳисобни оширади.

Навоий асарларининг немис тилига қилинган таржималари борасидаги тадқиқотлардан мақсад шоир асарларининг немисча таржималарини жиддий таҳлил қилиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб, Навоийдек буюк зот асарлари таржимасининг ўзига хос томонларини таҳлил қилиш ва мукаммаллаштириш йўллари ҳамкорликда излашдир. Шу мақсад билан ушбу фаслда Мартин Хартманнинг Навоий ижодига оид

“Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо,

Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо” – матлаъси билан бошланган ғазалнинг немисча таржимаси ва қиёсий услубий таҳлиliga жазм қилдик. Ғазал “Чиғатой тили” дарслиги Хрестоматия бўлимида берилган бўлиб,

Парда Й. Бир ғазал жилваси.// Шарқ юлдузи: 1991. № 9. Б. 187-190.

Абдуллаева Р. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида.// Ўзбек тили ва адабиёти. №1. 2007. Б. 40-45.

“Ашрақат” кўлёзма девонининг 26-саҳифасида жойлашган. Хартманннинг “Марказий Осиёга оид китоблари коллекцияси”да бу ғазал киритилган девон Навоийнинг “Хамса” асари таркибида кўрсатилган¹.

Мартин Хартманн ўзбек мумтоз шеърятининг моҳир таржимони сифатида Навоий асарлари таржималарига ҳам жиддий тайёргарлик кўрган. Бунгача у турк ва араб шоирлари ижоди бўйича кўплаб тўпламлар яратган бўлиб, улардаги шеърларнинг бир қисмини ўзи таржима қилган.

Маълумки, Навоий мутасаввуф шоир. Унинг асарлари исломий-маърифий маъно ва тимсоллар билан бойиган. Айниқса, унинг ... ишқий шеърларидаги лирик қаҳрамон шоирнинг ижодий фантазиясида яратилган ошиқ Навоийдир. Шунинг учун Навоий ўзининг ишқий шеърларида ана шу идеали бўлмиш лирик қаҳрамон-ошиқ Навоий тилидан гапиради². Унинг асарларидаги ботиний ва зоҳирий маънолар ҳақида шоир Жамол Камол куйидагича мулоҳза билдирган: ...”Навоийнинг ҳар бир байти замирида бир, уч, беш ёки ўнлаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин, уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўнлаб талқинлар тугилиши муқаррар. Уларнинг қирралари, чизгилари, товланишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Бир йўла қамраб олиб бўлмайди. Дунёни бир қарашда қамраб ёки битта талқинга сиғдириб бўлмаганидек...³

Навоийнинг кўплаб асарларида инсоннинг ўз нафси билан кураши, руҳнинг Аллоҳга интилиши бош мавзу қилиб олинган. Ҳазрат Навоий ўз фикрларини гўзал санъатларга йўғрилган ҳолда ифодалаган. Шоирнинг тасаввуфий асарларид энг кўп қўллаган санъатлари истиора, метафора, таносуб ва муболағадир. Айнан шу санъатлар шоирнинг шеърят орқали ифодалаган дунёқарашини ошкор қилади.

Hartmann M. Die osttürkische Handschriften der Sammlung Hartmann. – Berlin, S.3.

Хайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: ЎзССР ФА. 1961. – 295 б.

Жамол Камол. “Қизил, сориг, яшил”. // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Нашрга тайёрловчилар А. Шаропов, Б. Эшпўлатов. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 137.

Ғазал таржимасининг таҳлилига киришишдан аввал истиора ва таносуб санъатлари ҳақида мухтасар маълумот беришни маъқул кўрдик.

Машҳур шоир, адабиётшунос олим Рашидиддин Вотвот шундай ёзади: “Истиоранинг маъноси бир нарсани орият (омонат)га олишдир ва бу санъатнинг моҳияти шундан иборат: ҳар бир сўзнинг ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир ва ўзувчилар сўзни ана шу маъно нуқтаи назаридан нақл қиладилар ва бошқа бир ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатадилар. Бу санъат барча тилларда мавжуд ва ниҳоятда гўзалдир...”

Ҳозирги замон адабиётшуносларидан Т. Зехний истиорани куйидагича изоҳлайди: “Истиора луғавий жиҳатдан бирор нарсани орият (омонат)га олиш деган маънони билдиради, лекин адабиётда мажознинг бир кўриниши бўлиб, бирор сўзнинг ўрнига бошқа сўз ишлатишга айтилади”¹.

Таносуб санъати эса “шеър байтларида маъно жиҳатидан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзларни қўллаб, улар воситасида образли ифодалар, лавҳалар яратиш” санъатидир. Алишер Навоийнинг

Ўртанурман кечалар ҳажрингда андоғким чароғ,

Равшан айла: ришта жисмимдур, кўнгул – ўт, ашк – ёғ.
байгида тунни чароғ билан ёритиш воқеъаси билан боғлиқ кеча, чароғ, ришта, ўт, ёғ, ҳамда ҳижрон изтироблари билан алоқадор ҳажр, кўнгул, жисм, ашк, ўртанмоқ сўзлари ўзаро боғланиб ошиқнинг ички олами ғоят таъсирчан ифодаланган.²

Навоийнинг “Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо”

Айламас тўти такаллум, шаккаристондин жудо, –
байти билан бошланувчи ғазали шоирнинг “Ҳазойин ул-маоний” китобидаги биринчи девон “Ғаройиб ус-сиғар”дан ўрин олган. Бу ғазални Истамбулдаги нусхаси билан солиштирилганда айрим ўзгаришлар кўзга ташланди. Ҳар икки девонда ғазал 7 байтдан иборат. Аммо қўлимиздаги ...

Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Заркалам, 2006. – Б. 22.

Ҳожиаҳмедов А. Шеъринг санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.80-81.

девонда байтлар жойлашуви ва айрим сўзлар бир оз ўзгарган. Жумладан, ҳар икки девондаги дастлабки 3 байт айнан келтирилгани ҳолда, тўртинчи байт-

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.
ва бешинчи байт-

Ҳажр ўлимдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо
байтлари ўзаро ўрин алмашган. Шунингдек, Истамбул нухасида олтинчи байтидаги “Қилғусидур субҳ ани шамъи шабистондин жудо” мисрасидаги “қилғусидур” сўзи Тошкент нухсида “қилғудекдур” сўзи билан ўзгартирилган. Аммо, бу каби ўзгаришлар таржима сифатига шикаст етказмаган.

Навоийнинг бу ғазали арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, енгил ва равон ўқилади. Ғазал бошдан оёқ бадий санъатларга йўғрилган. Унда, анъанага кўра, ошиқ булбул ва тўтига қиёсланмоқда. Ошиқ ўз ҳолини тўғридан-тўғри изҳор қилмасдан аввал табиатдаги булбулу тўтиларни мисол қилиб, кейин уларни солиштириш орқали ички кечинмаларини ифодаламақда. Булбул гулистондан жудо бўлса наво қилолмайди, тўти шакаристондан жудо бўлса сўзламайди, яъни тўтига чиройли нутқ сўзловчи нутқ ўргагмаса сўзламайди. Бу ўринда шоир усталик билан таносуб, истиора санъатларини қўллаган-булбул ва тўти-ошиқ рамзи, гулистон ва шакаристон эса гўзал машуқа-ёр ва унинг лаби:

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо?

Айламас тўти такаллум шакаристондин жудо.

Мутаржим байтни қуйидагича таржима қилган:

Wie soll der Nachtigal Melodien singen ohne Rosenhain?

Nicht redet der Papagei ohne Zuckerbuckse.

Мазмуни: Булбул гулистонсиз қандай қилиб куйлайди, тўти шакар кути бўлмаса сўзламайди.

Маълумки, Шарк ва Ғарб адабий оламининг гўзаллик ва муҳаббат мавзусидаги тушунчалари, образлари, ранглари, ҳолатлари гарчи, бир хил кўринса-да, турлича ҳис қилинади. Лекин ҳар икки адабиёт учун ҳам мувофиқлик касб этган

образлар ва жиллолар ҳам мавжуд. Булар гулнинг маъшуқа, гулзорнинг севги, гўзаллик ва фаровонлик, гул бериш севги ва ҳурмат-эҳтиром изҳори, булбулнинг эса ошиқ рамзи эканидир. Булбулнинг наво қилиши – куйлаши севги изҳори. Аммо байтда тўғининг ҳам, булбул каби, ошиқ рамзи бўлиб ижобий образ сифатида талқин қилиниши Ғарб адабиёти учун янгилик. Навоий бу борада мутлоқо ўзига хос йўл тутган – янги тасвир, янги мажозларни шеърятга киритган. Шоир *гулистон* сўзига қофиядош қилиб *шаққаристон* сўзини қўллагани, бу сўз немис тилида ҳам айнан шу маъно ва шаклда йўқ. Бу сўз ўзбек тилини луғавий жиҳатдан қанчалик бойитган бўлса, таржимонга шунчалик муаммо туғдирган. Аммо Шарқ шеъряти, хусусан, Навоий ижодидан яхши хабардор бўлган мутаржим шоирнинг бу байтда ҳам новаторлик қилиб, янги истилоҳ яратганига “қўниккан” ва уни немисчага *der Zuckerbuckse* деб ўтгирган. Бу сўз немис тилида *шакар солинадиган қути, шакардон* ёки *қанддон* маъносини беради¹. Умумий маънода эса ширинликлар оламини англатиши мумкин. Бу эса немисларга тўғи шакар солинган қути – шакардон олдида яхши “сўзлайди” – сайрайди, деган тасаввурни келтириб чиқариши билан биргаликда унинг ширинлик ошиғи эканини ҳам англатади. Шу тариқа немис адабиёти сўзнинг кенгайтирилиши ҳисобига янги бир образ билан бойитилган.

Шу ўринда машҳур немис тилшуноси ва таржимашуноси Вилхельм фон Хумбольдтнинг ўз ватандошитаржимашунос олим Август Шлегелга ёзган мактубидаги бир ҳикматни эсга оламиз: ...” Ҳар сафар янги таржима жараёнида ечиб бўлмас муаммога дуч келаман. Зеро, ҳар қандай таржимон сув остидаги кўринмас икки қояга урилаверади: ё ўз халқининг диди ва тилини ҳисобга олмай аслиятни ўта аниқ таржима қилади ёки халқининг хусусиятларидан келиб чиқиб, аслиятни шунга мослайди”...²

Das grosse Deutsch-russische Woerterbuch. Autoren: E.I.Leping u.a.Herausgegeben von Prof O.I.Moskalskaja. – M.: – Verlag “Sowjetskaja Enziklopedija”, 1969. – S. 635

W. von Humboldt: Sein Leben und Werken, dargestellt in Briefen, Tagebüchern und Dokumenten seiner Zeit.// Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва.1983. – с. 31.

Хумбольдтнинг бу мулоҳазалари ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаган. Таҳлилга тортилган ушбу байт таржимасида ўша “ечиб бўлмас муаммо” бир қадар зоҳир бўлган. Мутаржим Шарқ адабиётига хос усулда гулистон, бўстон, шаккаристон каби гўзаллик объектларини ифодаловчи, бир қадар мавҳум бўлган тушунчаларни немисчага ўз халқининг лисоний имкониятларидан келиб чиқиб, аниқлаштириш усули билан ўтирган: гулистон – Rosenhaim – атиргулзор, шакаристон – Zuckerbuckse – қанддон. Гарчи, бу усул лексик жиҳатдан хато бўлмай, ғазал маъносини очишда қўл келган бўлса-да, Навоийдек даҳонинг ғазалини немис тилида аслиятдагидай гўзал чиқишида етарли бўлмаган. Демак, ғазалнинг яна янги таржимаси зарур.

Мазкур байтда Шарқ адабиётдаги анъанавий ошиқ тимсоли бўлган булбул образи билан ёнма-ён келаётган тўтининг ўз анъанавий тимсолидан ўзгача образда – ошиқ тимсолида ҳам келиши шарқшунос олим томонидан немис тилига қабул қилинган. Образли қилиб айтганда, Хартманн урилган сув ости қояларидан бири тўкнашув туфайли сув юзасига кўтарилди, денгиз ўртасида янги орол пайдо бўлди, яъни мутаржимнинг маҳорати туфайли немис тили янги бир тимсол билан бойиди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Навоийнинг ушбу тасаввуфий ғазалини қўшимча шарҳларсиз тушунтириш қийин. Айниқса, Шарқ назмини эндигина ўқиётган хорижлик ўқувчи учун бу мавзу анчайин мураккаб. Мутаржимнинг мақсади “Чиғатой тили” дарслиги билан Европа аҳлининг ўзбек тилига бўлган қизиқишларини бир қадар қондириш: тил ўрганиш борасидаги дастлабки сабоқлар бериш бўлгани учун ғазални махсус таҳлил қилмаган. Хартманн бу ишни “Der Islamische Orient” газетасининг 6-сонида босилиб чиққан “Навоий” номли мақоласида бир қадар ёритган¹.

Ғазалнинг иккинчи байтида биринчи байтдаги фикр кучайтирилган:

Ул куёш ҳажринда кўрқомен, фалакни ўртагай

Hartmann M. Navai. In: Der islamische Orient VI. – Berlin, 1902.

Ҳар шарореким, бўлуб бу ўтлуғ афғондин жудо.

Байтда ошиқ кечинмалари тасвири янада кучлироқ ифодаланган – Ул Куёш-Ёрнинг ҳажрида ўтлуғ афғоним (нолам)дан жудо бўлган – ажраб чиққан учқунлар фалак (осмон)ни ҳам ўртади, деб кўркаман.

Маъшуқа-Аллоҳнинг рамзи, ошиқ-солиқ, хижрон эса Ҳақдан вақтинча бўлса-да, айрилиш, яъни кўнгилнинг бошқа ўй-ташвишлари билан банд бўлиш, афғон-Ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошиқ аҳволининг ночорлигини англатувчи муболағали тасвир.

Немисча таржимаси: Bei der Trennung von jener Sonne fürchte ich, daß den Himmel verbrenne jeder Funke , der von dieser glühenden Klage sich trennt.

Маъноси: Ул куёш айрилиғидан кўркаманки, у туфайли оловли ноламдан чиқаётган ҳар бир учқун осмонни ёндиради.

Таржимада байтнинг мазмуни тўла ўз ифодасини топган. Маъшукнинг куёш қадар улуғланиши таржимага ҳам кўчган ва кўчимнинг қайта яратилишига олиб келган. Шу ўринда Европанинг бир катор халклари маъшукани куёшга тенглаштиришларини эсга олиш жоиз. Демак, Навоий томонидан қўлланган бу усул Шарқу Ғарб халқларига тушунарли. Муболаға – *кишининг ўтли ноласидан чиқаётган олов бутун фалакни куйдириши* ҳам мутаржим томонидан қайта яратилган. Байтнинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий маъно англатиши немис тилида ҳам муваффақиятли чиққан. Мутаржим матн ости изохларида таржимага қўшимча қилиб Шарқ шоирларининг ғазалларида ошиқ ноласининг бу қадар изҳор қилиниши ҳақида шундай ёзади: ... Der Gedanke, daß der leidenden Liebe Glut das gesamte Universum in Flammen aufgehn läßt, gehört zum Reportorium dieser Dichterei...¹

Таржимаси: Ишқнинг оловли ҳарорати бутун осмонни ёндириши ҳақидаги фикрлар бу шеъриятда энг кўп қўлланади.

Таржимонга бу тасвир форс ва турк шоирларининг ғазалларидан маълум эди. У байтнинг мажозий моҳиятини,

яъни ошиқнинг маъшука ҳажридаги руҳий ҳолатини тўғри тушунган. Демак, байтда истиора санъати ҳам кайтирилган.

Таржимон доимо тўрт хил деярли мустақил ва мураккаб тизим билан иш кўради. Булар реал воқелик объектлари уларнинг субъектив образлари, тил системаси унсурлари ва инсоннинг ҳиссий-эмоционал ҳолатидир¹.

Хартманн Шарқ шоирининг ғазалини таржима қиларкан, юқорида келтирилган тизимлар бўйича иш кўрган. Реал воқеликнинг, яъни инсон тақдирининг табиат кучларига боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг шоир томонидан субъектив равишда ижобий образлар – қуёш, фалак, шарора, ўтлуғ афғон ва салбий образ – ҳажр шаклида инсон тақдирига таъсири, образларнинг таржимон билими ва ҳаракати билан аслият тилидан иккинчи тилга шикастсиз кўчира олиш маҳорати ва уларнинг таржима тилида ҳам эквивалент равишда ҳиссий-эмоционал кайфият уйғота олган.

Ғазалнинг учинчи байти иккинчи байтдаги дил изҳорига жавобдир:

Дема, ҳижронимда чекмайсан фиғону нола кўб,
Жисм айларму фиғон, бўлғоч нафас жондин жудо.

Яъни: (эй, маъшукам!) ҳижронимда яхшигина фиғону нола чекмайсан дема. Ахир, нафас жондан жудо бўлгач-жонимдан айрилган жисм фиғон айлайдими?! *Жон* – бу байтда “равон”, “юриб борувчи” каби иккинчи маънони англатади. *Жисм* – яъни жонсиз жисм қора тупроқдек гап. *Қора тупроқ* эса ҳаракатсизлик маъносида келяпти. Байтдаги “жон” ва “жисм” сўзларининг қўлланиши ҳам таносуб, ҳам зидланиш – тазод санъатини юзага келтирган.

Немисча таржимаси: Sage (mir) nicht: du klagst und weinst nicht genug bei der Trennung von mir; klagt der Leib, wenn der Lebensodem von der Seele getrennt ist? Маъноси: Менга айтмаки, сен мендан жудо бўлганингдан етарли нола қилмаяпсан, йиғлаяпсан; ҳаётий нафас қалб(им)дан жудо бўлгач тана нола қиладими?

Стрелковский Г.М. Пособие по переводу с немецкого яз. на русский и с русск.языка на немецкий: – Москва: Высшая школа, 1973. – С. 168.

Таржимашунос олимлар Ғ. Саломов ва Н. Комилов “Дўстлик кўприклари” номли китобда Миртемирнинг Пушкин шеъритидан қилган таржималари ҳақида шундай ёнлар: Мисрама-мисра аниқ таржима. Аслиятдаги сўзларнинг деярли ҳаммаси таржимада муҳайё. Лекин маъно ёркин... Миртемир асарни сўзма-сўз таржима қилгани учун мас, Пушкиннинг руҳига киргани учун мана шундай ажойиб сатрларни ярата олган...¹

Шундай усулни Хартманн ҳам қўллаган, яъни, Навоий руҳига синга олган. Шунинг учун ғазал моҳияти ва ҳатто шоирнинг бадиий маҳорати мутаржим талқинида, таржимада тугал ифодаланган. Ғазал таржимасини ўқиган киши чуқур ўйга толади, Шарқ мутафаккирининг фалсафий фикрларини англашга ҳаракат қилади.

Буюк немис шоири Гёте “Фауст” асарида чуқур фалсафий мушоҳадани ифодалаб, унинг ечимини қадимий лотин мақоли орқали акс эттиради: “Carper – carcer”² – жисм қамокхонадир. Тутқинликдаги кишининг эрксизлиги, унинг ўз эркини қайтариш учун ҳаракати жисмнинг нафс билан кураши, унинг озодликка – кенгликка – мангуликка – руҳи мутлаққа интилиши “Фауст”да ҳам бадиий фодаланган. Инсон руҳи ҳар хил нокерак мажбуриятлардан озод бўлсагина ором топади. Бу ором фақат Аллоҳ билан қўшилгандагина содир бўлади. Яъни инсон шайтоннинг хийла-найрангларига бир муддат алданиши мумкин. Лекин умрининг якунида бари бир Аллоҳга қайтади. Демак, ушбу байт Шарку Ғарб олами учун қадимий мулоҳаза ва мушоҳада объекти бўлиб, жисм ва жоннинг, руҳият ва нафснинг – Аллоҳ ва Шайтон ўртасидаги азалий зиддият масаласига ишора қилади.

Ғазалнинг тўртинчи байтида аввалги байтдаги савол-жавобдан сўнгги ҳолат-ошиқнинг ҳижронга нидоси ифодаланган:

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмоғил

Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 107.

Goethe von. J.W. Faust. – Berlin: Neues Leben. 1966. 3-Ausgabe.

Ёрни мендин жудо, ёхуд мени ондин жудо.

Байтнинг немисча таржимасидан ҳам айнан шу маъно англашилади: *Hätte ich hunderttausend Seelen, nimm sie hin, o Trennung (Schicksal), aber trenne nicht den Freund von mir oder mich von ihm.* Маъноси: Агар юз минг жоним бўлса олақол, эй айрилиқ (тақдир), аммо дўстни мендан жудо қилма, ёки мени ундан жудо.

Таржимоннинг тақдири икки халқнинг ўй-фикрларини бир-бирига етказишдек машаққатли ишни ўз зиммасига олганидир. Аслиятдаги фикр қисқа ва лўнда ифодаланган. Байтдаги фикр – *жон ва жисмдан айрилиб, Дўст – Ёрга* кўшилгач, осойиш топиши таржимада ўз аксини топган.

Байтдаги истиора санъати таржимада ҳам табиий чиққан. Ундаги *der Freund* (дўст, ёр), *Seele* (қалб, жон), *Trennung* (айрилиқ, ҳажр, хижрон), *Schicksal* (тақдир), *nehmen* (олмоқ), *trennen* (айирмоқ, жудо қилмоқ) каби сўзлар таносуб санъатини ҳам яратганлар.

Бешинчи байтда ошиқ ўз тақдирини бутунлай маъшукқа топшириш ҳаракатида:

Ҳажр ўлимдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени Айлағил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Байтдаги “жонон” – Судий Маснавийнинг фикрича, “жон” сўзининг кўплиги. У маҳбубни улуғлаш, унга чексиз ҳурмат билдириш рамзи, ёхуд инсон учун жондин азизликни билдириш рамзи. Гардун – мутлақ руҳ томонидан яратилган моддий дунё. Одам ана шу моддий дунё чархпалагига ўралашиб қолса, жабр кўради, унинг яратувчисидан эмас. Шу каби фикрлар таржимада ҳам ўз аксини топган:

Trennung ist bitterer als Tod, darum, o Himmel, trenne mich von der Seele, sobald du mich von Liebchen trennst.

Маъноси: Айрилиқ ўлимдан аччиқроқдир. Шунинг учун, эй Осмон, севгилим (жононим) дан айиргандан кўра, жонимдан айиргин.

Байтнинг немисча ўгирмасини кўздан кечирганда таржима учун жуда оддий сўзлар танлангандай туюлади. Бу сўзлар аслиятдаги мазмунни акс эттиришга яроқсиздай. Аммо айнан шу ...”сўзлар, оддий иборалар шеъриятга кўчганда

Ушча маъно, ўзгача жило касб этади. Кишилар энг эзгу туйғуларни, умид ва армонларни поэзия орқали изҳор этганлар”¹. Таржимоннинг маваффақияти шундаки, у аслиятдаги мазмунни айнан ифодалаш йўли билан таржима исари яратган: ошиқнинг севгилисидан айирилиши жонидан кечидан кўра оғирроқ эканини ўқувчига етказа олган. Байтдаги таносуб санъати ҳам тўлиқ ифодаланган: Trennung (айрилиқ-ҳажр), bitter (аччиқ – талх), Tod (ўлим), trennen (айирмоқ, жудо қилмоқ), Seele (қалб, жон), Liebchen (севгилим, жонон) каби бир-бирига алоқадор, дахлдор сўзлар немис тилида сўз ва фикр гўзаллигини келтириб чиқарган. Лйниқса “Trennung” (айрилиқ, ҳажр) ва “trennen” – “айрилмоқ” феълининг уч бора қўллангани – тақрор санъатини юзага чиқарган ва фикрнинг кучайишини таъминлаган.

Олтинчи байт олдинги байтларда ифодаланган фикрларни бир силсилага солади:

Васл аро парвона ўртанди, хамоно билдиким,

Қилғусидур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

Энди ғазалга янги образ – парвона кириб келди. У ботиний маърифатли, қошифийлик йўлида ўзгача ёнувчи, катъиятли ошиқ. Биладики, субҳ уни шамъи шабистондан – севги висолдан жудо қилади.

Байтнинг таржимаси қуйидагича: In der Vereinigung verbrannte sich der Falter, da wußte er sofort, daß der Morgen ihn von der Kerze des Schlafgemachs trennen wird.

Таҳлилга киришишдан аввал унда фойдаланилган сўзларни луғатдан кўриб чиқиш лозим. Чунки мутаржим ўғирмада оддий сўзлардан фойдаланганга ўхшаса-да, аслида ҳар бир сўз аслиятдаги каби кўп маънолидир.

1. а) die Vereinigung – а) соединение – қўшилиш; объединение – бирлашув; б) союз – иттифок; слияние – бирлашув (рек, также переносно)² (Б.508).

Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти. – Тошкент, 1979. – Б. 32.

Das grosse Deutsch-Russische Wörterbuch. Leping u.a. Verlag Sowjetskaja Enziklopedija.- Moskau, 1969.

2. Verbrennen, sich-обжечься (обо что-либо)–(бирор нарсага урилиб) куймок (Б.504).

3. Der Morgen – а) утро – эрталаб; (*переносно поэтич.* заря – тонг;) б).завтра, завтрашнқй день – эртанги кун; в). будущее – келажак; (Б.110)

4. Das Schlafgemach – а) спальня – ётоқхона; б) опочивальня (Б. 302)

Бирлашувда–парвона куйиб қолди, шунда у тушундики, субҳ – ёруғлик уни қоронғулик шамидан айиради.

Аслиятда “субҳ” (тонг) парвонани “шамъи шабистон” (қоронғиликни ёритувчи шам)дан жудо қилмоқчи. Шунинг учун у васл-висолни афзал билиб, ўзини шамга уриб, у билан бирлашади. Айни шу ўринда Навоий ўзининг ички кечинмаларини изҳор қилаётганини англаш мумкин.

Таржимада аслиятга нисбатан бир оз кескинроқ тасвир яратилгандек кўринса-да маъно тўғри акс эттирилган: парвона шам билан васлга етишади. Бу васл эса парвонанинг шамга урилиб, у билан бирлашиб кетиши – жисмни куйдириб, жонни боқий қилишдир. Яъни инсоннинг боқий дунёга сафари – Аллоҳга кўшилиб кетиши. Мактаъда ғазалдан англашиладиган асосий хулоса жаранглайди:

Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз,

Бўлмасун, ё Рабки, харгиз банда султондин жудо.

Шарқ шеъриятида, жумладан, Навоий ижодида киши ўзини чумолидай ёки эгасиз итдай хор бўлиши каби тушунчалар кўп учрайди. Бу ўхшатишлар кишининг ўз манманлигидан, яъни нафсидан кеча олишини англатади.

Байтнинг таржимаси қуйидагича: Ein herrenloser Hund würde Newa'i ohne Freund; laß es nicht geschehen, o Herr, daß jemals der Diener getrennt werde von dem Herrscher... Маъноси: Навоий дўст-ёрсиз эгасиз итдай бўлиб қоларди. Бунинг содир бўлишига йўл қўймагин, эй Эгам, худди хизматкор хўжайиндан айрилиб қолганидай.

Ушбу байтнинг таржимаси ҳам муваффақиятли чиққан. Ўғирмада ҳам, аслиятдаги сўз ўйини мавжуд. Бунда барча образлар иштирок қилгани ҳолда маъно айнан ифодаланган. Албатта, бу байтда Навоий яна Аллоҳга мурожаат қиляпти.

Аммо байтнинг иккинчи “Бўлмасун ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо” мисрасида Навоий содиқ дўст сифатида Рабга мурожаат қилиб (ё Рабки,) бир мисрада Рабни ва султонни ёнма-ён келтириш орқали Унинг бандаси – фуқороларнинг дўсти султон Ҳусайнни улуғлаяпти. Шунингдек, биринчи мисрадаги “ёр” сўзини 1. Тангри; 2. султон Ҳусайн Бойқаро; 3. шоир атрофидаги бошқа кўплаб дўст-ёрлар маъносида тушуниш мумкин. Иккинчи мисрадаги “султон” сўзини эса ўз маъносида ва кўчма маънода – “Тангри” истилоҳи билан тушуниш лозим. Демак, шоир аввало, Рабга, мурожаат қилиб, сўнгра, сўз ўйини билан, банда – халқни давлат бошлиғидан жудо қилмасликни сўраяпти. Мақтаъдаги Раб, ёр, султон, Навоий, банда номларнинг келтирилгани ҳам давлатчилик ва кишилик жамиятининг рамзи. Байтдаги Ёр – биринчи навбатда Аллох, кейин эса султон Ҳусайн Бойқаро образи экани бир қатор китобларда ёзилган. Жумладан, дўст(лар)га бу қадар ҳурмат Навоийнинг “Муножот”ида ҳам ифодаланган. Унда Султон Ҳусайн номига шундай хайрли дуо бор: “Илоҳи, Подшоҳи Исломни муслимин бошига тутғил бардавом, яъни бандаларинг устига қўланкангни қил мустадом, то шоҳу гадоға дуогўйлик қилмиш бўлғаймен, вассалом”¹.

Кўринадикки, бу ғазалнинг мақтаъysi ҳам кенгайтирилган ҳолда “Муножотга” кўчирилган. Таржимада “иёсиз ит” образи аслиятдагидай, муҳим вазифани бажаряпти. Байтнинг ўртасида келтирилган “laß es nicht geschehen, o Herr!” – “эй Эгам, бундай бўлишга йўл қўймагин” – нидоси ҳам эргашган қўшма гапнинг марказида келиб, муҳим лисоний вазифани бажармокда. Гапнинг маъновий урғуси айнан шу қисмга тушмокда. Шунингдек, ғазалдаги синтактик қурилишга монанд равишда немис тили гап қурилишига ҳам ўзгариш киритилгани-эргашган қўшма гапларда бош гап ва эргаш

Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Шаропов А. Эшпўлатов Б. – Тошкент: Камалак, 1991. Б. 8; Бу ҳақда яна: Аъзамов А. Муножотнома. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳлар. – Т.: 1997. – Б.32: “Бу банддаги “Подшоҳи Ислом” изофасини Ҳусайн Бойқарога нисбат бериш мумкин. Ҳақиқатан, Навоий ҳукмрон дўстини шундай унвон билан атаган ҳоллар унинг бошқа асарларида ҳам учрайди”.

гапларнинг ўрнини ўзгартирилгани ҳам аслиятдаги юкори пардани таржимада юзага чиқаришга хизмат қилган.¹

Аслиятдаги Худонинг яна бир номи – “ё, Раб” нидосининг мутаносиб равишда “о Негг” – “эй, Эгам”, султон эса “Herrscher” – “эга, хўжайин, раҳбар, ҳукмрон”, “банда” “Diener” – “хизматкор”, “хизматчи” тарзида ўгирилгани таржиманинг бадийлигини оширган. Шу билан бирга таносуб ва истиора санъатларининг қайта яратилишига эришилган. Шунинг ҳам айтиш жоизки, Шарқ шеърининг хусусиятларини, хусусан, шеърдан англашиладиган маънони тасаввуфдан беҳабар европалик ўқувчилар тушунавермайди. Бунинг учун қўшимча билимларга эга бўлиш лозим. Мутаржим таржимани ўқувчига тақдим этаркан, унинг билим савиясини ҳам эътиборга олиши зарур. Кўп ҳолларда Хартманн бу шартни ёдида тутган ва матн остида изоҳ ва шарҳлар берган. Бу тадбир шеърни тушунишда ўқувчига бир қадар ёрдам бўлган. Байтнинг немисча таржимасини ўқиб, изоҳлардан фойдаланиб, аслиятдаги тасаввуфий фикрларни у ёки бу даражада англаш мумкин.

Байтнинг мусиқий оҳангини акс эттиришда ҳам мутаржим муваффақиятга эришган. Ҳазилнинг бошдан охиригача чўзиқ “о” ва “ё” товушлари иштирок этган сўзлар қўлланган бўлса, таржимада оҳангни қайта яратишда ҳар бир байт учун маълум товушлар иштирокидаги сўзлардан фойдаланилган. Бу усул таржимада ҳам фонетик жарангдорликни таъминлашга хизмат қилган.

Демак, йиллар, асрлар давомида ўзбек адабиёти намуналари, хусусан, Навоий асарлари турли мутаржимлар томонидан немис тилига ўгирилди. Шу жараёнда Германия навоийшунослиги шаклланиб, жаҳон шарқшунослигининг ажралмас таркибий қисмига айланди.

Немис адабиётшунослари ўзбек тилида ёзилган бадий асарларни аслиятда ўқишни истовчилар учун ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқув қўлланмалар яратдилар. Гарчи бу қўлланмалар турли даврларда ва турлича мақсадларда

Riesel E., Schendels E. Deutsche Stilistik. – Moskau: Verlag Hochschule, 1978. – S.140-147.

яратилган бўлса-да, улар бир-бирини тўлдиради. Шу тариқа европаликлар Шарқнинг луғавий ва фалсафий жиҳатдан бой бўлган, минг йилдан зиёд тарихга эга яна бир тили – ўзбек тилини ўзлари учун кашф қилдилар ва бу тилда яратилган ноёб адабий обидалар билан немис адабиётини бойитдилар. Навоий тилида яратилган образлар ва ташбеҳлар жаҳон адабиёти мулкига айланди.

Навоий асарларидан намуналар Хартманн томонидан муваффақиятли ўтирилган. Гарчи ўтирмалар илмий мақсадда амалга оширилган бўлса-да, бу таржималар шоир меросининг Европада кенг тарқалишига сабаб бўлган ҳамда унга ҳолис баҳо бериш учун манба вазифасини ўтаган.

МАРТИН ХАРТМАННИНГ МАШРАБ ШАХСИ ВА ИЖОДИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ

2.1. Европа машрабшунослик мактабининг шаклланиши

Ҳозирга қадар машрабшунослик билан Марказий Осиё, хорижий Шарқ ва Россия олимлари шуғуллангани маълум¹ бўлса, эндиликда Ғарбий Европа ҳамда Шимолий Америка шарқшунослари ҳам бу соҳада бир қатор тадқиқотлар олиб борганликлари аниқланди. Шу тариқа *жаҳон машрабшунослиги* деган янги атама пайдо бўлди. Ватанимиз олимларининг турли китоблари ва мақолаларида Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид муҳим мулоҳазалар баён қилинган, шоирнинг янги топилган асарлари шарҳланган, ғазаллари бадий-услубий ва ирфоний жиҳатдан таҳлил қилинган. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозиргача Машраб асарларининг хорижий тилларга, хусусан, Ғарбий Европа халқлари тилларига таржималари ўрганилмаган ва бу хусусда махсус тадқиқот яратилмаган.

Ўзбек олимларининг жаҳон олий ўқув юртлари ва илмий марказларида тадқиқот ишлари олиб бориш имкони кенгайгани сабабли улар Ғарб мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётган Шарқ адабиётига оид асарлар билан танишиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари кейинги йилларда ўзбек адабиёти, шу жумладан, Раҳимбобо Машраб ижоди

Абдурауф Фитрат Машраб. // Илмий фикр. - №1, 1930. - Б. 47-57; Ликошин Н.С. Машраб. // Туркестанские ведомости. - № 9-11.1902; Вяткин В.А. Ферганский мистик диванаи Машраб. // Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. А.Э. Шмидта. - Ташкент.1923; Карцев. Жизнь и газели Машраба. // Литературный Узбекистан. Ташкент, 1937; Ғафур Ғулом. Икки Машраб. // "Кизил Ўзбекистон". 12 июл 1959; Шу мақола яна: Адабий-танқидий мақолалар тўплами. - Тошкент. 1991, Б.84-94; Абдуғафуров А. Эрк ва озодлик куйчилари. - Тошкент. 1979; Абдуллаев В.А. Машраб. // Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. - Тошкент. 1980; Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчилар: Раҳмонов В, Исмоилов К. Тошкент.1980; Раҳимбобо Машраб. Мехрибоним қайдасан. Нашрга тайёрловчи : Юсулов Ж. - Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990; Мусурмонов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини. Филол. фанл. номз. дисс.... - Самарқанд, 1995; Жумахўжа Н. Машраб ҳамма замонда исёнқир. // Гулистон, № 5, 1998; Абдуллаев И. Раҳимбобо Машраб. Мабади нур. - Тошкент: Фан, 1996; Boborahim Mashrab. Dilim daryoi nurdir. Mas'ul muharrir: Vahob Rahmonov.-Toshkent: G'afur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004.(231); Ҳамроева Д. Раҳимбобо Машраб ғазаллари поэтикаси. филол.фанл. номз. дисс.... - Тошкент, 2005; Ҳошимхонов М. Машрабни мўътабар ўзим. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.

билан шуғулланувчи хорижий олимлар, айниқса, немис шарқшунослари ҳақида кўплаб маълумотлар қўлга киритилди. Машраб ижодининг Ғарбий Европага илк ташрифи ҳақидаги мулоҳазаларни Ҳерманн Вамбери тадқиқотлари билан боғлаш лозим. Зеро, Вамберининг 1867 йилда нашр қилинган “*Čaghataische Sprachstudien*” (Чигатой тили дарслиги)га киритилган Машраб ғазали ҳақида бизнинг тадқиқотларимизга қадар ҳам маълумотлар мавжуд бўлса-да,¹ дарсликдаги “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур хануз, Жон димокқа етти, ул дилдор келмайдур хануз”² матласи билан бошланган ғазал ҳақида илк бор тўлиқ маълумотлар 2000 йилда “Адабиёт кўзгуси” тўпламида босилган³. “Чигатой тили дарслиги”нинг адабиётлар кўрсаткичидаги Вамбери ўзи фойдаланган ва ўқишга тавсия қилган китоблар орасида Машраб девонлари берилмаган. Демак, Вамбери кутубхонасида “Қиссаи Машраб”, “Девони Машраб” каби манокитоблар бўлмаган.

Ушбу ғазалнинг айнан Раҳимбобо Машраб қаламига мансублигини тасдиқлаш учун кўплаб кузатишлар олиб бордик. Ҳозиргача нашр қилинган Машраб девонлари ва тўпламларида ҳам бу ғазал учрамади. Жалолиддин Юсупов нашр эттирган “Меҳрибоним, кайдасан” тўпламида “хануз” радифли, мазмунан ва шаклан юқоридаги ғазалга яқин 2 та ғазал мавжуд⁴. Демак, бу ғазал ҳам Машраб ижоди маҳсулидир. Адабиётшунос олима Дилором Ҳамроеванинг таъкидича, вазн ва шакл жиҳатдан бир-бирига яқин ғазаллар шоир асарларида учрайди. Жумладан, унинг ижодида бир неча “эттим” радифли ғазал мавжуд⁵. Бундан ташқари, “ўзум”, “кайдасан”, “йиғларман” каби ўндан ортик ўзаро яқин мавзу ва шаклдаги шеърлар ҳам бор⁶.

Бу ҳақда қ. Нурмуродов Й. Навоий жаҳон кезади. // Фан ва турмуш. — № 2, — Тошкент, 1991. — Б. 8-9.

Vambery H. Čaghataische Sprachstudien. — Leipzig: F.A.Brockhaus, 1867.

Тожиҳўжаев М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. // Адабиёт кўзгуси, № 5 — Тошкент, 2000. — Б.170-176.

Юсупов Ж. Меҳрибоним, кайдасан. — Тошкент, 1990. — Б.43.

Ҳамроева Д. Машрабга муносабат. // Олими нуктадон ўзум. — Тошкент, 2006. — Б. 80.

Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчилар Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроилов. Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, — Тошкент, 1980.

Шунингдек, қатор олимлар “Чиғатой тили дарслиги”га Машрабнинг ҳам бир ғазали киритилгани ҳақида маълумот берганлар¹. Афсуски, улар ғазалнинг аслини Ўзбекистондаги манбалардан изламасдан, Вамберига суяниб, шундай фикр билдиришган.

Кузатишларимиз натижасида шуни ҳам аниқлашга муяссар бўлиндики, Вамбери ўзининг “Чиғатой тили дарслиги”га киритган айрим шоирлар, жумладан Машраб шеърляти ҳақида кейинроқ 1892 йилда Венада нашр этилган “Wiener Zeitschrift für die Kunde des Morgenlandes” номли шарқшуносликка оид махсус журналда мухтасар муносабат билдирган². Демак, Машраб ижодининг Ғарбий Европа адабиётига кириб келиш санасини 1867 йил дейиш тўғри бўлади. Шу ўринда яна бир мулоҳазани билдирмоқчимиз. Раҳимбобо мулла Вали ўғлининг тахаллуси араб имлосида “مشرّب” (Машраб) деб ёзилади. Араб имлосидаги ёзувда қисқа унлиларнинг ёзилмаслиги сабабли турли миллатлар бу унлиларни ҳар хил талаффуз қиладилар. Шарқий Туркистон, шунингдек, Ўзбекистонда бу сўзни “Машраб” деб ўқийдилар. “مشرّب” сўзидаги қисқа “а” унлисини турклар, уйғурлар ва қирғизлар “э” шаклида “Мешреб” ёки “Мешреп” деб ўқийдилар. Аммо Вамбери дарслигида шоирнинг номини араб имлосида “مشرّف”, латин имлосида – “Mešref” (Мешреф) деб ёзилгани бизни бир оз ажаблантирди.

Юқоридаги мулоҳазалардан кейин, Вамбери Машрабнинг ушбу ғазали киритилган девон ёки баёзни бевосита Марказий Осиёдан олган эмас, деган хулосага келдик. У ғазални Туркияда нашр қилинган баёзларнинг биридан олган бўлса керак. Чунки Туркияда турк шоирлари ижодига оид тўпламлар ичига ўзбек ёки форс-тожик шоирларининг асарларини ҳам қўшиш одати бор. Бу одат, ҳатто турк шоирлари антологиясини яратган айрим европалик олимларнинг ишларида ҳам кузатилади. Буюк немис адабиётшунос олими Йозеф фон Ҳаммер-Пургшталл:

Бу ҳақда к. Абдуллажонов А. Навоий бадияятининг немисча таржималари ва таъбири.

Vambery H. Zwei moderne centralasiatische Dichter-Munis und Emir. // Wiener Zeitschrift f. die Kunde des Morgenlandes. – Wien, 1892. – S.4-5.

ўзининг “Geschichte der Osmanischen Dichtkunst bis auf unsere Zeit Mit einer Blütenlese aus zweytausend, zweyhundert Dichtern von Hammer-Purgstall”¹ (Усмонли турк шеърӣй санъатлари тарихи. Бугунги даврга қадар. Ҳаммер-Пургштал томонидан тўпланган икки минг икки юз шоирлар ижодидан намуналар) номли тўпламида нафақат турк шоирлари, балки Саъдий, Қобулий, Лутфий, Равнақ, Шайдоий каби шоирларнинг номларини ҳам учратиш мумкин.

Иккинчидан, ғазалда туркча сўзлар кўп учрайди. Жумладан, шеърнинг биринчи байтидаги “димак” сўзи ҳам ўзбек тилидаги “димок” сўзининг туркча варианты ҳисобланади.

Марказий Осиё маданияти ва адабиётининг мухлислари бўлмиш француз шарқшунослари Фердинанд Гренар ва Дитрёл де Рэн 1890 -1895 йилларда Туркистонга илмий сафар уюштирганлар. Сафар натижаси сифатида 1897 - 98 йилларда Парижда 3 жилддан иборат “Mission scientifique dans la Haute Asie” (Буюк Осиёга илмий сафар) номли китоб чоп қилинди. Китобда Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти, адабиёти ва тили ҳақида кенг маълумот берилган бўлиб, Машраб ҳақида қуйидагича фикр билдирилган:

“... Мен эшитган ғазалларнинг кўпчилиги, шунингдек, “Аҳмад ва Юсуф” қиссаси ва халқ кўнглига чуқур ўрнашган муқаддас Туркистонинг қувноқ ва ғаройиб дарвеш, қаландар Машраб ҳикояти машҳур китоблардан ўрин олган. Раблз ва Диогеннинг бир-бирига аралаштириб юборилган афсонавий манбаларида ёзилишича, ўнганмас дайди, тўрва-ю таёғидан бошқа бисоти йўқ, майпараст бу дарвеш ёруғ оламнинг буюк шахсларини ўзича масхаралаб, уларнинг устидан кулиб юрган. Муҳтожларга ёрдам беришга доимо тайёр, сабр-тоқатли, гоҳо доно, гоҳо телба, ҳаётини зое ўтказган ва айни пайтда жиддий бу Машраб ўзининг хатти-ҳаракатлари ва сўзлари билан раҳмдил Аллоҳга айтилган ҳамду санолар, шукроналик, фарзи номоз ва амр маъруфчиликни

¹ Geschichte der Osmanischen Dichtkunst bis auf unsere Zeit Mit einer Blütenlese aus zweytausend, zweyhundert Dichtern von Hammer-Purgstall. – Pesth: Conrad Adolph Hartleben's Verlag, 1836.

масхаралайди. Ўзининг бу қилиқларини турли уйдирмалар билан оқлаб юради”¹.

Француз шарқшуносларининг бу хулосалари биз учун қўшимча муаммоларни келтириб чикарди. Диоген эрамиздан аввалги 422-355 йилларда яшаб ўтган грек файласуфи, Раблэ эса 1494-1553 йилларда яшаб ўтган француз адабиётшуноси.² Уларнинг Машрабга алоқадорлигини англай олмадик. Бу маълумотлар қиёсий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Француз олимлари, адабиётшунослик соҳасида таниқли бўлиб, асарлари Европада қайта-қайта нашр қилинганига қарамай, Шарқ адабиётидаги тасаввуфдан беҳабарликлари кўриниб турибди. Машрабнинг француз адабиётшунослари тушунмаган ҳар бир ҳаракатида тасаввуфнинг у ёки бу шаклдаги кўриниши зоҳир. Бу ҳақда А. Абдуғафуров шундай ёзган:

Машраб шеърлятидаги илоҳий ишқ, яъни Худога муҳаббатни такрорланмас сатрларда баён қилди. Буни у мажозий шаклда...кўрсатиб беради. У пантеистик сўфийлардан Боязид Бастемий, Мансур Ҳаллож, Насимийларни шеърларида тилга олади, улар дунёкарашини ўрганиб, эътикод қилади. Тасаввуфнинг бу йирик вакиллари зоҳид ва шайхларнинг дин ҳамда шариатга тўғри келмайдиган лўттибозлиги, тамаъгирлиги, ёлғончилиги, фирибгарлигини фош қилганликлари учун умр бўйи таъқиб этилдилар ва пировардида қатл қилиндилар.³

Француз олимлари билан деярли бир вақтда рус шарқшуноси Н. И. Веселовский ҳам Санкт - Петербург шаҳрида Шарқ адабиётига бағишланган китоб чоп эттирди. Машрабшунос Мўмин Ҳошимхонов олимнинг жаҳон машрабшунослиги шаклланишидаги тутган ўрни ҳақида шундай фикр билдирган: Машрабнинг... “Мовароуннаҳр халқлари маънавий ҳаёти ва тарихидаги роли ҳақида илк дафъа жиддий фикр юритиб, рус илмий жамоатчилигининг

F. Grenard= D.de Rins. Mission scientifique dans la Haute Asie.. Voll.3, par Grenard, Paris, 1900.

Le Petit LAROUSSE. 21. RUE DU MONT-PARNASSE 75283. – Paris Cedex 06. 2000.- p. 487.

Тузувчи ва илмий муҳаррир Қ. Назаров . Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 1 китоб. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти: – Тошкент, 2004. – Б. 408.

диққатини бу масалага қаратишга ҳаракат қилган академик Н.И. Веселовский бундай деб ёзган эди: “Ҳажвгўй ва ҳозиржавоб девона Машраб Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳурдир... Фикримизча, Машраб чуқур диққат билан жиддий ўрганишга сазовор шахс...”¹

Машраб ғазаллари кейинчалик яна турли тўпламларга киритилди. 1898 йилда Германиянинг Ваймар шаҳрида немис тилида “Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur”² (Осиё халқлари адабиёти антологияси) номли шеърлар тўплами чоп этилди. Адабиётшунос олим Александр Зайдел бу тўпламга жаҳон халқлари, асосан, Шарқ шоирларининг муҳаббат, гўзаллик ва вафо мавзусидаги шеърларини киритган. Антологияга жумладан, Насимий, Навоий, Фузулий, Шайдодий, Холид Бурк, Машраб ва Саид Ваққос каби шоирларнинг ғазаллари немисча таржималарда берилган. Китобдан “Özbekische Sprichwörter” (Ўзбек мақоллари) бўлими ҳам ўрин олган бўлиб, унда жами 100 та мақол таржимаси ҳам бор. Айрим мақоллар матн ичида мухтасар шарҳланган.

Тўпламга “Қиссаи Машраб” маноқибидagi дарвеш шоир ҳаётига оид кичик бир лавҳа ҳам киритилган. Шуниси қизиқки, бу парча “Usbekische Sprichwörter” (Ўзбек халқ мақоллари) таркибида берилган. Машрабнинг Балх шаҳрига кириб келганида бўлиб ўтган бу воқеа мақоллар таржималарининг якуни сифатида “Кишининг сўзини охиригача тинглаб, кейин хулоса чиқариш лозим”, (ёки “Бердисини айтгунча сабр қил”) деган ҳикматнинг тасдиғи сифатида келтирилган:

Schau auch das Ende des Wortes. (Zur Erklärung dieses Sprichwortes erzählen die Sarten, man habe einst Maschrab, wie sein Name sei; worauf er geantwortet: Chuda... (Gott). Der Frager nahm dieses für Gotteslästung und klagte ihn an. Zur Verantwortung gezogen, sagte Maschab: “Mein Name ist “Chuda

Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. Иккинчи китоб. – Тошкент: Алишер навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.57.

Seidel A.(Hrsg): Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur. – Weimar: Verlag von Emil Felber, 1898. – S.112-119.

berdy" d.h. "Gott gab", doch vermochte ich nur die erste Hälfte meines Namens auszusprechen, als der Frager sich beeilte, mich der Gotteslästung anzuklagen". Da nun habe der Richter den Anspruch gethan, man müsse auch das Ende des Wortes schauen.)

Маъноси: Сўзни охиригача эшитмак даркор. (Бу мақолнинг шарҳи учун сартлар айтадиларки: Бир кун Машрабдан унинг номини сўраганларида у "Худой" деди. Саволчи буни "худолик даъвоси" деб тушунди ва тегишли жойга маълумот берди. Жавобгарликка тортилган Машраб шундай деди: Исмим Худойберди. Саволчи исмининг иккинчи ярмини айтмасимдан мени "худолик даъво қилди", деб арз қияпти." Шундан сўнг қози ҳукм чиқардики, бир хулосага келишдан аввал сўзни охиригача эшитиш керак!)

Ушбу ҳикоят "Раҳимбобо Машраб девони"да қуйидагича акс этган:

... Муллолардан бири шоҳ Машрабга қараб айди: Эй, девонажон, сени отинг нимадур? Машраб айдилар: Худой! Муллолар бу сўзни эшитиб, айдилар: Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди. Даъвойи худолик қилди. Муни ўлдурмак керак.

Шоҳ Машраб шартта ўзларини эшакдан ташлаб, қочдилар. Шоҳ Машраб шу қочғонларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасига қочиб бордилар. Кўрдиларки, Маҳмудхон етти-саккиз юз кишига ош бердириб турубдур. Шоҳ Машраб ўшал жамъиятни аросидин ўтиб Маҳмудхонни тахти орқасига кириб ёттилар. Маҳмудхон буни кўриб ҳайрон қолди. Маҳмудхон Шоҳ Машрабдин сўз сўроғунча бўлмай, ўттиз-қирқ муллолар шоҳ Машрабни арқоларидан келиб қолдилар. Маҳмудхон муллолардин сўрдики, "Бу нима воқеъа"? — деб. Муллолар айдиларки: "Бу қаландар эшакка тескари миниб келур эркан. Бизлар бориб отини сўрасак, отим Худой деди. Муни ўлдирмак керак". Маҳмудхон айди: "Эй, қаландар, булар нима дейдурлар?" "Эй, Маҳмудхон, атом бирлан аном отимни Худойберган қўйган эканлар. Булар отимни сўрадилар. Мен "Худой" деб ҳануз

“берган”ини айтмай туриб, булар ит бўлуб мани қувладилар. Мен мушук бўлуб мунда қочиб келдим”¹.

Кўринадики, немис халқига ушбу қиссанинг мазмунини отказган таржимон Машрабни афсонавий шахсга айлантирган. Машраб ҳақида Шарқ халқлари оғзаки ижодида кезиб юрган турли латифалар, ярим нисбий ва ярим ривоят шаклидаги ҳикоятлар Ғарб адабиётига шу тарзда кўчган. Таржимон бу латифани аслиятдан ўзгартириб ўгиргани, аниқроғи соддалаштиргани ҳолда, қайси манбадан олганини кўрсатмаган. “Ботартиб” немислар Машраб ҳаётига оид ҳикоятларни ўз халқларига етказишларидан асосий мақсад қилиб Шарқ фалсафасини бадий кўринишда намоиш қилиш орқали уларнинг ўз миллатдошларига келтирувчи маънавий-маърифий таъсирини кўзлаганлар.

Афсуски, антология муаллифи шеърларнинг таржимонини кўрсатмаган, лекин китобнинг кириш қисмида антологиядаги шарқий турклар шеъриятини вазн жиҳатидан қайта ишлаган капитан М. Брозга ўз миннатдорчилигини билдирган. Демак, капитан Брозе Вамбери таржимасидаги шеърни бадий жиҳатдан қайта яратган.

Куйида шу шеърнинг асли ва таржимасини келтирамиз²:

Аслиятда:

Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур ҳануз,
Жон димокқа етти, ул дилдор келмайдур ҳануз.

Куйди ҳама, кул бўлди бағрим, ул сарвқаднинг ишқидин
Мунча ҳам бераҳм экан кўнглики, келмайдур ҳануз.

Зулфини тушда кўрорман, тўлғонурман ҳар саҳар,
Зулфининг ул торидин кўнгул узилмайдур ҳануз.

Лайливу Мажнун менинг ишқимдин олурлар сабак,
Дилбарим ошиқлигим кўзига илмайдур ҳануз.

بابا محرم مشرب نمنگانی دیوانی کافعی: ۸۴، ۳۱، ۲۹۹.

Ғазалининг асли учун қ. Тожиҳўжаев М. Европа машрабшунослик мактаби ёки Машрабнинг янги ғазали. // – Тошкент: Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси. V. 2001. – Б.37 – 41.

Машрафи девонанинг умри ёвуқ еттиму экан
Шўҳи бепарво менинг фикримни килмайдур хануз.

Таржимаси:
Flammend lodert meine Seele,
Doch die Freundin kommt noch nicht.
Was ich meiner Freundin sage? -
Doch sie kommt immer noch nicht.

Ist mein Inneres von Liebe
Auch zu Asche ganz verbrannt,
Bleiben der Cypressengleichen
Sinne doch mir abgewandt.

Ihre Locke sah' im Traume
Ich, doch bin ich tief betrübt
Morgens; kann das Haar nicht lassen,
Das den Zauber ausgeübt.

Leila und Medschnun studieren
Jetzt bei mir der Liebe Kunst,
Doch die holde Theure spendet
Nimmermehr mir ihre Gunst.

Uns es scheint des tollen Meschrefs
Leben nah' dem End' sein.
Sie, ohne Scheu und flatternd
Sorglos lebt, gedenkt nicht mein.¹

Ушбу шеър Германияда қайта-қайта нашр қилинган.
1909 йилда Лайпцигдаги “Julius Zeitler” (Юлиус Цайтлер)
нашриётида жаҳондаги турли миллат ва элат шоирларининг
немис тилига ўтирилган мухаббат мавзuidaги шеърлари
чиройли китоб шаклида босилиб чикди. Бу шеърларда жаҳон
халқларининг ишқ, вафо, садоқат, гўзаллик ва ҳаётдан

Seidel Alexander. Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur. Weimar, 1897.- S. 90-91.

завқланиш каби ҳис-туйғулари тараннум этилган. 500 саҳифадан иборат бўлган бу тўплам “Der Voelker Liebesgarten”¹ (Халқларнинг ишқ гулшани) деб номланган. Сарлавҳа остида “Танланган шеърлар” деган ёзув бор. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Паул Зелигер ҳар бир шеърни алоҳида саҳифага жойлаб, турли нақш ва атиргул фотосуратлари билан безаган.

Тўпламдан 5 қитъадан 67 миллат ва элат шоирларининг 81 та шеъри немисча бадий таржималарда жой олган. Ҳар бир шеър рақамланган. Тўпламга туркистонлик икки нафар шоирлар: Машраб ва Шайдодий ғазаллари ҳам киритилган.

“Ишқ гулшани”да Машраб шеъри йигирманчи рақам билан тартибланган. Шеър учун икки саҳифа ажратилган бўлиб, унинг чап томонига Кристине Майле хоним томонидан ним очилган қизил атиргулнинг тонгги шабнамдаги фотосурати туширилган.

Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти деярли барча туркий халқлар адабиётида ўрганилган. Туркияда шоир мероси олий ўқув юртлари дастурларига киритилган. “Қиссаи Машраб” ва “Девони Машраб” манокіблардаги ғазаллар ҳам турк тилига ўгирилган, кўплаб нусхаларда босилиб чиккан ва кенг шарҳланган. Адабиётшунос олимлар ва адиблар қаландар шоир ҳақида кўплаб асарлар яратганлар². Айниқса, шоирнинг “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари Туркияда кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим олимлар бу асарларни Жалолиддин Румий фалсафасий қарашлари таъсирида ёзилган, мустақил асар деб ҳисобласалар, бошқа адабиётчилар “Маснавий маънавий”нинг ўзбекча таржимаси деб ҳисоблайдилар³. Жумладан, адабиётшунос Исмаил Гулез “Mesreb`in Kitabı “Mebde-i nur`u” Mevlana`nin Mesnevi`sinin şerhimidir?” номли мақоласида Машраб меросининг Ўзбекистон ва Туркияда ўрганилишига оид кенг маълумотлар

Der Völker Liebesgarten. Gesammelt und herausgegeben von Paul Seliger. – Leipzig: Verlag Julius Zeitler, 1909.

1. Бу ҳақда қ. Fuad Koprulu. Cagatay Edebiyeti. İslam Ansiklopedisi. – İstanbul. MEB, 1945. – S. 316
2. Бу ҳақда қ. Abdulkaki Golpinarli. Mevlana`dan sonra mevlevilik. 2. baskı. – İstanbul: İnkilap ve Aka. 1983; Sefik Can. Mevlana. Hayati, şahsiyeti, fikirleri. – İstanbul: Otuken, 1997; esa Celik. Mevlana`nin Mesnevi`sinin tercime ve serhlari. A.U. Turkiyat Arastirmalari Enstituti Dergisi, Sayı 19, Fızturum 2002. – S. 71-93.

келтириш билан бирга шоирнинг “Мабдаи нур” китобидан парчаларни турк тилига ўтириб, кенг шархлаган¹. Мақолада ўзбек машрабшунослари тадқиқотларига юқори баҳо берилган. Айниқса, профессор Исматуллох Абдуллаевнинг бу борадаги хизматлари алоҳида таъкидланган.

Туркияда Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти, шоир меросининг ўрганилиши, ижодининг турк шоирларига таъсири ва, аксинча, турк шоирларининг Машраб ижодига таъсири ҳақида бир қатор докторлик тадқиқотлари ёзилган бўлиб, уларда асосан ўзбек машрабшуносларининг кучли таъсирини кўрамиз².

XX асрда Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жаҳоннинг адабиётга оид энциклопедик лугатларига киритилди. 1967 йилда Германияда нашр этилган “Literaturen der Völker der Sowjetunion” (Совет Иттифоқи халклари адабиётлари) номли антологиядан Навоий, Ғузулий, Турди, Муқимий каби мумтоз шоирлар қатори Раҳимбобо Машраб ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган³.

“Девони Машраб” ҳикоятлари ва ғазаллари билан 1993 йилда француз тилига таржима қилинди. Таржимонлар Жан-Лу Бальп ва Ҳамид Исмоилов ҳамкорликда яратган бу асар Франциянинг “Галлимар” нашриётида “Serie Asie centrale” (Марказий Осиё китоблари серияси)да нашр қилинган... Муаллифлар француз ўқувчилари диди ва Шарққа бўлган қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда китобдаги ҳикоятлар сони ва ҳажмини бир мунча қисқартиришган. “Девони Машраб” маноқиби французчада “Le vagabond flamboyant” (Нур таратувчи дарвеш) деб аталган⁴. Китобга Машрабнинг 55 та ғазали, 4 та мухаммаси ва 2 та мураббаъси французча

Güles İsmail. Mesreb'in Kitabı “Mebde-i nur'u” Mevlana'nın Mesnevi'sinin şerhimidir? İlmî Araştırmalar Dil ve Edebiyat İncelemeleri, 16 (Güz 2003), s. 135-142.

Mahmud Fidancı. Sah Mesreb menekib-nemesi (İnceleme – Metin – Sozluk). – İstanbul Universiteti Sosyal bilimler Enstitüsü (Yayınlanmamış Doktora tezi). – İstanbul, 1994; // <http://www.yok.gov.tr>; Hatice Aynur. Üniversitelerde eski türk edebiyatı çalışmaları, tezlar, yayınlar, haberler, 1-12. – İstanbul. 2000-2002; Sevgiye Kazan. Türk dili ve edebiyatı sahasında yapılan doktora ve yüksek lisans tezleri (1987-1999) I-II. İlmî Araştırmalar, dil, edebiyat, tarih İncelemeleri. – S.13/2002, S. 229-271, S. 14/2002, S. 277-301.

Der Dichter Maschrab. // Literaturen der Völker der Sowjetunion Hg. Prof. Dr. Harri Junger. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967. – S.116

Machrab. Le vagabond flamboyant. Connaissance de l'Orient Gallimard. – France, 1993

гиржималарда киритилган. Ғазалларда, асосан, муҳаббат мавзуи устивор бўлса-да асарларнинг бўлиб, улар шоирнинг ижодий йўналишини намоиш қилиши кўзда тутилган. Матн остида ғазалларда учрайдиган айрим ибора, миллий ва диний хосликларга изоҳлар берилган. Муаллифлар китобга кириш сўзи ёзиб, унда Фарғона водийси, Наманган ҳамда Машраб ҳаёти ва ижодига оид мухтасар маълумот бериш билан бирга ғазал жанри ҳақида ҳам тушунчалар берганлар.

“Нур таратувчи дарвеш” китобининг энг муҳим хусусияти унинг маънавий-ахлоқий йўналишдалигидир. Ҳаммуаллиф Ҳамид Исмоилов махсус кириш сўзида шундай таъсирчан ҳикоя ёзган:

...Бу воқеа Марказий Осиёнинг юраги бўлмиш баланд тоғлар билан ўралган Фарғона водийсидаги кичик қишлоқ – Ўски Новқатда юз берган. Одатдагидай ишлаб турган бозорда бирданига тўс-тўполон бошланиб қолди. Сабзавот сотувчилар расталарини, қандолатчилар қопларини, новвойлар оби нонларини ташлаб дарвоза томонга югурдилар. Ҳатто доимо итлар ва пашшалар қуршовида бўладиган Толиб қассоб ҳам бир муддатга растасини ташлаб оломонга қўшилди. Бозорга Машраб келган эди... Оппоқ сочли, кўзи ожиз қария йиғлаб ғазаллар айта бошлади. У ўз ҳаётидаги воқеаларни ғазалларда куйларди. Оломон баъзан кулар, баъзан эса унга ҳамдард бўларди. Бир соатлардан сўнг қария жаҳонгашталик ҳикоясини тугатганда кишилар унинг ҳассасига яқинлашдилар. Ҳассага Макканинг тасвири туширилган эди.

Бир оздан кейин қария кетди. Толиб қассоб ҳам мижозларига бу ҳақда гапираётиб, сотувга мўлжалаган суякларни уларга сотмай, итларга ташлади...

Узоқ йиллардан сўнг билдимки, бу қария Машраб эмас, балки унинг ғазалларини куйлаб юрувчи сайёҳ дарвеш экан....¹

Француз адабиётшунослари Европа машрабшунослиги вакиллариининг Машраб асарларини таржима орқали оммалаштиришдан мақсадларини яққол намоиш қилганлар.

Ғарб ёшлари Шарқдаги хурфигрлик ва маънавий-ахлокий покликни мана шу ғазаллар орқали ўргандилар.

Раҳимбобо Машраб асарлари Америка қитъасида ҳам юксак кизиқиш билан ўрганилмоқда. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, немис шарқшуноси Мартин Хартманнинг “Машраб-доно телба ва авлиё дахрий” мақоласи Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида катта қизиқиш уйғотган. Маноқиб ҳикоятларидаги динлараро, миллатлараро ва маданиятлараро бағрикенглик исломий бўлмаган халкларнинг ҳам меҳрини қозонган. Мақола нашрдан чиқиши билан Европа ва Шимолий Америкадаги турли миллий ва диний ташкилотларнинг нашрий органлари томонидан қайта босилган ва шарҳланган. Жумладан, 1903 йилда Германия халқшунослик жамияти (“Verein fuer Volkskunde”) расмий органи – “Zeitschrift fuer Volkskunde” (Халқшуносликка оид журнал)нинг 13-14-қўшма томларида Хартманнинг ушбу асари шарҳлар ва қўшимчалар билан босилиб чиқди¹. 1904 йилда мақолага Хессен ўлкаси халқшунослик жамияти органи – “Hessische Blaetter fuer Volkskunde” (Хессен халқшунослик журналы)да муносабат билдирилди ва кенг шарҳланди².

АҚШ Чикаго университети диншуносликка оид – “The American Journal of Theology” (Америка диншунослик журналы)нинг 1904 йил апрел сониди диншунос олим Ж.Р. Жеветт (J.R. Jewett) исломшунослик соҳасида нашр этилган янги асарларни шарҳлаб Хартманн мақоласига махсус тўхталган³.

Машраб шеърлари инглиз тилига таржима қилинган ва Шарқ кўшиклари фестивалларида ижро этилган. АҚШнинг Юта штатти Сольтсити шаҳрида яшовчи Альфредо исмли кўшиқчи Машраб ғазали билан ажойиб бир кўшиқ яратган. Кўшиқ тингловчиларга жуда манзур бўлгани ҳақида интернет

Zeitschrift fuer Volkskunde. Band 13-14. Verein fuer Volkskunde. – Berlin: Verband Deutscher Vereine fuer Volkskunde. -1903.

Hessische Blaetter fuer Volkskunde. Band 3. Hessische Vereinigung fuer Volkskunde. – Hesse, 1904.

J.R. Lewett. Review : Recent on Literature on Islam. / The American Journal of Theology, vol. 8, N2 (April 1904) pp. 429-431. / www.jstor.org/stable/

саҳифаларида маълумотлар берилган. Бу хусусда машҳур араб кўшиқчиси Самира Саид шундай ҳикоя қилади:

... Бирдан даврага, ҳаммани хайратга солиб, Альфредо чиқиб келди. Мен у билан 14 йиллик танаффусдан сўнг кўришпман. У менинг биринчи устозим. Альфредо Ўзбекистон худудида 1700 йилларда яшаб ўтган шоир Раҳимбобо Машраб шеъри билан ажойиб кўшиқ куйлади. Кўшиқ шу қадар жозибали эдики, ҳамма сеҳрлангандек эди. Альфредонинг ўзи эса ушбу кўшиқ Машрабнинг инглиз тилига ўтирилган биринчи шеъри эканини ва бундан илгари унинг ҳеч бир шеъри инглиз тилига ўтирилмаганини айтди ва шоир ҳақида маълумот берди¹.

Оҳайё штати Толедо университети Социология ва антропология бўлими раҳбари, ҳозирда Германиянинг Халле/Заале шаҳридаги Макс Планк номидаги Ижтимоий антропология институти катта илмий ходими Натан Лайт ўзининг уйғур фольклорига бағишланган "Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity"² (Сирпанчиқ сўқмоқлар: Турк адабиёти такдимоти ва канонизацияси ҳамда исломий ва замонавий уйғур мақом кўшиқлари) номли тадқиқотнинг учинчи бўлимини Раҳимбобо Машраб ва машрабхонликка бағишлаган. Жумладан Лайт шундай ёзади:

...“Машраб кўшиқлари” иборасидаги “машраб” сўзи ичимлик, ижтимоий гуруҳ, мастоналик деган луғавий маъноларни билдиради ва бу ном ҳозирги Ўзбекистон худудида яшаб ўтган сўфий шоир Раҳимбобо Машрабга ишорадир. “Машраб кўшиқлари” (инглизчада: “mashrabsongs”) факатгина Машраб шеърларигина эмас, балки барча сўфиёна кўшиқлар учун умумий номдир³.

Натан Лайт тадқиқотида давом этиб ёзади: уйғуристонлик халқ кўшиқлари ижрочиси Турди охун Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб ва ҳатто 12 асрда яшаб ўтган сўфий шоир

1. Babarhim Mashrab./1) www.myspace.com/maharasha; 2) www.youtube.com/maharasha.

3. Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity (Folklore, Indiana University, 1998. Henry Glassie, chair).

Illy acap. 3- , 4-, 1- ва 6-, 5- фасллар. // www.utoledo.edu.

Аҳмад Яссавий шеърларини ҳам ижро этади. Турди охуннинг ўғли Қобил охуннинг сўзларига қараганда, отаси бу кўшиқларнинг барчасини сўфий дарвешлардан ўрганган.

Яссавий, Навоий, Лутфий, Машраб ва Ҳувайдо каби ўзбек мумтоз шоирлари ғазалларини уйғурлар “мақом” куйларига мослаб, ўзларининг миллий кўшиқларига айлантирганлар. 2005 йилда уйғурларнинг Ўн икки мақоми ЮНЕСКО томонидан “Оғзаки ижоднинг беқиёс намунаси, инсониятнинг буюк мероси” деб эълон қилинди. Олим тадқиқотида ва кейинчалик алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган “Inmitage heritage creating Uyghur muqam song in Xinjiang”¹ асарида Машраб ғазалларининг уйғур халқининг миллий кўшиқларига айланиб кетганини кўрсатиб ўтган². Тадқиқотнинг бир бўлими “Фузулийдан кейинги даврдаги мақомчи шоирлар – Машраб ва Ҳувайдо” деб номланган. Олтинчи фаслнинг бешинчи бўлимини эса Машрабнинг “Сеторим ториға” ғазали асосида ижро этилган кўшиқ таҳлилига бағишланган.

Яна бир инглиз муסיқашунос олими Теодор Крейг Левин (Theodor Craig Levin) ўзининг “The hundred thousand fools of God” – (Худонинг юз минг дарвешлари) номли китобида кўплаб ўзбек мумтоз ва замонавий хонандалар репертуари ҳақида фикр юритилган. Китобда Яссавий, Навоий, Машраб, Ҳувайдо каби шоирларнинг шеърлари билан айтиладиган мумтоз кўшиқлар ижрочилари Жўрахон Султонов, Орифхон Хотамов, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова ва бошқа кўплаб машхур хонандаларнинг ижро маҳорати қаламга олинган.³ Унда Машраб шеърлари юз йиллар аввал ҳам куйга солингани, бу кўшиқларнинг ўзбеклар, уйғурлар, тожиклар, қирғизлар, яҳудийлар ва бошқа миллат кишилари томонидан севиб тингланиши, Машраб кўшиқларининг барча миллатларни ўзаро яқинлаштирувчи қудрати ҳақида сўз юритилган.

Light Nathan. Imitage heritage creating Uyghur muqam song in Xinjiang. LIT- Verlag. – Muenster – Hamburg – Berlin – Wien – London, 2006.

Шу асар, шу фасллар.

Levin Theoder Craig. The hundred thousand fools of God //: [http://www. books.google.de](http://www.books.google.de).

Ўзбек халқининг бой тарихи, тили, адабиёти, санъати, маънавий-маърифий мероси ҳақида Ғарбда энг кўп асарлар ёзган шарқшунос олимлардан бири Эдвард Олвортдир. У "The modern Uzbeks – from fourteenth century to the present: a cultural history studies of nationalities"¹ – (Замонавий ўзбеклар. Ўн тўртинчи асрдан то ҳозирги давргача: – Халқларининг маданий тарихи сабоқлари) мавзуидаги тўрт юз саҳифадан зиёд китобида ўзбек халқининг ўн тўртинчи асрдан йигирманчи аср охиригача бўлган тарихи, адабиёти, санъати ва турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилган. Унда илк ўрта асрлардан тортиб замонавий тарихимиз мухтасар ёритилган. Китобда ўзбек адабиётига кенг ўрин берилган. Илк ўрта асрлар туркий адабиёти намояндалари – Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо каби мумтоз адабиётимиз алломалари ва йигирманчи аср шоирлари ижодига мухтасар муносабат билдирилган.

Китобда Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган. Унда шоирнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, фалсафаси ва шеърляти ҳақида кенг маълумот бор. Шунингдек, рисолада Машраб шахсияти ва меросининг Марказий Осиё, Россия ва жаҳоннинг бошқа шарқшунослари томонидан ўрганилиши далиллар асосида баён қилинган. Муаллиф, жумладан шундай ёзади: ...More important, a popular folk work in verse and prose entitled "Diwana'-i māshrāb"- ("The Holy Fool, Mashrab") grew up based on him, parts of wich may have come from the poet, whose name formed at core of that memorable composition. Innumerable people weere attached to its message; everyone knew by heart some verses, which were handed on from one generation to the next. As late as the 1920s, the work remained "a composition without parallel among Central Asian Muslims," in the view of a Russian Orientalist. The composite work expounds an amazing tale of a

Edward Allworth. The modern Uzbeks-from fourteenth century to the present: a cultural history studies of nationalities . Vol. 373,of Hoover Press publication. -Hoover Institution Press, Stanford university, California.- p.137-140 and others.

Sufi and his pious inner meditations as well his scandalously antisocial conduct.

Таржимаси: Шеър ва ҳикоятлардан иборат “Девонаи Машраб” номли машхур халқ китоби шоир ҳақида маълумотлар беради. Асарда Машраб ҳақида ёзилган, ҳикоятларнинг бир қисми унинг ўзи томонидан ёзилган бўлса керак. Шоир номи бошқа китобларда ҳам кўп бора тилга олинган. Китобдаги ҳикоятларда кўплаб шахсларнинг номлари келтирилган. Авлоддан авлодга ўтиб келувчи шеърларни сон-саноксиз кишилар чин дилдан ёд олганлар. Рус шарқшуносининг фикрича, 1920 йилларда Марказий Осиё мусулмонлари орасида бу маноқибга тенг келувчи бошқа асар бўлмаган. Бу ажойиб асарда сўфий шоир ҳақида ва унинг исёнкорона руҳи ҳикоя қилинади. Олворт қаландар шоирнинг илк замонавий тадқиқотчилари ва шоир шахси ҳақидаги тортишувлар ҳақида ҳам маълумот берган. Машрабнинг она шахри – Наманган ҳақида 77-саҳифада сўз юритилган. Шунингдек, асарда Машраб шеърятининг куйга солиб келингани, шоир қўшиқларининг халқ орасидаги шухрати, миллатларни ўзаро яқинлаштирувчи кучи, келгуси авлод шоирларини тарбиялашдаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалар берилган. Аммо Олворт Машраб ҳақидаги айрим маълумотларни бир оз чалкаштириб юборган. Унинг ёзишича, Машраб 1657 йилда Андижонда туғилган, асарлари ўзига хос атеистик руҳ билан суғорилган, Машраб ҳақидаги маноқибнинг муаллифи эса шоирнинг яқин дўсти Сармаст исмли кишидир. (Б.138)

Бундан кўринадики, инглиз олими шоир ҳақидаги маълумотларни ишончли манбалардан эмас, балки, ўзига маъқул кўринган асарлардан, илмий таҳлилсиз келтирган. Ушбу китоб 1990 йилда нашр қилингани ва, табиийки, анча олдин ёзишга киришилганини эътиборга олсак, унда Машраб ҳақида замонасозлик ва элатчиликка асосланган ҳолда ёзилган айрим асарлар руҳини сезиш мумкин. Улар асарлардаги ноаниқликлар хорижий адабиётчилар томонидан ҳеч бир таҳлилсиз, таржимага тортилган. Натижада шарқшуносликда шоир ҳақидаги бир-бирига зид турли маълумотлар пайдо

бўлган. Адабиётшунос Мўъмин Хошимхонов ўзининг “Машраби мўътабар ўзум” номли тадқиқотида шундай машрабшунослардан бири ҳақида маълумот берган¹.

Америкалик адабиётшунослар ҳам 1991 йилдан олдин нашр қилинган бундай асарларнинг сарлавҳалари устига “Please, note that this paper was originally written before the break up of the USSR, so it reflects the pre-independence situation in Uzbekistan”² (Илтимос, эътиборга олинг: Ушбу асар 1991 йилдан аввал – собиқ иттифоқ парчаланишидан олдин нашр қилинган ва ҳозирги Ўзбекистон мустақиллигидан олдинги даврни тасвирлайди) деб қайд этадилар.

Олворт китобининг энг муҳим жиҳати – Машраб ғазалларининг инглизча таржималаридир. Шоирнинг тўртта ғазали Олворт томонидан инглиз тилига ўтирилган ва кўплаб изоҳлар билан ўқувчига ҳавола қилинган. Бу ғазаллар куйга солинган бўлиб, узок йиллардан буён Марказий Осиё халқлари томонидан куйлаб келинган.

Машраб шеърлари билан айтиладиган кўшиқларнинг хорижий ижрочилари ҳақида гап кетганда Буюк Британияда бўладиган “Oxford Muslim music festival” Оксфорд мусулмон муסיқаси фестивалида Машраб кўшиқлари ҳам куйланганига эътиборни қаратамиз. Оксфорд шаҳрида бўлиб ўтадиган анъанавий фестивалда собиқ ҳамюртимиз – ҳозирда Лондон фуқороси, Рузия Султонова Машраб шеърлари билан айтиладиган кўшиқларни ижро этиб, барчага манзур қилган³. Яқинда интернетда “Девони Машраб” манокибининг XIX аср бошларида ёзилган кўлёзмаси ҳақида яна бир маълумот учратдик. Швеция Лунд университети ноёб коллекциялари фондида 373-рақам билан “Девони Машраб” манокиби ҳам сақланмоқда. Манокиб собиқ швед дипломати ва адабиётшунос олими Гуннар Жарринг (Gunnar Jarring) қўлида бўлиб,

Хошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум: – Тошкент. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонаси нашриёти. 2008 йил. – Б. 56.

. Mark Dickens. The usbeks. 1990. p.1//www. google.de.

www. Oxford muslim music festival. uk.

кейинчалик у манокібни барча кўлэзма китоблар коллекцияси билан Лунд университетига совға қилди. Китоблар, асосан Марказий Осиё давлатларида, хусусан Қашқар, Урумчи, Ёркент каби шаҳарларда тўпланган. Машраб манокіби Жарринг томонидан 1930 йилда Девид Гусафтссондан сотиб олинган. Китоб Хўтаннинг юпка, оқ-сарғиш ранг қоғозига, насх хатида битилган, ёзилган йили, жойи ва хаттот исми номаълум. Аммо кўлэзманинг орқа томонида кимдир эҳтимол, хаттот ёки китобнинг эгаси, томонидан битилган ёзув бор. Хат асли ўзбек тилида ёзилган. Аммо интернетда унинг инглизча таржимаси берилган: On the back inside cover the following note: "In the year 1242 (1826-1827) according the Moghul time – reckoning in the year of tiger, on the 30th of the month of Ashur, on Sunday my elder brother Roze Muhammad Bai died and the first of the month of Safar, on a Monday my elder brother Tokhta Nazir; they died both in autumn – time when the melons were ripening at the time for the second prayer. In the year 1242 according to Aqsu time –reckoning, in the year of the tiger, on the 30th of the month of Ashur, on Sunday my elder brother Rooze Muhammad sufi died and on the 1st of the month of Safar, on Monday my eldert brother Tokhta akhon died"¹. – Таржимаси: "Мўғул йил ҳисоби бўйича 1242 (1826 - 1827 мелодий) йўлбарс йилида, ашур ойининг 30-куни, якшанбада катта акам Рўзи Муҳаммадбой вафот этди, сафар ойининг биринчи куни, душанбада катта акам Тўхта Назир. Ҳар иккиси кузда, қовун пишигида, йўлбарс йилида, иккинчи ибодат вақтида ўлдилар. Оқсув йил ҳисоби билан 1242 йилда йўлбарс йилида, ашур ойининг 30-санасида катта акам Рўзи Муҳаммад сўфи ва сафар ойининг биринчи санаси, душанбада Тўхта охун вафот этдилар...

Интернет саҳифаларида китоб ҳақида мухтасар маълумот берилган: Shah Mashrab. Eastern Turlkistan, 19th centery, early, Uighur. Old number 30. The story of the Central Asian poet and mystic Shah Mashrab, a unique manuscript. His life has been described by Martin Hartmann in "Meshreb, der

weisse Narr und fromme Ketzer. Ein Zentral – asiatisches Volksbuch”.

Ларжимаси: “Шоҳ Машраб”. Шарқий Туркистон, 19-асрнинг бошлари, уйғур тилида. Эски рақами: 30. Марказий Осиёлик шоир ва мистик Шоҳ Машраб ҳақидаги қисса; тўлиқ ҳолдаги қўлёзма. Шоирнинг ҳаёти Мартин Хартманнинг “Машраб - доно телба ва авлиё дахрий”. Марказий Осиёга оид халқ китоби”да тасвирланган.

Маноқиб уйғур тилида ёзилган деб кўрсатилган. Фикримизча, бунинг сабаби коллекционернинг ўзбек тилини яхши билмаганидан, бўлса керак. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозимки, Навоий, Машраб, Хувайдо каби ўзбек шоирларига бағишланган интернет саҳифалари очилганда Қозоғистон ва Шарқий Туркистонда яшайдиган адабиёт-шунослар томонидан бу ашюмалар уйғур миллатига мансуб деб кўрсатилади, шеърлари араб ёки лотин имлосидаги уйғур тилида берилади¹.

Гуннар Жарринг коллекциясидаги бу манокиб дастлабки қўлёзма китоблардан бири ҳисобланиб, унда Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид аслий маълумотлар ёзилгани табиий. Аммо китобнинг сўнгги саҳифаларидаги ёзувнинг сабаби ва моҳиятини англай олмадик. Эҳтимол, хаттотнинг акалари Машраб шеъриятини куйга солиб, халқ орасида куйлаб юрган кишилардан бўлгандир. Машраб ҳикоятлари кишиларга доимо ҳамдард, ҳамфикр бўлган. Улар шукроналик, келажакка ишонч билан яшашни шу ҳикоятлардан ўрганганлар.

Бу ҳақда қ. [http:// www.uyghurs.bl](http://www.uyghurs.bl).

2.2. Мартин Хартманнинг “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий” асари ҳақида

Раҳимбобо Машрабнинг “Қиссаи Машраб”, “Девони Машраб” ва “Шоҳ Машраб” каби манокибларини қисқартирилган ҳолда немис тилига таржима қилган, Машраб кадамжойлари бўйлаб илмий сафар-экспедиция уюштирган олим немис шарқшуноси, профессор Мартин Хартманидир.

Хартманн 1900 йилларда Туркиянинг Истамбул шаҳрида турк тиллари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган вақтда “Девони Хувайдо” ва “Қиссаи Машраб” каби китобларни қўлга киритди ва дарҳол уларнинг таржималари ва таҳлилини киришди. Хартманнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

Ich wurde durch einen Zufall darauf geführt. Ein Stambuler Buchhändler, bei dem ich im Herbst 1901 schmökerte, besonders auf Werke in dem Türkisch Zentralasiens fahndend, zeigte und überliess mir zwei Lithographien, die in Stambul für den Bedarf Turkistans hergestellt sind, die eine den Divan des Dichters Huweida, die andere den Divan Meşrebs enthaltend... Das divani Meşreb dagegen ist eine Erzählung, in welche zahlreiche Gedichte mit dem Machlas Meşreb eingestreut sind.¹

Таржимаси: Мен бунга кутилмаганда эришдим. Истамбуллик китобфурушлардан бири 1901 йилда Марказий Осиё туркий халқлари адабиётига оид илтимосларимга кўра, иккита тошбосма китоб кўрсатди ва ўқиб берди. Китоблар Туркистон халқлари эҳтиёжлари учун чоп қилинган бўлиб, биринчиси Хувайдо исмли шоирнинг девони, кейингиси эса Машраб девони эди....“Девони Машраб” ҳикоятлар тўплами, унда Машраб таҳаллусли шоирнинг кўплаб шеърлари жамланган.

Матн ости изохларида муаллифнинг қўлида Машрабнинг 1318 ҳижрий йилнинг раббиул охир ойида чоп қилинган, 155 саҳифали Истамбулнуса девонидан ташқари 1316 ҳижрийда Тошкентда Порцев босмахонасида чоп қилинган ва 1898 йил 2 октябрь цензура белгиси билан

Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer. // Der islamische Orient. Berichten u. Forschungen. V. Berlin. -1902. - S.148-149.

тасдиқланган, 158 саҳифали “Шоҳ Машраб” номли китоб борлиги ҳам ёзилган. “Хартманнинг Марказий Осиёга оид китоблари коллекцияси”да 7-, 8-, 9-, 10-, 11- ва 12-рақамлар остида 6 донга Машраб маноқиблари кўрсатилган¹. Демак, муаллиф қолган 4 та девонни Туркистон сафари вақтида соғиб олган.

Вамберининг “Чигатой тили дарслиги”даги “Адабиётлар бўлими”да Марказий Осиёга оид кўплаб китоблар кўрсатилган бўлса-да “Шоҳ Машраб” ёки “Қиссаи Машраб” маноқиблари ҳақида маълумотлар берилмаган. Лекин унинг 1892 йилда Венада нашр эттирган “Zwei moderne centralasiatische Dichter-Munis und Emir” – “Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири Мунис ва Амир” деб номланган мақоласида Машраб ижодига оид қисқагина фикр бор. Мақола, гарчи Шермухаммад Мунис ва Умархон Амирий ижодига бағишланган бўлса-да, Вамбери матноти изохларида Марказий Осиёнинг атоқли шоирлари ижодига нисбатан ноҳолис хулосалар баён этган. Хартманн Машраб ғазалларини батафсил ўрганиб чиқиб, Вамберининг юқорида тилга олинган мақоласидаги шоирга оид нотўғри фикрларини инкор қилади:

“... Die Volksdichter Meschreb, Ghazali, Miskin, Chuschroy, Allachjor sufi, Bedil Mirzo und Machtumkuli in deren Gedichten sich jener Geist der Poesie einigermaßen widerspiegelt, den wir bei den schlichten Nomaden auf der Steppe bewundern.” ...Die in Volksbuch von Šach Mešreb aufgenommenen Gedichte mit dem Machlas Mešreb sind reine Kunstpoesie, vom Nomadengeist ist darin auch nicht eine Funke. (147-148-б)

Таржимаси: ...“Машраб, Ғаззолий, Мискин, Сўфи Аллоҳёр, Хушрўй, Бедил Мирзо ва Махтумқули каби халқ шоирлари ижодида шеърятнинг ажойиб намунасини кўрамизки, саҳродаги содда кўчманчилар ижодида бундай руҳиятни кўрганимиздан ҳайратдамиз.” ... Аммо “Шоҳ Машраб” номли халқ китобидаги Машраб таҳаллуси билан

Hartmann M. Zentralasiatisches aus Stanbul. // Westasiatische Studien, 1904, MSOS zu Berlin. – S.1-3

ёзилган шеърлар ҳақиқий санъат намунасидир. Уларда кўчманчилар руҳиятининг учкуни ҳам йўқ!!

Хартманн “Шоҳ Машраб” номли маноқибдаги ғазалларни тушуриб қолдириб, матнни қисқартириб таржима қилган, китобнинг тили ва шеърларнинг вазни ҳақида батафсил сўз юритмасдан факат қисқа мулоҳазалар билдириш билан чекланган. Мутаржим бу ишни бошқа ўринда бажарган. Бунгача араб, форс ва турк адабиётидан кўплаб шеърӣ ва насрий асарлар таржима қилган Хартманни маноқибдаги Машраб ғазалларидан кўра китобда илгари сурилган диний-маърифӣй ва фалсафӣй ғоялар кўпроқ қизиқтирган. Қаландарлар ва дарвеш – девоналар ҳақида Европада турли жанрларда, кўплаб асарлар ёзилган бўлса-да¹, бир пайтнинг ўзида ҳам шоҳ, ҳам қаландар, ҳам доно, ҳам телба Машраб образи Европа учун янгилик эди. Ғазаллардан намуналар таржима қилмаганини муаллиф куйидагича изоҳлайди: ... Ich bemerke aber wiederholt ausdrücklich, dass es mir in diesem Hefte in erster Linie darum zu thun war, das religionswissenschaftlich bedeutsame Volksbuch, dessen Held das Herz des Volkes besitzt und das bei Millionen auf Denken und Fühlen wirkt, bekannt zu machen ...(Б.190)

Маъноси: ...Такроп бўлса ҳам айтаманки, журналнинг ушбу сониди аввало, диний-маърифӣй мавзудаги халқ китоби ва унинг миллатлар кўнглидан мустаҳкам жой олиб, миллионлаб кишиларни мулоҳаза қилишга ва ҳиссиётга чорловчи халқ қаҳрамони ҳақида мухтасар ҳикоя қилмоқчиман, холос. ...

“Der islamische Orient” журналининг 5-сонидаги “Тадқиқотлар ва маълумотлар” рукнидаги 47 саҳифали мақоланинг “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий” деб номланганиёқ Машраб шахси ва ижодидаги қарама – қаршиликларнинг, муаллиф талқинидаги, биринчи белгиси эди. Мақоланинг кириш қисми ва матн ости изоҳларида бу фикр кенгайтирилиб, далиллар билан исботлаб, изоҳлаб борилди. Мутаржим маноқиб ҳақида, асардаги воқеаларнинг

Бу ҳақда к. Goldzieher I. Islamic at persisme. Abu-l -Ala al Ma'ari als Freidenker. // Zeitschrift der Deutschen Morgenlaendischen Gesellschaft, Bd. XXIX /1875. – S.637-641.

боришига қараб, таржиманинг бир неча жойларида **шахсий** фикрларини билдириб ўтган. Китобдаги образлар, воқеаларнинг ўрни ва ривожига қараб, Хартманн, асосан, маъноли изохларида қўшимча маълумотлар берган. Ана шундай изохлардан бирида муаллифнинг Машраб шахси ва ижоди, таржимага қўл уриш сабаблари, маноқиб ёзилган давр хусусидаги фикрлари баён қилинади:

Wer ist die geschichtliche Persöhnlichkeit, die hinter Rahim Baba Mešreb steckt? Mir lag hier zunächst daran, von dem volkskundlich und religionsgeschichtlich wichtigen Volksbuche ein Bild zu geben, und jene Frage musste in den Hintergrund treten, wurde noch nicht systematisch untersucht. (Б.191).

Таржимаси: ...Раҳимбобо Машраб номи билан машҳур бўлган бу тарихий шахс амалда ким? Аслида мен (Европа шарқшунослиги учун) ўта муҳим бўлган бу асарнинг халқ китобларига хос белгилари ва китобда тасвирланган диний-фалсафий масалалар ҳақида мухтасар манзара яратмоқчи эдим. Юқоридаги савол кейинги планга ўтган. Чунки бу муаммо ҳали мунтазам ва изчил тадқиқотларга муҳтож.

Хартманн маноқиб, унинг қаҳрамони ва китобнинг нашрий сифати ҳақидаги фикрларини сўраб, илмий ҳамкори Йоханнес Аветараниан ва яқин дўсти венгер шарқшуноси Игназ Гольдциерга хат орқали бир неча бор мурожаат қилди. 1902 йил 22 мартда йўлланган хатда шундай ёзилган: ...Viel Kurioses finde ich in dem mittelasiatischen Volksbuch Šah Mešreb - شاه رشمب, indem Beten und Fasten lächerlich gemacht wird und Hafizverse für ebenso wertvoll wie Qoranverse hingestellt werden... Das Ding ist volkskundlich und religionswissenschaftlich von hohem Interesse, und doch niemand es beachtet zu haben. Ich gebe in Kurzem irgendwo den Inhalt mit einigen Bemerkungen.¹

Таржимаси: Ўрта Осиё халқ китоби شاه رشمب – “Шоҳ Машраб”да кўпгина қизиқарли нарсаларни кўрдим. Унда номоз ва рўза ибодатлари устидан ҳазил қилинган ва

¹ "Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht". Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. Herausgegeben und kommentiert von Ludmila Hanisch. Otto Harrasowitz Verlag. – Leipzig, 2000. – S.181-182. Brief Nr. 132. von 22.03.1902.

Ҳофизнинг байтлари Қуръон оятларига тенглаштирилган... Буларнинг ҳаммаси халқчил ва диний-илмий аҳамиятли бўлиб, ҳозиргача ҳеч биримизнинг назаримиз тушмаган... Яқин орада унинг қисқача маъносини изоҳлар билан бирор нашрга топшираман.

1902 йил 24 июндаги хатида Хартманн маноқиб устидаги тадқиқотларини тугатиб, нашриётга топширгани ҳақида ёзади:

... Gerade jetzt geht mein "Mešreb, der kluge Narr...ein zentralasiatisches Volksbuch" in die Druckerei. Wissen Sie etwas von Šah Mešreb (شاه رشمب) ? Dann wären Sie wohl in Europa der Einzige, ausgenommen Herrn Awetaranian in Schumen. Dieser "wunderliche Heilige" (Mešreb) macht die tollsten Sachen und ich hoffe, dieses Ergebnis meiner Studien wird Sie etwas mit meinen türkischen...Studien aussöhnen—Zentralasien steckt voll der interessantesten Probleme und voll unbekannter Tatsachen. Will jemand hin, der zu sammeln berufen ist, so findet er keine Unterstützung, an Andere wird das Geld fortgeworfen...²

Таржимаси: Ниҳоят "Машраб — доно телба... Марказий Осиё халқ китоби" нашрга кетяпти. Шоҳ Машраб ҳақида бирор маълумот биласизми? Билганингизда Сиз, шуменлик жаноб Аветаранианни ҳисобга олмаганда, Европада ягона олим бўласиз. Бу ғаройиб авлиё — Машраб ажойиб кароматлар қилган. Ишонаманки, менинг тадқиқотларим натижаси Сизни ҳам туркшуносликдаги тадқиқотларим билан яраштириб қўяди. Марказий Осиё кўплаб қизиқарли масалалару нотаниш воқеалар макони. У ерга бориб, шу ажойиботларни териб келмоқчи бўлганларни бу ерда қўлламайдилар. Бошқа ишларга эса пулни сочиб ташлайдилар...

Кўринадики, Шоҳ Машраб маноқибдаги ҳикоят ва ғазаллар Хартманн таржималаридан кейин Европадаги кўпчилик шарқшуносларни ҳаяжонга солган. Вамберининг 1865-66 йиллардаги, Фердинанд Гренард ва Дитрёл де Рэннинг 1890-95 йиллардаги сафарлари ва бу сафарлар натижасида ёзилган адабиётшунослик, тарих ва этнографияга оид китобларидан сўнг "Туркистон етарли ўрганилган ўлка,

энди Марказий Осиёни ўрганишга эҳтиёж йўқ”, деб ҳисоблаб, арабшунослик билан шуғулланишни афзал кўрган бир қатор шарқшунослар ҳам мақолани ўқигач, туркшунослик соҳасида ҳали кўп муаммолар ечимини кутаётганига иқдор бўлдилар. Шарқ тиллари семинарияси Хартманнинг Туркистонга илмий сафар учун маблағ сўраб ёзган илтимосларини қондирмаган эди¹. Унинг юқоридаги мактуби сўнгидаги эътирози айнан шундан бўлса керак.

Ҳақиқатан Гольдциер Хартманнинг Машраб ҳақидаги фикрларини ўқиб, Туркистон ва унинг алломалари ҳақида янги тадқиқотларга киришди. У Машраб маслаги устида изланишлар олиб бориб, унинг маломатия тариқати вакили эканини аниқлади ва маломатийликни шундай шарҳлади:

“Sie können sich leicht denken, aus welchen Gesichtspunkten mich, die Šah Mešreb – Erzählung so sehr interessiert. Ich habe bei erster rascher Lektüre den Typus des sogenannten *malameti* erkannt, eine Sorte von Derwischen, deren Force programmässig darin kulminiert, die Verachtung und den Tadel der Menschen absichtlich auf sich zu laden. Sie wollen verachtet werden und thun immer Dinge, mit denen sie diesen Erfolg erziehen: ein noch erhöhtes *contemnero contemni*. Ein solcher Malamati scheint Ihr Mašrab zu sein” ... (Б.188)²

Таржимаси: Шоҳ Машраб ҳикояси мени канчалик қизиқтириб қўйганини билсангиз эди. Мен бир неча тадқиқотлардан сўнг маломатийлар деб аталмиш дарвешлар турига тегишли жамоани пайқадим. Уларнинг мақсади турли, ғайри оддий, нолойиқ ҳаракатлар билан кишиларнинг ғазабини кўзғатиб, эътиборни ўзларига тортиш. Улар доимо эътиборда туришни хоҳлайдилар ва шунинг учун ғайриоддий қилиқлар қиладилар. Сизнинг Машрабингиз ҳам шундай маломатийлардан бири бўлса керак..

Хартманнинг яна бир илмий ҳамкори Йоханнес Аветаряниан 5 йил давомида Қашқарда яшаган даврида

Бу ҳақда кўпроқ маълумот олиш учун: “Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht”. Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. Vorwort. Herausgegeben und kommentiert von Ludmila Hanisch. Otto Harrasowitz Verlag. – Leipzig, 2000.

Шу асар, 188-бетдаги 139-хат.

Машраб ва бошқа туркий шоирлар ижоди билан яқиндан танишган эди. У турк адабиётидан немис тилига қилган таржималари билан ҳам ном қозонган. Хартманнинг Машраб ижоди ҳақидаги сўровига жавоб қайтариб, немис мутаржимининг қўлидаги Тошкент ва Истамбул нашрларида кўплаб хатоликлар борлигини, ўзининг Қашқардаги уйида хатоларсиз, чиройли хуснихат билан битилган маноқиб қолганини ёзган. Хартманн Аветаранианнинг бу фикрларига қўшилмайди. Унинг ёзишича, маноқиблардаги айрим хатоликлар хаттотларнинг айби, ғазалларнинг аксарияти нуқсонсиз. (Б.149)

Машрабшунослик билан жиддий шуғулланган олимлар бу мавзунинг қуйидаги тўрт йирик муаммолари билан тўқнаш келадилар:

1. Машраб тарихий шахси ёки бадий – тўқима образми?

2. Машраб яшаб ўтган давр – шоирнинг таваллуд ва вафот этган йиллари.

3. Маноқибнинг муаллиф(лар)и.

4. Мабдаи нур” ва “Кимё” асарларининг муаллифи ким?

Бу муаммолар доимо бир-бирини тақозо қилиб келган. Муаммоларга жавоб излаган Хартманн юқорида эслатганимиз “Шоҳ Машраб” ва “Девони Машраб” маноқибларидан ташқари қўшимча равишда яна 23 та адабиётга мурожаат қилди. У мақоласининг кириш қисмидаёқ китобнинг тили ва услуби ҳақида мухтасар фикр билдирди. Сўнгра у Машраб шахси, девондаги ҳикоятлар генезиси, ҳикоятларнинг ғазалларга боғланиш нуктаси ва шакли ҳақида шундай фикрга келди: Was ist das Prius? Wurden vorhandene Gedichte nachträglich durch eine Erzählung in Verbindung mit einander gesetzt oder wurden zu einer alten Erzählung Gedichte als Schmuckstücke hinzugedreckselt? Die Frage ist müssig. Die meisten Stückchen, die von unseren Helden erzählt wurden, sind alte Motive, die dem Rahim Baba... zugeschrieben wurden. Andererseits wird man kaum annehmen dürfen, dass die Gruppierung der Geschichtenklasse, die hier vorliegt, um Rahim Baba Mesreb erfolgt sei, bevor sein Divan

vorlag. Mit anderen Worten: es ist an der Existenz eines Dichters mit dem Machlas Meşreb nicht zu zweifeln ... (Б.150)

Таржимаси: Қайси бири бирламчи? Шеърлар аввал ёзилгану, кейин улардан ҳикоятларни бир-бирига боғлашда фойдаланилганми; ёки қадимий ҳикоятларга ғазаллар зийнат сифатида қўшилганми? Масаланинг қўйилиши ўринли. Қаҳрамонимиз номидан айтилган кўплаб ҳикоятлар қадимий бўлиб, улар кейинчалик Раҳимбобо Машраб атрофидаги тарихий шахслар номи билан боғланганига ишониш қийин. Бошқа томондан олиб қараганда эса Раҳимбобо Машраб девонида тилга олинган бу тарихий шахслар Машрабдан олдин яшаб ўтганларига ишончимиз йўқ. Хулоса шуки, *Машраб тахаллусли шоирнинг яшаб ўтганига иккиланиш ўринсиз. Унинг асарлари фақат ўзига хос ва яққол кўзга ташланувчи диний характерли бўлиб, қадимий ҳикоятлар шеърларни ўзаро боғлаган...* Китобдаги айрим мотивлар хусусида эса бир нарсa дейишга ожизман.

Юкоридаги матндан шуни англаш мумкинки, Машраб ҳаётидан деб ёзилган ҳикоятларнинг аксарияти мазмунан қадимий турк халқлари ва араб бадавийлари ҳаётидан олинган ҳикоятлар ва ҳаттоки, қадимий яҳудий қабилаларининг қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилувчи эпослардаги ҳикоятларга ўхшатилади. Жумладан, Машрабнинг, эшакка тескари ўтиргани ҳолда муридлари куршовида Балх шаҳрига кириб келиши ҳақидаги кичик бир эпизод бор. Бу ҳикоят тўлалигича, Хартманнинг “Die Schwanke und Schnurte im islamischen Orient” мавзуидаги мақоласида ҳам ёзилган. Мақолада туркий халқлар оғзаки ижоди намунаси бўлмиш Насриддин афанди ва араб фольклори қаҳрамони Си Жўха ҳақидаги латифалар ўзаро таққосланган. Латифалар Шарку Ғарбнинг кўплаб халқлари оғзаки ижодида мавжуд бўлиб, уларнинг қайси бири бирламчи ва қайси бири ўзлашма эканини аниқлаш мушкул. Хартманн Машраб ҳақидаги ҳикоятларнинг айримлари шу латифалардан ўзлашма деган фикрни айтади.

Гольдциер бу ҳақдаги мулоҳазаларини давом эттириб қуйидагича ёзади: 149. (Was ist das Prius?) haben Sie eine Frage

formuliert, die das ganze Gebiet der arabischen Erzählungen zu alten Gedichten trifft. Auch hebr. Poesie, (Die Erzählung zum Deborah-Lied, etc.)

Таржимаси: 149-бетдаги изохлар хусусида (Кайси бири бирламчи?): Сиз масалани шундай қўйибсизки, барча араб хикоятлари ва ҳатто қадимий яҳудийлар шеърляти (жумладан, Деборах қўшиқлари ва бошқалар) ҳам бу қадимий шеърларга мос тушади...¹

Гольдциернинг бу мулоҳазалари бизни янги кашфиётларга ундайди. Жумладан, ҳозир Шарқ ва Ғарб халқлари эпослари, ўзбек ва немис халқ эртаклари, “Алпомиш” достони, эрон халқининг “Шоҳнома”си, ирланд халқининг сагалари – “Ёлғиз ўғил Айфенинг ҳалокати” каби халқ эпосларидаги паралелизмлар ва сайёр сюжетлар ҳақида бир қатор изланишлар қилинди. Уларда халқ достонларидаги муштарак ғоя ва сюжетлар илмий таҳлил этилди. Бу сюжетлар қадимий халқларнинг муштарак ўй – фикрлари, орзу – ниятлари ва маълум маънода, муштарак тарихлари инъикосидир.

Лекин юқоридаги асосли мулоҳазалардан фарқли ўлароқ, гарчи, ўзи Туркистонда яшаб, кўплаб адабий ва тарихий манбаларга эга бўлгани ҳолда, Машраб шахси ва ижодий меросига шубҳа билан қараган айрим адабиётчиларга нисбатан бу икки европалик олим ҳолисона йўл тутган. Шоир шеърларининг оригиналлигига шубҳа қилган рус шарқшуноси В. Вяткин ўзининг “Ферганский мистик Дивана-и Машраб” номли мақоласида куйидагича мулоҳаза юритади:

... К сожалению биография его совершенно неизвестна. Мусулманские исторические и иные сочинения относящиеся к этой эпохе, не только не освещают биографию этого интересного лица, но даже совершенно не упоминают о нем. Это дало повод предполагать, что Машраб – личность не-историческая, а легендарная, и повесть о нем, ... выдумана².

Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht". Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914, – S. 188. Brief Nr.139.

Вяткин В. Ферганский мистик Дивана-и Машраб. // Сборник Туркестанского восточного института в честь проф. Шмидта: – Ташкент, 1923. – стр. 24.

Мақола давомиди муаллиф яна юкоридаги мазмунда фикрини такрорлайди:...Однако, во всяком случае, рассказанная о Машрабе повесть в значительной части выдумка¹.

Рус шаркшуноси томонидан билдирилган мулоҳазаларга карама-қарши ўларок, Хартманн ва унинг илмий ҳамкорлари Аветараниан ва Гольдциер қаландар шоирнинг тарихийлиги ва юксак дидли адиб эканлигини исбот қилдилар. Хартманн Машрабнинг яшаб ўтган даври ҳақидаги фикрларига хулоса ясаб, шундай ёзади:

Die Hauptsache ist richtig gefunden: dass Mešreb in die Zeit der Wende vom 17. zum 18. Jahrhundert gehört... (Б.190)

Таржимаси: Энг муҳим факт шуки, Машраб 17-аср билан 18-аср оралиғидаги даврда яшаб ўтган.

Мутаржим Машраб яшаб ўтган даврни, умуман, тўғри белгиланган. Аммо унинг қатл қилинган йилини аниқлашда хатога йўл қўйган. Маълумотларнинг етарли эмаслиги, мавжудлари эса, айрим ҳолларда, бир-бирини инкор қилиши туфайли шундай хатога йўл қўйилган. Хартманн Машраб осишга ҳукм қилинган йилини аниқлаш учун, аввало, шоирга бирон бир тарафдан алоқадор бўлган тарихий шахснинг ҳаёт йўлини ўрганди. Шу тариқа у инглиз шаркшуноси Форситнинг² маълумотларига таяниб, Машрабнинг пири Офок хожа эшоннинг вафот йилини, тахминан, 1700 йиллар, деб белгилади. (Б.192) Бошқа ўринда эса пирнинг вафот йилини, инглиз шаркшунос олими Ховортнинг³ маълумотлари асосида, 1693-94 йиллар деб ёзди.

Шунингдек, Хартманн маноқиб ҳикоятлари бўйича Машрабга мурид бўлган Убайдуллоҳхоннинг (айрим манбаларда Абдуллоҳхон деб ҳам аталганига эътиборни қаратиб) 1705-1706 мелодий йилда вафот этгани қайд қилган. Демак, Машраб шу йилларда ҳаёт бўлган.

Юкоридаги асар, 25-бет.

Forsyth. Report of a Mission to Yarkand in 1873. — Calcutta, 1875. — p.176-178. // Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzler. — S.192-193.

Ewout . History of the Mongols.II. — p. 762. // Hartmann. M. Der weisse Narr und fromme Ketzler. — S.192-193.

Таржимон Машрабни ўлимга ҳукм қилган Маҳмудхон ҳақидаги маълумотларни қидириб, кўплаб тарихий асарларни ўрганиш натижасида, Афғонистонда бу даврларда Маҳмудбий Оталиқ ва Маҳмуджон исмли хонлар яшаб ўтган ва Маҳмудхон Оталиқ кўп вақтини Балхдан ташқарида ўтказган, демак, у Машраб ўлимига алоқаси бўлмаган, шоир ҳам Балхда ўлдирилмаган, деган хулосага келган.

Ўзбек машрабшуносларидан профессор Фитрат ҳам Хартманн маълумотларига яқин фикр юритган:

“...Ҳар ҳолда Машраб Бухорога борган вақтларда онда Абдуллоҳхон отлиғ бир хон йўғ эди. Шунинг учун маноқибда ёзилган Абдуллоҳхонни “Убайдуллоҳхон” деб тасҳиқ қилишга тўғри келадир. Манқаблага кўра, Машраб Бухородан Балхга бориб, Балх подшоҳи Маҳмудхон томонидан ўлдирилган. “Мажмуаи Фаҳмий” эгаси Машрабни ўлдирган бу Маҳмудхоннинг Маҳмудбий катагон эканини очиқ сўйлагани каби Машрабнинг 1121 (1711) Балхда эмас, Кундузда ўлдирилганини қайд қиладур”¹. Демак, Хартманнинг Машраб қатл қилинган макон ҳақидаги фикрлари кейинчалик профессор Фитрат томонидан ҳам қувватланган.

Ғарб тарихчиларининг асарларида Маҳмудбий Оталиқнинг ҳаётига оид маълумотлар 1705-1706 йилларга борганда узилган. Ўша йиллардаги имконият ва маълумотлардан фойдаланган Хартманн Машрабнинг дорга тортилган вақтини тахминан ҳижрий 1099 (мелодий 1688-89) йил деб таъкидлайди. Машрабшунос олим профессор Исматуллоҳ Абдуллаев бу борада бир қатор тадқиқотлар ўтказиб, шоирнинг қатл қилинган йилини 1711 йил деб ёзади². Демак, немис тадқиқотчиси бу борада хатоликка йўл қўйган.

Хартманн маноқиб ёзилган даврга ҳам аниклик киритди:... Воқеалар баёнига кўра бу китобнинг ёзилган даври 1720 йилдан аввал, 1760 йилдан кейин эмас. (Б. 6)

Шоирнинг “шоҳ Машраб” деб аталишига сабабни биз Машраб – қаландарлар, камбағаллар, гадолар, телбалар,

Абдурауф Фитрат: Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 85.
Абдуллаев И. Бобораҳим Машраб. Мабдаъ нур. – Тошкент: Фан, 1996.

шунингдек, шоир ва уламоларнинг шоҳи, деб тушунамиз. Аммо Игназ Гольдциер бу атамага алоҳида аҳамият бериб, Хартманнга хинд олими Шоҳ Валиюллоҳ ад Дехлавий каламига оид шу мавзудаги асарни ўқишни маслаҳат беради. Унинг ёзишича, қўлида мавжуд бўлган китоб қисмларида қадимда ва ҳозирги замонда “шоҳ” унвони билан улуғланган кўплаб буюк олимларнинг исмлари бор¹. Афсуски, Гольдциер асарнинг номини тўлиқ ёзмаган. Эҳтимол, бу асар европалик шарқшуносларга таниш бўлгани учун шундай қилгандир. “Шоҳ” унвони ҳар қандай алломага ҳам берилавермайди. Туркистонда Машрабдан ташқари юзлаб буюк шоирлар, адиблар, қаландарлар, тарихчилар, санъат ва маданият усталари яшаб ижод қилганлар. Улар араб, форс-тожик ва турк тилларида жаҳонга машҳур асарлар яратганлар. Аммо уларнинг аксариятида “шоҳ” унвони бўлмаган.

“Қиссаи Машраб” маноқибларида ёзилишича, Машраб Бухорога сафарини ўзгартириб, Маккага йўл олади. Лекин у Маккага етиб бормай, йўлни ўзгартиради ва Ҳиндистонга Хожа Пошшахожа эшон хузурига жўнайди ва уч йил унинг таҳоратига сув қуйиб беради. Машраб Ҳиндистонда ҳам узоқ муддат сафарда бўлган ва у ерда султон Абулғозихон ва хинд халқининг эътиборига тушган. Подшоҳ Машрабга ихлос қилиб мурид бўлган, миннатдорчилик совғаси сифатида кулбача инъом қилган. Шоир Ҳиндистонда тилсимли шаҳарга кирган. Унга, айнан, Ҳиндистонда “шоҳ” унвони берилган бўлса керак. Келгусида, Шарқ ва Ғарб олимларининг тадқиқотлари бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, ватанимиз машрабшунослари олдида Машрабнинг туғилган макони масаласи ҳамон мунозараларга сабаб бўлмоқда. Маноқибдаги ёзувларга асосланган ҳолда Хартманн Раҳимбобо Машрабнинг ота-оналари Наманган шаҳрида яшаган, Машраб ҳам Наманганда туғилган деб кўрсатди ва асарида бу шаҳарнинг 1900 йиллардаги иқтисодий-географик ҳолати ҳақида қўшимча маълумотлар берди. (Б. 153, 156)

Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht . Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. S. 188. Brief Nr.139.

Кўринадик, хорижий машрабшунослар ўз олдиларига қўйган муаммолар билан ватанимиз машрабшунослари шуғулланаётган масалалар бир-бирига жуда яқин. Аммо ўзбек олимлари муаммо деб билмаган айрим масалалар хорижий шарқшуносларнинг тадқиқот объектига айланиганини кўраемиз. Машраб мероси мавзусига мурожаат қилган олимларнинг қайси соҳага тааллуқли эканликларига қараб, шу соҳалар юзасидан фикр юритишган. Жумладан, 1995-96 йилларда француз тилига ўтирилган “Қиссаи Машраб” манокіби — “*Le vagabond flamboyant*”¹ (Нур таратувчи дарвеш) китобидан асосий мақсад Шарқ адабиёти ва маънавиятининг йирик вакиллари ҳақида Европа аҳлига маълумот бериш бўлса, иккинчи томондан Шарқ ахлоқ анъаналари билан ёшларни тарбиялаш эди. Америкалик Натан Лайтнинг диссертацион тадқиқотидан асосий мақсад, Туркистон фольклор тарихи ва унинг манбаларини ўрганиш бўлиб, Яссавий, Навоий, Машраб, Хувайдо каби мумтоз адабиётимиз вакиллари шеърларининг халқ оммаси томонидан ардоқланиб, куйга солингани ва бу қўшиқларнинг ижрочилари — охунлар ҳақида маълумот бериш эди. Ўтган асрнинг бошларидаги рус олимларининг тадқиқотларида Марказий Осиё мусулмон дунёсининг алломалари ҳақида маълумот тўплаш бўлиб, мақсад маҳаллий миллатларнинг ўзаро бирлаштирувчи манбаларини тадқиқ қилиш эди. Мартин Хартманинг тадқиқотларидан асосий мақсад эса Марказий Осиё халқларининг диний-маърифий адабиётини ўрганиш орқали маҳаллий аҳолининг исломга бўлган муносабатини кузатиш эди.

Айнан шу нуқтада хорижий тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш лозим: бири ҳолислик билан ёндашув бўлса, иккинчиси ноҳолис, айрим ҳолларда очик ғаразли ёндашувдир. Ноҳолис ёндашувларни, аксарият ҳолларда, тадқиқотчининг мавзуга оид етарли билими ёки маълумоти бўлмаганида кузатиш мумкин. Аммо шундай олимлар ҳам борки, улар “товланиб” турадилар. Улар, гарчи, маълум

Ismoilov H., J.L. Balpe . *La vagabond flamboyant*. —Paris: Gallimard, 1995.

соҳаларда катта тадқиқот ишларини амалга оширган бўлсалар-да, аммо масаланинг якунида ўзларининг ноҳолис фикрларини ошкор қиладилар. Ана шундай олимлардан бири Ҳерманн Вамберининг шахси ҳақида турли мунозаралар ҳозир ҳам бўлиб турибди¹. Унинг шу мавзуга оид бир мулоҳазаси борки, унда ўзбек халқи, унинг забардаст шоирлари ижодига берилган ва бир қараганда ёқимли туюлган мақтов билан, кўчманчи халқлар қаторига қўшиб юборилган.

Хартманн Машраб шахсига нимаики тааллуқли бўлса, барчасини ўрганди. “Машраб-доно телба ва авлиё даҳрий” мақоласида Машрабнинг тарихий шахслиги, маслаги, шоирлиги, қаландарлиги, дарвешлиги, Наманганда туғилгани ва Афғонистонда дорга осилгани, онаси ва синглиси, пири-устозлари, шогирдлари, зиёратга борган шаҳарлари ҳақида дастлабки маълумотлар берилган. Бу маълумотлар инглиз, немис, француз, турк, форс ва араб тилида ёзилган манбалардан олинган бўлиб, уларнинг муаллифлари кўрсатилган. Жумладан, турк шарқшуноси Шамсуддин Муҳаммад Сомийнинг “Қомуси туркий” комусидан маломатия тариқати ҳақидаги маълумотларни излаб топиб, уларни асарига киритган: *Hukema'i kelbiyün meskekine qarib bir mesleki qalenderena ittihad iden tariqlerden birine tâbi' âdem*².

Кўринадики, Хартманн асосий масалаларга бир қадар жавоб берган. Аммо у машрабшуносликдаги яна бир муҳим масала – маноқиб муаллифи ҳақида фикр билдирмаган. Олим “Шоҳ Машраб” маноқиб халқ китоби, бундай китобларнинг муаллифлари кўрсатилмайди, деган мулоҳазага борган бўлса керак. Ўзбек адабиётида бу мавзуда кўплаб асарлар ёзилган. Жумладан, Ҳамидулла Кароматов маноқибнинг дунёга келишини куйидагича баён қилади:

... Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон”ида ёзилишича, Машрабга йигирма йил ҳамсафар бўлган Пирмат

Бу ҳақда к. Нурмуродов Й. Вамбери олимми ё жосус. // “Фан ва турмуш”, № 2. – Тошкент, 1991. – Б. 8-9

Шамсуддин Муҳаммад Сомий. Комуси туркий. – Истамбул, 1888. – Б.1399.

Сеторий устози Раҳимбобонинг “руҳи покига бир китоб тасниф қилмоқ” ниятида “Китоби қиссаи ошиқи Машраб валиюллоҳ” номли асар ёзиб, уни Исҳоқ Боғистонийга юборади. Мазкур асар билан бирга унга мактуб ёзиб, Машраб ва унга яқин бўлган қаландарлар ҳақида китоб таълиф қилишга Исҳоқ Боғистонийни ҳам кўндиради.¹

“Қиссаи Машраб”даги ҳикоятларнинг Европа халқлари, қадимги араб ва яҳудий манбаларида ҳам учраши маноқибни ёзган муаллиф (ёки муаллифлар)нинг нақадар кенг билим эгаси бўлгани, у(лар)нинг Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёти билан яқиндан таниш бўлганини кўрсатади. Халқ китоблари услубида ёзилган бу асарда умумжаҳон адабиётининг, қолаверса, умуминсоний маданият излари ва ғояларининг узвийлигини сезиш мумкин.

Хартманн маноқиб таржимасини немисларга хос усулда – тушунтириш қисми билан бошлаган. Ўғирма ҳам, аслиятдаги каби, Машрабнинг ота-онаси наманганлик экани, онасининг бозордан икки дона тўкилган узумни савдогарнинг розилигисиз егани ва бунинг оқибатида ҳали туғилмаган Машрабнинг онасига танбеҳи билан бошланган.

Хартманн маноқиб таржимаси жараёнида Машрабнинг онаси, синглиси, устозлари мулла Бозор охунд, Офок Хожа эшон, унинг канизаги, шоҳлар, маликалар, вазирлар, ҳокимлар, олимлар, мударрислар, саййидлар, хожалар, имомлар, деҳқонлар, савдогарлар, қаландарлар, ўғрилар каби жамиятнинг турли табақалари билан мулоқотларини кузатиб, шоирнинг хатти-ҳаракатларига фалсафий баҳо беради. Таржимон бу мулоқотларда динлараро умумийликни кўради ва бу ҳақдаги мулоҳазаларини матн ости изоҳларида таъкидлайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Машраб ижоди ва фаолиятига хос тасаввуфий қарашлар бошқача бир шаклда христианликда ҳам мавжуд. Муаллиф, маноқиб таржимаси жараёнида Машраб мансуб бўлган халқнинг бошқа халқларга яқин томонларини кўрди. Жумладан, диний хизматчиларнинг дунё лаззатларидан воз кечганлари,

Кароматов Х. Машраб ва қаландарлик тариқати манбалари.//Олими нуктадон ўзум. Мақолалар тўплами.- Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Ҳ. Ҳомидий. – Тошкент, 2006.- Б. 43.

авлиёларнинг доимо халқ ичида бўлишлари, халқ манфаатлари учун қайғуришлари ва кўп ҳолларда ноҳақ азият чексалар-да бировни айбламасликлари, итнинг авлиёларга садоқатли ҳамроҳ рамзи экани, эшакнинг ишончли улов вазифасини бажариши, имомнинг айни ибодат (номоз) вақтида дунё ташвишларини эсга олиши (уйидаги бузоқни боғламагани эсига тушгани), пирларнинг ҳукмдорларга таъсири масаласи христианликда, ҳам бир оз ўзгача кўринишда, мавжуд бўлиб, кўплаб диний асарларнинг мотивларидан эканини ёзган.

Машрабнинг қирғизлар қишлоғи Мадида ушлангани ва қишлоқ аҳли унга ишонмай оловга ташлаганида у “Мен бу дунёда қуйиб бўлганман, фақат суратим юрибди”, деган сўзларини Хартманн Исо Масихнинг хочга михланиши воқеасига қиёслаган. Қуръоннинг 4-сура 156-оятида ҳам хочга михланган киши Исо алайҳиссалом эмас, балки унинг суратига киритилган бошқа киши эди, деб ёзилган¹.

Мутаржим “Девони Машраб” таржимасидан аввал ҳам кўплаб бадий ва илмий асарлар таржима қилган бўлса-да, бу асарда унга кутилмаган мотивлар дуч келган. Эътибор қилинса, маноқибдаги барча ҳикоятлар немисчалаштирилган, узун ҳикоятлар эса қисқартирилган. Аммо шундай ҳикоятлар борки, улар ижодий тугал қайта яратилган ва ҳатто матн остида қўшимча шарҳланган. Бундай ўғирмалар сирасига ирфоний-диний мавзудаги ҳикоятлар, маҳаллий аҳолининг диний раҳнамоларга муносабати, Марказий Осиёнинг исломгача бўлган ва Ислом даври тарихига оид мавзуларни киритиш мумкин. Аслиятнинг 24-25-саҳифаларида берилган қуйидаги ҳикоят мулоҳазаларимиз исботидир:

...Алқисса, шоҳ Машраб Лангар мазоридан чиқиб, ўз ҳасби ҳоллариға ушбу ғазални ўқудилар... Ногоҳ бир қўйчи қўй боқиб юрур эрди. Шоҳ Машраб айдилар: “Эй қўйчи, пирингни билурмусан?” Қўйчи айтти, билмасман. Шоҳ Машраб айдилар: Агар ман сани пирингни баён қилсам, манга нима берурсан?” ... Машраб асҳоби Каҳфнинг

Қуръон. 4-сура, 156-оят.

исмларини бир-бир баён қилди ва қўйчининг итини олиб жўнади.

Ушбу ҳикоят таржимада ҳам нисбатан кенг берилган:

Als Mešreb aus Langer Mezari auszieht, schildert er seinen Zustand in einem Gedichte. Des Weges ziehend trifft er einen Hirten. "Was gibst du mir, wenn ich dir ein Geheimniss sage?" – "Ich habe nichts, die Schafe gehören nicht mir".–Dann gib mir deinen Hund! Dafür lehrt Mešreb dem Hirten die Namen der Siebenschläfer...

Таржимаси: Машраб Лангар мазоридан чикқач, ўзининг аҳволини бир ғазалда баён қилди. Йўлда кетаётиб, бир қўйчини кўрди. "Сенга бир сирни айтсам менга нима берасан?" - "Менда ҳеч нарса йўқ, қўйлар бировники." - "Унда итингни бергин". Шундай сўнг Машраб қўйчига узоқ уйкуга кетган 7 нафар авлиёнинг исмини ўргатди ...

Таржимон мазкур ҳикоятнинг христиан динида ҳам мавжудлигини ёзади. Гарчи, авлиёлар номи бир оз ўзгарган бўлса—да, мотив ўзгармаган. Матнда шунингдек, Лангар мазори ҳақида сўз боради. Таржимон бундай жой номларини ҳам ойдинлаштириш мақсадида немис шарқшуноси ва географи доктор Хедин Петт тузган Марказий Осиё харитасидан¹ бу географик манзилни тополмаган ва бу ҳақда ҳошияда изоҳ берган.

Таржимада кўп бора тилга олинган Бордонқўрғон ҳам Наманганда бўлиб, аслида баланд ва тик адирликдир. Адирга чикқан киши шаҳардан узокрокни кўриши мумкин. Машрабнинг шундай баландликка чикқанини ҳам мажозий—тасаввуфий маънода қабул қилиш лозим. Таржима жараёнида тилга олинган бу ва бошқа географик номлар ҳам мутаржимга нотаниш кўринган. Оқибатда Бордонқўрғоннинг мажозий образи таржимада акс этмасдан у оддий географик атама бўлиб қолган. Бундай номларнинг кўп учрагани ва улар таржима жараёнида қийинчилик туғдиргани сабабли

¹ Hedin Pett. Die geographisch-wissenschaftlichen Ergebnisse meiner Reisen in Zentralasien 1894-1897. Von Dr. Swen Hedin.-Gotha, 1900, (Petermann Ergänzungsheft No. 131) // Hartmann. M. Der weisse Narr und fromme Ketzer.- S.192-193.

мутаржим кейинги ўринларда уларнинг келиб чиқиши ёки маъносига тўхталмай, номини транслитерация усули билан ўгирган.

2.3. Таржима жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг юзага келиш сабаблари

Шарқ билан Ғарб, Ўзбекистон билан Германия, Ислон ва Христиан динларидаги кўплаб фарқлар, мутаржимнинг тажрибали ижодкор эканига қарамасдан, таржимада ўз изини қолдирган. Натижада ўгирмалар жараёнида мутаржим баъзи бир камчиликларга йўл қўйган. Бу қусурларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Маноқиб матнининг қисқартирилиши сабабли юзага келган хато ва камчиликлар;

2. Болаларга хос (миллий) ўйинларни билмаслик оқибатида юз берган қусурлар;

3. Мутаржимнинг аслият матнга ўта ижодий ёндашганлиги сабабли юз берган ноқисликлар.

Матннинг қисқартириб таржима қилиниши сабабли юзага келган камчиликлардан бири Машрабнинг Хўжанд шаҳрида ҳоким Окбўтабий билан мулоқоти ҳикоятида кўринади. Шоирнинг шаҳарга келганини эшитган ҳоким, ўз одатига кўра, чопар юбориб, уни саройга таклиф қилади. Аммо Машраб учун бу таклиф беписандлик бўлиб туюлади. Чунки, биринчидан, унга шох ҳам, оддий фукаро ҳам тенг нисбатда. Иккинчидан, у ҳукмдорларни оддий кишиларни ҳурмат қилишга мажбур этади. Қолаверса, у Шарқдаги кўплаб ҳукмдорларнинг пири-устози.

Шоир таклифни, ўз усулига кўра, рад қилади. Шунда Окбўтабий ... “мандин лозимдурки, ўзум бориб кўрсам”, – деб бир семиз қўй, бир тўккуз нон, бир машруҳ жома устига қўюб, олиб бордилар.... Машраб айди: “Эй Окбўта, шу ишни аввал қилсанг бўлмас эрдими? Эмди манга барги сабз олиб келибсан, мандин ҳам бормак лозим бўлди” – деб қўй бирла нонни кўкнорихонага бердилар. Тўнни ўзлари кийиб, Окбўтабий ўрдасига равона бўлдилар. (Б.100).

Ушбу ҳикоят таржимада анча қисқаришга учрагани боис Машрабнинг характериға оид жиҳатлар ўзгача тус олган:

Aqbuta Bi geht mit Geschenken zu Meşreb und führt ihn in das Schloss, wo ihm ein prächtiges Lager bereitet ist.

Таржимаси: Окбўтабий совғалар билан Машраб ҳузурига келди ва уни саройға олиб кетди. У ерда шоҳона ўрин тайёрланган эди.

Аслиятда Машраб совғаларни кишиларға улашиб берган. Саройға бориши ҳам Окбўтабийнинг шахсан ўзи бўйин эгиб келиши туфайли юз берган. Шунингдек, таржимада ҳикоятнинг “ҳали ёзилмаган” қисми Машраб учун шоҳона ўрин тайёрлангани ҳам қўшилган. Машраб Окбўтабийдек ҳукмдорни дин ва халқ манфаатлари йўлида тарбиялаш ниятида эди. Аммо таржимада Машраб совғаларни олиб, кейин саройға борган, деган маъно келиб чиқади. Демак, қисқартириш қаҳрамоннинг характериғи очишда ҳам, асарнинг маънавий-ахлоқий моҳиятини ифодалашда ҳам ноаниқликлар келтириб чиқарган.

Мулла Бозорнинг панд-насиҳатлар билан ёш Машрабни шаҳарға қайтариб келиниши тасвирланган ҳикоятда эса ўзбек болалар ўйинини тушунмагани сабабли мутаржим томонидан яна бир хатоға йўл қўйилган.

Аслиятда: Алқисса, шоҳ Машрабни қилмишлари қибоб эрди. ...Ярим кулоч яғочни от қилиб миниб юрур эрдилар. Аммо ёшликда ихлос қилган муридлари бор эрди, ул ҳам яғочдин от қилиб, миниб юрур эрди. Шоҳ Машраб эшон мулла Бозор охунднинг орқаларидан шаҳарға равона бўлуб, бу ғазални ўқудилар..

Таржимада бу ҳикоят, мутаржимнинг ижодий режасига кўра, ўта қисқариб қолган: Alle machen sich Pferde aus Holz (?) Meşreb reitet dem Ischan nach in die Stadt.

Мазмуни: Ҳаммалари ёғочдан от(?) ясадилар. Машраб эшоннинг орқасидан шаҳарға от чоптириб келди.

Аслиятда жами 6 та содда ва қўшма гаплардан иборат бўлган ҳикоят таржимада 2 та содда дарак гапдан иборат бўлиб қолган. Муаммо шундаки, немис олими шаҳардан ташқаридаги мазористон (қадамжой)да шунча киши, асосан,

болалар, қандай қилиб ва нима учун от ясадилар? Эшон пиёда кетгани ҳолда унинг орқасидан отда бориш Шарқ одобининг қайси меъёрига киради?! каби муаммолар мутаржимни ўйлантириб, ечимини тополмаган. Аслида эса ўзбек болалари, ҳақиқий чавандозларга ҳавас қилганлари ҳолда, новдаларга миниб, уни отга қиёслаганлар ва ўзларини чавандозлардай ҳис қилганлар. Бизнингча, муаллифнинг бу лавҳани келтириши Раҳимбобо мадрасага борган чоғларида ҳам болалик ўйинларини ташламай ота-онаси ва ҳатто устози Мулла Бозор учун эрка бўлганлигини намоиш қилишдир. Европа халқларида болаларнинг бундай от ўйини йўқ.

Маноқибда Машрабнинг бир гуноҳ қилиб, пирнинг эътиборига тушиши ҳикояти бор: ...Подшоҳимизга оби таҳорат бергувчи бир канизаклари бор эрди. Ул канизак равоқдин бошини чиқариб, нозу карашма билан дедик: “Эй Машраб, то етти йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур. Буқун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг, қиёматда мани кўлим санинг этагингда бўлгай”. (Б.35)

Таржимон бу ҳикоятни бир оз қисқартирган ҳолда шундай баён қилади:

... Die Gelegenheit lässt sich nicht lange auf sich warten. Die bildschöne Tochter des Heiligen steckt den Kopf aus der Galerie und sagt mit verliebten Blick: “Sieben Jahre schon wohnt die Liebe zu dir in meiner Brust, heut wollen wir uns treffen, auf dass am Auferstehungstage mein Arm um dein Hals geschlungen sei”. (Б.163) Мазмуни: Имконият ўзини кўп кутдирмади. Авлиёнинг суратдай гўзал қизи бошини равоқдан чиқариб, севги тўла нигоҳи билан деди: Етти йилдирки, сенга бўлган муҳаббат менинг кўксимда яшаяпти. Бугун учрашайликки, токи қиёмат кунида кўлим бўйинингда бўлгай.

Ушбу ҳикоят таржимасида икки камчилик рўй берган. Биринчидан, аслиятда оби таҳорат бергувчи канизак таржимада “die bildschöne Tochter des Heiligen” – “авлиёнинг суратдай гўзал қизи” деб ўтирилган. Иккинчи хато эса канизакнинг ...“қиёматда мани кўлим сани этагингда бўлгай” жумласи таржимон томонидан ...“auf dem Auferstehungstag

mein Arm um dein Hals geschlungen sei"—“қиёматда менинг кўлим сенинг бўйинингда бўлгай” мазмунида ўтирилган.

Бу ўринда таржимонни тажрибасизлик ёки билимсизликда айблаб бўлмайди. Тушунишимизча, Хартманн таржима жараёнида шарқона хиссиётлар оғушида хамюртларига кўпроқ маъкул бўладиган янги бир ҳикоят яратган кўринади. Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярми ва йигирманчи аср бошларида Европа бадий таржима мактаби вакиллари ижодида бу каби эркинликлар кўп учрайди. Бу эса, нима бўлганда ҳам, аслият доирасидан чиқиш демакдир. Аслиятдан четлашиш – унга ўзгаришлар киритиш эса ҳар бир ҳикоятида мажоз акс этган маноқибнинг руҳига путур етказишдир.

Манокибдаги миллий ўзига хослик, диний атама ва географик номлар олти усул билан ўтирилган:

1) Сўз ёки атаманинг маъносини немисча таржимада айнан ифодалаш усули:

das Trauergedicht, der Schauender, die Waller und Schauer, das Weinhaus, um Gottes willen, die Ergebenheitsbeteuerung, der Teufel, der Satan, die Moschee, der Jungste Tag, die Zeugnisworte, der Sünder, der Kirchentum, die Fürbitte, Gebete verrichten, die Leiche, das Leichentuch, der Heilige, die Seligen und Verdammten, die Gottesliebe, der Leiter der Irrender, Märtyrertod, das Totenfeier feiern, die Gemeinde Muhammeds, das Paradies, die Hölle, mein Testamnet, das Grabesqualen, die Brücke des rechten Weges, Fünf Tage lang Leben, der Mantel, das Leichentuch, der Kloster, das Wissen der Verborgenen, der Kanzel;

2) Аслиятдаги сўз ёки атамани немисча-ўзбекча шаклда ёнма-ён бериб кейинги ўринларда муқим ўзбекча шакли (транслитерация усули)ни қўллаш: der Fürst – Chan, die Derwischherberge – Kalander Chane, der Adept – der Murid, die Kufr – die Ketzerei, Rikaat – Gebetstellungreiben;

3) Миллий ва диний сўз ёки терминни христианликда мавжуд сўз ва атамалар билан алмаштириш: das Schicksalsbuch, der Testament, der Leichnam, Segen sprechen, die Ergebenheitsbeteuerung, der Hanswurst – Verrückter, die Knechte Gottes;

4) Транслитерация усули. Бу усулдан асосан географик номлар ва киши исмлари таржимасида фойдаланилган:

а) географик номлар таржимаси: Ka'ba, Namangan, Taschkent, Andigan, Buchara, Balch, Choğend, Oqsalur, Qaschqar, Yarkand, Chotan, Sir-Darja, Sijahpusch, Bende'i surat, Tachti Sulaiman, Medresse Kukeldasch, Kukenar chane, Barden Qurghan, Langar Mesari;

б) киши исмлари: Afaq Choğam, Mulla Bazar Achund, Rachim Baba Meschreb, Pirmast, Sarmast, Aqbuta Bi, Abdullachan, Ubaidullachan, Abulghazi, Machmud Chan, Mewlewi Serif, Nureddin, San'an, Nasriddin Hoğa;

с) диний унвонлар ва хукмдорлар насаби: die Ulemas, die Mullas, der Mulla, der Pir, der Choğa, der Imam, der Ischan, Devanai ber heq, der Sofi, der Schach, der Vezir.

д) диний атамалар: Allah, Qoran, Sunna, Alif, Muslim, ilmi hol, ilmi qol, die Fatiha, Sunnet;

е) таом номи: Halwa.

5. Ҳар икки тилдаги сўзларни кўшиб, аралаш атама яратиш:

Die Qibla-Seite, Gazhel-Gesang, Ober Achund, das Grab des Hazrati Sultans, Thron des Solomas, Zikr machen, Hu-Ruf, Turken Zentralasiens, Sunnet des Frühgebets, Gemeinde Muhammeds, Sure Jasin fertig beten, Qoranspruch;

6. Сўз ва атамани транслитерация усулида қўллаб, матн ичида изохлаш:

Chanim Padischach (Gattin des Heiligen), Kalmukenmädchen (bir qalmaq bača), das Christenkind (bir tarsani qizi), die Reinigung (istinga).

2.4. Хартманнинг Машраб қадамжолари бўйлаб сафари

Хартманн 1902 йил 31 август куни “Шоҳ Машраб” ва “Девони Машраб” манокибларининг таржималарини яқунлади. Таржимон 47 саҳифали бу матнни “Meşreb – der weise Narr und fromme Ketzer” (Машраб – доно телба ва авлиё дахрий) деб номлади ва чоп этиш учун Германиядаги “Der islamische Orient” (Ислом шарқи) газетаси нашриётига

гонширди. Мақола газетанинг 1902 йилдаги 5-сониди эълон қилинди.

“Девони Машраб” ва “Шоҳ Машраб” маноқибларидан жой олган ҳикоятлар ҳамда ғазалларнинг мазмуни ва моҳияти Хартманнинг Марказий Осиё Ислом дунёси ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юборди. Европада Туркистон ҳақидаги илмий тасаввурларни Вамбери, де Рэн, Гольдциер, Хедин Петт, Шюлер, Ховорт ва бошқа шарқшуносларнинг асарларидан ўқиб ўрганган ва туркистонлик сайёҳларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган немис олими ўзбек, уйғур, қирғиз халқлари маданияти, маънавияти ва адабиёти ҳақида муайян билимга эга эди. Билимини такомиллаштириш учун олим Туркистонга – Машраб юртига илмий сафар режалаштирди. Илмий сафар учун Берлин Шарқ тиллари семинариyasидан етарли маблағ ололмаган Вамбери ўз жамғармаси, яқин дўстлари ва ҳамкорларидан маблағ тўплади. Туркистонга илмий сафардан қўзланган мақсад қуйидагилардан иборат эди:

1) Марказий Осиё туркий халқлари маданияти, маънавияти, тили ва адабиёти билан яқиндан танишув;

2) Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижодини бевосита Туркистонда ўрганиш;

3) Марказий Осиё халқларининг Исломгача бўлган маданияти изларини топиш;

4) Ислом даврида бошқа динлардан кириб, мустаҳкамланиб қолган қоида ва анъаналарни аниқлаш;

5) Маҳаллий олимларнинг исломий таълимотни бойитишга қўшаётган ҳиссасини билиш;

6) Ибн Сино ватандошлари ҳозир уни қай тарзда танишади, деган саволга жавоб топиш;

7) Марказий Осиё ўлкалари таълим тизимини ўрганиш;

8) Марказий Осиёда азиз-авлиёларга бўлган эътибор қай ҳолдалигини аниқлаш.

Ушбу режаларни тузишда Хартманн яқин ҳамкори Игназ Гольдциер билан масҳатлашди. Режаларнинг бир қисми айнан унинг тадқиқоти мавзулари эди.

Сафар 1902 йил сентябр ойидан 1903 йил апрел ойигача давом этди. Дастлаб 4 ойга режалаштирилган бу сафар 7 ой давом этди. Шарқий Туркистондаги айрим зиёлилар ва Россиянинг Қашқардаги консули, шарқшунос олим, генерал Петровский немис олимига яқиндан ёрдам бердилар.

Сафар учун иккита гуруҳ тузилди. Биринчи гуруҳга Хартманнинг қайининиси – шарқшунос олим, доктор Эрнст Хардер бошчилик қилиб, Берлиндаги уйида Хартманн гуруҳини Европадаги ҳамкорлар билан ўзаро боғлаб турди. Иккинчи гуруҳ эса, бевосита Хартманн бошчилигида Осиёга сафар қилди. Гуруҳда Хартманнинг аёли ва синглиси ҳам бўлиб, аёли Элизабета Хартманн гуруҳнинг фотографи, синглиси эса котиба вазифасини бажардилар. Улар Хартманнинг барча ҳамкорлари билан ёзишмаларни олиб бордилар, бажарилган ишларни хужжатлаштирдилар, янги режа тузишда ёрдамлашдилар.

Хартманн Қора денгиз ва Каспий денгизи орқали 4 сентябрда Тифлисга кириб келди. Тифлистан Тошкентга ўтиб, 27 сентябрда Самарқандга келди ва шаҳарда бир оз дам олиб, у ердан Қашқарга жўнади. 1902 йил 10 октябрда у Терек довони орқали Қашқарга етиб келди. Қашқар сафари бошларида экспедицияни Россиянинг Қашқардаги бош консули генерал Н. Ф. Петровский илиқ кутиб олди. Генерал Хартманн гуруҳини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. У сафар давомида ҳам гуруҳ учун зарур учрашувларни уюштирди, ўзининг кутубхонасидан фойдаланишга рухсат берди.

Қашқарда Хартманн ижодий фаолият учун алоҳида уй олди ва хизматчилар ёллади. Экспедициянинг мақсадидан хабар топган маҳаллий аҳоли уларга жуда яхши муносабатда бўлди. Қашқарнинг турли доиралари уларни меҳмондорчиликка чақириб, ёрдамларини таклиф қилдилар. Албатта бунга Хартманн ва оиласининг Ислом аҳкомларини яхши билиши, Куръон ва Ҳадис илмини мукаммал ўрганганлиги, Шарқ адабиёти ва тарихини чуқур эгаллаганлари сабаб бўлди. Хартманн Қашқар шайхулислари билан учрашиб, ундан зарур ёрдам олди. Шайхулислар унга “Девони

Машраб” китоби таҳлили учун кашқарлик мулла Иброҳимни тавсия қилди. Немис олими мулла Иброҳим билан ҳижрий 1319 (мелодий 1900) йилда Тошкентда Ильин нашриётида босилган, 157 саҳифали “Девони Машраб”нинг катта қисмини бадий-стилистик таҳлил қилди. Бу китоб кейинчалик бошқа китоблар билан биргаликда Хартманн томонидан Германияга олиб кетилди. У Хартманнинг туркий китоблари коллекциясида 8-тартиб рақами билан белгиланган. Хартманн коллекциясида жами 6 та “Шоҳ Машраб” ва “Девони Машраб” номли тошбосма китоблар мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттасини олим Туркистон сафари давомида сотиб олган¹.

1902 йил 1 ноябрча Қашқарда бўлган экспедиция аъзолари кейинчалик Ёркент ва Хўтанга, сўнгра Ўқсалур ва Оксув шаҳарларида бўлдилар. 1903 йил феврал ойи охирида Терек довони устидаги Эргаштом ва Олуғчат қишлоқлари орқали Ўшга ва ундан Тошкентга қайтиб келдилар. Тошкентда 15 мартча бўлган экспедиция апрель ойининг бошларида Берлинга етиб келди.

Экспедиция давомида тўпланган материаллар кейинчалик кўплаб асарлар ёзилишига манба бўлди “Cademgai”² (Қадамжой), “Beitraege zur Kenntniss des Orients”³ (Шарқни ўрганиш юзасидан маърузалар), “Ostturkische Handschriften der Sammlung Hartmanns”⁴ (Хартманнинг Шарқий Туркистонга оид қўлёзмалари тўплами), “Das Buchwesen in Turkistan und die türkischen Drucke der Sammlung Hartmanns”⁵ (Туркистонда матбаачилик ва Хартманнинг туркий китоблари тўплами), “Zur Geshichte Euroasiens”⁶ (Евроосиё тарихи), “Ein turkischer Text aus Yarkand”⁷ (Ёркентдан топилган туркий матн),

Hartmann M. Das Buchwesen in Turkistan und Drucke Hartmanns. // Westasiatische Studien, 1904, MSOS zu Berlin. – S.81.

Hartmann M. Chademgai. // Orientalische Literaturzeitung. – Berlin, 1903. – S.361-368.

Hartmann M. Beitrage zur Kenntniss des Orients. // WZf.d.KM. B.I. – Berlin, 1903.

Hartmann M. Ostturkische Handschriften der Sammlung Hartmanns. // Westasiatische Studien, 1904, MSOS zu Berlin. – S.1-21.

Hartmann M. Das Buchwesen in Turkistan und die türkischen Drucke der Sammlung Hartmanns. // Westasiatische Studien, 1903, MSOS zu Berlin. – S. 69-104.

Hartmann M. Zur Geshichte Euroasiens. // Orientalische Literaturzeitung, B.VII, – Berlin, 1904.- S. 291-303.

Hartmann M. Ein turkischer Text aus Kaschgar. // Keleti Szemle, B.VI. – Budapest, 1906.- S.26-65.

“Die Geschichte von 40 Leibern”¹ (Қирқ чилтон тарихи), “Eine Grabstelle in Tashkent”² (Тошкентдан топилган қабртоши), “Archeologisches aus Russisch Turkistan”³ (Рус Туркистони археологиясига доир), “Der Puppenmarkt in Buchara”⁴ (Бухородаги кўғирчоқ бозори), “In Sachen der ostwestlichen Beziehungen in der Kunst der islamischen Ländern”⁵ (Ислом мамлакатлари санъатидаги Шарқу Ғарб муносабатлари) каби мақолалари, доктор Футтерер билан ҳамкорликда ёзилган “Durch Asien”⁶ (Осиё бўйлаб) номли илмий-географик ва этнографик мавзудаги китоб, Муҳаммад Содикнинг Машраб пири-Офок хожа эшоннинг шажарасига оид “Тазкираи азизон”⁷ китобининг немис тилига таржимаси каби асарлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Хартманн Шарқ мамлакатлари тарихи ва фалсафасига оид кўплаб энциклопедияларга Марказий Осиёга оид мақолалар ҳам ёзди.

Куйида биз Хартманнинг “Die orientalische Literaturzeitung” газетасининг 1903 йил сентябр ойидаги 9-сонида “Cademgay” номли кичик бир мақоласига тўхталамиз. Мақолада Қашқар сафаридан Ўшга қайтаётган экспедициянинг Хитой ва Қирғизистон чегарасидаги тоғ довоида кўрганлари баён қилинган. Асарда кўтарилган асосий мавзу Туркистонда азиз-авлиёлар номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва жойлашган манзили, мазорларга зиёратчиларнинг муносабати ва сиғиниши усуллари, маҳаллий аҳоли урф-одатлари ва турмуш тарзига таъсири ҳақидаги масалалар эди. Муаллиф тоғ довоидаги Машраб юрган йўллар – Ўқсалур ва Олуғчат

Die Geschichte von den 40 Leibern (čilton). Ein türkischer Text aus Jarkent. // Westasiatischen Studien, B.VIII, Berlin, 1905. - S. 25-36

Hartmann M. Eine Grabstelle aus Taschkent. // Orientalische Literaturzeitung, 20.12.1905, nächstes Heft.

Hartmann M. Archeologisches aus Russisch Turkistan. // Orientalische Literaturzeitung. B.VIII.-Berlin, 1905; B.IX, 1906.

Hartmann M. Der Puppenmarkt in Buchara. // Orientalische Literaturzeitung, Berlin, 1905. Spr. 539

Hartmann M. In Sachen der ostwestlichen Beziehungen in der Kunst der islamischen Ländern. // Orientalische Literaturzeitung, B.IX. 1906. - S. 173-193

Hartmann M, Dr. Futterer. Durch Asien. - Berlin, 1906

Muhammad Sadiq. Taskirai asison von M.Sadiq. Ein Heiligenstaat in Islam. - Berlin, Wolf Preiser Verlag, 1905.

қишлоқларини таърифлаб, шу қишлоқлар аҳолисининг қаландар шоирга бўлган меҳри ва ҳурматини баён қилади. Баланд тоғ довоидаги Машраб номи билан аталувчи қадамжонинг кўриниши, сиғиниш воситалари ва усуллари, қадамжонинг маблағ билан таъминланиш даражаси, аҳолининг ҳаёт даражаси, қишлоқнинг савдо қарвонлари учун аҳамияти ҳам мақолада зикр этилган. Қадамжонинг Машраб шахси билан боғлиқ томонлари мақолада алоҳида эътибор билан ёритилган. Қишлоқ аҳолисининг фикрича, Машраб ҳам шу мазорни зиёрат қилган, яъни тош уюмлари орасига рўмол боғлаб, шу мазорда ухлаган. Манокӣбда Машраб шайх Нуриддинни шайтонлар чангалидан қутқариш учун Тошкентга кетаётганда шу қишлоқдан ўтгани ҳақида сўз юритилган.

Муаллиф мазорларнинг пайдо бўлиши ва зиёрат усуллари ҳамда воситалари ҳақида фикр билдириб, хулоса сифатида Ислом ҳуқуқининг асосий меъзонини келтиради: “Ал-қадиму йутроку ала қидамиҳи!” – Ҳар нарса қандай яратилган бўлса шундай қолади! Маҳаллий аҳоли Машраб ва Машраб каби азиз-авлиёларнинг номини ўз мазорларига байроқ қилиб олганлар. Бу эса инсон номини илоҳийлаштиришдир...

Исломнинг дастлабки таълимотларида аввалги динларнинг қолдиқларини бидъат сифатида инкор қилиниши бу инкорчиларнинг ва бизнинг фикримизча ҳам, тўғри. Мазорлардаги авлиёлар қадимги маъбудларнинг янги қиёфаси, холос”...

Хартманнинг бу қарашлари имом ал Мотирудийнинг муқаддас динимизни ғайри исломий хуружлардан асраш ҳақидаги қарашларига тўғри келади.

Мақолада муаллиф янги авлиёларнинг пайдо бўлиш йўллари билан бирини таърифлайди: ...Аҳли Муҳаммад султоннинг истибдоди ва ҳақсизлиги туфайли (агар у қароқчи ёки зўровон бўлмаса) дорга ҳукм қилинганларга доимо азиз – авлиё сифатида қалбидан жой берган. Халқнинг онгида давлат бошқарувининг бугунги кунда ҳақсизликка асослан-

гани аксиомадай бўлиб қолган...¹ Кўпинча қадамжой” атамасини “қадимжой” (айрим вилоятларда эса “кўхна ер”) деб аталаётгани мақолада қораланган. “Қадим” – Аллоҳнинг сифати, фақат Аллоҳ ва Каломи қадим. Ислом ўзидан аввалги барча ибодатларни инкор қилади. Чунки, улар канчалик мукаммал бўлмасин, инсоннинг маҳсули! Кўринадики, муаллиф инсонийлик билан илоҳийлик тушунчасини тўғри англаган, ўзи шунга амал қилган. Зеро, бундай фикрлаш Машраб фалсафасига ҳам тўғри келади. У доимо машхурликдан, ортиқча улуғланишдан қочган. Инсон доимо камтар бўлиши қаландар шоирнинг турмуш меъзони эди.

Мақола сўнгида Хартманн яна Машрабнинг ҳалок бўлган санасига қайтиб, бу санани 1693 йил деб қайд қилади. Бу сана, бизнингча, ўша пайтда Марказий Осиёдаги машрабшуносларнинг фикри бўлиши керак.

Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижодий меросининг Ғарб адабий жараёнида ўрганилишини, усулига кўра, куйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ: Машраб ҳаёти, ижодий фаолияти ва дунёқараши ҳақида ёзилган асарлар. Бу гуруҳга Мартин Хартманнинг “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий” мақоласини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ: “Қиссаи Машраб” ёки “Девони Машраб” каби маноқибларнинг бадий таржимаси. Бу гуруҳга Ҳамид Исмоилов ва Жан – Пьер Батъпнинг “Нур таратувчи дарвеш” китобини киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ: Машрабнинг жаҳон қўшиқчилиқ санъати ривожига қўшган ҳиссасини намоиш қилувчи – куйга солинган ғазаллари ҳақида маълумот берувчи асарлар. Бу гуруҳга:

1) Натан Лайтнинг Сирпанчиқ сўқмоқлар: Турк адабиёти тақдимоти ва канонизацияси ҳамда исломий ва замонавий уйғур мақом қўшиқлари“ номли китобини киритиш даркор. Китобда Яссавий, Навоий ва Ҳувайдо каби ўзбек мумтоз шоирлари қаторида Машраб ғазалларининг куйга солингани

Hartmann M. Chademgaj.// Orientalische Literaturzeitung. – Berlin, 1903. – S. 368.

умумтурк мусиқа-қўшиқчилик санъати ривожига қўшган ҳиссаси баён қилинади;

2) Инглиз мусикашуноси Теодор Крейг Левиннинг (Theodor Craig Levin) “Худонинг юз минг дарвешлари” номли китоби. Китобда ўзбек мумтоз ва замонавий хонандалар репертуари таҳлил қилинган бўлиб, Яссавий, Навоий, Ҳувайдо каби шоирлар қатори Машраб шеърлари билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар ижрочилари маҳорати ҳақида сўз юритилган.

Тўртинчи гуруҳга Европада Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот берувчи энциклопедик асарларни киритиш лозим. Жумладан:

1) Дитрёл де Рэн ва Фердинанд Гренарнинг “Буюк Осиёга илмий сафар” номли 3 томлик китобидаги Машраб ҳақидаги француз олимларининг мулоҳазалари;

2) Германияда нашр этилган “Совет Иттифоқи халқлари адабиётлари” номли антологиядаги бир қатор мумтоз шоирлар қатори Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида ҳам маълумотлар берилгани.

Бешинчи гуруҳ — Машраб ғазаллари аслиятда ва таржимада киритилган дарслик ва антологиялар:

1) Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги”даги “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур ҳануз” матлаъли ғазали;

2) Александр Зайдел томонидан немис тилида нашр қилдирилган “Осиё халқлари адабиёти антологияси” номли шеърлар тўпламидаги Машраб ғазалининг бадий таржимаси. Шу китобдаги “Ўзбек мақоллари” бўлимидаги Машраб ҳикоятининг қисқартирилган шакли;

3) “Юлиус Цайтлер” нашриёти томонидан “Халқларнинг ишқ гулшани” номи билан чоп қилинган антологиядаги туркистонлик шоирлар Машраб ва Шайдодий ғазалларининг бадий таржималари.

Бобдан келиб чиқадиган хулоса шуки, Мартин Хартманн Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Девони Машраб”, “Қиссаи Машраб” манокйбларини немис тилига таржима қилар экан, Машрабни Боязид Бастомий, Мансур Халлож ва Имомиддин Насимий каби

алломалардан бири сифатида талқин этди. Олим ўзининг бу хизмати билан нафақат Шарқ адабиёти, балки Шарқ фалсафасининг янги қирраларини Европа илми учун кашф қилди. Хартманн “Қиссаи Машраб” маноқибида жаҳон халқларининг диний ва миллий яқинлигини исботловчи хикоятлар кўп учрашини таъкидлайди. Жумладан қадимги саҳройи араблар эпослари ва яҳудийларнинг “Деборах кўшиқлари” да Машраб хикоятларига ўхшаш хикоятлар учрайди. Бу эса жаҳон халқларининг илдизи бир, интилиши бир, келажаги бир деган хулосага олиб келади.

Европа адабиёти қаландар шоирнинг шеърлари ва хикматларини турли жанрларда таржима қилиб, жаҳон адабиётини Шарқнинг гўзал шеърлари ҳисобига бойитмоқда. Айниқса, Херманн Вамберининг “Чигатой тили” дарслигидаги “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдилар ҳануз,

Жон димоққа етти, ул дилдор келмайдур ҳануз” байти билан бошланувчи ғазал шоирнинг Ўзбекистонда яратилган девонлари ва тўпламларида учрамаслиги жаҳон кутубхоналарида Шарқ шеъриятига оид янги асарлар ҳануз мавжуд, деган мулоҳазага олиб келади. Ўз навбатида бу мулоҳаза Шарқ ва Ғарб олимлари ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур деган хулосага асос бўлади.

Хартманнинг Машраб кадамжолари бўйлаб уюштирган илмий сафари келгусида бўладиган экспедицияларга намуна бўлиши тайин. Гарчи “Қиссаи Машраб” маноқиби таржимаси жаҳон машрабшунослигидаги катта ижодий ютуқ бўлса-да, кискартирилган таржима сабабли юзага келган камчиликлар янги таржималар зарурлигини тақозо қилади.

МАРТИН ХАРТМАННИНГ “ДЕВОНИ ХУВАЙДО”ГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ

3.1. “Девони Хувайдо”нинг Тошкент ва Истамбул нашрий нусхаларидаги айрим тафовутлар ва уларнинг таржимадаги инъикоси

Мустақиллик шарофати билан қайтадан кашф этилаётган халқимиз маънавиятининг азим ва ҳаётбахш сарчашмаларидан бири Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдонинг бой ижодий меросидир¹. Хувайдо ўзбек мумтоз адабиётининг йирик ва серқирра ижодкорларидан бўлиб, асарлари унинг ҳаётлигида ҳам, кейинги асрларда ҳам халқимиз орасида кенг тарқалган. Шоир Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ҳамда Раҳимбобо Машраб каби буюк мутасаввуфлар анъанасини давом эттириб, уларнинг ижодидан илҳомланиб, тасаввуфона асарлар ёзган.

Гарчи Хувайдо ҳаётлигида девон тартиб этмаган бўлса-да, бу хайрли ишни унинг авлодлари охирига етказдилар. Шоирнинг чевараси Ҳожи Салоҳиддин Соқиб ва Мирза Ҳаким ибн Марғилонийлар тартиб этган Хувайдо девони бошқа муаллифлар тузган девонларга нисбатан тўлиқроқ ва мукамалроқ ҳисобланади. Бу девонга шоирнинг 351 ғазали, 28 рубойиси, 41 тўртлиги, 3 мухаммаси, 1 мусаддаси ва 3 маснавийси киритилган². Аммо профессор И. Абдуллаев ва доцент Қ. Рўзматзода нашрга тайёрлаган Хувайдо девонида ёзилишича, Салоҳиддин Соқиб томонидан тартибланган ва Муҳаммад Шохмурод Котиб кўчирган ҳамда Тошкентда 1907 йилда чоп этилган девонда шоирнинг 374 ғазали, 100 дан ортиқ мурабба ва рубойиси, 3 та мухаммаси, бир мусаддаси, бир мусаммани ҳамда 2 мустаҳзоди жамланган³.

Хўжаназар Хувайдо. Девон. Эски ўзбек-араб ёзувидан нашрга тайёрловчилар ва сўз боши муаллифлари: Исмаилов Абдуллоҳ, Қодирқул Рўзматзода. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2005. – Б.3.

Ўзбек адабиёти тарихи. 3-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.370.

3. Хўжаназар Хувайдо. Девон. – Б. 13.

Маълумотларнинг бу қадар хилма-хиллиги янги бир фаразни майдонга келишига ҳам сабаб бўлди: Салоҳиддиннинг ўзи ҳам девоннинг бир неча нусхасини яратган ёки Хувайдонинг айрим ғазаллари шоир ҳаётлигидаёқ ўзгаришларга учраган.

Шоирнинг авлодларга қолдирган бой мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, тобора кадрланиб бормоқда. Унинг ғазаллари Марказий Осиё ҳамда туркий халқлар яшайдиган бошқа ўлкаларда севиб ўқилади. Ҳозирда ватанимиз ва хорижда кўплаб хувайдошунос олимлар шоирнинг адабий мероси юзасидан тадқиқотлар олиб бормоқдалар¹.

Хувайдо шеърлятидаги илғор ахлоқий-дидактик ғоялар, юксак бадий санъат воситаларининг қўлланиши, исломий бағрикенглик ва умуминсоний кадриятларнинг улуғланиши нафақат Шарқ адабий оламида, балки Ғарб илмида ҳам турли тадқиқотларга манба бўлмоқда. Унинг асарлари бир қатор хорижий тилларга ўтирилган, шоир ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хувайдошунослик эндиликда Америка қитъасига ҳам кириб борди. АҚШ Оҳайё штати Толедо университетининг “Социология ва антропология” бўлими раҳбари - ҳозирда Германияда яшаётган доктор Натан Лайт ўзининг шарқий Туркистон турк – уйғур адабиётига оид “Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity”² (Сирпанчиқ сўқмоқлар: турк адабиётининг тақдими ва канонизацияси ҳамда исломий ва замонавий уйғур мақом кўшиклари) деб номланган тадқиқотида Марказий Осиё ва Қашқардаги туркий халқлар адабиёти ва мақом санъатини

Жумахўжа Н. Хувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти. – Тошкент: “Маънавият маркази,” 1995; Жумахўжа Н. Хувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талқин. // “Шарқ юлдузи”. – Тошкент, № 4, 1998; Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадият тароналари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995; Зоҳидов В. “Шоми ғариб”, шаккок ва исёнкор шоир. // “Ҳаётбахш бадият тароналари”. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.; Худайбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990; Орибеков Р. Хувайдо // Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – Б. 114 – 126; Абдуллаев В. ва б.. Хувайдо. // Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент. Фан, 1978. – Б. 370.

5. Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity (Folklore, Indiana University, 1998. Henry Glassie, chair).

тахлил этган. Тадқиқотда Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Хўжаназар Хувайдо каби алломаларнинг ғазалларини халқ севиб ўқиши ва охунлар томонидан қайта-қайта куйга солингани баён қилинган. Тадқиқотнинг асосий қисми турк - уйғур мусиқа санъати таҳлилига бағишланган. Аммо куйга солинган шеърларни таҳлил қилиш учун ғазаллари халқ орасида энг кўп тарқалган шоирларнинг ижодий фаолияти ҳам кенг ўрганилган. Илмий ишнинг бешинчи боби Марказий Осиёнинг кўшиқнавис шоирлари ижодига бағишланган. Навоийдан Хувайдогача бўлган кўплаб марказийосиёлик шоирларнинг асарлари китоб учун манба бўлган.

Лайт Марказий Осиё мумтоз адабиётини шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳни у Навоий услубида, иккинчи гуруҳни Машраб услубида ижод қилган шоирлар деб номлаган. Тадқиқотда куйга солинган шеърлар орасида Хувайдо ғазаллари салмоқли ўринни эгаллаши кўрсатилган.

Ғарбий Европада Хувайдо шеъриятини ўрганиш XX аср ибтидосидан бошланди. Шоир асарларини Европага илк бора тортиқ қилган германиялик шарқшунос олим, ислом фалсафаси бўйича таникли мутахассис профессор Мартин Хартманндир. Хувайдо ғазаллари Шарқда машҳур ва севимли бўлиб, унинг ҳаётлигидаёқ мадраса ва хонақоҳларда дарслик сифатида фойдаланилган, турли маросимларда ғазал ёки кўшиқ шаклида кишиларга панд-насиҳат ва ўғит тарзида етказилган бўлса-да, Хартманнгача бўлган даврда улар Ғарбий Европага етиб бормаган эди. Туркияда нашр этилган “Луғати чигатой ва турки усмоний” луғати,¹ Херманн Вамберининг “Чигатой тили дарслиги”,² француз адабиётшуослари Фердинанд Гренар ва Дитрёл де Рэннинг “Буюк Осиёга илмий сафар”³ китобида Марказий Осиёдаги кўплаб адибларнинг асарлари ҳақида мухтасар маълумотлар берилиб, улардан намуналар келтирилган бўлса-да, Хувайдо

Бухорий Ш.С. Луғати чигатой ва турки усмоний. – Истамбул, 1888.

Vambery H. Čaghataische Sprachstudien. – Leipzig: F.A. Brockhaus, 1867.

Grenard F.D. de Rins. Mission scientifique dans la Haute Asie. – Paris, 1990.

ижодиёти тилга олинмаган. Англия ва Францияда чиқарилган Шарқ адабиётига оид турли луғатлар ва каталогларда ҳам Хувайдо номи кўринмайди.

Хувайдо шеърятининг Европага дастлабки кириб келиши ўзига хос тарихга эга. XIX асрга келиб, Шарқ алломаларининг асарларини қўлёзма усулида кўпайтириш етарли бўлмай қолди. Кенг китобхонларнинг тобора ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун девон, манокіб, шеърый тўпламлар, баёз ва дарсликларни тараққий этган ўлкалардаги нашриётларда кўпайтириш йўлга қўйилди. Жумладан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Яссавий, Навоий, Машраб, Хувайдо каби шоирларнинг девонлари Тошкентдаги Ильин ва Порцев, Қозон университети, Шарқнинг бошқа бир қатор босмахоналарида тошбосма усулида чоп этилган. Ана шу нашрларнинг айримлари турли йўллар билан Россиянинг марказий шаҳарларига ҳам бориб етган. Натижада рус шарқшунослари Хувайдо ғазалларини она тилларига таржима қилиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан П. Фалев, Г. Андреев, Ф. Корш, М. Гаврилов, А. Самойлович каби туркшунос олимлар шоир асарларини у ёки бу даражада ўрганишган¹. Албатта бу тадқиқотларда Хувайдо ижодига тўлиқ ва холис баҳо берилган, деб бўлмайди. Уларнинг аксариятида шоирнинг шахси, тасаввуфий қарашлари ва ғазалиёти ҳақидаги умумий фикрлар мавжуд холос.

М.Ф.Гаврилов тадқиқотларида Хувайдо ғазалларини немис олимлари ҳам таржима қилганлари ҳақида маълумот мавжуд. Бу далилларни ўқир эканмиз, рус шарқшуносининг мушоҳадалари билан немис шарқшуноси Хартманнинг фикрларида қарама-қаршиликлар борлигини кўрамиз. Немис шарқшуноси шундай ёзади: ...Dem Verfasser des im Jahre 1298/1881 in Stambul gedruckten Čaghataisch-osmanischen Wörterbuches, Schaich Sulaiman Buchari, scheint Huweida unbekannt zu sein. Ich finde ihn nicht bei ihm citiert...² Мазмуни:

Бу ҳақда к.: Худайбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. Дисс....канд. филол.наук. – Ташкент, 1990. – с 7.

1. Hartmann M. Der caghataische Divan Huweda's./ In: "Westasiatische Studien" – Berlin, 1902. – S. 133

Ҳижрий 1289/мелодий 1881 йилда Истамбулда нашр қилинган “Луғати чиғатой ва турки усмоний” китобининг муаллифи Шайх Сулаймон Бухорийга Ҳувайдо нотанишга ўхшайди. Мен шоирнинг номини китобдан тополмадим.

Аммо Гаврилов фикрича ... Шейх Сулейман четире раза цитирует Ҳувайдо, приводя и отрывки произведений поэта...¹

Афсуски, Сулаймон Бухорий луғатининг биринчи қисми бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилмаган. Ҳувайдо асарларига “Луғати чиғатой”да билдирилган муносабат ҳақида ҳозиргача ҳеч бир олим маълумот бермаган. Шунинг учун қайси далиллар тўғрилиги ҳақида фикр айтишдан ожизмиз. Мажор шарқшуноси Игназ Кунос Сулаймон Бухорий луғатини мухтасар ҳолда немис тилига таржима қилган.² Луғат аслиятга нисбатан анча қисқартирилгани сабабли унга кўплаб маълумотлар киритилмаган. Луғатда Ҳувайдога оид маълумотлар учрамади.

Ўн тўққизинчи асрнинг охири ва йигирманчи аср бошларида ўзбек маърифатпарварларининг сайъ-ҳаракатлари туфайли кўплаб ватандош мутафаккирларнинг асарлари Туркиядаги нашриётларда чоп қилинди. Жумладан, Сиддиқ Хожа Ҳўжандий эҳтимоми билан Истамбулдаги Маҳмудбей нашриётида Яссавий, Навоий, Машраб каби шоирларнинг девон ва маноқиблари катори Ҳувайдо девони ҳам чоп қилдирилган. Бу китоблар Туркистондаги толиби илмлар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг аксарияти Марказий Осиёга олиб келинган³. Фақат айрим нусхаларгина европалик шарқшуносларга совға қилинган ёки китоб бозорида сотилган.

Буюртмачилар ёки китобхонларнинг истаги ва имконига қараб, девонлар ҳажми турлича бўлган. Ҳувайдо девонининг Истамбул нашрида китоб муқовасига араб имлосида форс тилида “Оғойи Ҳувайдо Чимёний” деб ёзилган. Китобнинг биринчи саҳифасига “Ин китоби мустатаб ба ижозати нозири

Гаврилов М.Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Ҳувайдо. – КазГиз, Ташкент. 1927. – С.17.

Ignaz Kunos. Suleiman Efendi's caghataisch-osmanische Worterbuch. – Budapest, 1905.

Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer // Der islamische Orient. – Berlin, 1902. – S. 145

маорифи улуми султони жаҳон” ёзувлари битилган. Девонга жами 200 та ғазал танлаб олинган. Шулардан 198 таси Ҳувайдо қаламига мансуб. 199- ва 200- ғазаллар Ҳувайдо ижодидан эмас. Улар, мақтаъсига кўра, Навоий қаламига мансуб. 199-ғазал 8 байтдан иборат. Улардан 5 байти махсус қофияланган қисқа вазнлидир. 8-байт матла билан қофияланган. 200-ғазал эса 7 байтдан иборат, унинг 4 байти махсус қофияланган. Аммо Хартманн “мен бу ғазалларни ўзимдаги Навоий қўлёзма девонидан топмадим”¹, деб ёзади.

Умуман, хорижий мамлакатларда нашр қилинган туркий тилдаги девон ва баёзларда турли камчилик ва хатолар кўп учрайди. Ушбу иш махсус тадқиқот олиб боришни талаб қилади.

Шу ўринда мумтоз адабиётимиз вакиллариининг хорижда чоп қилинган асарларига оид бир мулоҳазага эътиборимизни қаратдик. Адабиётшунос олим Нодирхон Ҳасан “Девони Ҳикмат”нинг Истамбулда сақланаётган бир нусхаси ҳақида” деб номланган мақоласида Аҳмад Яссавийнинг 1887 йилда Туркияда нашр қилинган девони ҳақида ёзиб, шундай хулосага келади: “Девони Ҳикмат” нусхаларида айни вақтда ҳам Аҳмад Яссавий, ҳам издошларига оид бир хил ҳикматлар учрайдики, уларни қиёсий аспектда ўрганиб, муаллифларини аниқлаш зарур. Шунингдек,... “Девони Ҳикмат”нинг нафақат Истамбул нусхасини, хориждаги бошқа нусхалари ҳам Ўзбекистондаги мўътабар нусхалар билан муқояса этилган ҳолда ўрганилмоғи мақсадга мувофиқдир...”² Олимнинг бу мулоҳазалари ўз вақтида Мартин Хартманн томонидан ҳам кўп бора билдирилган.

Туркия олимлари, мударрис, ношир ва китобфурушлари билан яқин алоқада бўлган Хартманн 1901 йилда чоп қилинган “Девони Машраб” ва “Девони Ҳувайдо” китобларини қўлга киритди ва дарҳол бу асарларнинг таржимаси ва таҳлилига киришди. Хартманн аввалига “Девони Ҳувайдо”ни

Hartmann M. Der caghataische Divan Huweda's. // Westasiatische Studien. – Berlin, 1902. V. – S. 135.

Нодирхон Ҳасан. Девони Ҳикмат”нинг Истамбулда сақланаётган бир нусхаси ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 4. – Б. 2010.

ўрганди. Таржима учун мутасаввуф шоирнинг ижодий меросини белгиловчи 11 та ғазални танлаб олади. 1901 йилнинг кузида таржимон “Девони Ҳувайдо” ўғирмаларини тугатиб, уларни Германияда чиқадиган “Westasiatische Studien” журнаliga тақдим қилди.

Немис олимлари, одатда янги асарни сўзбоши билан бошлаб, унда муаллиф ҳақида батафсил маълумот берадилар. Бундай сўзбошилар асарнинг ҳажмига мувофиқ равишда бир бетдан то ўн саҳифагача бўлиши мумкин. Хартманнинг 46 саҳифадан иборат бўлган “Ҳувайдонинг чиғатойча девони” номли мақоласининг дастлабки 4 саҳифаси муқаддимадан иборат бўлиб, унда Ҳувайдо ҳаёти ва ижодий фаолияти мухтасар ёритилган. Асосий қисмда шеърларнинг араб имлосидаги асл матни билан ёнма-ён немисча таржимаси берилган. Таржима матнининг изоҳлар қисмида европаликларга тушунарсиз бўлган сўз ва иборалар, диний ва миллий тушунчалар, жуғрофий ва тарихий номлар, Ислом дунёсидаги кўплаб алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қайдлар, тарихий саналар шарҳланган. Бунда, айниқса, Куръон суралари, Ҳадис ёки бошқа диний асарлардан олинган ҳикмат, ривоят ва ҳикоятларга ишора қилувчи сўз ва иборалар шарҳига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, шиа мазҳаби тарафдорлари учун муқаддас бўлган Карбало дашти, Язд шаҳидлари, Ҳусайн авлодлари каби тушунчаларга кенг шарҳлар берилган. Туркистон аҳли суннийлар бўлсаларда, лекин улар учун Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн қадрли экани, Карбало воқеалари кўплаб туркистонлик адибларнинг асарларида қизиқарли лавҳаларда ифодалангани уқтирилади. Эрон ва Ироқ мамлакатлари ҳудудидаги шиа мазҳаби учун муқаддас саналган атрибутларнинг Ҳувайдо ва бошқа шоирлар ижодида учраши Мартин Хартманни ўйлантириб қўйди. Ҳамма соҳада “ботартиб”ликни истаган немислар вакили диний муносабатлар соҳасида ҳам аниқликни кидирди. Хартманн Ҳувайдо, Машраб ва бошқа кўплаб ўзбек мумтоз адиблари ижодида кенг истифода этилган бу истилоҳлар исломий адабиёт учун мажозийлик касб этишини тушунмаган кўринади. Карбало воқеалари ва уларнинг

мажозий маънолари ўзбек адабиётида кенг тасвирланган.¹ Хувайдо ғазалларидаги бу ташбеҳлар исломнинг бир бутунлигини исботловчи лавҳалардир. Шоирнинг бу фикрлари исломдаги сунний ва шиа мазҳабидаги мунозараларни атайлаб бўрттириб кўрсатиш орқали ислом дунёсини парчалаш ниятларига қарши зарбадир.

Мулоҳазаларимизни исботлаш учун Хувайдонинг Истамбул босма девонидаги 78-ғазалнинг 5-байтини келтирамиз:

1. Хусайни вақт эрдим, мен шаҳиди ул Язид халки,
Қизил қоним кўруб ҳолимға дашти Карбало йиғлар;
2. 81-ғазалнинг 2-байтидаги
Язид ишқи шаҳид қилди мени,
Қонимға нола қилур дашти Карбалоси ҳануз;
3. Хусайни ақлим этибдур Язид ишқи шаҳид,
Фунун нола қилур дашти Карбалоға боқинг.

Хартманн матн ости изоҳларида айнан шу жиҳатларга эътиборини қаратди. Аммо у муаммони ўртага қўйди-ю, уни ҳал қилмади. Ўша даврдаги Европа шарқшунослари ўртасидаги тушунчалар таъсирида бўлган Хартманн Хувайдо асарларини ўқиб, ислом ҳақидаги тушунчаларини кенгайтирди.

Хувайдо девонидаги имло билан Хартманн мақоласидаги ёзув бир-бирларидан фарқ қилади. Девондаги ёзув, Европа олимлари тили билан айтганда, санъат даражасига кўтарилган битиклардир. Унда гарчи, насх ва талиғ ёзувлари қўлланган бўлса-да, айрим жойларда бошқа ёзув турларига ҳам мурожаат қилинган, яъни хаттотларнинг шахсий «новаторлиги» намоиш этилган. Айниқса, Қурондан ва Ҳадисдан олинган соф арабий жумлалар ва форсий мисраларни ҳар ким ҳам тўғри ўқий олмайди. Мақоладаги ёзув эса чиройли насталиқ хатида бўлиб, босма усул устивордир. Таржимон, ўқишга қулайлик яратиш мақсадида, зарур деб топган ўринларда ҳарфлар усти ёки остига ёрдамчи белгилар (зер, забар) қўйган ёки уларнинг лотин имлосидаги транскрипциясини берган.

Бу ҳақда қ. Азимова Л. Карбало воқеасига бағишланган халқ китоблари. // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, № 3. — 2010. Б. 37-42.

Хартманн қўлидаги Девоннинг Истамбул нашри Европа китобхонлари учун эмас, балки Ҳувайдо ижоди билан яхши таниш бўлган Марказий Осиё китобхонларига мўлжаллангани сабабли унда шоир ҳақида маълумот берилмаган. Аммо Ҳувайдо ғазалиёти билан биринчи бор учрашаётган европаликларни шоирнинг таржимаи ҳоли билан таништириш зарур эди. Хартманн Истамбул девонидаги 11-ғазалнинг 8-байтида шоир туғилган шаҳар — Чимён ҳақида сўзлай туриб, тахаллуси айнан шу шаҳар номи билан боғлиқлигини ёзганига эътибор қилади:

“Dem Sünder Chwağa Nazir gab ich Huweida als Beinamen: nach diesem bedürftigen Wanderer frage die Stadt Ġiman”¹. Таржимаси: Гуноҳкор Хожа Назирга Ҳувайдо тахаллусини бердим, у ғариб сайёҳни Чимён шаҳридан сўра. Ғазалнинг асл кўриниши қуйидагича:

Хўжаназар осийға қўйдим Ҳувайдони лақаб,

Бул ғариби мустаамдни шахри Чимёндин тила².

Таржимон бу мисралар билан чекланиб қолмай девон ва унинг муаллифи ҳақида кенгрок маълумот сўраб, Европадаги бир қатор таниқли шарқшуносларга мурожаат қилган. Жумладан, узоқ йиллар Қашқарда яшаб, Шарқ тиллари ва адабиёти билан яқиндан танишган шарқшунос Йоханнес Аветаранианга йўллаган хатида мутаржим Ҳувайдо ҳақида маълумотлар сўраш билан бирга шоирнинг шеърларидан қилган таржималарини ҳам юбориб, муносабат билдиришни илтимос қилган. Аветараниан жавоб мактубида Қашқарда яшаган даврида Ҳувайдо ғазалларини кам ўқигани, унинг яшаган вақти ва манзилини аниқ билмаслигини, аммо шеърларининг тили ва услубига кўра унинг шарқий туркистонлик, яъни қашқарлик эканини ёзган. Херман Вамбери ҳам жавоб хатида Ҳувайдо ижоди билан таниш эмаслигини билдирган³.

Хартманн Ҳувайдо ғазаллари таржимасига Истамбулда киришган. Унга Қашқарнинг Оқсув шаҳридан келиб, шу ерда мударрислик қилаётган Ориф Ниёз Муҳаммад исмли мулло

Hartmann M. Der caghataische Divan Huweda's. Berlin, 1902.- S.132

Хўжаназар Ҳувайдо. Девон.- Б.35.

Hartmann M. Der caghataische Divan Huweda's.- Berlin.1902.- S.132

амалий ёрдам берди. Ғазаллар таржимаси учун XVIII–XIX асрларда Европанинг бир қатор мамлакатларида таржима учун урф бўлган илмий-академик усул танланди. Чунки ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсули. Уни таҳлил қилганда ўша даврнинг талаби, ўзига хос хусусиятларини ҳамда адабий тил услуби ва анъаналарини ҳисобга олиш лозим. Зеро ҳар бир таржимон муайян асарни ўз замондоши учун таржима қилади, бинобарин бунда ўз даврининг талаби ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўради¹.

Академик таржимада шеърнинг шакли қурбон қилинса-да, унинг илмий қиймати сақланиб қолади. Айниқса, бу ҳол фалсафий – тасаввуфий мазмундаги шеърлар таржимасида яққол кўринади. Таржимоннинг мақсади Ҳувайдо асарларидаги бадий санъатларга йўғрилган фалсафани насрий баёнда ўзга халққа кенг ва аниқроқ етказиш эди. Бунда исломий маърифатни ўз юртдошларига етказишда шаклни – бадий гўзалликни қисман қурбон қилиб бўлса-да, ғазалларда ифодаланган диний бағрикенглик, чин мусулмоннинг ҳалим ва беғубор бўлиши, доимо ўзини Аллоҳ ҳузурида гуноҳкор, ҳамюртлари олдида хокисор сезишини, ўзгалар гуноҳини деб азият чекиб, улар учун ҳам тавба қилишларини, Шарқда тинчлик, ҳамжиҳатлик бош мақсад эканлигини англатиш эди.

3.2. Таржимага жалб этилган ғазаллар

Мартин Хартманн, юқорида таъкидланганидек, “Ҳувайдо ижодининг ғоявий-бадий йўналишини белгилаб берадиган” жами 11 та ғазални танлаб олди ва уларнинг таржимасига киришди. Қуйида таржима учун танланган ғазалларнинг Истамбул нусхаси тарғиб рақами, матлаъси ва байтлар сирасини келтирамиз:

Нурматов Ў. Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” фожиаси. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент. 1991. – Б.. 47-48.

Т / №	Мақоладаги тартиб рақами	Саҳифаси	Ғазалларнинг матлаъси	Байтлар они
1	1	7	Илоҳи, Сен карам бирлан кечиргил, эй Худовандо, Гуноҳи жумлаи мўминни, аё маъбуди беҳамто.	14
2	11	9	Ишқдин мақсуд сен Мажнуни ҳайрондин тила, Лайлидин ҳоли сияҳ зулфи паришондин тила.	8
3	21	16	Ўқудим дарсхона ичра бир китоб Ҳошияи шамсиядин ҳам турфа бахти хуш жавоб.	5
4	32	24	Эй, биродарлар, ман ўлсам йиғламанглар, иззат қилиб, Сакламанглар, борур еримға йиборинг, суръат қилиб.	6
5	45	33	Кеча бўлди, тонг отти, бўлди кеч, Беҳабарсан, умринг ўтти, бўлди ҳеч.	7
6	49	35	Худонинг йўлига кирмак деманглар, кори осон Азиз жондин кечиб, бош ушомоғлиқ кори мардондур.	7
7	50	36	Сени Лайли, аё дилбар, мени Мажнуни гадо дерлар, Гадоларнинг тариқи ишқ ичида подшо дерлар.	6
8	51	37	Шиддати оҳим ўтидин гунбази ахзар куяр, Жону жонвор, тоғу тузлар жумласи яксар куяр.	7
9	52	37	Беҳабар бўлма, ўлумдин бўл ҳамеша боҳиз, Қилмадинг, бир кун келур деб ўлимни, тарки шар.	5

10	53	38	Шиддати оҳим ўтидин гунбази ахзаринг куяр, Шамсу Қамар бўлма ҳама жумлаи ахтаринг куяр.	9
11	54	39	Лаҳад уйга боргунча сенинг дардингни айтурман, Тилимдин солмай, эй дилбар, тириксан танда жоним бор.	7

Хартманнинг ёзишича, девоннинг Истамбул нашридаги барча асарлар ғазаллардир. Уларнинг вазни Шарқ шеъриятига хос равишда рамал ва ҳазаж бахрларида бўлиб, айримлари мужтасс ва музареъ вазнидадир.

Таржима ва таҳлилга тортилган 11 та ғазалнинг 1-, 49-, 50-, 54- рақам билан белгилангани ҳазажи мусаммани солим, 11-, 21-, 32-, 51-, 52- рақам билан белгиланган ғазаллар рамали мусаммани солим, 45-рақамли ғазал рамали мусаддаси махдуф, 53-рақамли ғазал эса ражази мутсаммани матвии махбун вазнида.

Юқоридаги ғазаллар ўғирмалари ҳақида мухтасар маълумот бериш учун уларнинг матлаъларини ҳам келтирамиз:

Т / №	Таржимадаги тартиб рақами	саҳифаси	Ғазалларнинг матлаъси	байтлар сони
1	1	7	O, Gott, verzeih du in Gnade die Sünden aller Gläubigen, du Angebeteter, Einziger.	14
2	11	9	Nachdem Zweck der Liebe frag den verstörten Meġnun, frag Laila, frag die mit dem schwarzen Mal und den wellenden Locken.	8
3	21	16	Im Schulhaus der Liebe las ich ein Buch, reicher an Feinheiten. Und mit lieberer Belehrung als der Commenter zur Schemsije.	5
4	32	24	O, Brüder, wenn ich sterbe, dann weint nicht mir zu Ehren und zaubert nicht, sondern bringt mich schnell an meinen Ort, zu dem ich doch gehen muss.	6

5	45	33	Nacht war's, der Morgen brach aus an.-es war nichts! Ratlos bist du, vorbei ist dein Leben-es war nichts.	7
6	49	35	Sag nicht: "Den Weg Gottes betreten ist ein Leichtes"; vom lieben Leben sich zu trennen und den Kopf auf's Spiel zu setzen, ist Mannesthat.	7
7	50	36	Dich, o Herzräuber, nent man Laila, mich nennt man Megnun, den Bettler (den verrückten Bettler) ; die Bettler aber, die auf dem Liebespfade wandeln, nennt man "König".	6
8	51	37	Von dem Feuer meines heftigesn Ach brennt das blaue Himmelszelt; Seele und Their, Berg und Ebene, sie Alle brennen davon insgesamt.	7
9	52	37	Sei nicht achtlos auf den Tod, hab' ihn immer im Sinn! Noch nicht dachtest du über ihn nach mit einem: "Es kommt der Tag!"	5
10	53	38	Von dem Feuer meines heftigen Ach brennt dein blaues Himmel, mit der Sonne und mit dem Monde brennt deine Welt.	9
11	54	39	In Liebe zu dir, o Herzräuber, klage ich den Tag und Nacht; mein Auge ist gleich Strömen, wie ein Wogenmeer strömt's aus meinen Augen.	7

3.3. Муножот таржимаси муаммолари

Бевосита таржима таҳлилига ўтишдан аввал Салоҳиддин Соқиб тартиб берган ва Муҳаммад Шохмурод котиб томонидан ҳижрий 1325 (мелодий 1907) йилда кўчирилиб, Тошкентда чоп этилган девонни аслият деб қабул қиламиз. Таржима учун танлаб олинган Ҳувайдо девонининг аввалидаги шоирнинг Ҳаққа муножотини Тошкент ва Истамбул нусхалари билан солиштириб, фарқларни аниқладик ва бу фарқларнинг таржимага таъсирини ўргандик. Истамбулнуса девондаги айрим ғазалларда байтлар сони қисқартирилган, шеърнинг бир қисми алоҳида бир ғазал бўлиб, бошқа саҳифага жойланган ёки иккита ғазал бирлаштирилган. Ғазал таржимасида фақат муножот ва наът қисмларигагина аҳамият бериб, маъвиза қисми ўғирмасига дахл қилмадик.

Шарқда ёзилган асарлар Аллоҳга ҳамд, пайғамбарларга наът билан бошланган. Айниқса, ҳамсачилик анъаналарига кўра, ҳар бир дostonнинг бошида ҳамд ёки муножот бўлиши шарт ҳисобланган. Dostonлар ичидаги барча мавзулар, ўша мазмунни давом эттирган ва чуқурлаштирган. Хувайдо девонида ҳам шу анъана давом эттирилган. Девонларни тартиб берганлар уларда биринчи рақам билан Хувайдонинг Аллоҳга ҳамд-муножотини, кейинги ўринларга эса Пайғамбарга наът ва мўъминларга панд-насихат-маъвизаларни тартиблаганлар. Ҳамдларда Аллоҳнинг сифатлари, қиёмат кунининг баёни, мўъминларга буюрилган фарз амаллари ифодаланган. Бундай ғазалларда муаллиф ўзи ва миллатдошлари қилган гуноҳлари учун раҳмдил Аллоҳдан узр сўрайди ва гуноҳлар учун бериладиган даҳшатли жазоларни инсон кўз олдига келтириб, янги гуноҳлардан тийилишга чақиради. Бундай муножотларни таржимон араб, форс ва турк адабиётида кўп бора учратган эди. Хартманн муножотдаги илтижо ва ҳамдларни, қиёмат кунининг тасвири, Аллоҳга тавба қилишнинг усуллари Аҳмад Яссавий шеърлятидаги ҳамдлар, пайғамбар шаънига айтилган наътлар билан солиштириб, туркий халқлар шеърлятида бу жиҳатлар айнан Яссавийдан бошланган деб ёзади. Таржимон Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида фикр юритар экан, ўзининг бу алломага бўлган ҳурматини ифодалаб, Яссавийнинг Шарку Ғарб кишилари учун бирдай азиз эканлигини уқтирган¹. Ўзбек таржимашунослигида муножотлар таржимаси ҳам бир қадар ўрганилган. Таржимашунос олим З. Содиқов² “Қутадғу билиг”даги тасаввуфий шеърлар матнининг русча, немисча, инглизча ва туркча таржималарини таҳлил қилган. У монографиясининг “Қадимги туркий обидада акс этган тарихий даврни таржимада қайта яратиш” деб номланган бобида қадимги туркий тилдан хорижий тилларга ўғирмалардаги исломий атамаларнинг қайта яратилиши масаласига

Hartmann M. Der cagataische Divan Huwedas. in: “Westasiatische Studien”. — Berlin, 1902. — S. 133

Содиқов З.Я. “Қутадғу билиг” таржималарининг киёсий-тилологик таҳлили. — Тошкент: Фан, 2007. — Б.40-46.

тўхталган. Филология фанлари номзоди А. Абдуллажонов Навоий асарларининг немисча таржималари ва табдилига бағишланган тадқиқотида Муножотнинг немисча таржимаси таҳлилига батафсил тўхталган¹. Аммо бу ишларда тадқиқотчилар биз кўзда тутган мавзу – муножот ғазалининг немисча таржималари мисолида иқтибос, муламма ва такрор санъатининг қайта яратилиши масаласини ёритмаганлар.

Ҳамд ғазаллари, муножот, наът ва маъвиза ҳақида Навоий асарлари луғатида кенг тушунтиришлар берилган бўлиб, уларни шартли равишда 2 гуруҳга ажратилган: 1. Тавҳид ҳамдлар; 2. Муножот ҳамдлар².

Ўн бешинчи асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган ўзбек адабиётшунос олими Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул балога» асарида ёзилишича ... “Тенгри азза ва таоллога ҳамд этсалар они тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо (С.А.В.)ни васф қилсалар наът дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарру қилсалар Муножот ўкурлар³.

Муножот ҳақида замонамиз тадқиқотчилари ҳам айрим мулоҳазалар билдирганлар⁴. Навоийнинг Муножот асарини ўзбек китобхонларга тақдим этган проф. Суюма Ғаниева шундай ёзади: “Муножот – Аллоҳдан нажот тилаб, илтижо этмак демакдир. Улуғ шоир мазкур асарида ўзининг бутун ҳаёти ва ижодий йўлига якун ясайди ва яратувчига дил изхори-ла мурожат қилади. Асар матнига диққат қилсак, унинг сатрлари замирида шоир дунёқараши, шахсий ва ижодий тақдири илғор ғоялар билан йўғрилганини идрок этамиз”⁵.

Бевосита таржима таҳлилига алоқадор бўлгани учун Хартманн мақоласидаги муножот билан профессор

Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил қилиш. Филол.фан.номзоди дисс. – Тошкент, 1996. – Б. 83.

Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова Ш. Адабиётшунослик терминлари луғати. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б.138.

Ҳайметов А., Умаров Э. Шайх Аҳмад Тарозий. «Фунун ал-балога» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 18.03.1994.

Қаюмов А. Севгучи кўнгул илтижолари.//Адабий мерос. № 1. 1990. – Б. 13-18; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979 – Б 191-192.

Суюма Ғани қизи. Абадиятга назар. Алишер Навоий. Муножот. – Тошкент: Ф. Ғулум номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 84.

И. Абдуллаев нашрга тайёрлаган девондаги муножот матнларини қиёсий ўрганишни лозим кўрдик.

Навоий “Муножот”ни умрининг кузагида яратган ва кўп ўтмай шу тарзда бу “ёлғон” ва шу билан бирга синов дунё билан “хайрлашиб”, абадиятга юзланган бўлса, Ҳувайдонинг Муножоти унинг аини ижодий балоғат даврида яратилган. Ҳувайдонинг ҳар икки девонидаги биринчи ғазал-ҳамд ғазалларидан бўлиб, муножот талабларига яқиндир. И. Абдуллаев тартиб берган Девондаги муножот 13 байтдан иборат. Хартманн таржима қилган ғазал эса 14 байтни ташкил этган. Муножотнинг биринчи байти “Илоҳо”, “Худовандо” каби кириш сўзлари билан бошланиб, давомида Тангрининг карамли ва кечиримли зот экани тасвирланади ҳамда “Маъбуди беҳамто”дан шоир «гуноҳи жумлаи мўъмин» учун кечирим сўрайди. Муножотнинг иккинчи ва учинчи байтларида эса кичик бир деталь сифатида қайноқ ва сувсиз сахро-дўзахнинг бир кўриниши тасвирланади. Муаллиф бу байтда бандаларни дўзах азобидан огоҳлантиради, саҳронинг иссиқлигидан “тилим тизға тушириб, ташна айлаб қилмағил расво”, “ўшал кун бошимизга чодари раҳматни қил пайдо” деб ўтинади. Кейинги 9-байтда эса “қуруқ тил бирла айтурман Муҳаммад умматиман деб, емак, ичмак ишим бўлди, қани тоат, қани тақво” каби нидо қилади.

Нақшбандия таълимотининг қуйидаги икки тамойили Ҳувайдонинг юқорида биз келтирган байтларида зоҳир бўлмоқда:

– ўз нафсига тухмат, ўзгалар гуноҳи учун азият.

Бу икки тамойил Абул Муҳсин Муҳаммад Бокирғонийнинг «Баҳоуддин Балогардон» китобида қуйидагича тавсифланган: (Нақшбанд) айтар эдилар:

– “Киши ўз нафсига тухмат қилиши керак. Кимки, Ҳақ субҳонаҳу таоло инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг хийла-найранглариини англаган бўлса, бундай қилиш осон бўлади”... “Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ўзиники, деб билиш ҳоллари кўп бўлади”.

Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)дан сўрадилар:

-Дарвишлар ҳузуз (дунё лаззати, роҳати)дан бутунлай кечганлар, нега улар яна “Аллоҳим, мағфирли” (Аллоҳим, гуноҳларимдан ўт) дуосини ўқийдилар? Айдилар: Улар ўзларининг вужудларини поклаш билан ўзгаларнинг вужудларини поклашни истайдилар.¹

Ғазалда шоир Аллоҳга ва Муҳаммад алайҳиссаломга биринчи шахс номидан мурожаат қилмоқда. Шоир ўзини барчадан кўра кўпроқ гуноҳкор ҳисоблайди. Айниқса, бу фикр Муножотнинг иккинчи қисмида – наътда яққол кўзга ташланади. Куйидаги байт фикримизни тасдиқлайди:

Халойиқ олдида шарманда бўлиб термулиб қолсам,
Қаро кунлар ўшал соат бошимга бўлғуси пайдо.

Ғазалдаги бошқа байтлар шу икки тамойил асосида яратилган. Девондаги жами 13 байтдан иборат ғазалнинг 8 байти бевосита Аллоҳга муножотдир. 9–байтдан бошлаб, жами 5 байт Пайғамбарга наът билан яқунланган. “Наът-Пайғамбарни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақташ”.² Бу наътларда умумий қоидага кўра Сарвари оламнинг зикри берилган. Улар шафоат наътларидир. Бу фикр ғазалда ҳам яққол ифодаланган:

Аё Аҳмад, манга бир қатраи баҳри шафоатдин,
Дариг тутма, Ҳувайдо гарчи бўлса осию гумроҳ

мақтаъси билан яқунланган ғазал соф ҳамд бўлмай, у икки бўлимдан иборат. Ғазалнинг биринчи қисми Аллоҳга муножот, иккинчи қисми эса Пайғамбарга наът билан давом эттирилгани Ҳувайдо ижодининг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Ушбу нусхани девоннинг 1901 йил Истамбул нашри билан қиёслаганда бу ҳамд ғазалнинг икки варианты борлиги маълум бўлди. Хартманн ўз тадқиқоти учун олган Истамбул нашрида Муножот ўн тўрт байтдан иборат. Ҳар икки нашрдаги ғазалнинг тўққизинчи байтигача маъно деярли бир хил. Истамбул нашрида Пайғамбарга наът берилмаган. Унинг ўрнига Тошкент нашридаги ўн биринчи рақам билан

Аъзамов А. Муножотнома. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳлар. – Наманган, 1997. – Б.23

Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент: “Маънавият”, 2001. – Б. 8

кўрсатилган олти байтдан иборат ғазалнинг беш байти Муножотга қўшилган. Ғазалнинг биринчи байти тушириб қолдирилган, мақтаъси ўзгартирилган. Тошкент нашридаги ҳамд ғазали байтлари тартиби Истамбул нашрида ўзгача. Иккинчи нусхадаги қўшимча байтлар ҳамд ёки наът бўлмай, аслида ваъз-насиҳат мазмунидаги ғазалдир. Улар девон ёки бошқа китобларда ҳамд ва наът ғазалларидан кейин келгувчи маъвиза ғазаллардир.

3.4. Девонлардаги бошқа тафовутлар

Маълумки, Хартманн фойдаланган Истамбул нашридаги девон Тошкент нашридан ғазалларнинг умумий сони ва шакли жиҳатидан кескин фарқ қилади. Шарқ мутафаккирларининг китоблари ҳам баъзан қисқартирилган ёки, аксинча, ўзи мўъжаз бўлган куллийётлар бошқа шоирларнинг асарлари ҳисобига “семиртирилган”, айрим ғазаллар иккита мустақил ғазалга ажратилган ёки аксинча иккита ғазал “яхлитланган” ва ҳоказо. Девонлардаги айрим ғазаллар мазмунан “тузатилган” ёки “тўлдирилган”. Шу тариқа бир ғазалнинг турли вариантлари пайдо бўлган. Ҳувайдо девонларидаги ғазаллар ҳам, юқорида айтилганидай, кўплаб вариантларга эга. Ҳаттоки, битта ғазалдаги сўзлар таркиби ҳам бундан мустасно эмас. Филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоев ҳам Ҳазиний ижодига бағишлаган китобида шундай фаразни билдирган¹. Фикримизни Ҳувайдо девонининг Истамбул ва Тошкент нашрларини ўзаро солиштириш орқали исботлашга ҳаракат қиламиз.

Ҳар икки нашрдаги биринчи ғазал – Муножот учинчи байтгача айнан бир хил. Тўртинчи байтдан бошлаб айрим сўзлар ўрнига синонимлари қўлланган. Чунончи, Истамбул нашрида тўртинчи байт араб атифбосида «қурулса» деб аниқ ёзилган. Тошкентнусхада эса бу сўз кирилл алифбосида «кўрилса» деб берилган. Мазмун жиҳатидан байтга «кўрилса» сўзи кўпроқ мос. Шу байтдаги иккинчи фарқ

Жўрабоев О. Ҳазиний тўра. – Тошкент: Фан. 2007.

Тошкент босмада «аё саттори маъюбҳо» бўлиб, Истамбул босмада уни «аё саттори маъбудо» деб «тузатилган».

1. Тошкент босмада:

Кўрилса ул “фамай-яъмал”да меъзоним сабук қилма,
Савобимни гуноҳимдан, аё саттори маъюбҳо.

2. Истамбул босмада:

Қурулса ул “фамай-яъмал”да меъзоним сабук қилма,
Гуноҳимдан савобимни, аё саттори маъбудо.

5-байт Тошкент босмада:

Қадам қўйсам йиқитмоғил сиротал мустақийм узра,
Гирифтори жаҳийм айлаб, қулингни қилмағил расво.

Истамбул нашрида:

Қадам қўйсам йиқитмоғил сиротал мустақийм узра,
Гирифтори жаҳийм айлаб, Илоҳо қилмағил расво.

Бу байтлардаги деярли барча сўзлар бир хил. Фақат иккинчи байтдаги “қулингни” ўрнига европаликлар “Илоҳо” кириш сўзини “таклиф” қилганлар.

Шу ўринда яна Навоий Муножотини эсга оламиз. Асардаги жами 66 та илтижодан 61 таси... яхлит жумладан ташкил топган ва ҳар бир жумла “Илоҳи” калимаси билан бошланади. Бу сўз ҳар байтнинг бошида янгича жаранг ва қувват билан ўқилади. Ҳувайдонинг Тошкент босма девонидаги ғазалда “Илоҳо” (Илоҳи) сўзи атиги икки марта қўлланган. Учинчи сўзни эса, истамбулликлар вариантларини маъкул кўрган ҳолда, “қулингни” деган сўз билан алмаштириш ҳисобига тиклаш тўғри бўлади.

Ғазал эътибор билан ўқилса, бу табаррук каломни яна беш ўринда яширин қўлланганини кузатиш мумкин. Аслида вазн тақозосига кўра байтларга бошқа сўзлар “сиғмайди”. Аммо сўзлар тизимига кўра, “Илоҳо” калимаси беихтиёр тилингизга келади. Жумладан, иккинчи ва учинчи байтнинг иккинчи мисралари, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи байтларнинг бошланишида шу калом бордай ҳиссиёт пайдо бўлади.

Олтинчи байтнинг иккинчи мисраси Тошкент босмада қуйидагича берилган:

Сен ўқсан, барчани Парвардигори, ҳалли мушкулҳо,

Истамбул босмада:

Ки Сенсан, барчани Парвардигори, ҳалли мушкулҳо,

Бу ўринда маъно сақланиб қолиб, фақат сўзлар ўзгарган.
Лекин иккинчи вариант юқори пардада бўлиб, таъсири кучлироқ.

8-байтнинг биринчи мисраси Тошкент босмада:

Ўшал ҳавли қиёматни, Илоҳо, айлағил осон,

Истамбул босмада:

Ўшал рўзи қиёматни, Илоҳи айлағил осон.

Байтдаги “ҳавл” сўзи “қийин”, “мураккаб”, “кўрқинчли” деган маъноларни беради. Бу истилоҳлар дўзах учун ўринли таъриф. “Ҳавл” сўзининг байт охиридаги “осон” сўзига аксланиб, тазод санъати яратгани ҳам гўзал. Бу кун гуноҳкорлар азоб-уқубатнинг бошланиши бўлса, “ёлғон дунё”да рост яшай олган мўъминлар учун роҳат кунининг бошланишидир. “Охиратнома”,¹ “Қиёматнома”,² “Маҳшарнома”³ каби кўплаб туркум диний асарларда қиёмат куни билан боғлиқ воқеалар кўрқинч ва даҳшатга тўлиқ таъкид шаклида келади. Улардаги бу усул халқнинг имон-эътиқодини тарбиялаш ниятида қўлланган. Аммо қиёмат ҳамма учун ҳам азоб эмас. Ҳувайдо ориф шоир сифатида кишиларни бундай усуллар билан кўрқитиш акс таъсир этиши мумкинлигини билган. Мутасаввуф шоир халқни Аллоҳнинг лутфу карамли эканлигига ишонтириши билан кишиларни маънавиятга чорлаши табиий. Бу борада Ҳадиси шарифдаги “Дин аҳқомларини халққа осон қилиб кўрсатинглар, қийин қилиб кўрсатманглар. Уларга Аллоҳнинг ваъдаларини гапириб, башорат беринглар, азобларидан кўп гапириб, бездириб қўйманглар!”⁴ деган ўғитларига Ҳувайдо каби мутафаккирлар амал қилганлар. Шунинг учун Истамбул нусхадаги “рўзи қиёмат”-“қиёмат куни” нейтрал сўзини қўллангани маъқулроқ. Бунда байтнинг бадий гўзаллигидан кўра маъновий таъсири юксалади.

Охиратнома. — Тошкент. 1994.

Қиёматнома. Институт Востоковедения РФ, №831.

Жўрабоев О. Ҳазиний тўра. — Тошкент: Фан. 2007. — Б. 94.

Уватов У. Муслим ибн ал Ҳажжож. — Тошкент, 1995. — Б. 61.

Муножотнинг сўнги ўн тўртинчи байти Хартманн мақоласида:

Ише қил, эй Ҳувайдо, зоди роҳи охират бўлсин,

Туман анбор зар йиғсанг, ки бўлмас тўшай уқбо. –
мактаъси билан якунланса, проф. И. Абдуллаев нашрга тайёрлаган китобда шу байтнинг иккинчи мисраси “Туман олтин, кумуш йиғсанг, бўлолмас тўшай уқбо” тарзида якунланади. Гарчи англашилувчи маъно яқин бўлса-да, сўзлар ўзга бўлгани сабабли таржимада ҳам шу сўзларнинг немисча маъноси берилади.

3.5. “Девони Ҳувайдо”даги исломий-маърифий истилоҳларнинг немисча таржимаси ҳақида

Муножотдаги исломий-маърифий истилоҳлар таржимаси

Ҳувайдо ўз асарларида арабча ва форсча аффикслар, сўзлар, изофа, иборалар ва яхлит жумлалардан кўп фойдаланган. Маълумотли кишилар учун Куръон ва ҳадисларни араб тилида ўқиш, форс тилини билиш талаб қилинган. Бу ўша давр адабий ва илмий муҳити учун табиий ҳол бўлган. Уч тилни билиш анъанаси Моварауннаҳр мадрасаларида 19–асргача сақланган¹. Мумтоз шоирларнинг девонларида икки ва уч тилда ёзилган ғазалларни кўп учратамиз. Икки тилда ёзилган шеърларни “ширу шакар”, уч тилда ёзилганлари эса “шаҳду ширу шакар” деб номланган. Адабиётимиз тарихини кўздан кечирсак, ижодкорларимиз араб ва ўзбек, форс-тожик ва ўзбек, рус ва ўзбек тилларида шундай асарлар яратганларининг гувоҳи бўламиз². Бу хилдаги асарлар Хоразмий, Сайфий Саройи, Лутфий, Навоий, Машраб каби мутафаккирлар ижодида кўплаб учрагани каби бу анъана уларнинг издоши Ҳувайдо ижодига ҳам хос.

Аъзамов А. Муножотнома. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳлар. – Наманган: 1997. – Б. 9.

Хожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз кофия. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998. – Б. 105.

Хувайдо девонидаги ғазалларда Қуръон оятлари ёки диний афсона ва ривоятлар билан боғлиқ воқеаларнинг изи сезиларлидир. Муножот лексикасининг аксарияти диний истилохлар.

Асарда асосан ўзбекча сўзлар ишлатилган бўлса-да, форсий ва арабий истилохлар ҳам кўплаб учрайди. Бундай истилохларни Европа тилларига таржима воситасида ноисломий халкларга етказиш анчайин мушкулликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун ғазалларни таржима қилиш истагидаги мутаржимлар маълум даражада диний маълумотга эга бўлиши талаб қилинган. Диний истилохлар таржимаси таҳлилига киришишдан аввал уларнинг таркиби, аслиятдаги ўрни ва таржима усулларини ўрганишни лозим кўрдик:

№	Аслиятдаги кўриниши	Ўзбекча маъноси	Немисчада	Таржима -нинг ўзбекча маъноси	Таржима усули
1.	Илохи, Худовандо	Эй Худо	O, Gott	Эй, Худо Эй, Тангри	Сўзма-сўз
2.	Маъбуди беҳамто	Беайб, камчиликсиз маъбуд	Angebetene r, Einziger	Сигини- лувчи (зот) Ёлғиз	Сўзма-сўз
3.	Аё Саттори маъюбҳо	Айбдорларн инг(айблари ни) яширувчи	O, Angebete- ner, Suendenzu- decker	Эй, гунохлар- ни ёпувчи	Сўзма-сўз
4.	Парвар- дигор	Худо	Der Erhalter aller Dinge	Барча ишларни ҳал қилувчи	Сўзма-сўз

5.	Чодари рахмат	Раҳмат чодирӣ (қиёмат кунида иссиқдан пана қилувчи)	Das Zelt des Erbarmens	Меҳри- бонлик чодирӣ	Сўзма-сўз
6.	Гирифтори Жаҳийм айламоқ	Жаҳийм номли дўзахга ташламоқ	Ein Raub der Hoelle werden lassen	Дўзах- нинг асирига айлантир -моқ	Умумлаш- тириш
7.	Сиротал мустақийм	қиёмат кунида жаннатга ўтиладиган кўприк	Die enge Strasse im Jenseits	У дунёдаги қилкўп- рик	Умумлаш- тириш
8.	Ҳак	Аллоҳнинг сифати- ростиғӣ,	Der Gott	Худо	Умумлаш- тириш
9.	Парвардигор ри ҳалли мушкулҳо	Қийинчилик ларни ҳал қилувчи Парвардигор	Der Erhalter aller Dinge	Барча ишларни ҳал қилувчи	Сўзма-сўз
10.	Рўзи қиёмат	қиёмат куни	Der Aufer- stehungstag	Қиёмат куни	Сўзма-сўз
11.	Фарёду вовайло	(оғриқларда н) фарёд ва войвойлаш	Ach und Weh	Оҳ ва вой	Муқобил
12.	Мустафо	Муҳаммад алайҳиссало м лақаблари	Der Profet	Пайғам- бар	Умумлаш- тириш
13.	Тоату такво	Сабр ва парҳез (гуноҳларда н тийилиш)	From und gehõrsam	Диндор ва қулоқ солувчи	Муқобил
14.	Зоди роҳи охират	Охиратга йўл тараддуди	Wegzehrung fuer die Reise ins Jensiets	Нариги дунёга сафарга тайёрла- ниш	Муқобил

15.	Тушаъи укбо	Охират учун зарур озуқа	Proviant für die andere Welt	Кейинги дунё учун озуқа	Сўзма-сўз
16.	Муъмин	Ишонувчи	Der Glatzbige	Художўй, ишонув- чи	Муқобил
17.	Уммат	Пайғамбарн инг издошлари	Zu (meinem) Volke gehören	(Менинг) халқимга тегишли	Умумлашт ириш
18	Осий	Гуноҳкор, хаточи	Der Sünder	Гуноҳкор	Сўзма-сўз
19	Карам (бирлан кечирмак)	Сахийлик (бирлан кечирмак)	(Verzeihen in) Gnade	Сахийлик (билан кечир- мок)	Сўзма-сўз
20	Гуноҳ	Нотўғри, хато	Die Sünde	Гуноҳ, хато	Сўзма-сўз
21	Саййиди кавнайн	Икки дунёнинг саййиди (хурматли кишиси)	Der Herr der beiden Welten	Ҳар икки дунёнинг эгаси	Муқобил

Қиёслардан кўриниб турибдики, мутаржим аслиятда берилган диний калималарни тугал идрок этган ва ғазал мазмунини немисчада қайта яратишни уддалаган. Бунда у 11 марта сўзма-сўз, 5 марта умумлаштириш, 5 марта Инжилда мавжуд бўлган муқобил сўз ва иборалардан фойдаланган.

3.6. Муножот таржимасида шакл ва мазмун бирлиги

Шеърятда шакл ва мазмун бирлиги фақат адабиётнинг ўзигагина дахлдор ҳодиса эмас. Адабий асар таржимаси жараёнида бу бирламчи масалага айланади. Гарчи таржимашуносликда бадиий асардаги шакл ва мазмун мутаносиблиги, уни қайта яратиш муаммоси олимларимиз томонидан бирмунча тадқиқ этилган бўлса-да, бу муаммо ҳар

сафар муайян тадқиқот доирасида янгиладиди ва янги таҳлилларни талаб қилади. Зеро “таржимадан мақсад асл нусха ўқувчиси туйган эстетик завқни бошқа тилда қайта яратиш-уни таржима ўқувчисига юктириш экан, ўз-ўзидан шакл ва мазмун уйғунлиги масаласи ҳар қандай таржиманинг бош меъзони сифатида майдонга чиқади”¹. Шарқ мумтоз адабиётининг атоқли вакили бўлган Ҳувайдо ҳам ўз ғазалларида лирик қаҳрамон образи, унинг кечинмалари, ички ҳис-туйғуларини ифодалашда ғазалнинг композицион яхлитлигини, байтлар мисраларининг мантикий ва узвий боғланиши учун тасвирланиётган мазмунни чуқурлаштиришда кўплаб бадий санъатлардан фойдаланган. Таржима таҳлили учун Ҳувайдо девонининг биринчи ғазали – ҳамд ғазалини танладик. Унда ўндан зиёд бадий санъатлар қўлланган. Аммо биз ҳамд ғазалларидаги асосий санъат-иктибос санъатини ва унинг таржимадаги қайта яратилиши муаммосини кузатишни мақсад қилиб олдик. Таҳлилларимиз жараёнида ғазал мазмунини тўлароқ англашга хизмат қилувчи бошқа айрим санъатлар, жумладан талмиҳ-муламма ва қисман такрор санъатлари таржимаси таҳлиliga ҳам тўхталамиз. Мақсадимизни ҳамд ғазали доирасида амалга ошириш учун, ушбу жанр талабларидан келиб чиқиб, шеърдаги кўплаб истилоҳларга ҳам эътиборни қаратдик. Бу истилоҳларнинг аксарияти умумисломий тил-араб тили ва қисман форс тилларидадир.

Маълумки, асарда бадий санъатларнинг қўлланиши, умуман, бадий санъат турлари ҳақида ўзбек олимларининг кўплаб таърифлари ёзилган. Айрим ҳолларда адабиётшунослар томонидан бир-бирини инкор қилувчи таърифлар ҳам айтилган. Шунинг учун биз ишимизда жаҳон адабиётшунослари ва ўзбек услубчиларининг қайси бирига мурожаат қилганимиз ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтишни маъқул кўрдик.

Мумтоз адабиётимизда Куръон, Ҳадис ва илоҳиётга бағишланган бошқа асарларда Аллоҳнинг сифатлари,

Очилов Э. Рубоний таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол. фан. ном. дисс. ... – Тошкент, 1994.

пайғамбарларнинг динни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш жараёнидаги ҳаракатлари, валийлар ҳаётидан олинган ривоятларга, шунингдек, тарихий саналарга ишоралар ва диний асарлар қаҳрамонлари исмлари кўп учрайди. Бундан мақсад лирик қаҳрамон образини ёрқинроқ чизиб ёки қаҳрамоннинг ички туйғуларини аниқ ифодалашдир. Бу усул бадиий адабиётда “иктибос” деб юритилиб, “илм ўзлаштирмак” маъносини билдиради. Шарқ шоирлари бу санъатга мурожаат қилиб, лирик ва лиро-эпик асарларида оятлар ва ҳадисларни келтирганлар. Ҳадислар асосида ёзилган “Арбаин”лар ҳам иктибос усулида яратилган¹.

Бу санъат тури ҳақида адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқов шундай ёзади: Иктибос-муштарак (ҳам лафзий, ҳам маънога дахлдор) санъатлар жумласидан бўлиб, наср ёки назмда баённинг ёрқин ва гўзал ифодаси учун оят ва ҳадислар келтириш усули. Айрим олимлар (масалан Атоуллоҳ Ҳусайний) фикрича, иктибос сифатида олинган оят ва ҳадислар тўғридан-тўғри, яъни уларнинг оят ва ҳадис эканига ишора қилинмаган ҳолда келтирилиши лозим.

Иктибос икки хил кўринишда бўлиши мумкин:

1. Оят ёки Ҳадис айнан келтирилган иктибос “дарж” дейилади. ... Улар ифода, баён учун оддий безак, зийнат эмас, балки қувватлаб, кучайтиришга хизмат қилувчи муҳим восита ҳисобланади. Ҳатто айрим шеърӣй ва насрий парчалар моҳиятан оят ёки ҳадиснинг мазмуни билан алоқадор бўлиши мумкин.

2. Агар оят ва Ҳадиснинг таржимаси ёки мазмуни келтирилса, бундай иктибосни Дойӣй Жавод “ҳал” усули деб атайдӣ. Лекин Атоуллоҳ Ҳусайний назмнинг мазмунини насрда чиройли баён қилишни “ҳал” деб атайдӣ. ... Атоуллоҳ Ҳусайний фақат ишорасиз – тўғридан-тўғри келтирилган оят ва ҳадисларни иктибос, деб атайдӣ².

Биз таҳлилга жалб этаётган муножотда кўп ўринда талмиҳ санъати ҳам қўлланган. Талмиҳ санъатини

Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣй санъатлар ва мумтоз қофия.- Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998. – Б.62-63

Исҳоқов Ёқубжон. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б.27-28

адабиётшунос олим Анвар Ҳожирахмедов куйидагича таърифлайди: “Ранг-баранг қилмоқ” маъносини ифодаловчи бу сўз шеър мисраларини турли тилларда битишни назарда тутувчи санъат номини билдиради... Бу хил шеърлар муламмаъ деб аталган. Баъзан бу усулни “ширу-шакар” усули деб ҳам ҳисоблаганлар.¹

Иқтибос ва талмиҳ-муламма санъатларининг немис тилида қайта яратилиши устида ҳозиргача ўзбек таржимашуносларида махсус тадқиқот йўқ. Бизгача бўлган ишларда бу санъат турининг немисча таржималарда қайта яратилиши тадқиқ қилинмаган.

Ҳувайдо Муножотининг немисча таржималари таҳлилига киришар эканмиз, аввало, биринчи байтда келган диний истилоҳ - “Илоҳи” нидоси ва унинг синонимлари ҳамда уларнинг таржимавий таҳлили билан танишамиз.

Аллоҳга ҳамд ғазалларининг барчасида учровчи “Илоҳи” (ёки “Илоҳо”) нидоси барча ҳамд ғазаллари ва насрий муножотларда учрайди. Бу нидо билан шоир қалбининг чуқур тубида сақлаб келаётган истаклари ва ниятларини қодир Аллоҳга етказиш учун кириш сўзи ўрнида фойдаланади. Бу истилоҳнинг “ё Худо”, “Худовандо”, “Парвардигоро” каби ўнлаб вариантлари бўлса-да, ҳамд ғазалларида асосан шу атама ишлатилади. Ислом фалсафасини яхши ўзлаштирган Хартманн “Илоҳи” ва кейинги ўринлардаги “эй Худовандо” ва “аё Маъбуди беҳамто” каби нидоларни мутаносиб равишда “O, Gott” (ё Худо), “Du, Angebeteter”, (Сен, севимли) “Einzig” (ёлғиз, якка) истилоҳлари билан ўтирган. Мутаржим бу сўзларни немисчага шунчаки ўтказиб қолмасдан, матн ости изоҳларида бу сўзнинг нафақат ушбу ғазалдаги ўрни ва аҳамияти, балки Шарқнинг бошқа мутасаввуфлари асарларида қўлланишига ҳам тўхталган. Бунда у Яссавий, Ғаззолий ва Машраб ғазалларида учраган “Илоҳи” хитоби қўлланган байтлар ва уларнинг инглиз, француз ёки немис тилларидаги таржималарини келтирган

Юқоридаги манба.- Б.105.

(136-137). Ушбу мулоҳазаларимизни Хувайдо дошонининг биринчи ғазали – ҳамд ғазали мисолида кўриб чиқамиз. Ғазал Илоҳо, Сен карам бирла кечиргил, эй Худовандо, Гуноҳи жумлаи мўъминни, аё маъбуди беҳамто, (136-б.) матлаъси билан бошланади. Немисчада:

O, Gott, verrzeih du in Gnade die Suenden aller Glaebigen, Du Angebetener, Einziger! (137-б.)

Мазмуни: Эй, Худо, Сен бағрикенглик (карам) билан барча (Худоба) ишонувчиларни кечиргин, эй кечиргувчи, ёлғиз зот.

Байтда Тангрига 3 бора мурожат қилингани такрор санъатини ҳосил қилган. Синоним ва маъновий яқин сўзлар-Аллоҳнинг сифатлари таржимада ҳам муваффақият билан қайта яратилган. “Илоҳо” нидоси умумлаштирилган ҳолда “O, Gott“, “аё маъбуду беҳамто“ атамалари эса муқобил йўл билан “Du, Angebetener, Einziger“ (Сен, Айбларни яширувчи, Ёлғизсан!) нидолари билан ўтирилганки, бу санъатнинг таржимада муваффақиятли чиққани Инсоннинг Аллоҳдан сўрови пайтидаги руҳий ҳолатини тўғри акс эттиришга хизмат қилган. Шунингдек, байтнинг иккинчи мисрасида туркий сўзлар билан бирга форсий ва арабий сўзлар ҳам ишлатилиб, муламмаъ санъати яратилгани ҳамд ғазаллари учун одатий ходиса бўлиб, асарнинг ўқувчига, айниқса, мўъмин китобхонга эстетик таъсирни кучайтиради. Шарқ шеърлятига хос бўлган бундай санъат немисча таржимада қайта яратилмаган. Ваҳоланки, немис шоирлари ҳам ўз асарларида Шарқ колоритини ифодаловчи муламма - варваризмлардан кенг фойдаланганлар. Ҳайнрих Ҳайне ўзининг Шарқ мавзусидаги шеърларида араб, французлар ҳаёти ҳақидаги асарларида французча, кадимий қисса ва эртаклар мазмуни берилган шеърларида лотинча сўзларни қўллаганки, бу усул шеърда айтилмоқчи бўлган фикрни ёрқинлаштиришга, давр руҳи ва миллий хусусиятларини тугал акс эттиришга хизмат қилган. Шоирнинг Фирдавсийга бағишланган туркум асарларининг маснавийда ёзилган учинчи шеъри сўнгги мисраларида шундай сўзларни ўқиймиз:

La Illa Il Allah! aus voller Kehle
Jauchzten die Treiber der Kamele.
Doch durch das Osttor, am andern Ort
Von Thus, zog in demselben Moment
Zur Stadt hinaus der Leichenzug,
Der den toten Firdusi zu Grabe trug¹.

Маъноси: Ла илаҳа иллаллоҳ, (дея) сорбонлар туяларни шахд билан йўлга солдилар. Аммо шу пайтда Туснинг шарқий дарвозасидан марҳум Фирдавсий солинган тобутни тобуткашлар шаҳардан олиб чиқишар эди.

Бу парча “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимаси билан бошланган бўлиб, унинг таржимаси берилмаган. Калима немис тилидаги шеърга шарқона қолорит бағишлаган.

Профессор Ўктам Нурматов Фридрих Шиллер драмаларидаги варваризмларнинг (асарда ишлатилган чет тилдаги сўз ёки атама) ўзбекча таржималарини таҳлили жараёнида персонажлар нуткидаги французча сўзларни қўллаш орқали яратилган бадий санъатни қайта яратиш учун 7 хил усулни таклиф қилади.² Усулларнинг олтинчиси – варваризмларни асл нусхага услубий қуввати жиҳатидан яқин бўлган сўз ва иборалар билан алмаштириш усули Хувайдо муножотининг биринчи байти таржимаси учун қўлланганини кўрамиз. Мутаржим қуръоний каломларни Инжилдаги шу каломга тенг қувватли тушунчалар билан ўгирган. Бунда мазмун тугал ифодаланган.

Муножотнинг 2-байти тасвир билан бошланган ва илтижо билан тугаган:

Ўшал саҳрода қайнар мағзи сар мисли қозон янглиғ,
Тилим тизга тушуриб, ташна айлаб қилмағил расво.

Байтда дахшатли дўзах қискагина “саҳро” атамаси билан ифодаланган. Сувсиз ва гиёҳсиз қумликлардан иборат саҳро манзараси Шарқ кишиларига азалдан таниш. Саҳронинг табиати баъзан дўзах табиатидан қолишмайди.

Heines Werke in fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. – Weimar: Volksverlag, 1961 – S.238

Нурматов Ў. Фридрих Шиллернинг “Мақр ва муҳаббат” фожиаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1991. – Б.123-124.

Байт таржимаси: In jener Wüste siedelt das Hirn wie ein Kessel, dort mach mich nicht zum Gespött, indem du meine Zunge bis zum Knie herabfallaen lässt vor Durst. Маъноси: Ўша сахрода (бош) мия қозон каби қайнайди. У ерда менинг тилимни ташналикдан тиззагача тушириб, кулги (шарманда) қилиб қўймагин.

Ҳазалдаги тасвир таржимада ҳам аниқ ифодаланган. Ғарб аҳлининг кўз ўнгига дўзах манзарасининг бир лавҳаси яққол келтирилган. Форсийча “мағзи сар” сўзи немис тилида “Hirn” сўзи билан ўгирилган. Бу сўз аслият маъносининг немис тилидаги муқобилидир. Биринчи мисра сўнгидаги ўхшатиш- “мисли қозон янглиғ” “wie ein Kessel” (худди қозон каби) шаклида ўхшатилган. Матн ости изоҳларида бу санъатни ҳосил қилган ўхшатиш объекти “қозон янглиғ” сўзларига ҳам махсус тўхталган мутаржим қозоннинг кишилар ҳаётидаги муҳим ўрнини кўрсатиб ўтган¹. Лекин мутаржимнинг “қозон” атамасига фақат унинг кишилар учун озуқа тайёрлашдаги аҳамиятини очиб берганини ҳам айтиб ўтиш керак. Муножотда эса дўзахнинг “иш жараёни”-тагига олов ёқилган қозоннинг қайнашига ўхшатилган. Иккинчи мисрадаги тасвир ҳам таржимада аниқ ифодаланган. Биринчи мисрадаги “сахро” сўзи иқтибос санъатини яратган.

Шу ўринда иқтибос санъатини юзага чиқарган вазият билан танишамиз. Қуръони каримнинг бир неча оятларида “сахро” – дўзах даҳшатлари баён қилинган. 77-“Вал-мурсалот” сурасининг 24-ва 40-оятларида жаҳаннам ва жаҳаннам аҳли тасвирланган. 78-“Набаъ” сурасининг 21-22-оятлари юқоридаги оят мазмунини тўлдиради: ...Албатта, туғёнга тушгувчиларнинг борар жойлари бўлган жаҳаннам кўз тутиб турибди. 24-оятда бу фикр давом эттирилади: Улар у жойда бирор салқинни ва бирон ичимликни топмаслар!²

Таржимада ҳам бу санъат қайта яратилган. Матн ости изоҳларида “сахро” сўзининг асл маъносига тушунтириш берилган. Бунда Ислом дунёсининг олимлари асарларига

Hartmann M. Der cagataische Divan Huweidas // “Westasiatische Studien”. – Berlin, 1902. – S.137

Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент, 1992, 77-сура, 21-, 22- ва 24 –оятлар – Б.450- 451.

мурожаат қилинган. Жумладан, Ғаззолий асарларининг немисча таржималаридан Хартманн кенг фойдаланган: Ghazali beschreibt, ... den Platz, auf dem die aus den Gräbern Erwaeckten versammelt werden, und wo sie 1000 Jahre warten muessen, bis die Posaune erschallt und der Richter erscheint; sie muessen fuerchterlich schwitzen, denn "die Sonne ist ihrem Kopfe so nahe, dass, streckte Einer die Hand aus, er sie erreichen wuerde (S.56), die Gerechten werden vor der nahen Gluthgeschuetzt durch einen Schatten (Schattendach) der ueber ihre Koepfe gebreitet ist". Wolf 69 (S.123) wird die zill-Frage ausfuerlucher eroertert und die Vorstellung zurueckgekehrt auf Qur'an 77, 30... Das die Centralasiaten den mahsar – Platz als sahrā bezeichnen... kein Wunder; hörten sie doch über Takla-Makan-Wüste. Мазмуни: Ғаззолий тасвирлашича, ...“бу майдон сур чалиниб сўроқ килувчилар етиб келишгач, қабрларида 1000 йил ётганлар тўпланадиган жой. Улар даҳшатли иссиқдан терлаб, қайноқдан қаттиқ бақириб турадилар, чунки қуёш уларнинг боши узра шунчалик яқинки, агар биронтаси қўлини кўтарса, етади. Мўминлар бошлари узра тутилган чодир билан тепаларидаги иссиқ (олов)дан сақланадилар”. Вольф маҳшаргоҳ тасвирини батафсил шарҳлаган. У Қуръондаги 77-суранинг 30-оятига асосланган. Марказийосиёликлар маҳшар майдонини “сахро” дейишларига ажабланмаймиз. Улар Такламакон сахросининг даҳшатлари ҳақида эшитганлар.”

3-байтнинг биринчи мисраси яна тасвир билан бошланиб, иккинчи мисрасида шу ҳолатдан сақлашни (Илоҳдан) илтижо қилинган:

Келур найза бўйи хуршиди тобон фарқи сар узра

Ўшал кун бошимизга чодари раҳматни қил пайдо.

Байтда кириш сўзи – “Илоҳо” калимаси (вазн тақозоси билан) қўлланмаган бўлса-да, иккинчи мисранинг бошида унинг ўрни билиниб турибди. Байтда бир неча санъатлар қўлланган. Биринчи мисрада “хуршиди тобон фавқи сар узро” сўзлари билан муламма санъати, иккинчи мисрада эса “чодари раҳмат” сўзини қўллаш билан иқтибос санъати зохир қилинган. Бунда Қуръондаги оятларга ишоралар бор.

Жумладан, 77-суранинг 41-42-оятларида шундай марҳамат қиланган: Такводор зотлар эса албатта соя-салқинларда, чапмалар ва кўнгиллари тусаган мева-чевалар устидадурлар. 44-оятда эса: Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз¹.

Байтнинг таржимаси: Auf Lanzenlänge kommt die glühende Sonne dem Scheitel nahe: an jenem Tage schaff unserm Kopf das Zelt (Schattendach) des Erbarmens.

Маъноси: Ёнаётган қуёш бош узра найза узунлигида келади, ўша кун меҳрибонлик чодарингни (чойшаб, салқин берувчи қапа) бошимиз узра яратгин.

Бу байт ўғирмаси учун ҳам сўзма-сўз таржима усули қўлланган. Аслиятдаги тасвир ўзга тилдаги ўқувчи учун ҳам таниш ва тушунарли. Мисраларнинг тадрижийлиги ҳам сақланган. “Бош” маъносини берувчи нейтрал сўз немис тилида “der Kopf” бўлса-да, таржимон бу ҳолатда юқори пардадаги “der Scheite” сўзини танлаган. Немисча-русча луғатда бу сўз “темя”, “макушка” деб берилган². Ўзбекча-русча луғатида эса мувофик равишда улар “бош”, “бошнинг устки қисми” маъноларини англатади³. Хартманн бу усул билан аввалги байтларда йўл қўйилган айрим қисқартиришларнинг ўрнини тўлдирган ва форсийдаги “мағзи сар” – “бошнинг мағзи” – “бош мия” сўзларини муқобил вариантини яратиш учун ҳаракат қилган. 4-байт қуйидагича бошланган:

Қурулса ул “фамай-яъмал” да мезоним сабук қилма,
Гуноҳимдан, савобимни аё саттори маъбудо.

Биринчи мисрада қўлланган “Фамай-яъмал” – Қуръондаги “Аз Залзала” (зилзила) деб номланган 99-сура 7-8-оятлари қисқартмаси бўлиб, “Кимки нима қилса” деб номланади. Тўлиқ шакли: Фамай яъмал мисқола зарротин хойрой яроҳ. Ва фамай яъмал мисқола зарротин шаррой яроҳ⁴. – “Бас, ким (хаёти – дунёдалиқ пайтида) зарра мисоличалиқ яхшилик қилса, (қиёмат кунда) ўшани кўрур.

Қуръони карим. 77-сура, – Б.448.

Das grosse Deutsch-Russische Wörterbuch. In zwei Bänden. Band 2. Autoren E.I. Leping u.a., – Moskau, Verlag “Sovetskaja Entsiklopediya”, 1969. – S. 295.

Ўзбекча-русча луғат.

Қуръони карим. 99-сура, 7-, 8- оятлар. – 3 477.

Ким зарра мисоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур”¹. Муаллиф “Қилган савобларимни (махшар куни) гуноҳларимдан енгил қилиб қўймагин, эй, (гуноҳкорлар) гуноҳларини яширгувчи” деб нола қилади.

Бу ерда иқтибос санъатининг ажойиб намунаси яратилган. Ўқувчига етказилиши режалаштарилган фикр қисқа мисралар билан теран ифодаланган. Байтнинг немисча таржимаси куйидагича: Wenn bei jenem Tag – “Wer auch nur eines Stäubchenes Gewicht” – meine Waage aufgestellt wird, dann lass meinen Lohn nicht leichter sein als meine Sünde, o, angebeteter Sündenzudecker.

Маъноси: Ўша “кимки бир дона чанг миқдоридаги оғирлик” ҳам менинг меъзоним (торозу)га қўйилса, шунда менинг хизмат ҳақ (савоб)имни гуноҳларимдан енгил қилиб қўймагин, эй, Севимли, Гуноҳларни кечирувчи.

Шу ўринда “Фамай-яъмал” оятининг немисча таржимасини тўлиқроқ келтиришни лозим кўрдик. 7-оят: “Wer auch nur eines Stäubchenes Gewicht an Gutem thut, wird’s sehn. 8-оят: Wer auch nur eines Stäubchenes Gewicht an Schlechtem thut, wird’s sehn”. (beim jüngsten Gericht)². Таржимаси: Кимки, бир дона чанг миқдорида яхшилик қилса ҳам, кўради. Кимки бир дона чанг миқдорида ёмонлик қилса ҳам, кўради (охиратда).

Кўринадик, оятлар таржимаси мазмунан ҳам, шаклан ҳам муваффақиятли чиққан. Оятлардаги оғирлик ўлчови бўлмиш “бир мисқолча” ўзбек тилида – “зарра мисолича” калимаси ўрнига немис тилида унга мувофиқ равишда янги оғирлик ўлчови – “eines Stäubchens Gewicht” (“бир дона чанг миқдорида”) калимаси қўлланган. / Ўзбек тилидаги “чанг” сўзини немис тилидаги таржимаси “der Staub” бўлади. Аммо таржимон бу сўзга эркаловчи ва кичрайтирувчи суффикс “chen” қўшимчасини қўшиб, бу тушунчани янада кичрайтиради ва аслиятдаги мазмунни аниқлаштиради. Савобларни

Қуръони карим. Шу сура, шу оят.

Hartmann M. Der cagataische Divan Huwedas.//“Westasiatische Studien”, – Berlin, 1902. – S.140

инсон тасаввуридаги тарозида ўлчаб бўлмаганидек, чангни ҳам тарозида ўлчаб бўлмайди. Бунда аслиятдаги муболағанинг учинчи даражаси – ғулув таржимада мукобил усул билан қайта яратилган. Аммо шеърый асар илмий таржимасида бўладиган камчилик мазмунини ифодалаш учун аслиятдагидан кўпроқ сўзлар ишлатилган.

Бевосита байт таржимасига қайтсак, иккинчи мисрадаги “Саттори маъбудо” сифати ўзбек тилида “беркитувчи, яширувчи маъбуд” бўлиб, бунда Аллохнинг айбларни яширувчилик сифати назарда тутилган. Таржимада ҳам шу даражада маъно берувчи сўз “о, Angebeteter, Sündenzudecker” – “эй, Севимли,” “Яширувчи” калималари ишлатилган.

Муножотнинг бешинчи байтида тўртинчи байтдаги фикр давом эттирилган ва юқоридаги маъно кучайтирилган:

Қадам қўйсам йиқитмоғил сирот ал-мустақим узра,

Гирифтори жахийм айлаб, Илоҳи, қилмағил расво.

Таржимаси: Wenn ich den Fuss auf die enge Strasse im Jenseits setze, lass mich nicht wanken. Mach mich nicht zum Gespött, o Gott, indem du mich ein Raub der Hölle werden lässt.

Мазмуни: Агар мен у дунёнинг тор кўчасига қадам қўйсам, мени сарсон қилмагин. Эй Худо, мени дўзахнинг асирига айлантириб, расво (шарманда, кулгили) аҳволга солиб қўйма.

Байт таржимасида аслият мазмуни тугал сақланган. Мутаржимнинг Куръон ва Ҳадисни яхши билгани ва билимларини таржима жараёнида муваффақиятли қўллагани кўриниб турибди. Таржимон таржиманинг ўзи билан чекланиб қолмай, аслиятда қўлланган маънони матн ости изоҳларида кенгайтирган. Жумладан, тўртинчи ва бешинчи байтларда қўлланган “*сирот*” атамасига шундай қўшимча изоҳлар берилган: Wage und Brücke sind Institutionen, die nur für Muslims da sind; die Ungläubigen werden zu solcher Prüfung gar nicht erst zugelassen, sie werden ohne Weiteres in die Hölle geschickt. Ghazali ist nicht sehr ausgiebig über die Wage und Brücke. Näher ergeht sich über sie, namentlich über das *sirāt*. Wolf 81... Eine Abbildung des *sirāt* enthalten die egyptischen Drucke von *almizān alkubrā*... So ist denn von dem mit diesen

Dingen wohlvertrauten Dichter bei *sirotal mustaqim* sicher an diese, dem geradewandelnden bestimmte Brücke gedacht.

Мазмуни: Мезон ва кўприк фақат муслимларга белгиланган. Динсизлар бундай имтиҳонга йўлатилмайди. Улар тўғри дўзахга юборилади. Ғаззолий меъзон ва кўприк ҳақида кўп фикр айтмаган. Улар ҳақида, янаям аниқроғи сирот ҳақида Вольфнинг асарларида ёзилган (Б.81). Сирот ҳақида “*Ал мезон ал кубро*” асарининг Миср нашрларида ҳам тасвирлар берилган. Шундай билимлардан яхши хабардор бўлган шоир “*сирот ал-мустақим*” деганда ҳақгўй кишиларга аталган кўприкни назарда тутган.

“Сирот ал-мустақим” ҳақида юкорида бир мунча тўхталдик. Инсоннинг нариги – боқий дунёдаги даражасини белгилашда унинг аҳамияти ҳам маълум даражада баён қилинди. Сирот имтиҳонидан ўтолмаган динсиз ва мушрикларнинг абадий жойи бўлмиш жами 7 та дўзахнинг “эгалари” ҳақида Қуръонда шундай дейилган: Кофир бўлган ва Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсалар – ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, ўша жойда мангу қолгувчилардир¹. Жаҳийм – ана шу дўзахларнинг энг каттаси. Шоир ўзини гуноҳкорлардан санаб, гуноҳкорларнинг борар жойи дўзахлигини “билиб”, ана шу борар жойи – жаҳиймдан сақлашни Аллоҳдан сўраяпти. Бу ҳол таржимада ҳам ўз ифодасини топган. Шуниндек, мутаржим, таржима жараёнида турли исломий, диний-маърифий тушунчаларни шарҳлаган ва маълум даражада Германиядаги исломшунос олимларнинг асарларидан фойдаланган ва бу ҳақда матн ичида ёки матн остида қўшимча маълумотлар берган.

6-байт инсоннинг Парвардигори олдида жуда арзимаган бир жонзот эканлигини эътироф этиш ва Яратгандан паноҳ сўраб қилинган илтижо билан давом этади:

Ҳама иш бизга мушкулдур, Сенинг олдингдадур осон,
Ки Сенсан барчанинг Парвардигори, ҳалли мушқилҳо.

Шоир бу байтда ҳам Қуръон “Ва-н-нажм” сураси куйидаги оятларига ишорат қилган: 25-оят: “Зеро, охират

Қуръони карим. 64 – (“Тағобун”) сураси. 10-оят. – Б.416.

хам, дунё ҳам ёлғиз Аллоҳникидур. 31 - оят: Осмонлардаги ва Ердаги бор нарсалар ёлғиз Аллоҳникидир. У зотнинг Ўзи ёмонлик-гуноҳ қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва чиройли амал қилган зотларни гўзал (савоб-жаннат) билан мукофотлагай. 32-оят: ...Албатта, Парвардигорингиз мағфирати кенг зотдир¹. Аслият мазмунини таржима билан солиштирамиз:

Alle Geschäfte sind für uns schwer, bei dir ist die Lösung der Schwierigkeiten leicht, denn du bist der Erhalter aller Dinge.

Маъноси: Бизга барча ишлар қийин, Сенинг хузурингда мушкилликлар(нинг ҳал бўлиши) осон, чунки Сен ҳамма нарсаларнинг эгасисан.

Байт маъноси таржимада ҳам айнан ифодаланган. Унинг таркибидаги иктибос санъатига мутаржим матн ости изоҳларида махсус тўхталмаган бўлса-да, аммо таржимага Куръонда берилган фикрлар сингдирилган. Аслиятда Аллоҳнинг номи икки марта келтирилган бўлса, таржимада фақат Унинг битта номи “der Erhalter aller Dinge” – барча нарсаларнинг эгаси деган сифати сақланган. Бу камчиликни компенсация қилиш учун мутаржим боғланган кўшма гапларда маънони кучайтирувчи “denn” (чунки) тенг боғловчисини ишлатган. Гапдаги “denn” боғловчисига немис тилида муҳим бўлган гап урғуси қўйилиб, аслиятдаги такрор санъати таржимасида йўл қўйилган камчиликни бир қадар юмшатган. Шу тариқа бир томондан бой берилган такрор – Аллоҳнинг сифати бошқа – “чунки Сен” таъкиди кўринишида пайдо бўлган. Бироқ бу тадбир ҳам аслиятдаги муддао – кишининг Аллоҳ номини айтиш пайтидаги руҳий ҳолатини тиклай олмаган. Шундай бўлса-да, “Ажабмас, аслият (оригинал) нуқсондан ҳоли бўлар, аммо нуқсонсиз таржима бўлмайди. Шундай экан, таржимага талабни оширавериш лозиму, аммо табиий равишда йўл қўйилган хато-камчиликларга қараб асло мутаржимнинг заҳматини камситиш ярамайди”².

Куръони карим. 53- (“Ва-н-нажм”) сураси. – Б. 385.

Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1987.

Ислом ақидалари тўғри ва холис ифодаланган асарларда “Аллоҳга кўп бора мурожаат қилинг. Зеро У эшитгувчи, билгувчидур”, деб қайта-қайта уқтирилади. Энг габаррук илоҳий манба – Қуръони каримда бу мавзу беҳисоб такрорланган. Айнан шу мавзу – ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳнинг марҳаматидан кўнгил узмаслик қуйидаги 7-байтда ҳам ўз ифодасини топган:

Умидим кўпдурур ”Ла такнатув мир роҳматуллоҳ”дин,
Агар чандеки ношойиста ишни айласам барпо.

Байтни тушуниш учун, аввало, “Ла такнатув мир роҳматуллоҳ” – “Аллоҳнинг марҳаматидан умид узмангиз”¹ - қуръоний каломни таҳлил қилиш зарур. Қуръони Каримнинг 39-“Зумар” сурасининг 53-оятида шундай дейилган: (Эй Муҳаммад) Менинг ўз жонларига жинойт қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир”². Хувайдо байтга айнан шу маънони сингдирган. Иккинчи мисрадаги “чандеки,” “ношойиста” каби форсий сўзлар мисралар оҳангдошлигини таъминлаган.

Мутаржим Қуръон ва Ҳадисларни яхши билгани, ўзбек мумтоз адабиётидан хабардор бўлгани сабабли аввало, байтнинг мазмунини тўғри тушунган ва таржимада ҳам мазмунни тўғри ифодалай олган:

Gross ist meine Hoffnung auf das “Verzweifelt nicht an Gottes Gnade”, wenn ich manchmal etwas Ungehöriges mir zu Schulden kommen lasse.

Таржимада байтнинг ўзаги бўлмиш “Ла тоқнатув мир роҳматуллоҳ” – (Аллоҳнинг марҳаматидан умид узмангиз) ғояси немисча “Verzweifelt nicht an Gottes Gnade” (Аллоҳнинг меҳрибонлигига шубҳаланманг) маъносидаги қисқа ва гўзал жумла билан ўз аксини топган. Кўринадикки, арабча, форсча, ўзбекча ва немисча маънолар ўзаро яқин, мутаржим муқобил таржима вариантларини яратишга муваффақ бўлган.

Хўжаназар Хувайдо. Девон. – Б. 283..

Қуръони карим. 39- (“Зумар”) сураси. – Б. 329.

Байтдаги муламмаъ санъати эса таржимада қайта яратилмаган. Мутаржим бу ерда ҳам варваризмлар – муламмаънинг таржима усулларида биринчи усули қўллаган: хорижий сўз ва ибораларни ҳеч ўзгаришсиз таржима матнида бериш ва матн остида изоҳлаш. Изоҳларда мутаржим иқтибос санъатини келтириб чиқарган оят ҳақида маълумот берган: (араб тилида) “Ла токнатув мир роҳматуллоҳ” – Anspielung auf Qur`an, Sure 39, Vers 54: “Du sprich: Ihr, meine Knechte, die ihr euch übernehmt an euren Seelen, verzweifelt nicht an Gottes Gnade! Gott verzeiht die Vergehung alle, Er ist der Gnädige, der Verzeiher”¹. Маъноси: Айтгин: Эй, менинг қалбларига кулоқ солмаётган хизматчиларим, Худонинг меҳрибонлигига шубҳа қилманглар! Тангри барчанинг гуноҳларини кечиради. У – Бағрикенг, Кечиримли.

Шу ўринда Куръондан олинган ушбу оятнинг тартиб рақами мутаржим томонидан ўзгартирилганига эътибор қилдик. Исломушунос олим Руди Парет таржимасида немис тилига ўтирилган Куръонда, араб ва ўзбекча нашрларида ҳам, бу оят 53-тартиб рақами билан берилган: V. 53. Sag: Ihr meine Diener, die ihr gegen euch selber (oder zu eurem eigenen Nachteil) nicht maßgehalten habt! Gebt nicht die Hoffnung auf die Barmherzigkeit Gottes auf! Gott vergibt (euch) alle (eure) Schulden. Er ist es, der barmherzig ist und bereit zu vergehen². Таржимаси: Куръоннинг 39-сураси 53-ояти: Айт: Эй, менинг ўзларининг ҳаддиларини билмай, ўзларига зарар қилаётган бандаларим (хизматчиларим). Худонинг меҳрибонлигига ишончингизни тўхтатманглар! Худо сизларнинг барча гуноҳларингизни кечиради. У шундай бағрикенг (карамли) ва кечиришга тайёр.

Саккизинчи байтда Расулиллоҳнинг буюклиги эътироф қилинган:

Ўшал рўзи қиёматни, Илоҳи, айлагил осон

Баҳаққи саййиди кавнайн субҳоналлази асро.

Hartmann M. Der cagataische Divan Huwedas / Westasiatische Studien. – Berlin, 1902. – S.142.

Der Koran. Übersetzung von Rudi Paret.-Taschenbuchausg. – Stuttgart, Berlin, Köln: Kohlhammer. 7. Auflage. 1996. – S. 326.

Байт бадий санъатларга бой. Биринчи мисрада Аллоҳнинг муслимларга “Аллоҳ тақво қилган зотларни (жаннатга) эришганлари сабабли (жаҳаннам азобидан) кутқарур – уларга бирор ёмонлик ҳам етмас ва улар ғамгин ҳам бўлмаслар”¹. деган ваъдасига ишора қилинган бўлса, иккинчи мисрада тўлалигича арабий жумла қўллангани байтнинг ширу шакар усулида эканлигидан дарак бермоқда. Иккинчи мисранинг маъноси: “Икки дунё саййиди Муҳаммад алайҳиссалом ҳурматларидан” бўлиб, бунда Аллоҳнинг Муҳаммад алайҳиссалом ҳурматларидан Инсониятнинг гуноҳларидан ўтиши учун маҳшарда Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоат қилишларига ишорадир.

Энди бу байтнинг немисча таржимасини кўриб чиқайлик:

Jenen Auferstehungstag, o Gott, mach leicht, um des Herrn der beiden Welten willen; “Preis ihm, der reiste”. Маъноси: Ўша қайта тирилиш кунини, эй Худо, икки олам эгасининг ҳурматидан осон қилгин; “Меърож (сайр) қилган кишига мақтовлар”.

Мутаржим Қуръондаги 17-“Ал-исро” сурасининг биринчи оятини ҳам қисқарган ҳолда байт таржимасига сингдирган. Бундан мақсад аслиятдаги фикрни янада ойдинлаштиришдир. Оятда шундай ёзилган: (Аллоҳ) бир кеча, Ўз бандасини–унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид–ал Ақсога сайр қилдирган пок зотдир². Таржимада ширу-шакар усули қайта яратилмагани учун мутаржим унга матн ости изоҳларида, ўрнини қоплаш тарзида, Пайғамбар меърожи ҳақидаги оятни қўшган.

Тўққизинчи байтда Муҳаммад (с.а.в.)нинг пайғамбарлик даражаси билан инсонларга қиладиган меҳрибонлиги ва шу билан бирга қаҳрига ишора қилинади:

Нечук бахт-саодатдур Муҳаммад умматим деса,
Сенингдек умматим йўк, десалар фарёду вовайло.

Қуръони карим. 39-(Зумар) сураси, 61-оят. – Б. 329.

Қуръони карим. 17-(Ал-исро) сураси, 1-оят. – Б. 189.

Муҳаммад (с.а.в.)га эргашиш – уммат бўлиш – жаннат йўлидир. Байт том маънода иқтибос санъатининг намунаси. Зеро, Муҳаммаднинг умматлари ҳар икки дунёда яхши хулқлари учун хушнуд бўлишлари ва агар У зот “бундайлар биздан эмас” десалар, куфр аҳлининг фарёду-вовайлосига сабаб бўлиши ҳақидаги Ҳадисларга ишорадир.

Байт немисчага қуйидагича ўтирилган: *Welches Glück und Seligkeit, wenn Muhammed sagt: Du gehörst zu meinem Volke; wenn er sagt: Einer wie du gehörst nicht zu meinem Volke, dann Ach und Weh.*

Маъноси: Агар Муҳаммад айтсаки: “Сен менинг халқимга тегишлисан”, қанчалик қувончли ва ёқимлидир. Агар у “сенга ўхшаганлар менинг халқимга тегишлимас” деса: оҳ ва воҳдир.

Ушбу байт ҳам немисчага тугал ўтирилган. Бу ерда хорижий сўзларни таржима қилишнинг биринчи усули қўлланган ва матн остида изоҳлар берилган. Шарҳлардаги Қуръон 17-сураси биринчи оятини Хартманнинг ўзи таржима қилган.

Ўнинчи байтда Ер юзида Аллоҳдан бошқа барча махлуқот ва нарсалар ўткинчи эканини эслатувчи ҳикмат бўлиб, Шарқ шоирлари ва мутафаккирларининг энг кўп қўллайдиган ҳикматлари – Пайғамбарлар ҳам ўткинчи экани ҳақидаги қанотли ибора ишлатилган:

Ўлумнинг олдида барча: шоҳу гадо баробардур,

Ўшандоғ Мустафо ўтти, бўлур ўлмас киши қайдо?!

Байтдаги фикр Қуръоннинг бир неча сураларида баён қилинган башоратларга ишорадир. Жумладан, “Оли Имрон” сурасининг 185-оятдаги қуйидаги калом бунга асосдир: Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир... Бу ҳаёт-дунё эса алдагувчи матодир¹. Шу суранинг 144-ояти эса байтнинг иккинчи мисраси учун манба бўлган: “Муҳаммад бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтганлар. Бас, агар у вафот қилса, ёки ўлдирилса, кетингизга (яъни куфрга) қайтиб кетасизми?!”...²

Қуръони карим. 3- (Оли Имрон) сура, 185-оят. – Б. 51.

Қуръони карим. 3- (Оли Имрон) сура, 144-оят. – Б.137

“Юнус” сурасининг 49-оятида эса бу фикр давом эттирилган: Айтинг (эй Мухаммад), “мен агар Аллоҳ хоҳламаса (ўзгалар у ёқда турсин), ўзимга ҳам бирон зиён ёки фойда етказишга қодир эмасман. (Бинобарин, келажак, ғайб илмларидан ҳам хабардор эмасман, лекин) ҳар бир миллат-авлод учун бир ажал бордир”...¹ Ҳазрати Мухаммад ҳам атиги 63 йил умр кўрдилар. Инсонлар, деу парилар, парранда-ю даррандалар устидан ҳукмронлик қилган Сулаймон Пайғамбар ҳам Аллоҳнинг ҳукмига итоат қилиб, Унинг ҳузурига қайтган. Шу каби лавҳаларни қаламга олган Ҳувайдо киши бу дунёдаги ҳаёти давомида эзгу ишлар қилиб, нариги дунёдаги ҳаёти учун савоб тўплаши лозимлигини эслатган. Байтнинг таржимасида бу фикрлар тўла ўз бадий ифодасини топган:

Im Tode sind Alle gleich, Fürst und Bettler; ist doch auch der Prophet hinübergegangen; wo ist Einer, der das nicht weiss?
Мазмуни: Ўлимда барча баробардир, шоҳу гадо ҳам; хаттоки Пайғамбар ўтди; буни билмас киши қайда? Мутаржим иш жараёнида туғилган фикрларини изоҳларда шундай ёзади:

... Zur Sache bemerke, dass der Hinweis auf die Sterblichkeit des Propheten seit ältesten Zeiten im Islam ein beliebtes Thema ist sogar Qur'an selbst gefunden wird.

Таржимаси: Қўшимча қилиб айтаманки, Исломда пайғамбарнинг ҳам ўткинчилиги ҳақидаги ишора севимли мавзу бўлиб, қадим замонларга бориб тақалади. Бу мавзу ҳатто Қуръонда ўз ифодасини топган.

Демак, таржимон байтнинг мазмунини тўғри идрок этган ва аслиятдаги усулга мувофиқ равишда байт яратган.

Ўн биринчи байт юқоридаги мисраларнинг мантиқий давоми бўлиб, билдирилган сабоқларга хулосадай кўринади:

Ганиматдур ҳаётинг неча кун Ҳақ ёдида ўлса,

Ва гарна ул тирикликдин не хушдур, ўлгонинг авло.

Бу мулоҳазалар шарҳга муҳтож эмас. Поэтик жиҳатдан гўзаллиги унда ҳаёт билан ўлимнинг бир-бирини такозо қилиши – ўзаро зиддият – қаршилантириш билан

Қуръони карим. 10- (Юнус) сура, 49-оят. – Б. 137.

тасвирланган. Биринчи мисрадаги иқтибос санъатини Куръони каримнинг “Мўминлар” сураси учун асос бўлган. Алоуддин Мансур ёзадилар: “Суранинг меҳвари (ўқи) асосан, бу дунёдаги ҳаёт инсоннинг узоқ умр йўлидаги биринчи-нисбатан жуда қисқа босқич экани... атрофида айланади. “Охиратда (112-оят) “Ерда қанча йил турдингизлар?” – деди (Аллоҳ). (113-оят) Улар айтдилар: Бир кун ё ярим кун. Санаб турувчи фаришталардан сўрагин. (114-оят) Аллоҳ деди: сизлар биладиган бўлсангизлар, (дунёда) жуда оз турдингизлар¹ ва ҳоказо.

Байтнинг таржимаси: Ein Raubgewinn ist dein Leben, so viele Tage es im Denken an Gott vorübergeht; und wenn nicht, so ist dein Sterben – wie gut ist es! – vorzuziehen jenem Leben. Мазмуни: Ҳаётнинг катта ютуқдир неча кун Худо ёдида ўтса, аксинча бўлса, ўлимнинг – у қандай яхши! – ўша ҳаётингдан ортиқроқ (яхшироқ).

Таржима ҳам аслиятга мос. Матндаги фикр: кишининг Тангри ёди билан яшаши лозимлиги, ҳаёт доимо шодлик-хуррамлик эмас, балки Худо йўлида риёзат чекиш ва шу билан жаннатга дохил бўлиш мумкинлигини таржимадан ҳам хис этиш мумкин. Фикрни гўзал тарзда ифода этиш воситаси бўлмиш бадийлик ҳам зуҳур бўлган. Байтдаги бадий оҳангнинг немисча жаранги ҳам бор. Унда жами 16 та мустақил ва ёрдамчи сўзлар иштирок этган. Таржимада мустақил ва ёрдамчи сўзлар сони 28 тага етган бўлса-да маъновий соддалик, фикрий кенглик, исломий мазмун байтни немисчада ўқиган кишига ҳам, худди аслиятдагидай, эстетик завқ беради.

Ўн иккинчи ва ўн учинчи байтлар Муножот ва наът талабларига жавоб бермайди. Юкорида айтилганидай ҳамд ғазалига бошқа бир ғазал – маъно жиҳатдан - маъвиза “уланган”. Ушбу тадқиқотимизда фақат Муножот ғазали ва унинг таржимасини таҳлил этиш кўзда тутилгани учун ғазалнинг мақтаъсига – ўн тўртинчи байтига ўтишни маъқул кўрдик:

Куръони карим. 23- (Мўминлар) сура. – Б. 240.

Ише қил, эй Хувайдо зоди роҳи охират бўлсун,
Туман анбор, зар йиғсанг ки, бўлмас тўшаи уқбо.

“Зоди роҳи охират”, “тўшаи уқбо” каби истилоҳлар диний ва мумтоз адабиётда кенг истифода қилинади, фаол қўлланилади. Байтда ўзга тил сўзларининг иштирок қилиши муламма санъатини яратган. Биринчи мисрадаги “зоди роҳи охират” ўзбек тилида “охиратга тайёрланиш”, иккинчи мисрадаги “тўшаи уқбо” эса “зарур озуқа” маъноларини беради. Албатта туман, анбор, зар каби сўзлар ҳам ўзбек тилига ўзлашган бўлиб азалдан таниш. Байтда Қуръоннинг мағзи – кишилар тоат-ибодати, яхши фазилатлари билангина охиратга бориши мумкинлиги ифода қилинган. Қуръони каримнинг “Ал ҳааққа” (“Аниқ рўй бергувчи”) сурасида Хувайдо Муножоти мақтаъсига асос бўлган оятлар баён қилинган. Сурада ҳаётида савоб ишлар қилмай, фақат бойлик ва мартаба йўлида бўлган кимсаларнинг охиратдаги афсуси баён қилинади: (28-оят): (Улар) “Менга (не машаққатлар билан топган) мол-дунёйим асқотмади-я!” (29-оят): “Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!” (дерлар). (30-оят): (Бас, Аллоҳ жаҳаннам кўриқчиларига дер): “Уни ушлаб кишанланглар!” (31- оят): Сўнгра дўзахга ташланглар!¹

Ушбу байтнинг немисча таржимаси қуйидагича:

Handle so, o Huweida, dass du Wegzehrung für die Reise
in's Jenseits hast. Füllst du auch tausend Speicher mit Gold, so
giebt's doch noch keinen Proviant für die andere Welt.

Мазмуни: Эй, Хувайдо, (Сен) у дунёга сафар тараддудида иш кўргин. Мингта омборни олтин билан тўлдирсанг ҳам у дунё учун озуқа бўлолмайди.

Таржимада байтнинг асосий маъноси тўла-тўқис ўз ифодасини топган. Юқоридаги байтлар таржимасида бўлгани каби бу ўринда ҳам маънони тўқис акс эттириш учун, танланган усул тақозосига кўра, шакл анча чўзилган – сўзлар аслиятдагидан кўра кўп. Лекин таржимани ўқиган европаликлар Шарқ фалсафасини, Ислом таълимотини дарҳол англайдилар. Мутаржим таржимада диний фалсафага

оид сўзларни танлаган. Зеро, диний асар таржимасида диний ўзига хосликни қайта яратиш соҳасидаги яна бир муаммо таржимоннинг ўз асарини кимга қаратганидир. Бу саволга атоқли таржимашунос олим Ғ. Саломов шундай жавоб берганлар: “Таржимон учун асосий дастмоя, бошланғич материал — асл нусханинг матни эмас, балки унда ифодаланган ахборотдир, бинобарин, таржимоннинг мақсади таржима матнини яратишдан иборат эмас, балки аслиятда акс этган мазмунни ифодалашга қаратилган бўлиши керак. Бунинг маъноси шуки, таржимон китобхонга қараб мўлжал олиши лозим”¹.

Хартманнинг Шарқ шеърятининг нодир намуналарини немис тилига таржима қилиш жараёнида французча, инглизча ёки лотинча сўзларнинг ишлатмаганини олқишлаш лозим. Чунки бундай ҳолда бадий гўзалликка қисман эришилганда ҳам, таржиманинг ўзини тушунишда қийинчиликлар туғиларди.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, Хўжаназар Хувайдонинг Муножот — ҳамд ғазалида ўндан ортиқ бадий санъатлар қўлланган. Ғазалнинг Аллоҳга ҳамдлиги туфайли унда иқтибос ва талмиҳ санъатларидан моҳирона фойдаланилган. Мазкур санъатлар ўтмиш адабиётимизда барча ижодкорлар томонидан қўлланилган. Шоир ҳар бир муслим билиши ва амал қилиши лозим бўлган исломий вазифаларни бадий санъатлар ёрдамида ўзига хос дарс услубида ўз муридларига етказиш ниятида бўлган. Куръони карим оятларининг мазмун ва моҳиятларини очиб бериш санъатига эътибор қилинса, шоирдаги ватан ва миллат олдидаги юксак маънавий ва маърифий масъулиятни ва шунинг билан бирга нозик бадий-эстетик таъбни сезиш мумкин.

Таржима жараёнида шеърин асарни насрий баён қилиш усули қўлланган. Таҳлилга тортилган жами 11 та байтнинг барчаси маъно жиҳатдан аслиятга мувофиқ ўтирилган. Айниқса, Муножот муваффақият билан немисчалаштирил-

Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1978. — Б. 104.

ган. Ғазал бадиятини қайта яратишда ҳам муваффақиятга эришилган. Хусусан, шоир энг кўп қўллаган иқтибос санъати мутаржим томонидан тўлиқ қабул қилинган ва таржимада ҳам қайта яратилган. Мутаржим таржимада банданинг Аллоҳга мурожаати пайтидаги ҳолати ва дўзах тасвирини қайта яратишда ҳам муваффақиятга эришган. Иккинчи ва учинчи байтларда қўлланган ўхшатиш санъати ҳам таржимада аниқ ўтказилган.

Аммо айрим ҳолларда аслиятдаги бир байтнинг ўзида такрорланиб келган “Илоҳи”, “Парвардигор”, “Маъбуди беҳамто” каби сифатлар немис тилида ихчамлаштирилган. Бунинг ўрнига икки мисрали байтни бир гапга яхлитлаб, эргашган қўшма гаплар ҳосил қилинган. Қўшма гапдаги “denn”-тенг боғловчисига гап урғуси қуйилиб, байт маъносини кучайтириш орқали йўл қўйилган йўқотишнинг ўрни қопланган.

Хувайдо муножотининг немисча таржимасидаги тамойиллар хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Таржимада Аллоҳнинг номлари ва сифатлари сўзма-сўз усулда ўгирилган.

2. Бир байтнинг ўзида қаторлашиб келган ва такрор санъатини яратган номлар қисқартирилган ва кейинги мисра ёки байтларда унинг ўрнини бошқа санъатлар билан алмаштирилган.

3. Айрим ҳолларда Аллоҳнинг номлари умумлаштирилган.

4. Байтлар таржимасида Қуръон ва Ҳадислардан олинган иқтибослар ўгирмасида немис тилида нашр қилинган Қуръон ва Ҳадислардан фойдаланилган;

5. Пайғамбар (с.а.в.) номини транскрипция усулида таржима қилинган.

6. Таржималардан кейин байт ичида келтирилган оятларга қўшимча изоҳлар берилган.

Қуръон ёки Ҳадисдан олиниб, иқтибос санъатини келтириб чиқарган, аксари ҳолларда яширин қўлланган сураларнинг умумий маънолари ёки айрим олинган оятлар ҳам мутаржим томонидан муваффақиятли ўгирилган.

Таржимадаги изоҳларда турли суралардан олинган жами 7 та оятлар келтирилган ва кенг шарҳланган. Изоҳлар учун Европада, асосан, Германияда яшаб ижод этган исломшунос олимларнинг асарларидан фойдаланилган. Изоҳлардан кейин таржимонлар номи ва фойдаланилган манбалар аниқ кўрсатилган. 4-, 7-, 8- ва 10-байтлардаги иқтибос санъатига асос бўлган Куръон оятларини мутаржимнинг ўзи таржима қилган. Оятлар таржималарига немис таржимонининг номи кўрсатилмагани бизнинг бу фаразimizга асос бўлмоқда.

Таржима жараёнида Ғаззолий ва Аҳмад Яссавий каби Шарқнинг буюк мутасаввуфлари ижодига кенг мурожаат қилинган. Байтларнинг маъносини очиш учун уларнинг ижодидан фойдаланилган.

Табиийки, Шарк ва Ғарб шеъриятида кўплаб ўхшашликлар бўлгани каби фарқли томонлар ҳам бор. Марказий Осиё шоирлари ижодида урф бўлган ширу шакар, шахду ширу шакар усуллари, муламма санъати Европа шеъриятида ҳам қўлланса-да, аммо бу ҳол урф эмас. Шарк шеъриятидаги, хусусан, Ҳувайдонинг Муножот ғазалидаги шундай ҳолатлар таржимада тушириб қолдирилган. Аслиятдаги туркий – ўзбек тилига ўзлашган хорижий сўзлар (варваризмлар) таржимада немис тилидаги сўзлар билан ифодаланган. Бу усул эса ғазалдаги санъатларни йўққа чиқарган.

Умуман, Ҳувайдо девонидаги муножот ҳам, бошқа ғазаллар ҳам немис тилига мохирлик билан ўтирилган. Хўжаназар Ҳувайдо шеъриятининг Европадаги дастлабки таржимаси ва талқинига 100 йилдан зиёд вақт ўтди. Бу вақт оралиғида мутасаввуф шоирнинг асарлари Шарку Ғарб тилларига қайта-қайта ўтирилган ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Аммо ватандошимизнинг назмий ва тасаввуфий кийфасини илк бора Европа халқларига таништирган Мартин Хартманнинг хизмати беқиёсдир.

Бобдан келиб чиқадиган хулосалар. Ушбу бобда Хўжаназар Ҳувайдо шеърлари Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб ғазаллари билан биргаликда туркий халқларнинг бой ижодий меъросига айлангани ва у

хорижий санъатшунослар ва адабиётшунослар томонидан эътироф этилган. Ҳувайдо ғазаллари уйғурларнинг “Ўн икки мақоми” таркибидаги қўшиқлар қаторида ЮНЕСКО томонидан юксак эътироф этилгани, ўзбек, уйғур, тожик, қирғиз, қозоқ, яҳудий ва бошқа миллат санъаткорлари шоир шеърларини маромига етказиб куйлашлари ва шу тариқа Шарқда санъатнинг миллатлараро тотувлик воситаси эканлиги америкалик олимлар томонидан қайта-қайта таъкидланган.

Бобда шоир девонлари Шарқнинг турли босмахоналарида чоп этилгани ҳақида далиллар берилган. Жумладан, Ҳувайдонинг 200 донга ғазали бир тўплам ҳолида Истамбулдаги Маҳмудбей босмахонасида “Девони Ҳувайдо” номи билан чоп этирилган. Хартманн девондаги ғазалларни таҳлил қилар экан, қўплаб хатоликларни кўрсатади ва уларни тузатишга оид фикрларини баён қилади. Олимнинг мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, яна бир бор шундай хулосага келдикки, ўзбек шоирлари, хусусан Ҳувайдонинг хорижда чоп этилган девон ва тўпламларини доимо танқидий ўрганиш зарур.

Ҳувайдонинг Ҳаққа муножоти таржимаси жараёнида диний истилоҳлар таржимасига оид қўплаб таклифлар билдирилди. Таржима таҳлили жараёнида Шарқнинг Ғаззолий ва Яссавий каби алломаларнинг диний-маърифий асарлари ҳам немис тилига ўгирилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам берилдики, бу далиллардан келгусида тезкор қилиниши зарур бўлган илмий ишларни аниқлаш имкони яратилди.

Хартманн томонидан Ҳувайдо ғазаллари немис тилига маҳорат билан таржима қилингани шоир асарларининг Европа халқлари тилларига таржималари учун намуна бўлиши мумкин. Шу билан бирга таржиманинг илмий таржима эканига эътиборни қаратиб, шоир ғазаллари немис тилига яна қўп марта таржима қилиниши ва бу борада ўзбек таржимонларини ҳам ишга жалб этиш муҳим деган хулосадамиз.

Миллатлараро маданий ва адабий алоқаларнинг тобора кенгайиши сабабли хорижий мамлакатларда Шарқ мумтоз адабиёти намояндаларининг ҳануз бизга номаълум асарлари мавжудлиги аниқланмоқда. Ғарбий Европа ва Шимолий Америка давлатлари кутубхона, музей ва архивларида классик адабиётимиз намуналарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланади. Европа ва Американинг шарқшуносликка оид турли даврий нашрларида Шарқ алломалари асарларининг янги таржималари топилиши уларни аслият билан муқояса ва тадқиқ этишни талаб қилади. Авваллари ўзбек тилидан Европа тилларига қилинган таржималар, асосан, хорижлик олимлар ва амалиётчилар томонидан бажарилган бўлса, эндиликда ўзбек германистлари ҳам бундай хайрли ишга астойдил киришганлар.

Ушбу таъкирда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакиллари: Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Хўжаназар Ҳувайдо каби шоирларнинг XX аср бошларида профессор Мартин Хартманн томонидан немис тилига аслиятдан ўтирилган асарларининг таржима сифати, миллий, диний хосликларнинг таржималарда қайта яратилиши, мутаржимнинг Шарқ адабиёти дурдоналарига муносабати илк бор монографик планда ўрганилди. Тадқиқотда ўрганилган ва таҳлил қилинган янги топилган далиллар юзасидан қуйидагича хулосаларга келинди:

I. Европада ўзбек тили ва адабиётига бўлган қизиқиш узоқ тарихга эга. Ўрта асрларда ўзбек тилида ёзилган асарларни, асосан, таржимада ўқиш афзал кўрилган бўлса, XIX асрдан бошлаб Шарқ муаллифларининг сермазмун ва бадий юксак асарларини аслиятда ўқиш истаги кучайди. Шу боис Европада шарқшунос олимлар томонидан ўзбек тили дарсликлари яратишга киришилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, тил ўрганишгина эмас, балки, ўша тил соҳиби, миллатнинг маданияти, санъати, адабиёти ва иқтисодини ўрганиш эканлиги дарсликларнинг муқаддималарида таъкидланган. Мумтоз ўзбек адабиёти ва тилини Европада

тарғиб қилган немис шарқшуноси профессор Мартин Хартманн 1902 йилда Берлинда ўзининг "Sagathaisches" – "Чигатой тили" дарслигини яратди. Дарслик ўзбек тилини ўрганувчилар учун муҳим қўлланма вазифасини бажарди.

Хартманнинг "Чигатой тили" дарслигида Навоий, Машраб ҳамда Ҳувайдо каби ижодкорларни Европа халқларига танитгани, уларнинг асарларидан намуналарни моҳирона таржима қилгани, китобда туркий халқлар: ўзбеклар, уйғурлар, қирғизлар тили, адабиёти, тарихи, санъати, маданияти, маънавий-ахлоқий жиҳатларига нисбатан қарашларини баён қилгани XIX аср сўнгги ва XX аср бошларидаги Европа туркшунослигида ҳукм сурган амалий инкирозни бартараф этди.

"Чигатой тили" дарслигида қиёсий адабиётшунослик, таржима назарияси ва тарихи, ўлкашунослик, этнографияга доир фикр-мулоҳаза ва қарашлар баён қилинган.

Навоий асарларининг Хартманн томонидан таржималари ўзбек таржимашунослигида ҳозиргача ҳукм суриб келаётган шоир асарларининг 1867 йилдан то 1940 йилгача бўлган 73 йиллик вақт оралиғида немис тилига таржима қилинмаган ва шарҳланмаган деган мулоҳазаларни инкор қилади. Зеро Навоий асарлари таржимаси ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас.

Мутаржим китобида келтирган яна бир факт – Йоханнес Аветаранианнинг Болгарияда нашр қилинган "Schahid-ul haqauiq" (Шоҳид-ул ҳақойиқ) журналида Навоийнинг 2 та ғазалини немис тилига ўғиргани ва шарҳлагани ҳақидаги маълумот эса шоир асарлари таржималари географиясини янада кенгайтиради.

Мазкур китоб Хартманнгача ёзилган бошқа дарсликлардан равонлиги, пишиқ-пухталиги ва аниқ мақсад – Навоий асарларини бевосита аслиятда, матн билан ёнма-ён унинг немисча таржимасини ўқиб ўрганишга йўналтирилганлиги билан фарқ қилади.

Герман тилли мамлакатларда яратилган дарсликларни икки даврга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) Хартманнинг "Чигатой тили" дарслигига қадар ёзилган

дарсликлар; 2) “Чиғатой тили” дарслиги таъсирида кейинги йилларда яратилган дарсликлар.

Хартманнгача яратилган дарсликларда ўзбек тили ва адабиёти ҳақида умумий маълумотлар бериш билан кифояланилган бўлса, кейинги даврда катта дарсликлар эмас, балки шаклан мўъжаз, қурилиши жиҳатдан содда ва нисбатан тезкор тушунча ва билимлар берувчи қўлланмалар ёзиш зарурияти туғилди. Шунинг учун бу даврда яратилган дарсликларда грамматик, лексик ва айниқса, фонетик қоидалар билан бирга тил ва адабиёт, шунингдек, ўлкашуносликка оид замонавий маълумотлар бериш маъқул кўрилди.

Хартманн фақат янги дарслик яратибгина қолмай, аввалги дарсликларда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этдики, “Чиғатой тили” дарслигида қўлланган бу тадбир кейинги даврда ёзилажак қўлланмаларнинг дастури бўлиб қолди. Дарсликнинг иккинчи аҳамияти шундаки, китобда грамматик қоидалар катта ҳажмни эгалласа-да, асосий мақсад – Алишер Навоий асарларини ўқиб-ўрганишга қаратилгани яққол кўзга ташланади. Дарсликда Навоий, Мунис каби шоирлар девонларидан маърифий ва ахлоқий моҳиятдаги ғазаллардан намуналар берилиб, улар грамматик қоидаларни мустаҳкамлаш учун қўлланган.

Хартманн Навоий ғазалларини таржима қилар экан, бу унинг шоир ижодиётидан ўз халқининг маънавий-маърифий ва ахлоқий манфаатлари учун кўзлаган мақсади билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, мутаржим ўша давр Германия таржима мактаби анъаналарига ҳам амал қилган. Илмий таржимада вазн, қофия ва радиф сақланмаган бўлса-да, бунинг эвазига ғазалларнинг моҳияти ёрқин ифодаланган. Шунингдек, таржимада бадий асар – ғазалга хос бўлган бадий-тасвирий воситалар қайта яратилган.

Шарқ тиллари, хусусан, туркий тилларда маънонинг серқатламлиги билан бир қаторда, асарда кўплаб янги сўзларнинг қўлланиши мутаржимга муайян даражада қийинчилик келтиради. Хартманн бундай сўз ва ибораларни асосан, айнан маъносини келтириш орқали таржима қилди.

Бу усул таржима тилини шарқона тасаввурлар билан бойишига олиб келиши бароварида келгусида шундай асарлар мутаржимлари учун танланажак йўлларни ҳам белгилаб берди.

Тадқиқотда, Навоий асарлари ўғирмалари таҳлиliga киришишдан аввал, жаҳон навоийшунослигининг кейинги 20 йиллик ютуқлари умумлаштирилган. Шоирнинг Германияда ва бошқа немис тилли мамлакатларда таҳлил қилинган асарлари ва бу асарларнинг навоийшуносликдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, ишда АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Туркия ва бошқа мамлакатларда нашр қилинган Навоий ижодига оид асарларга ҳам муносабат билдирилганки, бу тадқиқотлар муаллифлари Германия шарқшунослик мактабининг вакиллари бўлиб, асарларнинг катта қисми аввал Германияда нашр қилинган ва кейинчалик инглиз тилига ўтирилган. Буларсиз немис тилли навоийшуносларнинг заҳматларини тўлиқ намоиш қилиб бўлмайди.

II. Раҳимбобо Машрабнинг “Қиссаи Машраб”, “Девони Машраб”, “Қиссаи Машраби девонаи Намангоний”, “Қиссаи Машраби Эшони Намангоний” каби манокиблари Европа тилларига XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таржима қилина бошлаган. Вамберининг 1867 йилда Лайпцигда чоп эттирган “Чиғатой тили дарслиги”га Машрабнинг “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур хануз, Жон димаққа етти, ул дилдор келмайдур хануз” матлаъли ғазали ҳам киритилган. Бу ғазал ханузгача Ўзбекистонда нашр этилган адабиётларга киритилмаган.

Айни шу ғазалнинг эълон қилиниши Фарбий Европада, хусусан, Германияда Раҳимбобо Машраб меросининг ўрганилишига дебоча бўлди. Илмий таржима усулида немис-чалаштирилган ғазал қайтадан тўрт қаторли ямб вазнида бадий таржима қилиниб, 1898 ва 1909 йилларда Ваймар ва Лайпциг шаҳарларида “Осиё халқлари антологияси” ҳамда “Халқлар ишқ гулшани” номли тўпламларда эълон қилинди. Аммо тўпламларда мутаржимнинг номи кўрсатилмагани

таржима тарихининг турли даврлари хусусиятларини намоён қилади.

Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар жаҳон адабиётига оид қомусий луғатларга ҳам киритилган. 1967 йилда Германияда нашр этилган “Literaturen der Völker der Sowjetunion” (Совет Иттифоқи халклари адабиётлари) антологиясидан Навоий, Ғолибий, Турди, Муқимий каби бир қатор мумтоз шоирлар қатори Раҳимбобо Машраб ижодига ҳам ўрин берилган.

Замонавий француз шарқшунослари Жан-Лу Бальп ва Ҳамид Исмоиловнинг “Le vagabond flamboyant” (Нур таратувчи дарвеш) номли китоби, асосан, Шарқ шеърлигига қизиққан француз ўқувчисига мўлжалланган. Ҳаммуаллиф Ҳамид Исмоилов китобнинг кириш қисмида Марказий Осиёда Машраб ҳикоятлари ва ғазалларини шаҳар ва қишлоқларда куйлаб юривчи сайёҳ дарвешлар ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг кишилар орасида маънавий-ахлоқий мавзуда олиб борган суҳбатларининг моҳияти французларга содда усулда етказилган.

Европада Машраб мероси илк бора Хартманн томонидан нисбатан кенг ўрганилган. Муаллифнинг Машраб дунёқараши ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берувчи асари “Mensch und Natur und fromme Ketzer” – “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий” мақоласидир. Муаллиф маноқибдаги ғазалларни тушириб қолдирган, ҳикоятларни эса қисқартирган. Матн ости изоҳларида Машраб шеърларининг бадиий-услубий оҳанги ҳақида қисқача сўз юритган. Асосий эътибор, мутасаввуф шоир шахси ва унинг фалсафий қарашлари талқинига қаратилган.

Шарқ билан Ўзбекистон билан Германия, ислом ва христиан динларидаги кўплаб фарқлар таржимада ўз изини қолдирган ва ўғирмалар жараёнида турли хато ва камчиликларга сабаб бўлган. Улар:

1. Маноқиб матнининг қисқартирилиши сабабли юзага келган мантикий мавҳумликлар.

2. Миллий хусусиятлар, шу жумладан, болалар ўйинларини билмаслик оқибатида юз берган камчиликлар.

3. Мутаржимнинг аслият матнига ўта эркин ёндашганлиги сабабли йўл қўйилган камчиликлар.

Ҳикоятларнинг қисқартирилиши ва ғазалларнинг тушириб қолдирилиши сабабли Машраб образи таржимада тўлиқ ифодаланмай қолган. “Девони Машраб” каби маноқибни қисқартириб ўтирилганда асар моҳияти тўлиқ очилмайди. Чунки маноқибдаги ҳар бир лаҳза, ҳаракат, ҳар бир сўз мажозий маъно англатади.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар давом этиб келаётган муаммо: Машрабнинг таваллуд ва вафот йили ҳақидаги кўпинча, бир-бирини инкор қилувчи илмий фаразлар, девондаги ғазалларнинг бошқа шоирлар ижодида ҳам мавжудлиги янги фикрларга ундайди: “Қиссаи Машраб” каби маноқибларни тарихий асар эмас, тўлалигича бадий асар деб қараш лозим ва асардаги воқеаларни, гарчи тарихий шахслар номи билан боғланган бўлса-да, халқ китоблари савиясидаги, бадий ҳақиқат сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Маноқибдаги кўплаб миллий ва исломий хосликлар, географик манзиллар, кишиларнинг исм ва лавозимлари, овқат ва ширинликлар номи немис тилига олти усул билан ўтирилган. Бу усулларнинг аксари замонавий дарсликларда баён қилинган. Аммо Хартманн томонидан янги усул-таржима жараёнида аввал аслиятдаги сўз билан ёнма-ён унинг немисча таржимаси, кейинги ўринларда эса аслиятдаги сўз ёки иборанинг ўзи қўлланган.

Хартманн 1902 йил сентябр-1903 йил апрел ойларида Туркистонга уюштирган илмий сафари давомида Тошкент, Самарқанд, Ёркент шаҳарларида туркий халқлар: ўзбеклар ва уйғурлар оғзаки ва ёзма ижоди намуналарини ўрганди. Сафар натижасида Хартманн томонидан 20 га яқин турли жанр ва ҳажмдаги асарлар: илмий мақолалар, туркий ва форс тиллардан таржималар, сафарнома китоблар ёзилди. Уларни қуйидаги уч туркумга ажратиш мумкин:

1) Туркистонда жойлашган давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи баён қилинган асарлар;

2) Туркистон халқларининг тили ва адабиётига оид асарлар;

3) Туркистонликларнинг маънавий-маърифий ва маданий ҳаёти тасвирланган асарлар;

Хартманнинг “Қадамжо” мақоласини жаҳон машраб-шунослигидаги биринчи экспедиция ҳосиласи сифатида баҳолаш мумкин.

III. Хартманн Европада биринчилардан бўлиб, Хўжаназар Хувайдонинг ижодий фаолиятига оид мақола ёзди. Мутаржим “Девони Хувайдо”нинг Истамбул нашридан шоир ижодининг туб моҳиятини англатувчи 11 та ғазални аслият ва таржимада келтирган. Ғазаллар, асосан, исломий-маърифий ва тасаввуфий мазмундаги асарлардир.

Немис олими Хувайдо асарларидаги Шарқ шеърисига хос умумий жиҳатларни идрок этди. Форс адабиётида сеvimли мотивлардан бўлган дашти Карбало, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн, Язид шаҳидлари каби мажозий маъно англатувчи тушунчаларни Хартманн биринчи бўлиб, Хувайдо ғазалларида учратди. Европа исломшунослари томонидан тарғиб қилинган “Ислом динидаги суннийлар ва шиалар ўртасида азалий мухолифлик қонуниятлари” ҳақидаги назарияси Хувайдо ғазалларидаги умуминсоний муштаракликни англатувчи ғоялар билан қатъий рад этилди.

Хувайдо шеърисига мурожаат Хартманн учун Навоий ва Машраб ғазаллари таржимасига киришишдан аввалги тажриба мактаби бўлди. Хувайдо ғазалларида инъикос топган кўплаб бадий ва фалсафий образларнинг “Девони Машраб”да ҳам учраши Хартманнга Хувайдонинг Навоий ва Машраб издошларидан бўлганини англатди.

Олим Хувайдонинг хорижда, жумладан, Истамбулда чоп қилинган девонини тўлиқ тасниф этиб, нашриёт томонидан йўл қўйилган кўплаб хатоларни тузатди. Бу эса классикларимизнинг хорижда чоп қилинган девонларини қайта-қайта таҳрирдан ўтказишимиз ва уларга матншунослик нуктаи-назаридан баҳо беришимиз лозимлигини англатади.

Хартманн барча асарларида кўплаб изохлардан фойдаланган бўлиб улар матн ичи ёки матн остида берилган.

Изоҳлар а) асарда ёритилаётган мавзуга бевосита алоқадор; б) мавзуга бевосита алоқаси бўлмаса-да, асарнинг илмийлигини оширган; в) аслиятдаги воқеа-ходисаларга мутаржимнинг муносабатини ойдинлаштирган.

Асарларга бевосита алоқадор бўлган изоҳлар ҳақида ишнинг тегишли фаслларида маълумотлар берилди. Аммо айрим изоҳлар ҳам борки, улар мавзунинг илмийлигини оширишга кўмаклашган. Жумладан, Хартманн эски ўзбек ёзуви (чиғатой тили) ҳақида маълумот берар экан, бу тил Чингиз босқинидан аввал ҳам мавжуд бўлиб, унда илк туркий ёзма обида – “Қутадғу билиг” ёзилганини таъкидлайди ва шу билан “чиғатой тили” атамасини эски ўзбек тили ва адабиётига нисбатан қўллаган олимларни танқид қилади.

Хартманн Хувайдо девонидаги муножотда, девондаги бошқа кўплаб ғазалларда Қуръондан олинган сураларга ишора ёки оятларнинг тўлиқ келтирилгани, шунингдек, ҳадисларнинг, ҳикматларнинг маъносини байтлар замирига сингдирилганини тўғри идрок этиб, ғазал моҳиятини айнан қайта ярата олди. Матн ости изоҳларида эса у ёки бу байтдаги иқтибос санъатини келтириб чиқарган оятларнинг Қуръондаги рақамини қайд этган ва мазмунни изоҳлаган. Изоҳларда Қуръон ва Ҳадис каби муқаддас китобларнинг европалик таржимонлари ҳам кўрсатилган. Шунингдек, изоҳлар Хартманн Қуръоннинг моҳир таржимони эканини ҳам кўрсатди.

Аммо Шарқ адабиёти, хусусан туркий адабиётдаги сеvimли санъат турларидан бири бўлмиш муламма санъати немисча таржималарда кўринмай қолган. Бу санъатнинг таржимада қайта яратишнинг ўзи қўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради. Агар мутаржим немисча таржима таркибида муламма санъатини яратиш учун инглизча, французча ёки лотинча сўзлардан фойдаланганда таржиманинг ўзини қайта таржима қилишга зарурат пайдо бўларди. Бундан хулоса шуки, Шарқ шеъриятидаги бадиий санъатларнинг айримларини хорижий тилларга, айниқса, генетик жиҳатдан узоқ тилларга ўгиришда муваффақиятга эришиш мушқил.

Демак, Шарқ ва Ғарб адабиёти намуналарини таржима қилишда таржимашуносликка оид умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда, ҳар бир тил хусусиятларини эътиборга олиб, муайян асар таржимасида махсус йўллар излаб топган ҳолда, хусусий ёндашиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. "Бош мақсадимиз – маъжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир". // "Ўзбекистон овози", 16.01.2016.

2. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги йиғилишида сўзланган маъруза. / "Халқ сўзи", 01.02.2010 й.

3. Каримов И. Улуғбек руҳи барҳаёт. 1994 йил 15 октябр. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1994. – Б. 4

4. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Тошкент: "Ўзбекистон". 1999.- Б. 32

5. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар. // Масъул муҳаррир Ҳ. Сулаймонов. – Тошкент: 1968. – 152 б.

6. Алишер Навоий. Муножот. Нашрга тайёрловчи Ғаниева С. – Тошкент: Шарқ, 1991. – 176 б.

7. Алишер Навои. Биобиблиография /1917-1966/. Сост. Е.Д. Свицина. – Ташкент: Изд-во худож. лит. им. Г.Ғуляма, 1968. – 109 с.

8. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Тўплаб нашрга тайёрловчилар: Шаропов А., Эшпўлатов Б. – Тошкент: Камалак, 1991. – 173 б.

9. Абдурауф Фитрат. Машраб. // Илмий фикр. № 1, 1930. – Б. 47-57.

10. Абдурауф Фитрат. Машраб. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2-3. 06. 1991.

11. Абдуллаев В. А. Машраб. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 348 б.

12. Абдуллаев И. Сўзбоши. Раҳимбобо Машраб. Мабаданур. – Тошкент: Ған, 1996. – 316 б.

13. Абдуллаев В. ва бошқалар. Р. Ҳувайдо. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: Ған, 1978. – 380 б.

14. Абдуллаев В. (масъул муҳаррир). Ўзбек адабиёти тарихи. III том. – Тошкент: Фан, 1978. – 378 б.

15. Аъзамов А. Муножотнома. Алишер Навоийнинг “Муножот” асарига шарҳлар. – Наманган: 1997. – Б. 23 .

16. Абдуғафуров А. Эрк ва озодлик куйчилари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 160 б.

17. Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: филол. Фанл. номз. дисс.... – Тошкент, 1998. – 152 б.

18. Абдуллаева Р. Ғарб олимлари Навоий ва Бобур ижоди ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. 2007. – Б. 40-45.

19. Раҳимбобо Машраб. Меҳрибоним, қайдасан. (Нашрга тайёрловчи: Юсупов Ж.) – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.416.

20. Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – Москва, Ленинград: Изд-во Академии наук СССР. 1948. – стр.78

21. Вамбери А. Очерки Средней Азии. Дополнение к “Путешествие по Средней Азии” А. Вамбери, профессора восточных языков при Пештском университете. – Москва: Издание А.И. Мамонтова, 1868. – 361 б.

22. Вохидов Р. “Мажолис ун-нафоис” таржималари. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 71.

23. Вяткин В.А. Ферганский мистик диванаи Машраб. // Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. А.Э. Шмидта. – Ташкент, 1923.

24. Гафурова Г. Развитие перевода в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1973. – стр. 160.

25. Гаврилов М.Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо. КазГиз. – Ташкент, 1927. – стр. 17.

26. Джураев К. Сопоставительное изучение поэтических переводов / в контексте межлитературных и межфольклорных связей / на материале русских переводов «Хамсы» А. Навои и узбекского эпоса “Алпамыш”/Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991. – Б.323.

27. Жумахўжа Н. Машраб ҳамма замонда исёндир. / Гулистон, № 5, 1998.

28. Жумахўжа Н. Хувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти. – Тошкент: “Маънавият маркази.” 1995.

29. Жумахўжа Н. Хувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талкин. / “Шарқ юлдузи”, № 4, 1998.

30. Жамол Камол. “Қизил, сориғ, яшил” // А. Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Нашрга тайёрловчилар А. Шаропов, Б. Эшпўлатов. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 137.

31. Жўрабоев О. Ҳазиний тўра. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 94.

32. Зоҳидов В. “Шоми ғариб”, шаккок ва исёнкор шоир. // “Ҳаётбахш бадийят тароналари”. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, – 1975, – 464 б.

33. Исматуллаев Ҳ. Вамбери олимми, жосус? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989, 12 май.

34. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б. 27 – 28.

35. Иванов С.Н. В красе нетленной предстаёт. – Москва: Наука, 1977. – стр. 5.

36. Карцев В. Жизнь и газели Машраба. // Литературный Узбекистан. – Ташкент, 1937.

37. Каримов Ш. Қ. Диллардан дилларга. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 52 б.

38. Кароматов Ҳ. Машраб ва қаландарлик тарикати манбалари. // Олими нуктадон ўзум. Мақолалар тўплами. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Ҳ. Ҳомидий. – Тошкент: 2006. – Б. 43.

39. Клименко А. А. К вопросу об украинско-узбекских литературных связях: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1967. – стр. 117.

40. Ликошин Н.С. Машраб. // Туркестанские ведомости. № 9 – 11, 1902 г.

41. Машраб. Девон. Нашрга тайёрловчилар Ваҳоб Раҳмонов ва Комилжон Исроилов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 352 б.

42. Мусурмонов Э. Р. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини: филол. фанлари номз. дисс... – Самарқанд. 1995. – 132 б.

43. Муродов М. Навоийшунослар жасорати. – Тошкент: Фан. 1972.– Б. 60.

44. Назаров Қ. (Тузувчи ва илмий муҳаррир). Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 408 б.

45. Нурматов Ў. Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” фожиаси. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 1991. – Б. 76.

46. Нурмуродов Й. Навоий жаҳон кезади. // “Фан ва турмуш”, № 2. 1991. Б. 8-9.

47. Олимов С. Проблемы воссоздания и трансформации поэтических фигур в переводе произведений Алишера Навои: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1985. – 201 стр.

48. Орзибеков Р. Хувайдо. // Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент: – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2006. – 272 б.

49. Охиратнома. – Тошкент, 1994.

50. Очилов Э. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Фил. фанл. номз. дисс. ... – Тошкент: 1994. – Б. 137.

51. Ражабов А., Матчанов М. О первоначальном процессе сбора рукописей произведений Навои в западной Европе (XVII-XVIII в.в.) // Роман-Герман филологияси, қиёсий адабиётшунослик ва тилшуносликнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч, 2010.- Б. 50-51.

52. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 94.

53. Саломов Ғ. Комилов Н. Дўстлик қўприклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.107.

54. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 190 б.

55. Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 191-192.
56. Сотимов У. Исследования жизни и творчества Алишера Навои в западноевропейском востоковедении. Дисс.... докт. филол. наук. – Москва, 1988.
57. Сотимов У. Навоий хусусида академик А. Курелла фикрлари. // “Гулистон”, № 7, 1990. – Б. 8 - 9.
58. Сотимов У. Немис адабиётида Бобур ва Алишер Навоий ижоди. // Адабий мерос. – № 2, 1984. – Б. 63–64.
59. Суюма Ғани қизи. Абадиятга назар. Алишер Навоий. Муножот. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 84.
60. Содиков З. Я. “Кутадғу билиг” таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Тошкент: Фан. 2007. – Б. 40-46.
61. Стрелковский Г. М. Пособие по переводу с немецкого яз. на русский и с русск. языка на немецкий. – Москва: Высшая школа. 1973. – стр. 168.
62. Тоджиходжаев М. Европа машрабшунослик мактаби ёки Машрабнинг янги ғазали.// Истиқлол йиллари: Миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши. V. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 37 – 41.
63. Тоджиходжаев М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши. // Адабиёт кўзгуси, № 5, Тошкент: 2000, – Б. 170 – 176.
64. Уватов У. Муслим ибн ал Ҳажжож. – Тошкент, 1995. – Б. 61.
65. Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода. – Москва: Высшая школа, 1983. – стр. 31.
66. Худайбердиев А. Жизнь и творчество Ходжаназара Хувайдо. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент: 1990. – стр. 7.
67. Худойберганов Ё., Маткаримов С. Ғарбий Европа навоийшунослигидаги дастлабки манбалар. // Роман-Герман филологияси, қиёсий адабиётшунослик ва тилшуносликнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч, 2010. – Б.51-53.

68. Хўжаназар Хувайдо. Девон. Эски ўзбек-араб ёзувидан нашрга тайёрловчилар: Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Қодиркул Рўзматзода. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 303 б.

69. Юсупов Ж. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 415 б.

70. Якубов С. Б. К проблеме взаимовлияния и взаимообогащения литератур // на основе материалов литературных связей Узбекистана и Германской Демократической Республики, 1960-1975 гг. // Автореферат дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – стр. 18.

71. Гафур Ғулом. Икки Машраб. // “Қизил Ўзбекистон”. 1959 йил 12 июл; Шу мақола яна: Адабий-танқидий мақолалар тўплами. – Тошкент. 1991. – Б.84–94.

72. Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 8.

73. Қаюмов А. Севгувчи кўнгул илтижолари. // Адабий мерос. № 1-Б, 1990. – Б.13-18.

74. Қиёматнома. Институт Востоковедения РФ., №-831.

75. Ҳажиева М., Ҳажиев С. Навоийнинг “Сабаъи сайёр” достони немис тилида. // Роман-Герман филологияси, қиёсий адабиётшунослик ва тилшуносликнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Урганч, 2010. – Б. 47-48.

76. Ҳамроева Д. Машрабга муносабат. // Олими нуқтадон ўзум. – Тошкент, 2006. – Б. 80.

*77. Ҳамроева Д. Раҳимбобо Машраб ғазаллари поэтикаси. филол. фанлари номз. дисс... – Тошкент, 2005.

78. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1961. – 295 б.

79. Ҳайитметов А., Умаров А. Шайх Аҳмад Тарозий. “Фунун ал-балоғи”. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 18.03.1994.

80. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова Ш. Адабиётшунослик терминлари луғати. 2-нашри. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1970. – Б. 138

81. Ҳошимхонов М. “Машраби мўътабар ўзум”. Иккинчи китоб. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 204 б.

82. Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзим. Учинчи жилд. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. – 400 б.

83. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б. 80-81.

Лотин имлосидаги адабиётлар:

84. Abel J.B., Pavet de Courteille M.M. Turkish literature. – London, 1902.

85. Abdalbaki Golpinarli. Mevlana'dan sonra mevlevilik. 2. baski. Istanbul: Inkilap ve Aka. – 1983.

86. Allworth Edward. The modern Uzbeks-from fourteenth century to the present: a cultural history studies of nationalities. Volume 373, of Hoover Press publication, Hoover Institution Press, Stanford university, California: 1990, p.137-140 and others.

87. Bartold W. Herat unter Husein Baiqara dem Timuriden. Deutsche Bearbeitung von Walter Hinz. Leipzig, 1938.

88. Becker Carl-Heinrich. Der Islam. X. 1920, S. 228.; //Islamstudien, II, 481 ff. 1920.

89. Brockelmann Karl. Osttuerkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasien. – Leiden, 1954.

90. Becker Carl-Heinrich. Martin Hartmann. // Der Islam. X . 1920. – S. 228-238.

91. Birnbaum Eleazar. The Ottomans and Chagatay Literature . An Early 16th centure manuscript of Nava'is Divan in Ottoman orthography, / Central Asiatic Journal, Nr. 20, 1976. SS. 157-190.

92. Das grosse Deustch - Russische Wörterbuch. In zwei Bänden. Band 2. Autoren. E.I. Leping u. a. – Moskau: Verlag “Sovetskaja Entsiklopediya”, – 1969. 780 S.

93. Detreul de Rins. Mission scientifique dans la Hautie Asie 1890-1895. Troisieme Partie: Historie – Linguistique – Archeologie – Geographie par F.Grenard.- Paris, 1898. - S. 233.

94. Der Dichter Maschrab. // Literaturen der Völker der Sowjetunion Hg. Prof. Dr. Harri Junger. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, – 1967. S.116.

95. Der Völker Liebesgarten. Gesammelt und herausgegeben von Paul Seliger. -Leipzig: Verlag Julius Zeitler, 1909. 500 S.

96. Der Koran. Das heilige Buch des Islam. Genehmigte Sonderausgabe 1999. Orbis. Verlag fuer Publizistik. – Muenchen. 1959. – 506 S.

97. Der Koran. Übersetzung von Rudi Paret.- Taschenbuchausg. – Stuttgart, Berlin, Köln: W. Kohlhammer Druckerei GmbH+Co, 1979. - 440 S.

98. Eckmann J. Die tschagataische Literatur.// Philologiae Turcicae Fundamenta II, – Wiesbaden: Ed.: Louis Bazin e.a. 1964, – S. 304 – 402.

99. Eckmann J. Chagatay Manuell. – Bloomington, – 1966.

100. Fuad Koprulu. Cagatay Edebiyeti. İslam Ansiklopedisi. – Istanbul. MEB. 1945. S. 316.

101. Gabain von A-M. Ösbegische Grammatik. – Leipzig, Wien: Otto Harrasowitz Verlag, 1945. 400 S.

102. Goethe von. J.W. Faust. – Berlin: Neues Leben, 1966, – 3-Ausgabe.

103. Gierlichs J. Kunst und Architektur zur Zeit Mir Ali Shir Nava'is. // Mir Alişir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Alişir Nawai am 23.April 2001. Herausgegeben von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. S.119 – 139.

104. Hartmann M. Čaghataisches. // Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. Herausgeben von Martin Hartmann (Berlin). – Berlin: Universitaetsbuchhandlung, 1902. – Heft 2. 108 S.

105. Hartmann M. Der weisse Narr und fromme Ketzer. // Der islamische Orient. – Heidelberg: Carl Winter's Universitätsbuchhandlung, 1902, 48 S.

106. Hartmann M. Der čaghataische Divan Hūweda's. // Westasiatische Studien. – Berlin, 1902. – S.132-155.

107. Hartmann M. Ostturkische Handschriften der Sammlung Hartmann. // Westasiatische Studien, 1904. – MSOS zu Berlin. – S.1 – 21.

108. Hartmann M. Das Buchwesen in Turkistan und die türkischen Drucke der Sammlung Hartmann. // Westasiatische Studien, 1904. – MSOS zu Berlin. – S. 69-104.

109. Hartmann M. Chademgai. // Orientalische Literaturzeitung. – Berlin, 1903. – S. 361 – 368.

110. Hartmann M. Beiträge zur Kenntniss des Orients. //WZf.d.KM. B.1. – Berlin, 1903.

111. Hartmann M. Archäologisches aus Russisch Turkistan. // Orientalische Literaturzeitung. B.VIII.- Berlin, 1905. – B. IX, 1906.

112. Hartmann M. Eine Grabstelle aus Taschkent. // Orientalische Literaturzeitung, 20.12.1905.

113. Hartmann M. Zur Geschichte Euroasiens. // Orientalische Literaturzeitung, B.VII. – Berlin, 1904. – S.291 – 303.

114. Hartmann M. Chinesisch Turkestan. – Berlin, 1906. Geschichte, Verwaltung, Geistesleben und Wirtschaft von Prof. Dr. Martin Hartmann. – In Hernsdorf (Mark). Hillaebau Schwetkühle Druckerei and Verlag m.b.H. 1908. – 633 S.

115. Hartmann M. Ein türkischer Text aus Kaschgar. // Keleti Szemle, B.VI. – Budapest, 1906.-S. 26-65.

116. Hanisch Ludmila. (herausgegeben und kommentiert) "Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht". Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914.-Leipzig: Otto Harrasowitz Verlag, 2000. – 400 S.

117. Harri Junger.-Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967.- S. 296-297.

118. Heinrich Heine. Buch der Lieder. Heines Werke in fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. – Weimar: Volksverlag, 1961.- S. 238

119. Hedin Pett. Die geographisch – wissenschaftlichen Ergebnisse meiner Reisen in Zentralasien 1894-1897. Von Dr.

Swen Hedin. – Gotha: 1900, (Petermann Ergänzungsheft No. 131).

120. Humboldt W. von: Sein Leben und Werken, dargestellt in Briefen, Tagebüchern und Dokumenten seiner Zeit.

121. Hugo Makas. Kurdische Studien. – Heidelberg: Carl Winters Universitätsbuchhandlung, 1902. – 109 S.

122. Ismailov H. The visible and invisible in Nawa'i's works. // Mir Ališir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Ališir Nawai am 23 April 2001. Herausgegeben von Kellner – Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S. 77-84.

123. Kadiri A. Die Liebenden von Taschkent. Uebersetzt von Arno Spaecht. – Berlin, 1968.

124. Kellner – Heinkele B. Mir Ališir Nawa'i-Eine Skizze zum historischen Hintergrund. // Mir Ališir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Ališir Nawai am 23. April 2001. Herausgegeben von Kellner – Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S.1-15.

125. Kleinmichel S. Alischer Nawai über das Lachen // Bamberger Zentralasienstudien, Konferenzakten ESCAS IV, Bamberg: 8-12 Oktober, 1991 = Islamkundliche Untersuchungen. Band 185. – Berlin, 1994. – S. 205-215 (206)

126. Kleinmichel S. Mir Ališir Nawa'i und Ahmed Paša. Offprint from Archivium Ottomanicum. Edited by Gyorgy Hazai. – Berlin: Harrasowitz Verlag, 1999. – S.77-78.

127. Kleinmichel S. Nawa'i be-Nawa. // Mir Ališir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Ališir Nawai am 23 April 2001. Herausgegeben von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S. 85-97.

128. Kirchner M. Nawais Laila und Madschnun. // Mir Ališir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Ališir Nawai am 23. April 2001. Herausgegeben von Kellner – Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S.85 – 97.

129. Le Petit LAROUSSE. 21. RUE DU MONTPARNASSE 75283. – Paris, Cedex 06, 2000. – p. 487.

130. Light Nathan. Imitage heritage creating Uyghur muqam song in Xinjiang. – Muenster – Hamburg – Berlin – Wien – London: LIT – Verlag, 2006. – 500 S.

131. Light Nathan. Slippery Paths: The Performance and Canonization of Turkic Literature and Uyghur Muqam Song in Islam and Modernity (Folklore, Indiana University, 1998. Henry Glassie, chair.)

132. Levin Theoder Craig. The houndred thousand fool of God//[http. books. google. de](http://books.google.de).

133. Machrab. Le vagabond flamboyant. Anecdotes et poèmes soufis. Traduit de l'ouzbek et presente' par Hamid Ismailov, avec la collaboration de Jean – Pierre Balpe. Connaissance de l'Orient. – Paris: Editions Gallimard, 1993.

134. Mehemet Sadiq. Ussi lisoni turki.-Istanbul, 1888 // Hartmann M. Čaghataisches. Materialien zu einer Geschichte der Sprachen und Literaturen des vorderen Orients. – Berlin, 1902. – S.1-5 und andere.

135. Menges K-H. Drei o'sbekische Texte. // Der Islam. Band XXI. – Berlin, Oktober, 1933. – S. 141-194.

136. Muhammad Sadiq. Taskirai asison von M.Sadiq. Ein Heiligenstaat in Islam. (uebersetzt von Martin Hartmann) – Berlin: Wolf Preiser Verlag, 1905. – 400 S.

137. Navoi, Nisomiddin Alischer // Lexicon der Weltliteratur. Fremdsprachige Schriftsteller und anonyme Werke von den Anfängen biz zur Gegenwart. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut, 1967. – S. 547 - 548.

138. Navoi, Nisamiddin Alischer // Literaturen der Völker der Sowjetunion / Hg. Prof. Dr. Harri Junger. – Leipzig: VEB Bibiliographis. Institut, 1967. – S. 296-297.

139. Paul Junger. Darstellung von Usbeken in ausgewählten timuridischen Quellen. // Mir Ališir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Ališir Nawai am 23.April 2001. Herausgegeben von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S.15-36.

140. Radlov W. Vergleichende Grammatik der nördlichen Türkssprachen von Dr. W. Radloff. Teil 1. Phonetik. Leipzig, 1882. – S.23. /

141. Seidel A. (Hg.): Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur. – Weimar: Verlag von Emil Felber, 1898. – S. 93-94.

142. Vambéry H. Zwei moderne centralasiatische Dichtermunis und Emir. // Wiener Zeitschrift f. die Kunde des Morgenlandes. – Wien: 1892. – S. 4-5.

143. Vambéry Hermann. Mohammed in Asien. Verbotene Reise nach Buchara und Samarkand. 1863-1864 Herausgegeben von Peter Simons. – Stuttgart-Edition Erdmann in K. Thienemanns. 1983. – S.14.

144. Mahmud Fidancı. Sah Mesreb menekib – nemesi (dnceleme – Metin – Sozluk). İstanbul Universiteti. Sosyal bilimler Enstitüsü (Yayınlanmamış Doktora tezi). – İstanbul, 1994. // [http // www. yok.gov.tr.](http://www.yok.gov.tr;);

145. Römer C. Zur osmanischen Wiedergabe tschagataischer Verbformen im taschagataisch-osmanischen Wörterbuch Abuşqa (16 Jh.) In: Mir Alişir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Alişir Nawai am 23 April 2001. Herausgegeben von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S. 59-76.

146. Riesel E., Schendels E. Deutsche Stilistik. – Moskau: Verlag Hochschule. – 1979. – S. 140-147.

147. Schöning C. Das Bild Nawa'is im Babur Name. // Mir Alişir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Alişir Nawai am 23. April 2001. Herausg. von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S. 37-58.

148. Taube E. Alişir Nawa'i in den Märchen der centralasiatischen Völker. // Mir Alişir Nawai. Akten des Simposiums aus Anlaß des 560. Geburtstages und des 500. Jahres des Todes von Mir Alişir Nawai am 23 April 2001. Herausgegeben von Kellner-Heinkele & Sigrid Kleinmichel. – Würzburg: Egon – Verlag, 2003. – S.47-58.

Интернет материаллари:

1. Babarahim Mashrab. //www. myspace. com /maharasha;
2. www. youtube.com // maharasha. (2006 йил 15.01);
3. http. books. google. de.
4. www. yok. gov/tr.
5. www.journals.uchicago.edu.
6. www.jstor.org.stable.1568940.
7. www.archive.org/stream.
8. www.lit-verlag.de /isbn/3-8258-1120-4
9. www. utoledo.edu.
10. www. Oxford muslim music festival.uk.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-боб. Мартин Хартманн – ўзбек тили ва адабиётининг Ғарбдаги тадқиқотчиси.....	11
1.1. Мартин Хартманнинг “Чигатой тили” дарслиги хусусида.....	11
1.2. Алишер Навоий ижодига меҳр.....	32
1.3. Навоий ғазали Хартманн таржимаси ва талкинида.....	45
2-боб. Мартин Хартманнинг Машраб шахси ва ижодига оид тадқиқотлари.....	60
2.1. Европа машрабшунослик мактабининг шаклланиши.....	60
2.2. Мартин Хартманнинг “Машраб – доно телба ва авлиё дахрий” асари ҳақида.....	80
2.3. Таржима жараёнида йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг юзага келиш сабаблари.....	97
2.4. Хартманнинг Машраб қадамжолари бўйлаб сафари.....	101
3-боб. Мартин Хартманнинг “Девони Ҳувайдо”га оид тадқиқотлари.....	110
3.1. “Девони Ҳувайдо”нинг Тошкент ва Истамбул нашрий нусхаларидаги айрим тавофовутлар ва уларнинг таржимадаги инъикоси.....	110
3.2. Таржимага жалб этилган ғазаллар.....	119
3.3. Муножот таржимаси муаммолари.....	122
3.4. Девонлардаги бошқа тафовутлар.....	127
3.5. “Девони Ҳувайдо”даги исломий истилоҳларнинг немисча таржималари.....	130
3.6. Муножот таржимасида шакл ва мазмун бирлиги.....	133
Хулоса.....	157
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	166

Ўзбек адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида [Матн] / Тоджиходжаев М. — Тошкент: “BAYOZ”, 2016. — 180 б.

ISBN 978-9943-46-43-8-4

УДК: 821.512.133'25:811.112.2

ББК: 83.3(5Ў)

Мусо Тоджиходжаев

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ МАРТИН ХАРТМАНН ТАРЖИМАСИ ВА ТАЛҚИНИДА

Техник муҳаррир

Дилшод Хўрозбоев

Дизайнер

Баҳодир Тўхлиев

Саҳифаловчи

Бекзод Раҳматов

Босишга рухсат этилди: 01.11.2016.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60х84 1/16.

Times гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб нашриёти: 7,5. Шартли б.т: 11,25.

Адади 310 nusxa. Буюртма № 18.

“BAYOZ” нашриётида нашрга тайёрланди

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

ISBN 978-9943-4643-8-4



9 789943 464384